



# Ёшлар

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЁЗУВЧИЛАР СОЮЗИНИНГ ОРГАНИ

Бош редактор:  
Эркин ВОҲИДОВ

Редакцион коллегия:

Саид АҲМАД,  
Эркин АЪЗАМОВ,  
Баҳодир ЖАЛОЛОВ,  
Гулчеҳра ЖУРАЕВА,  
Андрей ДЕМЕНТЬЕВ,  
Олимжон ИСМОИЛОВ,  
Фёдор КАМОЛОВ,  
Муроджон МАНСУРОВ  
(бош редактор ўринбосари),  
Омон МАТЖОН,  
Хайриддин СУЛТОНОВ  
(масъул секретарь),  
Худойберди ТУХТАБОВЕВ,  
Шароф УБАЙДУЛЛАЕВ,  
Улмаббет ХУЖАНАЗАРОВ,  
Урне ЭДЕМОВА,  
Ўткир ҲОШИМОВ.

ОЙЛИК  
АДАБИЙ-  
БАДИИЙ,  
ИЖТИМОИЙ-  
СИЕСИЙ  
ЖУРНАЛ



(25)

1984

ЙИЛ,

ЯНВАРЬ

ТОШКЕНТ  
Ўзбекистон ЛКСМ  
Марказий Комитетининг  
«Ёш гвардия» нашриёти

# МУНДАРИЖА

Абдулла <b>ОРИПОВ</b> . Инжу диёр учун . . . . .	3
<b>«ЕШЛИК» ЙЎҚЛАМАСИ</b>	
Иброҳим <b>ФОЗИЛОВ</b> . Достонларда битган гулистон . . . . .	4
<b>НАСР</b>	
Анвар <b>ОБИДЖОН</b> . Олтин юракли автобола. Фантастик қисса . . . . .	10
<b>НАЗМ</b>	
Эргашали <b>АБДУЛЛАЕВ</b> . . . . .	5
Ҳабибулло <b>САИДҒАНИ</b> . . . . .	29
Собир <b>ЖАББОР</b> . . . . .	28
Малика <b>МИРЗАЕВА</b> . . . . .	28
Мақсуда <b>ЭРГАШЕЗА</b> . . . . .	8
Ҳалима <b>ХУДОЙБЕРДИЕВА</b> . . . . .	30
<b>ПУБЛИЦИСТИКА</b>	
Қодиржон <b>СОБИРОВ</b> . Дунёни сен тебратасан... . . . .	33
Қамчибек <b>КЕНЖА</b> . Раиса . . . . .	37
<b>МАЪНАВИЙ ОЛАМ</b>	
Шодмонбек <b>ОТАБОВ</b> . Садоқат синови . . . . .	41
<b>МУҲОКАМА, МУЛОҲАЗА, МУНОЗАРА</b>	
Мамажон <b>РАҲМОНОВ</b> . Театр — етакчи куч . . . . .	44
Азиз <b>САИДОВ</b> . Партер нега бўш? . . . . .	44
Абдулла <b>ОРИПОВ</b> . Истеъдодга ишонмоқ керак! . . . . .	45
Ақбар <b>ЮНУСОВ</b> . Ижодий жасорат қани? . . . . .	45
Хуршид <b>ДАВРОН</b> . Юракка йўл излаш зарур . . . . .	46
Малика <b>ИБРОҲИМОВА</b> . Янги куртак . . . . .	47
<b>АДАБИЙ САБОҚ</b>	
МИРТЕМИР. Жиндак ўғит . . . . .	48
<b>«ЕШЛИК» БАҲСИ</b>	
Эркин <b>ЮСУПОВ</b> , Фозилжон <b>ИСМОИЛОВ</b> . Камолотнинг чегараси йўқ . . . . .	51
<b>ХАЕТ БЎСТОНИ</b>	
Юрий <b>АНДРЕЕВ</b> . Бахтли бўл, ўғлим! . . . . .	54
<b>БИР КЎНГИЛ ИЗҲОРИ</b>	
Жамшид <b>ПИРИМОВ</b> , Шойим <b>БУТАЕВ</b> . Икки ўт орасида . . . . .	70
<b>НАФОСАТ ЧАМАНИ</b>	
Ҳамид <b>ҚАҲРАМОНОЗ</b> , Тўра <b>МИРЗО</b> . Телетеатр ташвишлари . . . . .	73
<b>АДАБИЙ ДЎСТЛИК — АБАДИЙ ДЎСТЛИК</b>	
ян <b>СУДРАБКАЛН</b> . Рус халқига. Шеър . . . . .	76
Ғалим <b>СЕЙТНАЗАРОВ</b> . Дашт ўлкаси. Боғлар. Шеърлар . . . . .	76
<b>ЕШЛИКНИНГ АҚЛ ТИШИ</b>	
Абдуғани <b>АБДУВАЛИЕВ</b> . Янги йилдан бошлаб . . . . .	78
Ориф <b>ФАРМОН</b> . Керак, керак . . . . .	78
Уртоқлик ҳазиллари . . . . .	79



## МУҚОВАДА:

«Сенинг замондошларинг» туркумидан:

Б и р и н ч и б е т: СССР Енгил sanoat министрлигининг 4-дават лойиҳа институти бош инженери, коммунист Хотам Иноғомов. Т ў р т и н ч и б е т: Урганч аэропорти диспетчери Сафаргул Аҳмедова. Б. Мизроҳини фотолари

Абдулла  
Орипов

## Инжу диёр учун

Қутлуғ давраларда жам бўлган маҳал,  
Дўстларга бахт тилаш азалий одат.  
Келадиган бу йил тинч бўлсин аввал,  
Бахш этсин ҳар кимга олий саодат.

Ёшлик — бу карвоннинг эрка норидир,  
Дарёдай тошқиндир, жилға каби соф.  
Ёшлик — келажакнинг халоскоридир,  
Сира тарк этмасин ёшликни инсоф.

Мўътабар оналар — хонамиз кўрки,  
Оталар ҳаётдир — ёруғдир жаҳон.  
Тириклик номига бир ўтинч шулки,  
Ўртага тушмасин бемаҳал ҳижрон.

Инжу диёримиз кўз бўлса агар,  
Мудом омон бўлсин тўғарак замин.  
Бошимиз силаган Ватан музаффар  
Дафъатан чекмасин фарзандлар ғамин.

Янги йил шаънига айтмоқдамиз сўз,  
Балки ўтиб кетар бир зум бу фараҳ.  
Юртнинг толеини айласин кўз-кўз  
Миллион чаноқларда кўпирган қадах.



Қиш эртаги.  
А. Жумаев фототюди.



Маълумки, бу йил октябрь ойида Ўзбекистон Коммунистик партияси ва Ўзбекистон ССР ташкил топганига 60 йил тўлади. Шу кеча-кундузда жонажон республикамизнинг барча меҳнат аҳли бу қутлуғ байрамни муносиб кутиб олиш мақсадида зўр уюшқоқлик ва кўтаринки руҳ билан тайёргарлик кўрмоқда.

Ўзининг ҳайратомуз суръати, миқёси ва шиддати билан олтимиш асрга тенг бу олтимиш йил республикамиз тарихининг буюк ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий босқичлари билан чамбарчас боғлиқ. Бу давр мобайнида ҳаётимизда рўй берган оламшумул ўзгаришларга бутун жаҳон аҳли гувоҳ.

Яқинлашиб келаётган бу улкан байрам муносабати билан журналимиз редколлегияси республика областларининг ижодий йўқламасини ўтказишга қарор қилди. Дастлабки сўз — Фарғона области ёш ижодкорларига!

## Иброҳим Фозилов,

Фарғона область комсомол  
комитетининг биринчи секретари

# Достонларда битган гулистон

Фарғона областида яшаб, ижод этган, шу ерда қаламини чарҳлаб кетган ўнлаб талант соҳиблари республикамиз пойтахтида меҳнат қилаётирлар. Уларнинг роман ва повесть, дoston ва шеър, ҳикоя ва пьесаларида водийдаги саҳийқалб, дилқаш, меҳнатқаш кишиларнинг ёрқин образлари ўз ифодасини топган.

Оталар ўрнини фарзандлар эгаллайди. Азалдан шундай бўлган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Халқимизнинг, адабиётимизнинг фаҳри бўлиб қолган ижодкорлар ўрнига янгидан-янги қайноқ қалб қалам соҳиблари кириб келмоқдалар. Улар ўз асарларида эртаклардагидай гўзал ўлка ва унинг ажойиб кишиларини мадҳ этаётирлар, элнинг юрагидаги гапаларни жўшқин сатрлар орқали сўзлаб бермоқдалар.

...Олтиариқлик оддий ўқитувчи Мақсуда Эргашеванинг номи республикамиздаги кўплаб шеър ихлосмандларига таниш. Унинг янги фикр тўла, жозоба тўла шеърларини ўқир экмансан, узоқдан ҳориб, чарчаб, чанқаб йўл босган ҳолда тиниқ бир чашмага дуч келгандай ҳис қиласан ўзингни. Фарғона диёрида бундай иқтидорли ёшлар анчагина. Алишер Ибодинон ва Сайдали Олимов, Матлуба Аҳмедова ҳамда Баҳодир Исомов, Анвар Юнусов, Ҳабиб Сайдганиев, Ўрмон Омонов, Қодир Деҳқонов ва бошқалар шулар жумласидандир. Уларга номлари республикага кенг танилган Охунжон Ҳакимов, Йўлдош Сулаймон, Адҳам Ҳамдам, Малика Мирзаева каби ёзувчи ва шоирлар устозлик қилмоқдалар.

Область комсомол комитети ёшлар ижодининг янада раванқ топиши борасида кун сайин фамхўрлик қилиб келмоқда. Энг яхши ижодкорларга йил сайин область Ленин комсомоли мукофоти лауреати унвони берилаётир. Фарғона шаҳрида область ижодкор ёшларининг «Чашма» адабий уюшмаси ишлаб турибди. Унга Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати таниқли ёзувчи Йўлдош Сулаймон раҳбарлик қилади. Бундай ижодий уюшмалар Марғилон ва Қўқон шаҳарларида, қатор районларда ҳам мавжуд. «Субҳидам», «Ниҳол», «Илҳом», «Қалдирғоч» деб аталган бу уюшмалар атрафига ўнлаб ижодкор ёшлар бирлашганлар. Уюшмаларнинг мунтазам ўтказиб туриладиган йиғилишларида ёш ижодкорлар олдида турган долзарб масалалар белгилаб олинади. Ёшлар ўзларининг янги асарларини муҳокама қиладилар.

Шу кунларга келиб Ёзувчилар союзи область бўлимининг аъзолари 19 нафарга етди. Улардан деярли ярми ёшлардан иборат. Кейинги йилларда кўпгина ёшларимизнинг дастлабки китоблари чоп этилганлиги ҳам фикримизнинг далилидир. Гўзал Фарғона диёри ижодкорларга бой. Бундан кейин ҳам улар адабиётимизни янги, ўқишли асарлар билан бойитишларига шубҳа йўқ. Бунда ёш ижодкорлар, албатта, биринчи ўринда борадилар.



Фарғона... Ўрта Осиёни олтин узукка қиёс қилсалар, Фарғонани унинг марварид кўзига таққослайдилар. Атрофи тоғлар билан ўралган ажиб, хушманзара диёр бу. Мана шу жаннат табиат ўлкада яшаб, шўх-шўх кўшиқлар куйламаслик, шеърлар, достонлар ёзмаслик, — қалбдаги ҳис-туйғуларни мусиқа оҳанглари, қайноқ сатрларга жо этмаслик мумкин эмас, менимча.

Фарғона адабиётимиз алломаларидан Маҳмур ва Гулханийнинг, Нодира ва Увайсийнинг, Хозиқ, Муқимий, Фурқат, Завқий ва Анбар отининг ватани бўлганлиги ҳам бежиз эмас. Ўзбек совет адабиётининг асосчиларидан Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ўзининг ўтли, шиддатли, революция руҳи билан сўғорилган асарларини мана шу ерда яратди.

Фарғоналик совет даври ёзувчилари эса адабиётимиз фаҳри бўлган ижодкорлар анъаналарини шараф билан давом эттирдилар. Улар қаторида Усмон Носир, Ҳасан Пўлат, Абдулла Қаҳҳор, Собир Абдулла, Асқад Мухтор, Иброҳим Раҳим ва бошқа шоир ҳамда адабларнинг номларини санаб ўтиш мумкин.

Заъфар баргларида бор не ёзиқлар,  
Ипдай нозик тани не офатга шай.  
Қай ёвқур шамоллар қаҳридан йиғлар,  
Қай совуқ жонини олар билдирмай!

Сокин ўйларимга кирар бу нидо,  
Дилгир юрагимга қилар ҳужумлар —  
Айни ёз ҳаётга айтарлар видо,  
Мунғайиб боқарлар рангсиз узумлар.

Биламан, йиғламоқ, саботсизга эп,  
Чораи ҳолим йўқ лекин шу зумда,  
Дуогўй онамнинг юзларими деб  
Юзларимни босдим сўлғин ғужумга!

Жонланиб кетади новдалар бирдан,  
Йўл тўсиб илинар менинг баримга.  
Ҳар гал сафар чоғи кетманг, деб болам  
Ёпишгани каби оёқларимга.

Мен қандай олайин эркимни қўлга,  
Таскинлар берайин ўзимга-ўзим,  
Йирокда

кун санаб, нигорон бўлган  
Ёрим кўзларидай мўлтирар узум.

Назарсиз, узлатнинг мўъжизаси бу,  
Наҳотки, шу кемтик қисматни кутди —  
Туғилиб, рўшнолик кўрмаган орзу,  
Севиб, севилмаган кўнгилдек худди!

Етилсин, карсиллаб, шарбатга тўлиб,  
Асал ойлар билан топсин у висол.  
Шафқат кўзготмасин кўрганда сўлиб,  
Ёшликда бой берган кунларим мисол.

Ва бир кун сайёҳнинг қадами етсин,  
Хушлаб узиб олсин, суйиб боссин лаб.  
Хизр учради, деб кувониб кетсин  
Узумлар омадли одамга ўхшаб.

Гарчи буюкликда тоғлар андармон,  
Минг бир хил неъматлар яшнар  
маъвода —

Ҳавода ҳайқирар бир ювош армон,  
Бир ёввойи қайғу йиғлар ҳавода!..

Кўзимда кўзининг сурати йўқдир,  
Узимда бир жунун сийрати йўқдир,  
Сийратимда агар журъатим йўқдир,  
Сени севишимга ишонма, дилбар.

Маили, ёруғ висол, маили, қаро ғам,  
Мукамбар ишончли асрай олмасам.  
Йиғлаб, оёғинга бош урганда ҳам,  
Сени севишимга ишонма, дилбар.

Сулҳталаб бўлса-ю, бу озурда жон,  
Севгимни мағлублик йиқса ногоҳон,  
Ошиқлигим ёлгон, дардларим ёлгон,  
Сени севишимга ишонма, дилбар.



**Эргашали  
Абдуллаев**

Шукур, мен омонман, сен ҳам омонда,  
Кетсак икки ўқдек мисли камондан,  
Бир фарёд қолмаса Қўқон томонда,  
Сени севишимга ишонма, дилбар!..

Бугун ол қадаҳда бир култур майсан,  
Истайсан шўх давра

ва беғам тинчлик.  
Тунги эртақларга ўзни ургайсан,  
Кундузги эртақлар сенга кўрқинчли.

Эртага-чи,  
сезиб турмасми қалбинг,  
Сезмасми не дарднинг юки эзади?  
Тунги эртақларга ярамай қолгинг,  
Кундузги эртақлар сендан безади!

Тунлар бедор кечмас шундоқ,  
аслида,  
Ўйлама, ғамгузор кунлар ҳам бекор.  
Сенинг туғёнларинг интиҳосида  
Менинг туғёнларим интиҳоси бор.

Кун келар кечиккан баҳорга ўхшаб,  
Юракка фароғат келар изма-из.  
Оташ бўсаларни ичармиз  
қақшаб,

Йиғлаб,  
бахтимизга ишонмаймиз биз...  
\* \* \*

Тонг  
ишга жўнаймиз сокин кўчадан,  
Кўзимизда тунги фараҳ излари.  
Гуп этиб урилар димоғимизга  
Райҳонми,  
қалампирмунчоқ ислари...  
Кенгайиб кетаркан, юрак сурурдан,

Шукур қилайлик биз бир дам, келинлар,  
Дунёда,  
қайси бир юрда бўлмасин,  
Уйғотди,  
хайрли  
кунни келинлар!

## Хурсандлик

Хурсандлик,  
синашта дўстлармиз бизлар,  
Не-не синовларни бирга кечирдик.  
Сен оби раҳматинг мўл қилган кезлар  
Томчисин ҳам қўймай, шеърга ичирдим!

Кулсам ҳайқириққа айландим гоҳи,  
Қанотин синдирдим кузгун ғамларнинг!  
Қалбдаги чақинли осмон янгроғи  
Зарби — садосидир ўша дамларнинг.

Хурсандлик,  
асрасак бўлди ғурурни.  
Саботда сарғаймай, яшашда толмай —  
Йўқотмай эртаги бир кучок нурни,  
Бир соғлом кўшиқдан айрилиб қолмай!

Ноумид яшамас, йўқ, одам зоти,  
Қайбир жабҳадаки, бир тарафдасан,  
Уқларга қарши сен ёруғлик отиб,  
Шамси байроғингни тутиб, сафдасан.

Сен борсанки, имон ғубордан холи,  
Ҳар қачон ҳушёрмиз, ҳар қачон бардам.  
Ахир, инсоният билган энг олий,  
Буюк хурсандликдир коммунизм ҳам!

Магар бу рўшнолик бўлмаса асти,  
Қоврилиб ўлардим нафрат-қаҳримда.  
Оғриқдан бақириб куйлай олмасдим  
Ўт-олов дунёни босиб бағримга.

Хурсандлик, қисматнинг азаллиги йўқ,  
Гарчи бу умримиз — бир соний ҳолат,  
Жами қадоқ қўллар,  
Жами фидо руҳ  
Жаҳонгирлик учун сенга кафолат!

## Надежда Курченко

[1970 йилда Сухуми-Батуми маршрутидаги самолётда ватан хоинлари билан тўқнашувда ҳалок бўлган жасур стюардесса хотирасига]

Наҳотки, йўқотиб қўйсам осмонни,  
Кўзимга туманлар қуйилмай турсин.  
Ҳайқирай энг сўнгги сўзни — имконни,  
Дўстлар, учишингиз мароқли бўлсин!



Юксакдан қуламоқ ўлиммас, шараф,  
Фақат юксакликда паймона тўлсин.  
Бироқ тўйиб олай мен сизга қараб,  
Дўстлар, учишингиз мароқли бўлсин!

Йиғламанг, ҳур кетган қизингизга ҳеч,  
Айтинг, юлдузларга эл бўлиб юрсин.  
Майли, оппоқ саҳар, майли, сокин кеч,  
Дўстлар, учишингиз мароқли бўлсин!

Мабодо, номимни эслар бўлса ким,  
Гўзал Сухумида гуллар барқ урсин.  
Тилайман, ўртада йигирма ёшим,  
Дўстлар, учишингиз мароқли бўлсин!

Кўкда ҳамроҳ бўлса бир кун агарда,  
Ё парча оқ булут порласа сим-сим,  
У — менман, ўлмаган руҳим сафарда,  
Дўстлар, учишингиз мароқли бўлсин!..

\* \* \*

Баъзида дилгирман, изтиробим ортар,  
Даҳшатли ўйларга бойланиб.  
Тушларимга кирар,  
Оёғимдан тортар  
Дунёнинг дарз кетган жойлари!

Шараф тож бошдами?  
Инсонлик омонми?  
Қолмайлик, ҳей, тавқи лаънатга —  
Тўпларга тутмоқда ким қўшни томонни?!  
Ким сокин сувларни лойлатган

Мен ўктам яшайман боламга ишониб,  
Топганим-тутганим боламга.  
Сиз ҳам бахтиёр шу қутлуғ ўтда ёниб,  
Ҳар қалба ёлғиз шу аланга!

Бор бўлсин дунёда оналар, аллалар,  
Ҳаётда тинчликдек қоида.  
Болалар юрибди, шўх болалар  
Дунёнинг дарз кетган жойида!..



## ШОИРДА ЭҲТИРОС БЎЛСА

Шоир деган шундай ёзсинки, бесабр китобхон уни тикка туриб ўқиса ўлтириш эсидан чиқсин, ўтириб ўқишга тушса оёғи увишиб, ўрнидан туролмай қолсин. Яхши шеър ёзиш учун шубҳасиз истеъдод бўлиши керак. Лекин шоир учун муҳим яна бир туйғу бор. Бу — эҳтирос.

Эргашали Абдуллаев шеърлари эҳтиросга тўла. Улардан райҳонми, қалампирмунчоқ ислари уфуриб турибди. Қўқон томонларнинг ҳиди келяпти. Шоирнинг тили ширали, равон, муҳими, у ўқувчини ҳурмат қилади, унга айтмоқчи гапини билади ва завқланиб айта олади.

Сўлинқираб қолган бир бош узумни тасаввурингиз кафтига қўйинг-да, уни истаган нарасага қиёсланг. Кейин маънос бир тиниқлик билан йўғрилган мана бу мисраларни такрорлаб кўринг:

Биламан, йиғламоқ саботсизга эп,  
Чоран ҳолим йўқ лекин шу зумда.

Дуогўй онамининг юзларини деб  
Юзларинини босдим сўлгин гужумга...

Жуда ўринли ўхшатиш, тўғри эмасми!..

Ҳақиқий шоир ўқувчининг хаёлида шу нарсани бир ўқигандаёқ уни ўзи маъқуллайдиган ва завқланадиган тарзда куйлай олади. Эргашалининг шеърларида шундай бир солиқлик, самимият борки, у билдирмай сизни сокин мушоҳада сайхонига эргаштириб кетади. Аввалига жўнгина туюлган мисралар мағзини англай бошлайсиз, бениҳтиёр шоирга қўшилиб унинг фикрларини маъқуллашга тушасиз: ҳақиқатан коммунизм бу — «буюк хурсандлик», келинлар хайрли кунни уйғотувчилар...

Эргашали Абдуллаев шеърларида менга ёққан яна бир фазилат бу мавзу ранг-баранглиги. У ниҳоятда оддий ва чуқур мушоҳада билан ўқиш керак бўлган шеърларни ёза олади.

Менимча «Ёввойи узум» шеъри бироз чўзилиб кетган. Ток танасини нозик ипга ўхшатиш ҳам қандайдир эриш туюлади. Умуман, шеърлар бир ўқувчи сифатида мени жуда завқлантирди. Мен Эргашалини танимайман, кўрмаганман, лекин шеърларини ўқиб туриб қиёфасини тасаввур қилдим: у шоир, яхши шоир!

Муҳаммад ЮСУФ

## СЎЗ ҚАДРИ БАЛАНД

Ижодкорга маълум, шеърда бир сўзгина эмас, ҳатто вергул ёки нуқта ҳам ўз ўрнида ишлатилмаса, мазмунга, оҳангга путур етади. Эҳтимол, бундай «икир-чикир»га эътибор бериш — кимгадир тирноқ остидан кир қидиришдек туюлар, лекин ижодкор мукамалликка интилиши қонун-ку!

Эргашали Абдуллаевнинг «Ёввойи узум» шеъри бир қарасангиз, тузукка ўхшайди... Аммо бугунги кунда биз бундай шеърларни ўртамеъна деб атаймиз.

Бундан ташқари, кичик ёлғонлар бор. Маълумки, ёввойи узум тоғ ён бағирларида ўсади. Муаллиф уларни таърифлай туриб, «рангсиз узумлар», яна бир жойда «сўлгин гужум» деб ишлатади. Шоир совуқ урган сўлгин узумнинг албатта бирор рангда бўлишини яхши билса керак эди...

Дуогўй онамининг юзларини деб  
Юзларинини босдим сўлгин гужумга,—

дейди шоир. Шубҳасиз, сентименталлик инсон қалбининг ҳамроҳи. Киши ойга қараб хўрсиниши, тупроқни ўпиши, китоб қахрамонларига тақдир қилиши мумкин. Аммо мевани ҳеч қачон юзига босмайди! Шеърда яна шундай сатрлар бор:

Жонланиб кетади новдалар бирдан,  
Йўл тўсиб иллар менинг баримга,  
Ҳар гал сафар чоғи кетманг, деб болам  
Епишгани каби оёқларимга.

Тўғри, шеърда муболага бўлмоғи лозим, лекин у маълум бир фикрни очишга хизмат қилсин. Бу шеърдаги манзара муболага эмас, тўғри ҳаракат сифатида идрок қилинади. Шеърдаги энг катта нуқсон — унда изчиллигининг етишмаслигидир. Шеърда илиқ сатрлар ҳам йўқ эмас:

Ва бир кун сайёҳнинг қадами етсин,  
Хушлаб ўзиб олсин, сўйиб боссин лаб.  
Хизр учради, деб қувониб кетсин  
Узумлар омадли одамга ўхшаб.

«Кўзимда кўзинининг сурати йўқдир», деб бошланадиган шеърнинг бошланиши ҳам ўта самимий. Лирик қахрамоннинг севгилисига икром образли ифода этилган. У кўзида севгилисининг сурати, ўзида бир жунун сийрати, сийратида агар журъати йўқ бўлса, севгиси ёлғон эканлигини айтади. Кейинги сатрлар эса худди шу фикрнинг қайтариғи, жўн ифодаси бўлиб қолган. Шеър охири эса анча изтиробли, табиий:

Шукур, мен омонман, сен ҳам омонда,  
Кетсан икки ўддек мислн камонда,  
Бир фарёд қолмаса Қўқон томонда,  
Сени севшимга ишонма, дилбар!

Ҳақиқий ошиққа хос бу нидо ўқувчини ҳаяжонга солади, унинг дардига ошно бўлади. Назаримда, Э. Абдуллаевдаги бу истеъдод амалга оширилмаган имкониятдир. Биз бу имкониятларда шоирнинг ўз кулгиси, йиғиси, қувончини, ўзига хос образли ифодаларини кўришни истаймиз.

Эргашали Абдуллаев шеърининг ҳаётий бўлиши кераклигини, хаёлотнинг юксак парвозларида мантиқдек метин қанот зарурлигини яхши билар. Буларга амал қилиш жуда мушкул, аммо зарурдир. Ҳамма гап шунда!

Нодир НОРМАТОВ





## Ҳамдардлик

Биз сифмадик дўстим, не илож,  
Муҳаббатнинг кенг оламига.  
Эҳтимолки ўхшар бизнинг ранж  
Кўнгли синиқ ойнинг ғамига.

Ой тўлади, тўлмас кўнглимиз,  
Кетолмасмиз лекин қошидан.  
Мен қаламни дўст деб атадим,  
Пичоқ еган у ҳам бошидан.

## Дунёнинг дарди

Эх, ким у зориқиб кутмас баҳорни.  
Эх, ким у, сезмайди чечак имосин.  
Ким экан бошидан сепилган қорни  
Сезмас оқ оламин олтин жилосин.

Ким экан, сарғайиб тўкилган баргни  
Ўшатмас юракнинг асл шаклига.  
Ким экан титрамас, жажжи гўдаклар  
Тамшаниб интилса ўз сут ҳаққига.

Ушанинг йўлига сутни тўкиб қуй,  
Ташналик қақшатсин куриб томоғи,  
Ушанинг йўлига гуллар экиб қўй,  
Гул бўйи юборсин ёриб димоғин.

Ушанинг қўлига гўдак бериб қўй,  
Қулоғин қар қилиб кўйсин фарёди.  
Шунда ҳам у ҳиссиз қолса билиб қўй,  
Ўшадир, ўшадир дунёнинг дарди.

Баҳор ишқи қорда аёзнинг  
Чийиллаган нолишларида.  
Ёз ҳаёли бир зум шамолнинг  
Ҳаёл суриб қолишларида.

## Мақсуда Эргашева

Куз йиғлайди тўкилган баргга,  
Чаман ишқи армонларида.  
Мавжланади ферузаранг ишқ  
Фарғонанинг осмонларида.

Куй тилида куйланар улар,  
Шеър тилида суйланар улар,  
Ҳаётларга бойланар улар,  
Мангуликка айланар улар.

\* \* \*

У кетаркан тик қаролмади  
Киприклари юзга тўкилиб.  
Кўз ёшларин яширди аранг  
Эгатларга икки букилиб.  
Икки қулоқ ғўзалар ночор  
Ичди шўртак кўз ёшларини.  
Айлантирди куза оқ гулга  
Қизнинг армон-бардошларини.  
Тушларига киради ҳамон  
Маҳобатли ям-яшил шаҳар.  
Унда ҳар тун кесик сочли қиз  
Тушларига солади заҳар.

\* \* \*

Сен кетарсан ҳар гал сафарга,  
Қайларгадир шошилиб, ёниб.  
Мен қоларман ҳиссиз моторга  
Бор дунёмни — сени ишониб.

Қайдан келар довдир хавотир  
Юрагимни олиб эзади.  
Мен бошимни қўйган болиш ҳам  
Кўкрагида оғриқ сезади.

Ахир, бизлар кўп нарсаларни  
Моторларга қўйдик ишониб.  
Қўрқаманки, бир кун одамлар  
Юракдан ҳам кетмаса тониб.





## Зайнаб

Мен куярман ҳолингга, Зайнаб  
Гарчи сенсан бадбахт, қотила.  
Улдираркан ёрини қийнаб,  
Бахтли эди ҳатто Отелло.

У севилди, сен севилмадинг,  
Ахир бу ҳол беҳад ёмондир.  
Юлдузлар ҳам, гул ҳам, япроқ ҳам,  
Бари Кумушбиби томондир.

Гарчи, сенга қалби бегона  
Отабекдан кеча олмадинг.  
Ҳаёт сенга тутқазган оғу,  
Нечун танҳо ича қолмадинг.  
Мен куярман ҳолингга, Зайнаб.



## Хона

Мен яшайман ушбу хонада  
Дардларимни бағримга босиб.

Мен яшайман шодликларимни  
Ёт — бегона кўзлардан тўсиб.

Атак-чечак қилмоқда ўғлим  
Шу хонанинг деворин ушлаб.  
Бу хонага қадам қўяман  
Ташқарига ғамларим ташлаб.

Биров истар қаноат қилмай  
Ёр юзига соҳибқиронлик.  
Биров эса шу хона учун  
Ёр шарига тилар омонлик.

\* \* \*

Осмоннинг ялтироқ мунчоғи —  
Юлдузлар оҳиста тизилди.  
Ялт этиб учди-ю қай бири  
Ортдан ўтли йўл чўзилди.  
Булутга юзтубан бош қўйган  
Ойнинг ҳам ороми бузилди.  
Бир қалқиб кетаркан нарига  
Камондек қошлари сузилди.  
Тераклар маҳлиё чиройга  
«Ё раб!» деб кўлларин чўздилар.  
Барглари жимирлаб танида  
Бир ажиб титроқни сездилар.



Дарсдан қайтишяпти

А. ЖУМАЕВ фотоси.



Анвар  
Обиджон

## Олтин юракли автобола

ФАНТАСТИК ҚИССА



Ер юзида минут сайин ҳар хил ўзгаришлар рўй бериб туради. Масалан, кунлардан бир куни шаҳримизнинг қоқ марказида пештоқига «Қайчи хона» деб ёзилган ёғоч дўконча пайдо бўлиб қолди. Кейин маълум бўлишича, пенсияга чиққандан сўнг уйда уймаланиб зериккан уста Тошмат болалар учун махсус сартарошхона очган экан. Сартарошхона болаларники бўлишига қарамай, у ердан на қий-чув, на араз-дураз, на йиғи-сиғи эшитилар, табиийки, бу ҳол ўткинчиларни таажжубга солар эди. Ҳатто, илгарилари сартарошнинг қўлидаги машинкага темир ялмоғиз деб қарайдиган ўртанча ўғлим ҳам эндиликда миқ этмай бориб соч олдирадиган бўлди.

Бунинг сабаби бор. Тошмат сартарош жуда кўп латифа билар, «Алпомиш», «Кунтуғмиш», «Гўрўғли» сингари дostonларни ёддан айтар, сирли ва ғаройиб ҳодисалар билан боғлиқ айрим миш-мишларни ҳам ҳаяжонли тарзда ҳикоя қилиб берар эди. Навбатини кутаётган болалардан тортиб уларни етаклаб келган ота-оналаргача бу ерда ўтириб зерикишмас, баъзилар ҳатто соч олдириб бўлгандан кейин ҳам уста буванинг гапи тугашини пойлаб, кетгилари келмай туришар эди.

Бу саргузаштни ҳам ўша сартарошдан эшитганман. Бўлиб ўтган ишларга у оз-моз қўшиб-чатиб гапирганми ёки бутунлай ичидан тўқиганми — аниқ бир нарса дейишим қийин. Биз билан сиз учун муҳими шуки, бу жудаям қизиқ воқеа. Мен уни сизларга худди ўзим кўриб-қузатгандек қилиб сўзлаб бермоқчиман. Шунда, менимча, суҳбатимиз яна ҳам жонлироқ чиқади.

### Шол заргар

Алқисса, шаҳримиздаги пахта заводи бир пайтлар қайсидир бойнинг хусусий қорхонаси бўлган экан. Ҳокимият ишчи-деҳқонлар қўлига ўтгандан кейин пахтачи бой бор бисотини туяларга ортибдию катта хотини ва болаларини эргаштириб бошқа юртга қочиб кетибди. Кенжа хотини эса, қаттиқ бетоб ётгани сабабли кетолмай, олти ойлик ўғли Бекхўжа билан шаҳарда қолибди. Пахтачи бойнинг заводи, дангиллама уйлари, қолган-қутган мол-мулки мусодара қилиниб, меҳнатқашлар ихтиёрига топширилган бўлса-да, шаҳар ташқарисидаги кичик чорбоғ Бекхўжанинг онаси Пошшо оймага хатлаб берилибди.

Расми О. АСОМОВ чизган

Пошшо ойим отинча эди. У ўғлини саводли, тadbиркор, гапга чечан қилиб тарбиялай бошлади. Бекхўжа, ёши етиб мактабга узатилгач, дунёвий илмларни эгаллашда ҳам зўр иштиёқ кўрсатиб, муаллимлар эйтиборини қозонди.

Лекин ҳаётда нима кўп — тасодиф кўп. Бекхўжа ўн тўрт ёшга қадам қўйганда оғир дардга чалиниб, кутилмаганда шол бўлиб қолди. Докторлар унинг қўл ҳаракатини бирмунча яхшилашга муваффақ бўлган эсалар-да, оёқларни даволай олмадилар. Табибларнинг муолажаси ҳам, турли дуохонларнинг «куф-суф» лари ҳам натижа бермади. Шундан кейин Пошшо ойимнинг акаси Ғани заргар жиянини ўз тарбиясига олиб, тирикчилигига яраб турар деган мақсадда унга касбини ўргата бошлади. Беш-олти йил ўтиб, зеҳни ўткир Бекхўжа тоғасидан ҳам чечанроқ заргар бўлиб етишди; у ясаган тақинчоқларнинг таърифи бутун шаҳарга ейилди.

Ўғлининг ишлари кун сайин ривож топаётгани Пошшо ойимни беҳад қувонтирар, аини пайтда кўнглининг бир чеккаси мудом хижил эди. Рўзғори бут бўлишига қарамай, тобора зеб-зийнатга тўлиб бораётган бу шинам хонадонга келин туширишдай бахтдан бенасиб эди у.

Кейинчалик онани бошқа бир дард — ҳадик азоби қийнай бошлади: сўнги пайтларда Бекхўжанинг олдига тез-тез қандайдир шубҳали кимсалар келиб турадиган бўлишган эди. Еш заргар бир тўда ўғрилар билан яширин алоқа ўрнатиб, ўмарилган тилла буюмларни пуллашда уларга ёрдам бераётганини Пошшо ойим билмасди.

Бекхўжа бора-бора Ғани заргарни ҳам бу даврага тортиди: тоға-жиян Кўршапалак лақабли машҳур кулфбузар бошчилигидаги ўғрилар тўдасининг фаол аъзоларига айландилар. Тўда аъзолари бўлажак талонларни кўпинча ёш заргарнинг дастурхони атрофида режалаб олишар, тadbиркор Бекхўжанинг баъзи йўл-йўриқлари уларга жуда қўл келар эди. Орадан кўп ўтмай, такаббур Кўршапалак ўзи сезмаган ҳолда, муғамбир ва уддабурон Бекхўжага бутунлай тобе бўлиб қолди.

Пошшо ойим сил билан оғриб бевақт вафот этгач, шаҳар четидаги осойишта бу чорбоғ тўданинг бош маслаҳат гўшасигина эмас, ўғирланган моллар сақланадиган марказий омбор вазифасини ҳам ўтай бошлади; пахтачи бош қурдирган сирли ертўлалар ва хуфя йўлақлар бу ишга жудаям асқатарди.

Шундай қилиб, Бекхўжанинг ишлари янада юришиб кетди. Пул унга сувдек оқиб келар эди. Ортида қоладиган бирон бир меросхўри бўлмаса-да, у ўлиб-тирилиб, иложи борича кўпроқ ўмарилар ва жамғаришга тиришарди.

Ғани заргарнинг тилла сотаётган пайтда қўлга тушгани қаллоблар тўдасини бирдан типирчилатиб қўйди. Тоғанинг салгина тилдан тойиши бутун бошли тўданинг фош этилиши деган гап эди. Шундай ҳам олақарғадек бир чўқиб, етти марта аланглаб яшайдиган Бекхўжа бу воқеадан кейин бутунлай оромини йўқотди, ўй-фикри куну тун тоғаси билан банд бўлди. Қандай бўлмасин кекса заргарни қўтқариш керак эди. Лекин қандай қилиб? Қайси калит билан?

Калитнинг дараги мутлақо кутилмаган жойдан чиқди. Бир куни Бекхўжа янги газеталарни кўздан кечириётди, ёш олим Камол Камтарий ҳақидаги мақолани ўқиб қолдию ярасига малҳам топгандек қувониб кетди. Бекхўжа дардга чалингунига қадар Камол билан битта синфда ўқиган эди. Бундан уч-тўрт ой бурун хотинига балдоқ буюртишга келган бошқа бир собиқ мактабдоши Камол ҳақида, унинг кейинги пайтларда таратган доврўғи тўғрисида фахрланиб гапирган, заргар ёш олимнинг оилавий аҳволи билан ҳам қизиқиш, сўхбат давомида анчагина нарсани билиб олган эди.

«Шу вақтгача ҳаёлимга келмаганини қара-я! — Бекхўжа кўтаринки кайфиятда қўлларини бир-бирига ишқаб қўйди. — Мана, ниҳоят калитни ҳам топдик. Энди унинг баҳосини бир чамалаб кўрайлик-чи!»

## Тузoқ

Заргар юборган таклифнома Камолнинг қўлига келиб етгач, у бир зум ўйга толди. Бекхўжанинг кимлигини аниқ

эсланидан кейин эса лов этиб юзига қон тепди. Камол ёшлиғида димоғдор Бекхўжа билан ҳеч қачон яқин дўст тутинмаган эди. Шунга қарамай, ногирон бўлиб қолган собиқ синфдошини шунчаки одамгарчилик юзасидан йўқлаб қўйиш бирон марта ҳам хаёлига келмаганидан ҳозир қаттиқ хижолатда эди.

Камол машинасига ўтириб, таклифномада кўрсатилган мuddатда Бекхўжанинг чорбоғига кириб келди. Заргарнинг хизматкори дастурхонни бирпасда тансиқ неъматларга тўлдириб ташлади. Собиқ синфдошлар узоқ чақчақлашиб ўтиришди.

— Назаримда, болаликда қандай бўлсанг, ҳозир ҳам худди шундайсан, ўзгармабсан, — деди заргар садафдек тишларини кўз-кўз қилмоқчидек жилмайиб. — Газетада суратингни кўрдим-у, исми шарифингни ўқимай турибоқ дарров танидим. Техника фанлари номзоди бўлганинг билан табриклайман!

— Раҳмат, Бекхўжа! — Камол қўлини кўксига қўйиб мезбонга миннатдорчилик билдираркан, юзига яна қон тепди. — Лекин мен... олдинда жуда уятлиман. «Иш, иш» деб, одамгарчиликниям унутиб қўйибман шекилли. Ҳеч бўлмаса, бирон марта келиб...

— Майли, қўй бу гапларни, — дея унинг сўзини бўлди заргар. — Энг муҳими, сен йўлингни топиб олдинг, келажакнинг порлоқ. Бир пайтлар синфдош бўлганимиз билан фахрланишининг ўзи етиб ортади бизга.

Камол ҳиёл бош тебратганча кулиб қўйди. Кейин тақсимчадеги узумдан бир донасини оғзига солиб, шо-шилмай чайнаркан, уйдаги жиҳозларга кўз ташлади. Аралаш моллар дўконига ўхшаб кетувчи бу хона юз-кўзига аямай бўёқ чаплаб, турли-туман тақинчоқларини намойиш қилганча тунги сайрга отланган ялтироқ кўйлақли сатангни эслатар, аини пайтда, четдан мафтункор кўринган ўша аёлнинг кўзларидаги мудҳиш бир ифода сингари ногоҳон этни жунжиктирар эди...

— Олимлар билан фахрланаман, дейсан-у, топар-тутаринг уларниқидан дурустроққа ўхшайди, — деб ҳазиллашди Камол.

Бекхўжа ҳам кулимсираган бўлди. Кейин бирдан жиддий-лашиб, чуқур хўрсинди.

— Булар юпанчга ўхшаган бир нарса, — деди жиҳозларга тунд назар ташлаб, бепарво қўл силтаркан. — Тўрт мучанг соғ экан, мана, сен ўттиз ёшдаёқ эл оғзига тушдинг. Мен бўлсам, кандикка биқинволиб, оймиллаларга балдоқ ясаб ўтирибман.

«Тўрт мучанг соғ экан...» деган гап остида «Агар бошимга шу кўргилик тушмаганда, доврўғ солиш қанақа бўлишини сенларга кўрсатиб кўярдим» мазмунидаги таъна яшириниб ётганини сезган Камол бир дақиқа ўнғайсизланиб қолди, кўнглини собиқ синфдошига ачинши туйғуси қамради. Лекин, биргалашиб инграган билан беморнинг дардини енгиллатиб бўлмаганидек, ҳозир заргарга ҳамдардлик қилиб ўтиришдан ҳам фойда йўқ эди. Камол унинг кўнглини кўтаришга уриниб деди:

— Мен сенга айтсам, оғайничалиш, аёлларни эрларига чиройли қилиб кўрсатиш ҳам жамият учун фойда фойдали иш.

Бекхўжа қулай вазиятдан доимо усталик билан фойдалана биларди.

— Кишини қувонтирадиган гап айтдинг, — деди у, стол ғаладонидан мўъжазгина қутича олиб, Камолнинг олдига кўяркан. — Айтганларинг рост бўлса, мени жамиятга яна бир марта фойда келтиришдек бахтдан бенасиб этма!

Камол эҳтиёткорлик билан қутичанинг қопқосини очди. Унда бир жуфт тилла балдоқ ва ёқут кўзли узук ярқираб турганини кўриб, савол назари билан Бекхўжага қаради.

— Хижолатпазликка ҳожат йўқ, азизим, — деди заргар одатича ҳар бир сўзни чертиб-чертиб. — Булар мен учун деҳқончиликдек бир гап.

— Ахир...

— Узингга қарашга-ку вақт топмас экансан, лоақал хотинингни ўйласанг бўларди! — Заргар ёш олимнинг тўзғиб турган сочлари, эгнидаги одмигина костюмига истеҳзоли кўз югуртиб, «олаверсанг-чи» деган маънода киприк қоқиб қўйди.

Камол фавқуллода ўткир дид билан ясалган тақинчоқларни қизиқиб кўздан кечирар экан, ора-сира заргарга синовчан кўз ташлаб кўяр, Бекхўжа эса юзига самимий тус беришга тиришганча унга жимгина тикилиб ўтирар эди.

«Қанчалик бебаҳо бўлмасин, бу даҳмазалар барибир мени ўзига бутунлай ром қилолмайди,— дерди Камол гўё.— Не бахтки, сахий табиат менга истъодод ва ғайрат ато этди!»

— Шўринг кўрсин, шиплакисз Аристотель! — дея унга жавоб қайтараётганга ўхшарди Бекхўжа. — Билмайсанми, аини чоқда, бир умрлик заҳмат ва ўз-ўзидан қониқмаслик азобиға маҳкум этилгансан!»

«— Не бахтки, табиат менга зеҳн ва идрок берди, олам қалбини англай олишдек улкан саодат инъом этди!»

«— Билмайсанки, аини чоқда ўша дардманд оламнинг нолаларига бепарво боқишдек бошқа бир бахтдан маҳрум этилгансан!»

«— Не бахтки, бировнинг мулкиға кўз олайтирма, ожизларни топтама, ўзгалар жонига тажовуз қилма, деб табиат менга инсоф ва имон берди!»

«— Билмайсанки, аини чоқда ўша даҳо табиат сени мол-дунёнинг ҳузурбахш таскин-тасаллисию айш-ишратларнинг нашъу намосидан батамом бенасиб этганини. Ҳа, табиат адолатли, азизим, у доим тарозининг посангисини тенг ушлайди. У бировни нималаргадир ёлчитган экан, шакшубҳа йўқки, нимадандир қисади ҳам.»

«— Аммо мен на кеча ва на бугун бирон бир нарсадан қисинганимни эслолмайман.»

«— Чунки биз, гофил бандалар, ҳаётға ўзимизға ўнғай томондан қараймиз. Масалан, сени оладиган бўлсак, имлу фан сўқмоғидан одми пойафзалларда ўрмалаб бораётганлар олқашидан сархушланган чоғингда, аллақачон чўнтагини қаппайтириб олишға улгурган уздабурон зотлар ортингдан беармон мазах қилаётганини сезмай қоласан. Балки менинг аҳволим бунинг аксидир. Лекин, нима бўлганда ҳам, устунлик барибир мен томонда — менда пул бор! Пул кишининг барча камчилик ва нуқсонларини ашира олади: нодонни донадан мартабалироқ қилади, кўрқокни қоплонга айлантиради, мардани номардға муҳтож қилади. Илмда эса бундай имтиёз йўқ, у ҳатто олимнинг камхаржлигини ҳам бегона кўздан яширолмайди.»

«— Наҳотки камхаржликни нуқсон деб ўйласанг?»

«— Аммо у фазилат ҳам эмас-да. Шундай экан, ҳозир қафтингда омонат турган нодир ҳадяни маҳкамроқ чангаллашнинг пайида бўл. Тирикчилик бозори шунақа уртуполонки, қўлингдан бир тушган нарсани қайтиб тополмайсан. Ол, азизим, олавер, биринчиси одатда сал қийинроқ бўлади, кейин бинойидек кўникиб кетасан.»

Камол, заргарнинг маҳоратига таҳсин ўқигандек, ҳаяжон билан бош тебрлатди, сўнг қутчининг қопқоғини беркитиб, уни столға кўяркан, нима дейишини билмай бир оз пайсалланиб турди. Чамаси, у сахий мезбоннинг қўлини қайтариш учун заволсизроқ йўл қидирар, калласига ҳадеганда дурустроқ баҳона келмас эди.

— Хотиним ўзимдан бешбаттар, — дея жимликни бузиб гап бошлади у. — Ортиқча зеб-ҳашамға тоби йўқ. Юрист халқи одми бўлиши керакмиш.

— Анавини қара-я! — Заргар унинг оиласи ҳақида гўё ҳеч нарса билмайдигандек ўзини таажжубланганга солди ва бу сафар ҳам гапни усталик билан мақсад сари бурди: — Бундан чикдики, келинпошша қонун посбонларидан экан-да?

— Ҳа, у ҳозир шаҳар прокурори.

Бекхўжа ўзини баттар ҳайратлангандек кўрсатиб, қийик кўзларини пирпиратди.

— Йўғ-э, ростданми? Демак, шўрпешана тоғамнинг иши ҳам... — Заргар ўринсиз гап айтиб юборгандек бирдан тилини тишлаб, жим қолди. Камол ҳушёр тортди.

— Тоғанг? Нима, у...

— Бемаъни одатим бор-да, — дея ўзини койиган бўлди Бекхўжа. — Кўнгилға яқин кишим билан гаплашганда эркалик қилиб, тилимға эрк бервораман.

— Ҳар қалай... нима гап?

— Шу десанг, ота йўлида бўлиб қолган бир тоғамиз арзиманган нарса учун қамоқда ётибди. Иши терговда. Камолнинг юраги нимадандир безиллаб, Бекхўжаға яна синовчан тикилди.

— Агар... агар чиндан ҳам арзиманган нарса бўлса...

— Афсуски, сенга ўхшаган фаросатли инсонлар ҳозир анча танқис, — дея суҳбатдошининг гапини илиб кетди заргар. — Баъзилар арзийдиган нарса нима-ю, арзимайдиган нималигини суриштириб ҳам ўтиришмайди. Ўзинг ўйлаб кўргин-а, эллик грамм тилла пуллаган кишини эллик пудни ўмарган қаллобға кўшиб, бир хил таёқда савалаш инсофданми?

Қуюқ меҳмондорчилик замирида яшириниб ётган мақсадни англай бошлаган Камол ноқулай аҳволда қолди.

— Сен айтмоқчисанки... Кечирасан-у, Бекхўжа, мен... хотинимнинг ишиға аралашолмайман. Ҳеч аралашмаганман.

— Жуда тўғри қиласан! Бурдим кетмасин десанг, хотин кишининг ишиға ҳадеб суқилаверма. Лекин, баъзан жудаям зарур бўлиб қолганда... — Бекхўжа жағини силаганича, пича каловланиб турди. Кейин «на илож, азизим, ҳозирча бутун умидим сендан» дегандек Камолнинг кўзига илтижол боқиб, давом этди:

— Умуман... хотинингға ҳеч нарса дема. Агар... мабодо анави тақинчоқларни қаердан олганининг суриштириб қолса, майли, унда мен тўғримда озгина гапириб бер. Гап орасида тоғамнинг бошиға тушган мусибатни, бундан менинг қаттиқ азобланаётганимни қистириб ўтсанг, ёмон бўлмасди.

Камол нима дейишни билмай энсаси қотиб турарди. Бекхўжа биллур қадаҳчада унга коньяк узатаётиб, очиқ-ойдин ялинчоқликка ўтди:

— Жон дўстим, мёндан ёрдамнингни аяма. Шундайин ҳам худо қарғаган яримжон бандаман. Тоғамсиз оғир кунға қолиши мумкин.

Камол қадаҳни беихтиёр қўлиға олди-ю, бармоқлари куя бошлагандек ўша заҳоти столға қўйди: Бекхўжанинг туллаклик қилаётганини аллақачон фаҳмлаб етган, бу фирибгарнинг уни лақиллатиш учун оддий молпарастларға мўлжалланган арзон тузоқдан фойдаланаётгани ёш олимнинг ғазабини кўзғаган эди.

— Демак, буниси ҳамир учидан патир экан-да? — Камол миннатли совғани жаҳл билан заргарнинг олдиға ташлади. — Ол, оғир кунингға яраб қолар!

Безозгина туюлган ўлжа бир силтанишдаёқ тузоқни узиб юборганидан Бекхўжанинг кўнгли зил кетди. Лекин суҳбатдошиға ўзини голибона қиёфада кўрсатиб, кинояли жилмайди ва ҳеч бир хижолат тортиб ўтирмай, ғариблик ниқобини юзидан шартта сидириб ташлади:

— Майли, унда эркакчасиға гаплашиб қўя қолайлик. Шу тобда қаршингда Суқрот ўтирган бўлсайди, у ҳам сенға ҳозир айтмоқчи бўлган гапларимни айнан такрорлаши аниқ эди.

У фикрини бир оз жамлаб олиши керак эди. Ана шу муҳтожликни рақибига сездирмаслик учун беданақабодан бир бўлагини аёлларға хос нафис ҳаракат билан оғизға солиб, эриниғина чайнашға тушди.

— Сен истъододли йигитсан, — дея сўз бошлади у, оғиздаги луқмани ютиб бўлиб. — Истеъодли одамнинг эса, душмани кўп бўлади. Атрофингдагилар бугун сенға самимий чапак чалса эрта-индин орқандан тарсаки тортиб юбориши ҳам мумкин. Акс ҳолда мантик издан чиқади. — Бекхўжа гапларининг қандай таъсир этаётганини чамалаб, Камолнинг кўзларига тийрак тикилганича пича ўхталиб тургач, бир тамшаниб қўйиб, давом этди: — Сен интилувчансан, ҳаётда эса ҳад-ҳисобсиз тўсиқлар мавжуд. Уларни энгиб ўтишға бардошинг етган тақдирда ҳам, барибир кўп нарса ютқазасан: кимматли вақтларинг қўкма соврилади — бир; ҳолдан тоясан — икки; асосий мақсаддан чалғийсан — уч; лўнда қилиб айтганда, сени юқорига элтувчи пиллапоядаги охириг уч-тўрт погонани сўзсиз бой берасан. Шундай чоқда қўлингда бир тутам пул турса ғанимларинг хомийға, тўсиқлар кўприкка айланади. Ҳа, пулнинг қудрати беқиёс, ошман. Истансан, ўша мўъжизакор қудратни сенға, мана, мен бераман. Мўҳими шуки, қарзға эмас.

— Биринчидан, менинг ҳеч қанақа ғанимларим йўқ. Бўлган тақдирдаям, уларнинг қурагини эркакчасиға ерга теккизишининг гашти бор.

Камол бу сафар ғазабини ичиға ютиб, осойишта гапирди.

Бироқ Бекхўжа Камолга яхши гап билан таъсир ўтказишдан ҳануз умид узмаган эди, шунинг учунми, нодон дўстига ачинганнамо қиёфада товушини ҳазинроқ чиқариб сўзлай бошлади:

— Биламан, сен ҳалол йигитсан. Лекин бошқалар-чи? Бугун сен олмаган пул эртага бошқа бировнинг қўлига ўтиб, ўзинга қарши ишлатилиши ҳеч гапмас. Пул деган зорманда ким ҳақу ким ноҳақлигини суриштириб ўтирармиди — у кимнинг қўлида бўлса, ўшанга хизмат қилаверади. Демокчиманки, эзгу ишлар қилмоқчи экансан, бемалол қилавер. Аммо эзгулик йўлида дуч келган ғанимларни пул билан янчиб ўтишинг лозим. Гафлатда қолдирмасанг, гафлатда қоласан. Пулга таян, дўстим, пул — кучли қурол!

Бекхўжанинг ниятини энди тўлиқ тушуниб етган ва бу очиққўл «улфати жонон»дан тамоман ҳафсаласи пир бўлган Камол кетишга шайланди. Аста ўрнидан тураркан, заргарга мажрурона назар ташлаб, деди:

— Сен айтаётган ўша пул гулдор бир қоғоз, холос. Уни шартта йиртиб ташлаш, хоҳласанг, ёқиб юбориш мумкин. Лекин мен таянаётган илму фан жаҳаннам алангасида ҳам яшайверади.

Камол собиқ синфдоши билан хайрлашиб ҳам ўтирмай, тантанавор қадам ташлаганча эшик томонга юрди. Хонадан чиқиб бораётганида ортидан Бекхўжанинг ўдағайлаган товуши эшитилди:

— Билиб қўй, илму фан яратган ҳамма мўъжизалар пулга сотиб олинади! Пул кучли!

Камол чиқиб кетди. Дунёда пулга сотиб олиш мумкин бўлмаган нарсаларнинг ҳам мавжудлиги заргарга алам қила бошлади. У қадахдаги коньякни бир кўтаришдаёқ ютиб, ўзига тасалли бераётгандек ишонч билан сўзланди:

— Барибир пул кучли!

Аслида Бекхўжа бировларга камдан-кам ўчакишар, баҳслашиш, ҳуда-беҳудага гап талашини умуман хушламас, рақобатга дош беролмай синган нўноқроқ заргарларнинг турли йовларига писандсиз қарар, рақибларини ўзининг метин асаби, ҳар қандай хуружларига бепарволиги билан мағлуб этар эди. У «енгилганлар»га ортиқча кин сақлаб ҳам ўтирмас, аксинча, зарур пайтда ёрдам бериб, уларни ўзига оғдиришга тиришар эди.

Лекин у Камол Камтарийни кечиролмади. Ҳозир рақибни етти ёт бегона одам бўлганида ҳам майли эди, заргар ундан бу қадар ўпкалаб ўтирмаган, «Ваҳоланки сен туғма гўсхўр экансан, текин луқмани силлиққина юта оладиган донолар албатта топилади», деб қўя қолган бўлар эди. Лекин Камол бегона эмас: собиқ синфдоши — гап шунда. Заргар унинг ёрдам беришига қаттиқ ишонган эди. Афсуски, ишонган ошнаси унинг сазасини ўлдирди, ҳамиятига тегадиган даражада масхаралади. «Бунақа нарса юракка оғир ботаркан, бунақа нарсани кечириб бўлмайди!» дея Бекхўжа пинҳона ёғиниб, муштирага туғлаб қўйди.

Орадан икки кун ўтгач, Бекхўжанинг Суперсурс лақабли хизматчиси хонага ҳазин қиёфада кириб келди:

— Чатоқ бўпти-да, хўжайин, — дея гўлдиради у тақир бошини қашлар экан.

Заргар тоқатсизланди.

— Гапни ўша «чатоқ» дейилган жойидан бошла, Суперсурс.

— Гани заргар... тоғангиз...

— Димланма, Суперсурс, ёрилиб кетасан!

— Тоғангиз қамоқда эски юрак ўйноғи тутиб...

Бекхўжа асосий гапни хизматчисининг бўғзидан суғуриб олди:

— Улибдими?

Суперсурс маънос бош қимирлатди. Бекхўжа эса сўнги ҳафталардаги энг қувончли дақиқаларни бошдан кечирмоқда эди. У энгил тортиб, креслога ястанди.

— Кўнгил сўраб кирганинг учун раҳмат, азизим Суперсурс. Балтадаги ил қанчалар узун бўлмасин, барибир охири бор. Начора? Тоғамиздек оддий бир заргар шахсан худованди каримнинг ўзларига керак бўлган экан, сен билан мен ўртага тушолмаймиз...

Баҳор ҳавосига ишониб бўлмайди: эрталаб қуёш чарақлаб турган эди, тушдан кейин тўзон кўтарилиб, шимол тарафдан қора булутлар карвони босиб кела бошлади. Кечга яқин ёмғир қўйиб берди.

Бекхўжа заргарнинг хилват чорбоғи яқинига такси келиб тўхтади. Унинг орқа эшигидан, қўлида ихчамгина сумка, бир барваста кимса тушди-да, жунижикканча ёмғирпўшга бурканди. Бу — Кўршапалак лақабли ўша талончи эди. У ўғрилик қилаётганда қўлга тушиб, ўн йиллик қамоқ жазосига тортилган, бундан олти ойча бурун озодликка чиқиб, яна эски бошлиғини топиб олган эди.

Такси қайтиб кетгач, Кўршапалак анҳор устига ташланган, тахтақуриқни ёғирлатганча вазмин қадам ташлаб, кўҳна қайрағочлар оғушига кўмилган гиштин уй томонга юрди. Зинапоядан кўтарилиб пешайвонга ўтди. Қўлини эндигина кўнғироқ тугмасига чўзган эди, заранг эшик товушсиз очилиб, олти ёшлар чамасидаги чақмоққўз бола илтифотсизлик билан уни ичкарига имлади:

— Киравер, эгрибурун. Келаётганингни деразадан кўриб турувдим.

Кўршапалак даҳлизга кириб, шляпаси билан ёмғирпўшини қоқиққа илди. Кейин боланинг елкасига дўстона қоқиб, бўринамона тиржайди.

— Иштаҳалари жойидами, жаноб тайёрхўр?

— Узинг тайёрхўрсан! — дея муштини тугиб, жирракилик билан ўшқирди бола. — Менга нима опкелдинг?

— Биз ваъдасида турадиган мардларданмиз, Холдорвой! — Кўршапалак костюмининг ички чўнтагидан ўйинчоқ тўппонча чиқариб болага узатди. — Манави ҳунасани револьвер дейдилар.

Болакай севинганини сездирмасликка тиришиб, қовоқ уйганча тўппончани қўлига олди. Кейин Кўршапалакнинг қийшиқ бурнини мўлжалга олиб тепкини босди: батареяли тўппонча оғзидан учқун сачратиб тириллай кетди.

— Яхшисидан топибсан, эгрибурун, — дея ўзига ҳос йўл билан миннатдорчилик билдирган бўлди Холдор. — Тўппончасиз келганингда, каллангни узиб олардим.

Шу пайт ичкаридан тап-тақир бошига шолчадўппи бостириб олган Суперсурс чиқиб келди.

— Хўжайин сени анчадан бери кутиб ўтирибди. — У кенкайганича Кўршапалакка қўл узатаркан, саломаликсиз мақсадга ўтди: — Кир тезроқ.

Кўршапалак қўпол кийиниб олган ғаввослардек лапанлаганича юмшоққина туркман гиламини босиб бориб, чўзинчоқ хона охиридаги қора чарм қопланган эшикни эҳтиёткорлик билан ўзига тортиди. Бекхўжа заргар велосипед ғилдираклари орасига ўрнатилган биққи креслосида хона тўрисидаги электр иситгичга юзланганича тоблани, жим ўтирарди, ҳатто эшик ёпилганда ҳам у миқ этмади.

— Салом бердик, хўжайин, — деди Кўршапалак атайин овозини баландлатиб.

Креслонинг бўйчан суянчиги ортидан тиниқ ва дона-дона товуш эшитилди, гўё Бекхўжанинг ўзи эмас, арвоҳи сўзлаётгандек эди:

— Қулогим сенда, Кўршапалак. Хўш, муҳтарам профессоринг қалб сандиғидан бирон нарса ўмариб олдингми? Кўршапалак столга яқинроқ бориб, қўлидаги сумкани коньякли графининг ёнига қўйди.

— Керагидан кўпроқни ўмарганга ўхшаймиз, хўжайин. Заргар кресло ғилдирагини қўли билан ҳаракатга келтириб, стол тарафга ўгирилди, Кўршапалакка мулойим нигоҳ ташлаб, қаршисидан жой кўрсатди.

— Ростини айтсам, азизим, бу сандиқча сенинг қалитларинг тушмасмикин деб қўққандим, — деди у мамнун қиёфада.

Кўршапалак сумкани очиб, ундан радио мухбирлари кўтариб юрадиган репортёрини эслатувчи ғилофли магнитофон олди.

— Маҳмаданароқ бир йигитим бор, — деб изоҳ бера бошлади Кўршапалак магнитофонни созлаётиб. — У, радиодан юборилган мухбирман, деб профессорни росаям вайсатибди.

Бекхўжанинг қонсиз юзида кулдоргич ўйнади:

— Офарин, Кўршапалак! Машхур олим Камол Камтарийнинг бебаҳо маърузасини ниҳоят текинга тинглайдиган бўлибмиз-да.

Кўршапалак лабига сигарет қистириб тутатди-да, магнитофон муратини буради. Даставвал сохта мухбирнинг сайроқи овози эшитилди...

**Мухбир:** Мухтарам устоз, кейинги пайтларда босилган мақолаларингиздан бирида қандайдир Автобола ясаётганини шаъма қилиб эдингиз. Қисқа вақт ичида радио шинавандаларидан юзлаб хатлар олдик: Автоболага бўлган қизиқиш кун сайин ортиб бормоқда. Сир бўлмаса, бу роботнинг асосий хусусиятларини батафсилроқ шарҳлаб берсангиз.

**Профессор:** Барча тоифадаги кишиларга бирдек тушунарли бўлиши учун бу ҳақда оддийгина қилиб гапириб бера қолай. Автоболани ясар эканман, имкон қадар инсон организмидан аниқ нусха кўчиришга ҳаракат қилдим. Унинг калла қисмига жойлаштирилган микросхема тузилиши жиҳатидан одамзотнинг мия тўқимасига жудаям ўхшаб кетади. Бу тўқима шарофати билан у кўради, эшитидади, гапиради, программага бўйсунган ҳолда ҳаракат қилади, идрок этади... чарчайди ҳам. Шу тўқимани уни суткасига камида олти-етти соат уйқуга ётқизиш лозим. Бунинг учун махсус тугмача босилади. Акс ҳолда, роботнинг мия тўқимаси узоғи билан ўттиз беш соатдан кейин бутунлай ишдан чиқиши мумкин.

**Мухбир:** Уйқусизликка келганда, сиз яратган Автобола ўт ўчирувчилардан чиқамлироқ кўринади.

**Профессор:** Уринли ҳазил... Хўш, гапда давом этадиган бўлсак, худди сиз билан биздаги каби Автоболада ҳам юрак қон-томир системаси ишлайди. Фақат, унинг томирларидан қон ўрнига электр заряди оқади. Позитрон-миядан тинимсиз равишда келиб турадиган сигналлар буйруғига тўла итоат этувчи бу ҳозиржавоб система ўта мустақкам, айна пайтда ниҳоятда эластик гавда, шунингдек бағоят сезгир пайларга эга бўлган кибернетик Автоболанинг энг нозик ишни ҳам бежирим уддалай олишини таъминлайди. Масалан, пиёлага лиммо-лим тўлдирилган сувнинг бир томчисини ҳам тўқмасдан эгасига элтиши, бозордан ул-бул нарса харид қилиб келиши мумкин. Фақат, ўн беш пуддан ортиқ юк кўтаришга уни мажбур қилмасангиз бас.

**Мухбир:** Тасанно, тасанно! Боласи тушмагур жудаям паҳлавон экан-да!

**Профессор:** Бунинг устига чопоғон ҳам. Қаерда қандай тезликда юрган маъқулликни шароитга қараб Автоболанинг ўзи танлайди. Энг гавжум жойларда ҳам у ҳеч кимга халақит бермай юра олади. Керак бўлганда, чопишда кийинки ҳам доғда қолдиради: унинг максимал тезлиги — соатига бир юз етмиш километр.

**Мухбир:** Уҳ-хў, зўр-ку!.. Ишончимиз комилки, пайти келиб, ҳамшаҳарларимиз бу ноёб аппаратни бозор ёки хиёбонда учратиш шарофига мясар бўладилар. Хурматли профессор, балки ўша кун яқиндир?

**Профессор:** Унчалар узоқ эмас. Автобола деярли тайёр. «Ёттинчи сайёра» фирмасига берилган буюртманинг бажарилишини кутиб турибман. Бу фирма узоқ йилларга мўлжалланган тилла ғилофли аккумулятор, яъни олтин юракни ясаб бериши биланоқ Автоболамиз оёққа туради. Кейин, педагогика тили билан айтганда, унга кундалик муомалада керак бўладиган сўзларни ёдлатиш, онгига инсоний хулқ-атвори синдириш қолади, холос...

Кўршапалак магнитофонни ўчириб, эркаланиб, сигарет тутунини шифтга пуфлади.

— Қойилман, азизим, — деди заргар. Гарчи сигарет тутунидан кўнгли беҳузур бўлаётган эса-да, ҳозир бунинг сездирмасликка тиришиб, ўша салмоқли товушда қўшимча қилди: — Демак, олтин аккумулятор битса...

— Аккумулятор бир ҳафтада тайёр бўлади, — дея хўжайиннинг гапини бўлди Кўршапалак. — «Мухбир»имиз «Ёттинчи сайёра» фирмасидан ҳам қалбаки репортаж ёзиб келган. Мухбирлик гувоҳномасини унга ўзим тўғрилаб бердим. Қарангки, у каззоб ҳатто ўша аккумулятор ясалаётган устахонага ҳам кириб чиқибди.

Бекхўжа Кўршапалакка қониқиш билан қаради. Қўли остидаги югурдакларни такаббур профессорни ҳам, фирмагаиларни ҳам бошлаб лақиллатишгани ва, ниҳоят, бадбўй сигаретнинг кулдонга эзиланаётгани унинг дилига баббаравар ҳузур бағишлаётган эди.

— Гўё Темурнинг қароргоҳида ўтирибсан-у, гап Шарқнинг энг бой шаҳарларидан бўлган Дамашқни шипишда қилиш устида кетяпти, деб ўйлайвер. Демокчи-манки, бу ишга масъулият билан қараб, пухта режа тузиб олишимиз керак. Қани, қандай йўл тутамиз?

Кўршапалак шундай гап бўлишини олдиндан билган шекилли, ортиқча мулоҳаза қилиб ўтирмай, дарҳол фикр билдиришга киришди:

— Мухбиримни «Ёттинчи сайёра» фирмасига бекорга юборганим йўқ, — деди у. — Автобола билан аккумуляторни бир вақтда, лекин алоҳида-алоҳида ўғирлашга тўғри келади. Шунанга қилмасак, профессор тушмагур боланинг тарбиясини бузиб қўйиши мумкин. Тўғрими?

Заргар аста бош ирғади:

— Мухаммад алайҳиссаломдек беҳато каромат қил-япсан, Кўршапалак. Гапиравер.

Фикри хўжайинига маъқул тушаётганидан талтайган Кўршапалак ўзини янада эркин тутиб, қўйнидан ялтироқ пичоғини суғурди-да, идишдаги олма-лардан бирини олиб, арча бошлади.

— Аккумуляторнинг қаердалиги аниқ. Ўша нарса қачон тайёр бўлишини биламиз. Бу ишни йигитларим менсиз ҳам бошлади. Автоболани эса ўзимга қўйиб берасиз. — Кўршапалак сўқир чап кўзини қисганича, олмани иштиёқ билан арчар экан, дўрдоқ лабларини чапиллатиб, Бекхўжага бир қараб қўйди: чамаси, унинг гапи тугаган эди.

— Сенинг ўрнингда мен кучларни аксинча тақсимлаган бўлардим, — деди заргар ёқут кўзли узук чақнаб турган бармоғини Кўршапалакка ўқталиб. — Бу молпараст одамлар икки пудли темир боладан кўра икки грамм олтинни ҳушёрроқ қўриқлашади.

Кўршапалак олманинг бир бўлагини пичоқ учига илиб, иштаҳа билан лунжигга тикди.

— Тушундим, хўжайин. Бундан чиқди, мен аккумуляторни... Йигитларим Автоболани «телпак» қилишади-ю, бира-тўла профессорниям... а?

У гапини тўлиқроқ ифодалаш учун қўлидаги пичоқни хона бурчакдаги ёғоч ҳайкалга қарата олди. Пичоқ ўрта аср кумончиси қиёфасидаги ҳайкалнинг қоқ пешонасига бориб санчилди. Бекхўжа таҳқирланган «камончи»га зимдан кўз ташлаб қўйиб, яна Кўршапалакка юзланди.

— Олимларни ўлдириб бўлмайди, Кўршапалак, — деди у буйруқ оҳангида. — Улар жамяят учун катта фойда келтиришади. Бизлар эса, ўша жамяятнинг ажралмас бир бўлагимиз. Ўзинг айт-чи, агар Камол Камтарий бўлмаганида, сен билан менга ким ҳам Автобола ясаб берарди...

Заргар графин қопқоғини очиб, стол устидаги қадаҳлардан иккитасига коньяк қуйди. Кўршапалак гапга оғиз жуфтларкан, ўзига яқинроқ турган қадаҳдаги ичимликнинг салмоғини соғ кўзи билан чамалаб олишга улгурди.

— Профессор паррак бўлмаса, ишнинг лойқаси чиқади, — деди у бурнини жийриб. — Мухбир бўлиб борган йигитимни у яхшигина таниб олган. Изқуварлар учун калаванинг учи бу.

— Манави гапингда жон бор, — деярган биллур қадаҳни қўлига олди заргар. — «Мухбир»ни гумдон қилишиг керак!

Кўршапалак бу гапни эшитиб, серрайиб қолди.

— Жанг қурбонсиз бўлмайди! — дея қатъий таъкидлади заргар. — Ўша маҳмадана йигитинга мен ҳам ачинаман. Лекин, афсуски, профессор Камол Камтарий билан ўзимнинг алоҳида ҳисоб-китобим бор — мен уни руҳан ўлдиришим керак! Ру-ҳан!!!

Кўршапалак нимадир демоқчи бўлиб тарадудланган пайтда Бекхўжа «Кел, шу қадаҳни профессорнинг соғлиғи учун кўтарайлик!», дея қадаҳ тутган қўлини унга қараб қўзди. Уриштириб ичдилар.

# Тоғда рўй берган фожиа

Шаҳар жиноят қидирув бўлимининг бошлиғи майор Аҳмедов оператив группа аъзолари кўршовида профессор Камол Камтарийнинг ҳовлисига қадам қўйиб, аллақандай ғайритабиий сукуватни ҳис этди-ю, бирдан юраги увишди. Улар қулфланмаган эшикдан даҳлига кириб, қўл-оёғи арқон билан чандилган, кўзига латта боғланиб, оғзига сочиқ тикилган ҳолда ётган хизматчиға дуч келдилар. Профессорни ҳам худди шундай аҳволда топдилар. Қотиллик қилинмагани майорни бир оз таажублантирди, айни пайтда безовта кўнгли енгил тортди.

Профессорнинг қўл-оёғини ечдилар. Арқон изидан моматалоқ бўлган ва ҳаракатсизликдан увишиб қолган билакларини уқаларкан, профессор ўзича гудранди:

— Ярамаслар! Автобола кимга керак бўп қолдйкан? Барибир аккумулятори бўлмас...

— Ҳамма гап шунда-да, ҳурматли профессор, — деди майор хонани синчиклаб кўздан кечириётган экспертларнинг диққи-нафас ишини зимдан кузатиб тураркан. — «Еттинчи сайёра» фирмасидаги аккумулятор ҳам бугун тунда ўғирлаб кетилган. Эрталаб бизга хабар қилишди...

Туни билан қаттиқ полда ётаверганидан суюк-суюкларни зирқираб оғриётган Камол Камтарий диванга ястанаркан, кўзларини юмиб, пича жимиб қолди. Майор Аҳмедов стуллардан бирини олиб, профессорга яқинроқ жойга қўйди.

— Автобола ҳақида, мабодо, бирон кишига батафсилроқ гапириб бермаганмидингиз? — дея сўради у стулга ўтираётди.

— Бўлган эди, — деди кинояли оҳангда профессор. — Радионинг муҳбирига айтган эдим.

Майорнинг қиёфасида хиёл жонланиш акс этгандек бўлди.

— Ҳар ҳолда, муҳбир билан бир гаплашиб кўриш керак. Малол келмасе, унинг фамилиясини...

— Ҳожати йўқ, — дея профессор қўлини ундов белгисидек юқорига кўтариб, майорнинг гапини бўлди. — Уша муҳбир кеча мен билан телефонда боғланиб, қабул қилишимни ўтиниб худонинг зорини қилган эди. Журналист халқидан қочиб қутилиб бўлармиди, шунинг учун вақт анча кеч бўлиб қолганига қарамай, розилик бердим.

Ҳаёт тасодифлари қозонида қайнаб, не-не чигалликлар гирдобида соч оқартирган тажрибали изкувар бу қабулнинг оқибати нима билан турганлигини аллақачон англаб етган бўлса-да, воқеа қай тарзда рўй берганини аниқ билиб олиш мақсадида профессорнинг оғзига тикилганча тураверди.

— Муҳбир, десангиз, хонамга кирибоқ, илжайганича менга ханжар ўқталди, — дея гапида давом этди профессор. — Кейин елкамдан турткилаб, «Марҳамат қилиб, деворга ўгирилиб турсалар», деди. На илож, айтганини қилдим. Шериклари кириб келиб, аввал кўзимни бойлашди...

Камол Камтарий, қолганини ўзингиз кўрдингиз дегандек, дўрдоқ лабини жимириб қўйиб, яна аста кўзини юмди.

— Автобола тўғрисида анча-мунча нарсалардан хабардорман. — Майор гўё профессорнинг роҳатини бузишга мажбур бўлаётганидан хижолат тортиброқ гапирарди. — Мумкин бўлса, айтинг-чи, уни ясашдан асосий мақсадингиз нима эди?

Профессор кўзларини очмасдан, уйқусираётгандек гўлдираб жавоб қилди:

— Елгизлик балосидан қутилиш!

...Камол Камтарий узоқ вақтгача фарзанд кўрмади. Ниҳоят, қирқ тўрт ёшида хотини ўғил туғиб берди. Профессорнинг назарида, кўп йиллардан буён жуссасини чор тарафдан қисиб турган кабинет деворлари бирдан кенгайиб кетгандек, одатда рутубат ақиби турадиган хоналар дафъатан чароғонлашгандек туюлди. Хотини ҳам чинакам оилавий бахтни эндигина ҳис қилаётганга ўхшар, илгарилари унинг чиройли кўзларига раҳна солувчи унғай-сизланишга ўхшаш соя бутунлай йўқолиб, эндиликда оналик фахри порлаб турадиган бўлди.

Афсуски, бу қувонч узоққа чўзилмади. Орадан кўп вақт ўтмай профессор бир пайтнинг ўзида ҳам ўғлидан, ҳам хотинидан жудо бўлди.

Уша мудҳиш кунни эслай бошласа, таранглашиб бораётган асаб томирларининг худди сетор симларидек биринкетин тарсиллаб узилаётганини ҳис қилади. Ҳозир ҳам ана шу азобдан унинг бўйин томирлари тортишиб, тиришган жуссаси диванга тобора чуқурроқ чўкиб бораётгандек эди.

Тоғ оралиғига жойлашган сўлим ва баҳаво Хўжамозор қишлоғи шаҳарликларнинг сеvimли сайилгоҳи ҳисобланади. Камол Камтарий Наврўз байрамида ўғли, хотинини олиб ўша ёққа лола сайлига жўнади. Бу унинг ўн тўрт ойлик ўғли эндигина тетапоя юра бошлаган, «дада», «ая» деган сўзларга тили келишиб қолган пайтлар эди. Улар Хўжамозорда эскидан таниш бўлган обжувозчи чолнинг уйига қўнишди. Обжувозчининг хонадони қишлоқдан анча четда жойлашган бўлиб, бу ер сокин ва шинам эди.

Икки кундан кейин қайтиб келишини тайинлаб, шофёрини шаҳарга жўнатиб юборган профессор эртаси кунни отга миниб, чавандоз чолга эргашганича ов қилгани тоққа чиқиб кетди. Чолнинг битта қуён отиб олганини ҳисобламаганда, ов айтари бароридан келмади, лекин шаҳарлик олим учун бу фойтда кўнгилли сайр бўлди.

Кутилмаганда ҳаво бузилиб, ёмғир ёға бошлади. Улар зудлик билан ортга қайтдилар. Ёмғир бир оздан сўнг жалага айланиб, иккала овчи ҳам бошдан оёқ ивиб кетишди. Лойқа сув бир зумда жилғалар ҳосил қилиб, от тўёқлари остида кўпириб оқа бошлади. Атрофни жаланинг шовуллаши ва момақалди роқ овози тутди.

— Жала тингунча Айиқғорга кириб турмасак бўлмайди, — деди чол соқолидаги сувни сидириб ва айғирини ён тарафдаги сўқмоққа бурди. Профессор индамай унинг ортидан от солди.

Курум бошган бу улкан ғорни Камол Камтарий аввал ҳам бир марта кўрган эди. Улар отнинг устида тўғри ичкарига кириб бордилар. Отлардан тушишгач, чол қайси дир овчидан ортиб қолган ва ғорнинг бир четига босиб қўйилган шох-шаббаларни ўртага судраб келиб, гулхан ёқди. Бу жуда ҳузурли эди. Улар шу зайлда бир соатга яқин исиниб ўтиришди.

— Жуда чўзилиб кетди-ку сабил, — деди чол борлиқни қалин тумандек тўсиб ёғаётган жалага ташвишли термулиб. — Ишқилиб, сел келмасин-да.

Профессор бирдан сесканди. Унинг кўз ўнгида хотини, ўғли жонланди... Сел кўпиради, хотини даҳшатдан бўзариб қочиб борапти... қўлида ўн тўрт ойлик ўғилчаси...

— Кетдик, отахон! — деди у ўрнидан сапчиб туриб. Сўнг йиғитлардек чаққонлик билан отга минди ва чолнинг йиғиштиринишини кутиб ўтирмай қишлоқ томонга елиб кетди.

У манзилга етиб келгач, даҳшатли манзарадан ажуздига жувиллоқ кирди. Деворлари аллақачон ағанаб тушган обжувознинг чорчўплари орасидан сув шовва бўлиб пастга қуйилар, соҳилидан тошиб чиққан сой чол истиқомат қиладиган уйнинг дарчаларини ялай бошлаган эди.

Камол Камтарий изтиробдан увлугудек бўлиб, атрофга аланглади. Дўнглик устида кимнингдир шарпаси кўринди. У отнинг бошини ўша тарафга буриб, шаҳд билан қамчи урди. Дўнгликда сигирининг арқонидан ушлаб олганича дилдираб турган кампирга йўлиқди. Остида гижинглаб турган отнинг ўмрови билан сигирни турткилагудек бўлиб, ховлиққанича сўради:

— Улар қани?!

— Уйимизни сув босганида бирга қочиб қикувдик, — деди кампир кецирим сўраётган кишидек зорланиб. — Сигиримни молхонадан олиб чиқиб қарасам... келинпошша йўқ...

Орадан икки кун ўтиб, хотинининг жасади Хўжамозор қишлоғидан анча олисдаги ёйилмадан топилди. Гарчи ҳеч ердан ўғлининг дараги чиқмаган бўлса-да, тирик қолгани барибир гумон эди...

Камол Камтарий эринчоқлик билан кўзини очиб, майор Аҳмедовга бир лаҳза ҳолсиз тикилиб турди. Сўнгра ғамгин товuşда деди:

— Мен ўзимга энг паҳлавон, энг чопқир, энг ишчан, айни чоғда ўта итоаткор ўғил ясаб олмоқчи эдим. Сел у ёқда

турсин, ҳатто ўқ ҳам ҳалок қила олмайдиган бўлсин, дедим. Афсуски, тақдир шуниям кўп кўрди.

Майорни шу тобда бошқа бир нарса кўпроқ ташвишга солаётган эди: Автоболани ким ўғирлади? Нима мақсадда?

Экспертлар ишини тамомлади. Майор ҳам ўрнидан туриб, кетишга чоғланди. Камол Камтарий ниҳоятда ҳориган бўлишига қарамай, одоб юзасидан меҳмоннинг орқасидан кўзғалди. Кўча эшикка яқинлашган чоғда майор тўхтаб, профессорга ўғирилди:

— Ҳалиги сохта муҳбирнинг ташқи қиёфасини суриштирмаётганим сизга қизиқ туюлмаётими?

— Ҳар кимнинг иш услуби ҳар хил, — деди профессор иложи борича майорнинг кўнглига ботмайди қилиб.

Майор ўзининг саволига ўзи жавоб берди:

— Суриштирмаётганимнинг боиси шуки, сиз билан икки марта юзма-юз учрашган ўша товламачи аллақачон вазифасини бажариб бўлди.

Майор «тушундиргимиз» дегандек мезбонга синовчан боқди. Профессор «кайда, балки, чинданам ҳақдирсиз» деган маънода бепарво елка учуриб қўйди. Шундай бўлса-да майор Аҳмедовнинг устамон эканлигига тан бермасдан илож йўқ эди.

## Мужмал дарс

Ёзга чиқиб Автобола фақат гаплаша оладиган эмас, балки айрим масалалар устида одамлар билан бахшлашадиган, ҳатто мустақил фикрлайдиган бўлиб қолди. Атрофидагиларга ўхшаб у ҳам такаббур, дағал ва бешафқат эди.

Автобола бу хонадонда фақат Холдорни ёқтирарди. Холдор серзарда, жирраки бўлишига қарамай, темир ошнасини ноҳақ ўқинтирмас, қўпол табиатли Суперсурс ўзича хўжайинчилик қилиб бўйин чўзган вақтда у доимо Автоболанинг ёнини оларди. Автобола Бекхўжа заргарни ҳам у қадар хушламасди: унинг мужмал гапларини тинглаб ўтиришдан бениҳоят толиқиб кетар, калла қисмидаги микроконденсаторлари зириллаб қизий бошлар эди. Заргарни у фақатгина Холдорнинг дадаси бўлгани учунгина ҳурмат қилишга мажбур эди.

Бугун ҳам куннинг биринчи ярми Автобола учун одатдагидек хушчақчақ ўтди. Баланд деворлар билан қўршалган боғда Холдор иккаласи роса «уруш-уруш» ўйнадилар. Холдор уни ёлгондакамига ўн бир марта ўлдирган бўлса, Автобола ўз «душмани»ни йигирма мартача чўзилтирди. Афсуски, шундай қизиқ ўйиндан ҳам ўқ чиқди. Бу кўнгилсизлиқнинг сабабчиси асосан Холдор бўлса-да, сўкишни бари бир шўрлик Автобола эшитди.

Воқеа бундай бўлган эди: ўйин роса авжга минган бир пайтда Холдорнинг баднафслиги кўзиб, ҳали шира йиғиб улгурмаган кузги олмага қарата кесак ота бошлади. Кеча ҳам беркиниш навбати эндигина Автоболага келганда Холдор олмани баҳона қилиб, ўйинни советган эди. Унинг яна фирромлик қилаётганидан жаҳли чиққан Автобола танаси этикнинг кўнжидек бўлиб қолган олма дарахтини қучоқлаб, таг-туғи билан қўпориб олди-да, зарда билан ерга урди.

— Ол, бурнингдан чиққунча еявер!  
— Яша, Темиртак! — Холдор севинчдан чапак чалиб юборди. Кейин очкўзларча олмага ташланди.

Шунинг устига ҳаллослаганича Суперсурс келиб қолди-ю, озгига зўр берди:

— Кучинг дарахтга етдим, оташкурадан тарқаган?!  
Аппаратинг ишлайдими ўзи?

— Анави шалпанқулоқнинг кўзи тўйсин, дедим, — дея ўзини оқлай бошлади Автобола. — Беркиниш навбати менга келганда, бу фирромчи олманинг тагидан жилмай қолди.

Суперсурс эса Холдорни тергаш ўрнига Автоболани бўралаб сўкаверди:

— Бу боғ тунукабош энангдан қолгани йўқ, билиб қўй! Ким бўлибсанки, дарахтларни бир чеккадан ўпираверсанг? Ҳе ўша ихтирочингни...

— Вағиллама! — Холдор ҳамон олма кавшаб тураркан, Суперсурсга мушт ўқталди. — Темиртакни хафа қилсанг, каллангни узиб оламэн!

Холдор тушлик қилаётган маҳал Автобола унинг расм дафтари ва қаламини олиб, ўзича алланималарни чизиб ўтирди. Холдор ҳали ўқиш-ёзишни билмас ҳам, расм солишга ишқибоз эди. Бир кун у рақибига пичоқ ўқталиб турган кишининг суратини чизди-ю унда одамлар ҳаддан зиёд тасқара — жўхориюядек ингичка ҳамда маймоқ-саймоқ тасвирланганига қарамай дадасидан роса мақтов эшитди. «Мана бу — ҳақиқий эркакча санъат, — деди дадаси. — Гул билан булбулни, майли, ҳезалаклар чизиб юраверсин...»

Овқатланиб бўлган Холдор темир ўртоғининг ёнига бориб, чизган суратига разм солиб туриб, бирдан кўзлари чакнади:

— Вуй! Жудаям ўхшатибсан!

Сўнг дафтари Автоболадан тортиб олиб, ҳануз чой ичиб ўтирган Суперсурсга узатди: «Эгрибурунни кўриб қўй». Суперсурс расм дафтари менсимаган қиёфада оларкан, чой хўплаётиб кўз қири билан суратга қаради. Кейин пёвлани шоша-пиша столга қўйиб, кўзлари косасидан чиққудек бўлиб, диққат билан тикилди: Кўршапалак қойилмақом қилиб чизилган эди. Ҳатто қийшқ бурнининг ёнидаги кичкина чандиғи ҳам эътибордан четда қолмабди.

— Епирай! — дея ҳайратини яшира олмади Суперсурс. — Каллангни пақир деб юрсам, бало экансан-ку!

Шу пайт стол яқинидаги жавонча устига ўрнатилган йўқлагичдан Бекхўжа заргарнинг донатор товуши эшитилди: «Насибангни ғажиб бўлдингми, Суперсурс?»

Суперсурс сертук тумшугини йўқлагич қарнайиг ақинроқ олиб бориб, ғингшиганга ўхшаш овозда жавоб қилди:

— Қорин тўйди, хўжайин.

«Жудаям кўз, Суперсурс, — деган товуш келди йўқлагичдан. — Хонамга кириб, дастурхонни йиғиштир. Кейин биз Автобола билан машғулот ўтказамиз».

— Хўп бўлади, хўжайин.

Бир оздан сўнг Автобола истаб-истамай заргарнинг ҳузурига кириб борди.

— Салом, хўжайин.

— Келдингми? — деди заргар унга дўстона назар ташлаб. — Хўш, аҳволлар қалай, Автобола?

Эндигина креслога ўтирмоқчи бўлган Автобола заргарнинг сўнги сўзини эшитиб, ниманидир эслагандек туриб қолди. Кўз ўнгиде беихтиёр самимий жилмайганича унга тикилиб турган оқсоч бир кишининг ёқимли чехраси намоён бўлди. Лекин бу чехрани қачон, қаерда кўрганини сира эслаб олмади. Фақат, ўшанда оқсоч киши ҳам худди мана шу гапни айтган: «Хўш, аҳволлар қалай, Автобола?» дея унинг бошини силаб, елкасига дангиллатиб уриб қўйган эди.

— Бугун хомуш кўринасан, чироғим! — Заргар кўзи билан имо қилиб, уни ўтиришга ундади. — Ўғлим сени хафа қилдимми ё?

— Холдор билан уришмаймиз... Анави Супердан безор бўлдим, сал нарсага сўкаверди. Бунақаларнинг аккумуляторини ўчириб қўйиш керак.

Бекхўжа заргар қаҳ-қаҳ уриб, кулиб юборди.

— Бу кекса шаллақи охири автоматларнинг ҳам жонига тега бошлабди-да, — деди зўрға кулгисини тийиб. Кейин эса, бу гапи келгусида ўзига қимматга тушишини хаёлига ҳам келтирмай, қўшиб қўйди: — Афсуски, кучсизларни ўлдириб бўлмайди, марднинг иши эмас бу, азизим.

Холдорга қўшилиб анча ўйинқароқ бўлиб қолган Автобола «гапни чўзмай, дарсингни бошласанг-чи» дегандек тоқатсизланиб турарди, заргарнинг кейинги гапидан сўнг сал хушёр тортиди. Буни фаҳмлаган заргарнинг қиёфаси бирдан жиддий тусга кирди. Нозик бармоқлари билан столни чертганича пича шифтга тикилиб турди-да:

— Янглишмасам, ўтган сабоғимиз буюм ва унинг қадри ҳақида эди, — дея сўзлай бошлади у. — Охири оқилона бир хулосага ҳам келган эдик. Хўш, ўша хулоса ёдингдами? — Сиз «Буюмнинг қадри — унинг нархида», деган эдингиз.

— Офарин, Автобола! Демак; йўлда ётган темир қошиқни ҳатто саёқ ит ҳам ҳидламайди. Аммо ўша қошиқдек тиллани деб одамлар бир-бирларини бўғизласа, биз бундан заррача ҳайратланмаслигимиз керак! Шундайми?

— Тўғри, хўжайин. — Автобола заргарнинг гапини маъ-



куллаб, бош ирғади.—Чунки тилланинг нархи жуда баянда.

Заргар юзига тантанавор тус бериб, ўзининг талабасининг позитрон миясига навбатдаги мужмал фалсафаларини қуя бошлади.

— Бугун биз пул ҳақида, одамзотнинг унга муносабати ҳақида суҳбатлашамиз, — деди у. — Мундай қараганда, одам Ер юзидаги барча мавжудот сингари, асосан, нафсини кондирши билан машғул бўлса-да, синчиклаб кузатилганда, унда баъзи бир афзалликлар мавжудлиги кўзга ташланади, яъни у пулни оддий қоғоздан ажрата олади, пулга юракдан меҳр қўяди, жамғаради, зарурат туғилганда қисман ҳарж-лайди ҳам — одамзотни айнан шу қобилияти эшак билан, чўчкадан айрири туради. — Заргар навбатдаги жумлаларни фикрида маржондек тизиб олиш мақсадида яна бир оз жим қолди. — Одамзотнинг табиати нозик, унинг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлган ўша пул икки хил йўналишда ҳаракат қилади: биринчидан, бу — даромад, иккинчидан — ҳаражат. Янаям соддароқ қилиб айтадиган бўлсак, чўнтакка тушгани — «даромад» чўнтакдан кетгани — «ҳаражат», дейилади. Баъзи донолар даромадни «кирим» деб ҳам атайдилар. Ҳаражат эса, «чиқим»дир. Даромад қанча мўмай бўлса, сарф-ҳаражат учун шунча қулай имконият туғилади. Аммо, ҳар қандай ҳолатда ҳам, ҳаражатнинг даромад билан тенг келиб қолишига зинҳор-базинҳор йўл қўймаслик керак. Чўнтакнинг хонавайронлиги мана шу оддий қондан тўлиқ тушуниб етмаслик ёки унга кўр-кўрона итоат қилмасликдан бошланади. Ҳамени қуруқ бандда на бурд қолади, на обрў...

Портретини чиздиришни ният қилиб ўтирган Суперсур Автоболанинг дарсдан толиқиб чиққанини кўриб, бу ишни кейинроққа суришни маъқул топди.

— Қаллам росаям қизиб кетди, — деди Автобола келибоқ ўзини қаравотга ташларкан. — Мени ухлатиб қўй, Суперсур. Ҳеч бўлмаса, бир соатгина ухлай.

— Сенга маза, пақирбош, — деди Суперсур гердайдиганича келиб, унинг кўкрагидаги қопқоқ мурватини бураркан, — сариқ тугмани босса — ўласан, яшилини босса — тириласан. Мабодо мен бир ўлиб қолсам борми, тўқсон жойимни босганиндаям... ҳатто қулогим қимирлаб қўймайди.

Автобола уйқуга кетди. Суперсур «эркатойим, алла-ё, пақирбошим, алла-ё» деб мингирлаганича ташқарига чиқди.

## Биринчи амалий машғулот

Девордаги осма соат тунги учга занг урди, эндигина уйқу элита бошлаган қоровул чол сергакляниб кўзини очди. Унинг қоғоқлари қўрғошин осилгандай оғирлашиб кетган, бошидаги сарҳушлик тарқамаган эди. Уйқуни қочиршиш учун чол термосдан пиёлага қайноқ чой қуяётган чоғда ташқаридаги эшикнинг қарсиллаб очилгани, қулфнинг шарақлаб ерга тушгани эшитилди. Қоровул ўзини ўнглаб улгурмай, ёнгинасида бошдан-оёқ темир ниқоб кийган ажинасифат бир маҳлуқ пайдо бўлди. Маҳлуқнинг елкасига қийрихон қилиб кўк баҳмал халта ташланган, халтанинг ўртасига қипқизил хўрознинг сурати солинган эди.

— Дамингни чиқарма! Тш-шш!

Қоровул чол деворда осиглик турган милтиққа қўл чўзганича қотиб қолди.

— Е илоҳа иллолло... — дея шоша-пиша калима қайтарди чол. — Оғзингга ошпичоқ, кўзингга қалампир... Куф, суф! Даф бўл!

— Ошпичоғингданам кўрқмайман, қалампирингданам, — деди ажинасифат маҳлуқ. Сўнг бақувват панжалари билан чолнинг бўғиздан чангаллаб, уни йўлакка судраб чиқди. Бу — Кўршапалак қоғозга чизиб кўрсатган йўл-йўриқ бўйича аниқ ҳаракат қилаётган Автобола эди. У йўлакнинг ўнг тарафидаги, тепасига «Қасаба союз комитети» деган тахтача қоқилган эшикнинг қаршисига етганда таққа тўхтади.

— Яхшиликча очиб бер!

— Бу хонанинг қалити эгасида, — деди чол кўрқувдан

дир-дир титраб тураркан. — Алдаётган бўлсам, тепамда худо турибди...

Автобола тугмадек келадиган қоп-қора кўзини филди-ратганича тепага қаради, шифтда ҳеч нарса кўринмагач, «хе, ёлғончи» дегандек, бармоғи билан чолга пўписа қилган бўлди. Кейин тутқичдан ушлаб туриб, эшикни шунчаки силтаган эди, қулф ўпирилиб, атрофга пайраха сочилди. У қоровулни ичкари етаклаб кирди-да, хонанинг тўрига олиб бориб, юзини деворга ўгириб қўйди. Сўнг «Дамингни чиқарма!», дея қайтадан оғоҳлантирди.

Автобола темир жавоннинг ёнига борди: бу — деворлари орасига қум тўлатилмаган оддий сейфлардан эди. У иккала қўли билан эшикча устидаги қўшқулоқли бурамани ушлаб, шаҳд билан орқага айлантирди. Эшикча очилгач, хўроз гулли халтадан қўл фонарь чиқариб сейфнинг ичини ёритди. Тепадаги токдаха сочилли ётган, пасткисиде эса бели боғланган ҳолда тахлаб қўйилган бир олам пулга кўзи тушди. «Мана, ўша қимматбаҳо қоғозлар! — дея севиниб ўйлади Автобола. — Кўршапалак айтмоқчи: кўрдингни пул, даровда юл!»

У аввал сейфнинг устки токчасини, кейин остки токчасини тозалашга киришди. Бироқ, тахлоглик пул жудаём кўп эди, унинг ярмини солмасидан халта тўлиб қолди. Автобола бир дақиқа ўйга толди. Кейин пулни халта-палтаси билан ичкарига тикиб эшикчани беркитди-да, сейфни дадил орқалади.

Полни синдиргудек оғир қадам товуши тобора узоқлашиб бораётганини сезиб, қоровул чол кўрқа-писа бошини ортага ўгирганида хонадан темир ажина ҳам, пахта тозалаш заводи қасаба союз комитетининг ихтиёридаги сейф ҳам аллақачон ғойиб бўлган эди. «Е тава! — деб хаёлдан кечирди чол. — Сулаймон пайғамбарнинг деви тоғдан тушганга ўхшайди. Мана, охирзамон ҳам яқинлашибди...»

Дераза ёнида тамаки бурқситиб бедор ўтирган Кўршапалак каттакон сейфни орқалаб олганича чорбоққа яқинлашаётган Автоболага кўзи тушиб, капалаги учди. У илон чаққандек сапчиб туриб, ташқарига чиққан маҳал Автобола аллақачон пиллапоядан кўтарила бошлаган эди.

— Қаёққа ўрмалаяпсан, бефаросат? Нега кўтариб келдинг бу хунасани?

— Нима қил дейсан, эгрибурун! — Автобола сейф остидан ўқрайиб боқди.

— Э-э... манави томонга юр! — Кўршапалак ниҳоят эсҳушини йиғиб олиб, уни чорбоғ адоғидаги хилват эшик тарафга етаклади.

Сейфни омборга қўйдилар. Кўршапалак бошлиқни бу ишдан тезроқ хабардор қилиш мақсадида лапанлаганича заргарнинг қароргоҳига қараб йўрғалади. Бир оздан сўнг илондек вишиллаб яна қайтиб келди. Кетидан омборга Бехўжа заргар ва у ўтирган филдиракли креслони итарганича, Суперсур кирди.

— Пуллар халтага сиғмади, хўжайин...

Бир неча минг киши ишлайдиган заводнинг ишчиларидан тушадиган қасаба союз бадаллари хийла йирик бўлишини заргар илгаритдан чамалаб билган-у, лекин бу пулларнинг халтачага сиғмай қоладиган даражада мўмай эканини сира тасаввур қилмаган эди.

Бошлиқнинг бирдан чехраси ёришди. Чақмоқдек порпираб кетган кўзлари мамнун жилмайди. Бу мамнунлик оёқлари остида салмоқли ўлжа ётганидан эмас, балки топшириқни Автобола кутилганидан ҳам аъло қилиб ўринлатгани тўфайли балқиган эди. Унинг назарида автобола ўз имкониятларининг чексиз эканини амалда исботлаган эди.

Заргар роҳиблардек тавозе билан Кўршапалакка юзланди:

— Қани, даромадни ҳисоблаб юбор-чи!.. Мунча анқаясан?

Кўршапалак инқиллаб-синқиллаб сейфни бир ёнга энгаштирди ва ундаги бор нарсаларни ерга ағдарди: ерга уюму-юм пул, бир неча боғлам лотарей билетлари тўкилди. Суперсур бир боғлам лотарей билетини олиб заргарга узатди, заргар Автоболага юзланди:

— Мана бу нарса, азизим, оддий найрангга иштирок

этувчиларга тарқатиладиган қадрсиз бир қоғоз. Адашмасам, мен сенга ҳақиқий пуллардан намуналар кўрсатган эдим. Дарсни яхши ўзлаштирмабсан-да.

Автобола безрайганича айбни Кўршапалакка ағдарди: — Эгрибуруннинг ҷиروهи жудаям хира ёнаркан. Қоронғида ҳаммаси пулга ўхшаб кўринди, хўжайин.

Кўршапалакнинг жаҳли чикди.  
— Хунасанинг топган баҳонасини қаранг, — дея ўшқирди у. — Чироқ хира ёнганмиш. Яхшиси, биронта устахонага бориб, кўзингни алмаштириб кел.

Суперсур ҳам, кеча қарта ўйинида унга талайгина пул ютқазган жабрдийда Кўршапалакнинг ёнини олишга тиришиб, Автоболага бўйин чўзди:

— Бу каллами ё манти қозонми?  
Заргар «бас» деган маънода шерикларига хўмрайиб кўйгач, яна Автоболага юзланиб, сўради:

— Қоровулни тинчитдингми, ишқилиб?  
— Кучсизларни ўлдириш марднинг иши эмас, хўжайин...

Бекхўжа заргар бундан бир неча ҳафта илгари бўлиб ўтган гапни эслади. Энди ўша пайтдаги фалсафасига ўзи қарши чиққудек бўлса, Автоболада зўрга уйғотилган ишончга пугур етиши мумкинлигини пайқаб, пича каловланиб турди.

— Умуман олганда, сен ҳақсан, — деб оз-моз ён босган бўлди у. — Лекин шуни унутмагинки, ожизлиги учун бугун сен сичқонни аясанг, эртага у халтачангни илма-тешиқ қилиб юборади. Ожизларнинг ожизлардан фарқи бор, азизим. Хуллас, тирикчилик учун жангда беаёв бўлиш керак: ёвни ғафлатда қолдирмасанг, ўзинг ғафлатда қолсан.

Заргар сўзини тугатиб, сейфга хомуш тикилди. Давлат ҳисобиди турувчи инвентарни бу ерда қолдириб бўлмасди. Лотерея билетларининг ҳам баҳридан ўтган маъқул. У сейфни, ичига лотерея билетларини жойлаб, икки чақирим наридаги қўлга чўктириб юборишни буюрди. Автобола бу оғир даҳмазани яна орқалашга мажбур бўлди.

— Ҷўталнинг баракаси қочди-ку. — Автобола кетгач, Суперсур ерда ётган бир тўп пулга ноқаслик билан кўз қадади. — Аслида, кассани урса бўларкан.

— Кассада сигнализация бор, — деди заргар. — Қолаверса, кеча ишчиларга маош тарқатилган. Мен отамдан қолган пахта заводидан ўзимга тегишли улушни тортиб олмоқчи эмасман, ниятим — Автобола билан шунчаки амалий машғулот ўтказиш эди, холос.

Бекхўжа заргар ўзининг табдиркорлигидан ўзи фахрланиб, мағрур кўкрак кериб қўйди.

«Эҳ, Камол Камтарий, Камол Камтарий! Ушанда пулнинг қудратига шак келтириб, умрга татирли катта хатога йўл қўйдим. Сенга ниманики азиз бўлса, улардан сени жудо қилдим, ҳар қадамда руҳий азоб бердим, ҳаёт дастурхонингдан «лаззатли» таомларни бирма-бир тортиб олдим. Лекин сен ҳам ўжар экансан, танҳолик изтиробларидан қутилиш мақсадида темир бола ясадинг. Лекин бу фарзандинг ҳам бағрингда кўз очишга улгурмади: сени яна алам гирдобига чўктирди. Бундан билур мен неча йил аввал асистентингни вазифасидан четлатдинг, «истеъдодсиз ва маишатпараст», деддинг уни, илмий ишини чиппака чиқардинг. Худди ўша истеъдодсиз шоғирдинг Автоболангни оёққа турғизиб берди, бизни унинг нозик сирларидан огоҳ қилди. Бу ишларнинг ҳаммасини мен эмас, пулларим қилди. Менинг кучим — менинг пулимда. Истасам, сени бутунлай бадном қилишим мумкин эди. Лекин бундай қилмадим. Рақиб қанчалик номдор бўлса, у билан олишиш мен учун шунчалик фахрлидир. Мен қаршимда ожиз, ғариб кимсанинг эмас, балки бир вақтлар илму фаннинг қудратига астойдил сажда қилган, эндиликда ўша қудратни турли унвонлар гувоҳлигида ўзида мужассамлаштирган машҳур Камол Камтарийнинг туришидан, кўз ўнгимда аста-секин руҳан мурдага айланадиган завқ оламани. Узингни гўё ҳалиям тетик тутаётгандек бўлганинг билан ингрнаётганингни шундоқ эшитиб турибман! Инграясан, демак, пулнинг «билаклари» сени қаттиқ сиқувга олган. Ҳа, муҳтарам Камол Камтарий, пулнинг қудрати мана шунақа бўлади!»

Майор Аҳмедов профессор билан ҳол-аҳвол сўрашиб бўлгач, диванга ўтириб, дарров мақсадга ўтди.

— Нега келганим ўзингизга ҳам аёндир, — дея Камол Камтарийга юзланди у. — Шаҳарда юрган шов-шув...

— Хабарим бор, — деб бош иргиди Камол Камтарий. — Ҳамманинг оғзида — Автоўғри.

— Қоровул чол темир талончининг ҳайратомуз ишларини айтиб бераётган пайтда Автоболанинг имкониятлари ҳақидаги сўзларингиз беихтиёр ёдимга тушди. — Майор профессорнинг ҳамиятига тегмайди қилиб гапиришга тиришар эди.

Камол Камтарий бу талончиликка гўё шахсан ўзи раҳбарлик қилгандек, гуноҳкорона бош эгди.

— Ҳа, у менинг Автоболам, — деди чуқур хомуза тортиб...

Майор профессордан рухсат сўраб, сигарета тутатди. Ал-Хоразмийнинг девордаги суратига тикилганича, босиб-босиб тутун сўрди-да, суҳбатдошига қараб деди:

— Уша безори сизнинг Автоболангиз эканини бўйингизга қўйиш учун келганим йўқ, Камол ака. Сиздан ёрдам сўрамоқчиман.

Профессор майорнинг кўзларига синчковлик билан разм солди.

— Айтмоқчисизки, Автоўғрига қарши Автоизқувар ясаб...

— Йўқ, менимча, бу кўп вақтни олади, — дея унинг гапини бўлди майор. — Менга... бизга микромаёқ керак. — Нима?

— Оддий, магнитли микромаёқ. У, иложи борича, кўзга ташланмайдиган бўлса, дедим. Ана ундан сўнг «Олтин тузоқ» операциясини бошласак ҳам бўлаверади.

Майор ўйлаб толган бу тузоқ жуда жўн ва ишончли эди — шаҳарда қадимий ноёб олтин безаклар кўрғазмасини ташкил этиш керак; бу улгуржи ўлжа ўғриллар тўдасининг эътиборидан четда қолиши мумкин эмас. Майорнинг режасига биноан микромаёқ йирикроқ безаклардан бирига ёпиштириб қўйилар, кейин бу жинқарча станциядан бетўхтов келиб турадиган сигнал ёрдамида талончиларнинг изига тушиш имкони тугиларди.

— Умуман айтганда, фикрингиз анча қизиқ, — деди профессор. — Лекин микромаёқнинг нима кераги бор? Автоболани ўша кўрғазманинг ўзида бемалол тутиб олишингиз мумкин. Масалан, ўта мустаҳкам қафас ясаб...

— Шу ерда изқувар эмаслигингиз билиниб қолди, — деди майор сигарет кулини қоқаркан, мийғида кулиб. — Бизни кулфбузардан кўра, унга буйроқ бераётганлар кўпроқ қизиқтиради. Автоболани қўлга олганимиз билан у бошлиқларнинг қаердалигини осонгина айтиб беради деб ўйлайсизми?

Автобола билан очиқчасига гаплашиш учун, энг аввало, унинг ишончини қозониш лозимлигини, акс ҳолда, унга ҳеч қандай куч бакор келмаслигини профессор яхши биларди. Кўнглини топиш, уни тўғри йўлга солишга эса, талай вақт керак бўлади. Майор учун ҳар бир дақиқа ганимат, жиноятчиларни тезроқ қўлга тушириш ҳақида бош қотиряпти.

Камол Камтарий жиндай сукут сақлаб тургач, ўғлининг одобсизлигидан хижолатга тушган отадек ийманиб, майордан сўради:

— Пахта заводидан қанча пул ўғирланибди ўзи?

— Ҳозирча унчалик кўп эмас, — деди майор «ҳозирча» сўзига алоҳида урғу бериб. — Менимча, Автоболани шунчаки синаб кўришган бўлса керак.

— Синаб кўришган?

— Ҳа, бунга ишончим комил. Зудлик билан олди олинмаса, Автоболангиз... кечирасиз, ўша темир қароқчи ҳали кўп ҳунар кўрсатиши мумкин... Хуллас, микромаёқ қанча тез битса, шунча яхши.

Диққати ошган профессор майор кетгандан кейин хонада у ёқдан-бу ёққа тинимсиз изғиди. Бу қандай гап бўлди? Профессор Камол Камтарий ўша нодир аппаратни энг эзгу

ниятлар билан яратмаганими, ахир? Наҳотки унинг темир боласи бугун одамларни муттаҳамларча талаётган бўлса? Бугун талапти, эртага қотиллик қилса-чи?! Унда кексайган бир пайтда одамларнинг кўзига у қайси юз билан қарайди? Мен оппоқ, Автоболани бошқалар йўлдан уришди, дейди-ми? Наҳотки шундай деб, ўзини оқлаши мумкин?

Ахир, сен жуда роишай эдинг-ку, Автобола! Уша кун кўзларинг шунақаям самимий чакнаган эдики...

Уша кун профессорнинг ёдидан сираям чиқмайди. «Еттинчи» сэйбра» фирмасига олтин филофли аккумулятор буротришдан олдин у Автоболани ҳар эҳтимолга қарши синаб кўрмоқчи бўлди ва «томирларингга ўн икки вольт қувватли электр токни юборди. Бурчакка суяб қўйилган, калласи қуйи солиниб, оёқ-қўли шалвираб турган Автобола аста қаддини ростлади, бошини ўнгу сўлга буриб, хонадаги жиҳозларга, ал-Хоразмийнинг девордаги портретига диққат билан кўз югуртирди. Сўнг Камол Камтариёга тикилганича, тек туриб қолди. Профессор унга жиммайиб боқаркан, «Ҳўш, аҳволлар қалай, Автобола?» дея спиралсимон майин металлдан ясалган жингалак сочини силади; бардам бўл, яна бир неча кун сабр қилишингга тўғри келади, деган маънода елкасига қоқиб қўйди.

Аппаратнинг барча қисмлари бекам-кўст ишлайётганига ишончи қомил бўлиб профессор токни узди. Автоболанинг яна шалвираб қолганини кўриб, негадир кўнгли бузилди — ҳаётга илк мартаба назар ташлаган бегуноҳ гўдакни ўша сониядаёқ бўғиб ўлдиргандек ҳис қилди ўзини...

Камол Камтариё ҳозир шуларни ўйларкан, нигоҳидан ғурур ва чексиз бегуборлик акс этиб турувчи Автоболанинг қиёфаси кўз ўнгига яна бир бор гавдаланди. У хона ўртасида бир зум тўхтаб дардчил кўзларини қаттиқ юмганича қотиб турди. Лаблари эса маънос шивирлар эди:

— Сени нима қилиб қўйишди, болагинам?!  
◆

## «Уруш-уруш» ўйини

Мамат миллионер кимёгарлар посёлкасидаги магазинлардан пул солинган қопчиқларни йиғиштириб олиб, «Волган»нинг орқа ўриндиғига ястаниб олди, машина шаҳар томонга йўл олди.

Кимёгарлар посёлкаси билан шаҳар оралиғидаги ўн беш чақирим майдонда жизганак даштлик ястаниб ётарди. Мамат миллионер бу ёввойи манзарага, ҳудо биледи, нечанчи бор лоқайд кўз ташлаб бораркан, бугун ўртанча қизининг туғилган кун эканлиги дафъатан ёдига тушди. Совага нима олгани маъқуллиғи ҳақида ўй суриб, жағини силади. Лекин ўйи охирига етмай узилди — бир қўлини юқори кўтарганича йўл ёқасида гердайиб турган темир одамни кўриб, Мамат миллионернинг кўзлари олайиб кетди.

— Тўхтама! — У жонҳолатда шофёрнинг елкасига нуқиб, бақирди. — Бу ўша — Автоўғри!

Шофёр газ берди: машина ғувиллаганича йўлтўсарнинг ёнгинасидан ўтиб кетди.

— Тезроқ ҳайда! — Тўппончасини яланғочлаб, орқа ойнакка ўгирилиб олган Мамат миллионер шофёрни баттар қисташга тушди. — У каззоб орқамиздан қувиб келяпти. Тезлик ўлчагининг мили тобора юқорилайверди...

— Янаям тезроқ! — дея чинқирди Мамат миллионер. Тезлик суръати соатиға бир юз қирқ чақиримға етганда мотор инграганга ўхшаш товўш чиқариб, машинанинг сирти зириллаб титрай бошлади: Бу — тезликиннинг энг сўнги нуқтаси эди.

Лекин Автобола ҳам қолишмас, орқадан худди қалдирғочдек шитоб билан учиб келар эди. Охири уларга етиб олиб, жаҳл билан машинанинг тунука томига муштади. Томнинг лагандек келадиган жойи ичкарига ботди. Утақаси ёрилаёзган Мамат миллионер деразадан темир қароқчига қарата кетма-кет ўқ узди. Автобола очиқ дераза гирдидан маҳкам ушлаб олганича, машина билан ҳануз ёнма-ён чопиб бораркан, дўқ урди:

— Ҳей, тўнка! Мен билан яна «уруш-уруш» ўйнайдиган бўлсанг, мўйловингни юлиб оламан.

Мамат миллионер ваҳимаға тушиб бурчакка қапишиб

олди. Темир қароқчи машинанинг олдинги деразасига ўтиб, бир қўли билан рулни чангаллади.

— Тўхта! Тўхта! Тўхтамасанг, машинангни буриб юбораман. Оёгинг осмондан бўлади.

Ноилож шофёр тормозни босди. Автобола кўрқувдан дағ-дағ титрайган шофёрни деразадан ташқарига сўғириб олғач, йўлнинг у юзига улоқтириб юборди-да, энди Мамат миллионерга зугум қила бошлади.

— Яхшиликча даромадни буюққа чўз! — деди у, орқа эшикни очиб, темир панжасини тажовузкорлик билан ичкарига чўзаркан.

Мамат миллионер қопчиқларни кўксига босиб шанғиллади:

— Жиннимисан?! Булар давлатнинг пули-ку, эси паст!

— Кимникилиги билан нима ишим бор. Пул давлатники бўлса олмагин, деб айтишмаган менга. Кўп гапирмай, даромадан чўз!

Мамат миллионер ҳам бўш келмади.

— Олишинг бериши ҳам бор, хў бола, — деди у бармоғини бигиз қилиб. — Ўзбекистон жиноят кодексини ўқиганмисан ўзинг? Кўзингни оч, бу иш учун сени утильга топширишади!

— Қалламни кўп қиздирма! — Автобола пул солинган қопчиқларни худди бўри болаларидек ғижимлаб-ғижимлаб хўроз гулли халтачасига тиқа бошлади. — Тўхта деганда тўхтамаганинг учун иккаланганим чалпақ қилиб ташласам бўларди-ю, кучсизларни ўлдирши мардликка кирмайдиди. — У ингичка занжирни тортиб, халтачанинг оғзини беркитган, орқага тисариларкан, бармоғини лабига босиб деди: — Дамингни чиқарма! Тиш-ш-ш!

Бу воқеадан кейин шаҳарда Автоўғри ҳақидаги миш-мишлар янаям авж олди. Кишилар у ер-бу ерда тўплашиб олиб ўзаро гап талашшар, баҳс гоҳо соатлаб чўзилар эди: — «Волган»ни қувиб етибди-я!..

— Бир масъул ўртоқдан эшитдим: соатиға беш юз «босармиш хумпар»...

— Банканинг машинасини шилганидан кейин... Бўлганича бўп қолгандир, а?

— Буни қарангки, варанглатиб пешонасидан ўқ отсаям, пинагини бузмабди...

— Нима бўлгандаям, ушлаш керак ўша ўғриваччани...

— Буни энди ўзинг боппарсан, ошна. Яқин орада «ассалому алайкум» деб деразангдан кириб қолса, қўлдан чиқармайсан-да. Вах-ха-ха-ха...

## Пуфак момо

Чорбоғ этагида Автоболани тойчоқдек миниб юрган Холдор равот га туташ айвон ортида «Запорожец» машинасини кавлаштирайётган Суперсурни кўриб, дили равшан тортиди. «Тойчоқ»дан сакраб тушиб, унинг ёнига борди. — Ҳей, Супер, шаҳарга яна обдорасанми бизни? — деди иккала қўлини биқинига тираб туриб.

Моторнинг нега ўт олмайётганини аниқлолмай хуноби ошиб турган Суперсур Холдорга ўқрайиб бир қараб қўйди-ю, индамай ишини давом эттираверди. Яна пича уймалангач, қўлидаги омбирни жаҳл билан ерга улоқтириб, айвон четидаги супагага бориб ўтирди; мойга беланган қўлларини иржит латтаға шошилмасдан арта бошлади. Холдор такаббур Суперсурнинг аҳволи танлигини кўриб, «Баттар бўл!» дея ич-ичидан қувонди. Холдор бу кекса шаллақ билан ўчакишишдан завқ олиб ўрганган эди. Ҳозир ҳам унинг ярасига туз сепиш учун атайлаб ҳақоратомуз оҳангга гап қотди:

— Янги машина олсанг ўласанми, кал?

Лекин Суперсур бу сафар одатиға хилоф иш тутди: туюқиб бўралаш ўрниға Холдорга қия боқиб, худди майна қилаётгандек ясама тиржайиш билан минғирлади:

— Шу ақлни дадаларига ўргатсалар қалай бўларкин?

— Узингдаям мана мунча тил бор, — дея қўлочини ёзиб кўрсатди Холдор, — бориб айтавер-да.

— Айтиб кўрганмиз, — деди Суперсур сўйлоқ тишлари орасидан «чирк» этказиб тупураркан. — Хўш, хўжайин нима деб жавоб қилганини билалдиларми?

Дарвоза

Холдорнинг индамай турганини кўрган Автобола, шоша-пиша гап қистирди:

— Эзмалик қилма, Суперсур. Хўжайин сенга нима деганини Холдор қайдан билсин?

Гўё гап худо ҳақида кетаётгандек, Суперсур иккала қўли билан осмонга ишора қилиб деди:

— Мол-дунёнг қанча кўпайса, шунча серямоқ иштон кий, дедилар у киши.

— Қанақа... иштон?

Суперсур индамай ўрнидан кўзгалиб, аллақандай қўшиқни ҳиргойи қилганча, ҳовли тарафга кета бошлади.

— Тамом! — деб хириллади Автобола унинг ортидан қараб қоларкан. — Супер тамом бўпти. Мияси бузилганга ўхшайди. Сен машинадан келсанг, у иштондан гапиряпти.

Кейин, Суперсурнинг йўқлигидан фойдаланиб, улар ўзларини машинага урдилар. Холдор рулга ўтирди. Автобола ёндаги ўриндиққа чўкди. Холдор рулни у ёқдан-бу ёққа айлантириб, «др-р, др-р-р» дея оғзидан тинимсиз тулук сачратар, Автобола эса ора-сира «бип-би-бип» дея товуш чиқариб кўяр эди.

— Машина тузалса, сениям ўйнатгани олиб чиқайликми? — деди Холдор. — Кичкина бўлгани билан, жуда тез юради бу.

— Барибир мандан ўтолмайди, — дея мақтанди Автобола.

Темир ўртоғининг беқиёс чопқирлигидан ҳануз беҳабар юрган Холдор унга кўзини олайтирди.

— Жиннимисан? Бунини кўнғиз машина деб қўйишибди!

— Мен билан ҳазиллашма, — дея қизишди Автобола. — Ҳаққалаб юрсам ҳам бунақа кўнғизларнинг чаңгимда қолиб кетади, билдингми?

— Елғонниям эшиб юборасан-да, Темиртак.

— Ке, гаров ўйнаймиз!

— Бўпти. Нимадан?

— Тўппончангдан. Агар мен ютқизсам, фонаримни бераман.

Улар машинадан тушиб, Автобола дарвозанинг оғир темир тамбасини осонгина четга олгач ташқарига чиқдилар. Чорбоғнинг орқасидаги чакалакзордан ўтиб, адир этагига етдилар. Кўпдан бери ҳавасини келтириб юрган тўппонча ниҳоят бутунлай ўзиники бўлишига қатъий ишонган Автобола «Қани, елкамга мин-чи» деб ерга чўнқайди. Бу пайтда Холдор қаршисида бирдан намоён бўлган поёнсиз дунёга суқ билан боққанича қараётган турарди. У бугун умрида биринчи бор ўз ихтиёри билан чорбоғдан ташқари чиққан, оёқлар остидаги бўрсиқ тупроққа, ана шу тупроққа жонжаҳди билан ёпишганича бетиним титраётган қовжироқ гиёҳларга, бу гиёҳларнинг заъфаронлигидан мотамсоро тус олган қат-қат ўрқачларга, ўрқачлар узра омонатгина хилвираб турган оппоқ булутларга ҳам эндиликда ўз ихтиёри — эркин нигоҳи билан тикилаётган эди.

— Тезроқ бўлсанг-чи, ҳей! — дея Холдорни қисташга тушди Автобола. — Мин деяпман сенга!

Холдор хушини йиғиб, темир ўртоғининг елкасига тирмашди. Автобола ўрнидан туриб, яхшироқ ўрнашдими, йўқми — синаб кўрмоқ ниятида уни бир-икки бор силкиб кўрди.

— Энди тўппончангдан умид узавер!

Шундай дедию ўрқач-ўрқач адирлар орасига яшил камардек сингиб кетган сой томонга қараб чопа кетди.

— Қалай, юрагинг пўкилламаяптими?

— Шу ҳам югуриш бўлди-ю, — деди Холдор унинг қитиқ патига тегиб. — Жа борса, итчалик чопаркансан-да.

Автобола, «Ундай бўлса, бўйнимдан маҳкамроқ кучоқла!», деб қичқирди-да, кучининг борича чопа бошлади. Аввалига Холдорнинг завқи ошиб «Чу, тойчоғим, чу!..», дея сони билан унинг биқинига ниқтаб борди. Кейин сой ёқасидаги сарв ва қирчинларнинг кўз олдидан лип-лип ўтишидан боши айланиб, юрагига ваҳима оралади. Охири, Автоболанинг бўйнига ўргимчакдек ёпишиб олиб, «Тўхта энди, бўлди деяпман-ку!», деб бақаришга тушди. Автобола секинлади, ниҳоят, соҳидаги шалғали тўзғитгудек бўлиб, таққа тўхтади. Холдор унинг елкасидан сирғалиб пастга тушгач, худди ўзи чопгандек хансираб, гарангисиб ерга ўтирди.

— Тузук чопаркансан, Темиртак... Ке, энди дамингни ол.

Холдорнинг чин юракдан қойил қолганини сезиб, Автоболанинг ғаш келди. «Бу фирромчи билан иш битириш қийин, — деб ўйлади у. — Билиб турибман, кўнғиз машина сендан тезроқ юради, деб туриб олади ҳали. Фонаримни олиб бўлсан!»

— Чарчаганим йўқ, — деб жавоб қилди у зарда билан, — Ҳоҳласам, бунданам узоққа, бунданам тезроқ югураман. Нима деб ўйлаялсан мени!

— Мақтанма!

— Фирромчи! Сурбет! — Автоболанинг жазаваси тутди. — Бўлди, энди тўхтаёқол, деб ялинган ким? Дурустроқ югуришга қўймадинг-ку ўзинг.

Холдорнинг яна қувлиги кўзиди:

— Шунақами? Унда, ҳў, анави охирги дўнғгача тўхтамасдан бориб кел-чи, — деб қўли билан энг юксак ўрқачни кўрсатди у.

— Нима қипти? Зув этиб бораман-келаман. Кейин, тўппончангни берасанми, ахир?

— Ҳа, майли...

Аччиғи келиб турган Автобола ғилдираги ариқчага тушиб қолган машинадек, ортига шағал сачратиб, шаҳд билан жойидан кўзгалди, ҳозиргина турган ерида омоч изини эслатувчи иккита ёнма-ён чуқурчагина қолди. У овчи ўқиға чап бериб қочаётган оҳудек жадал йироқлашиб борар, ўрқачлар тўлқини орсида гоҳ кўздан йўқолиб, гоҳ яна юқорига балқиб чиқар эди.

«Тўппончаям қулоғини ушлаб кетди, — дея Холдор афсусланиб бош қашлади. — Каттароқ нарсдан баҳс бойласанг, самолётдан ҳам ўзади шекилли бу Темиртак.»

Ҳаёл билан бўлиб, сойнинг муюлиш жойида тошлар шалдираганини ҳам эшитмай қолибди. Бир пайт қулоғига: «Бу ерда нима қиялсан, ўй, бачо? Кимсан ўзинг!» деган товуш чалиндию Холдор орқасига ўгирилди. Бир эшак, эшак устида хуржун, хуржун устида тўлпоққина қизчани олдиға мингаштириб олган қорачагина кампир... Унинг ола кўзлари худди ниқоб тешигидан боқаётгандек ғалати йилтиллаб турарди. Эшак ҳам, эшакнинг орқа оёқлари ёнидан туриб Холдорга тажовузкор кўз тиккан тумшукдор кўппак ҳам қол-қора эди.

— Нима ишингиз бор? — деб совуққина жавоб қилди Холдор. У ҳозир кампирнинг бу ердан тезроқ жилишини истарди. Лекин кампир ҳали-бери жойидан жилмаслигини пайқаб, кўшиб қўйди: — Ўзингиз ким бўласиз?

— Ана халос! — дея кампир тиззасига шапиллатиб урди. — Ўй, бачо, сан ўзимизни мамлакатданме ё Фарангистондин келдингму? Шу депарадаги ҳамма бандан бежаноно эшагимни ханграшийдин танийду мани. Пуфак момо деган доно кампир борлигини эшитган бўлсанг, аңқаб армонда қолмагинки, шундоқ нишонингда турибман. Яхшилаб салом бер манга.

— Салом... пуфак кампир.

— Ўй, бачо, сан ўйламагин бу мамоне семизлиги тупайлин «пуфак» дейдилар деб, — дея қунонди кампир. Сўнг кучоғида ўтирган қизчага ишора қилиб, давом этди: — Мана шундоқ гўдак эдим ман болаларга пуфак сотишине бошлаганимда.

Бир кунни шаҳарга сайрга чиқишганида Суперсур унга ранг-баранг пуфаклардан бирини олиб берганини эслаб, Холдор кампирга умидвор термилди.

— Пуфак дейсизми? Менгаям берасизми?

Пуфак момо кўрсаткич бармоғини бошмалдоғига ишқаб, пишиллаганича деди:

— Аввал ҳаққине чўз, ўргулай. Ахир, чўнтагингда бир-иккита танга тургандирки, мандан пуфак сўраб, йўлимга кўндаланг бўлдинг.

Холдор кўйлагининг кўкрак чўнтағига, сўнг баҳмал нимчасининг ҳар иккала киссасига беихтиёр қўл тикиб кўрди-ю, бирдан бўшашиб, кампирга яна мўлтиллаб қаради. Пуфак момо эса, ҳатто игнани ҳам бировага насбага бериб ўрганмаган эди. Шу туфайли, болакайи сариқ чақа ҳам йўқлигини аллақачон англаб етган бўлса-да, бирон нарса ундиришдан ҳамон умидини узмай, сўради:

— Ҳеч бўлмаса, шиша-пишанг йўқме? Ичмайдиму даданг баттол? Ман хасис эмасман, локигин...

Пуфак момонинг сўзи бўғзида қолди: у адирларни чангитиб шу тарафга қунондай учиб келаётган қандайдир

нарсани кўриб қолган эди. Кампир кўлини пешонасига соябон қилиб, астойдил зеҳн солди.

— Бу ёққа нима тўпалон, ўй, бачо? — дея ҳайратланди у. — Манга мўлжал тортиб келаётган анов ножинс пойгачи матасепкилле ёки эшагимдин ҳид олган моча ҳарме?

— Қўрқманг, — дея унга далда берди Холдор. Гарчи кампир шу тобда ўзини вазмин тутишга тиришаётган бўлса-да, ҳализамон ваҳимага тушиши мумкин эди-да. — Менинг ўртоғим у.

Аллақандай ярқироқ нарса тўс-тўполон билан қаршида тўхтаганидан вазвасага тушган эшак шаталоқ отиб иргишлай кетди. Оғушидаги қизчани маҳкам қучганича шағал устига гупиллаб йиқилган Пуфак момо, жони бежо эшакнинг юганини ҳануз қўйиб юбормай, мазангча шевада алланималар деб қарғана, капалаги учган қизча питирлаб йиғлар, қари кўппак эса тишларини гирак қилиб, тинмай ириллар эди.

— Ол, Қораялоқ! — деб қичқирди Пуфак момо кўппакка қараб. — Ол-а, киш-киш!

Қораялоқ айёрлик қилмоқчи бўлди шекилли, ўзини худди чекинаётгандек кўрсатиб бир оз тисарилди-да, кутилмаганда бор баста билан рақибининг бўғзига сапчида. Автобола кўппакни ҳаводаёқ илиб олди. ва думидан ушлаб туриб, бир четга улоқтирди. Саросимага тушган эшак бир силтанишда эгасининг кўлидан юлқиниб чиқдию сира иккиланмай, ўзини сойга ташлади. Пуфак момо кўлларини иккала сонига тўхтовсиз шапиллатиб, айюҳаннос солди: — Худо урди мани-й! Эшагим оқде! Хони момим хуржунда кетду-у!

Қизча ҳам кампирга қўшилиб чинқира бошлади.

— Мунча додлайсиз? — деб кампирга дўк урди Автобола. — Тути келайми эшакни?

— Ё холиқ! — Пуфак момо ёқа ушлаб, Холдорга юзланди. — Бунингни-й қўл-оёқлик печ десам, мани одамдай ҳақорат қилду. — Сўнг Автоболанинг пойига йиқилгудек бўлиб, ялинишга тушди: — Ургулиб кетойин сандан, Чўян полвон, қўлингдан келса, хуржунимни-й тутиб кел. Мандек донога вафо қилмаган аҳмоқ хангиваччани бош-шимга ураманме.

— Бўпти. Аммо-лекин, энди бақирилмасин.

Автобола дангал бориб, сойга калла ташлади. Темир ўртоғининг шу шўнғиганича бедарак кетганидан юраги безовта тепа бошлаган Холдор кампирга ғазабнок юзланиб, қичқирди:

— Эшагиндан ўргилдим! Темиртақни чўқтирдиг-ку, ялмоғиз! Каллангни узиб оламан ҳозир!

Агар Холдор каттароқ ёшда бўлганида эди, илгарилари темир овунчоқ бўлиб туоулган Автобола, аста-секин унинг жонажон дўстига айлиниб қолганини, энди унинг бегубор қувончию безавол инжиқликларисиз яшаб бўлмаслигини ушбу дамда бутун онг ва вужуди билан англаб етган бўлармиди. Балки кўзларидан дафъатан тирқираб чиққан ёш кўнглидеги ана шу кечинмаларни шу тобда ҳеч бир изоҳсиз баён қилаётгандир?..

— Уй, бачо, манда айб йўқ, — деб ўзини оқлай бошлади Пуфак момо. — Уртоғинг жинни бўлганме? Узи чўян бўлса, ҳа энди, чўмилишни ким қўйибди унга... мана шундай сойда. — У кўлини шоп қилиб, гувлаб оқаётган сойга ишора қилди-ю, бирдан қийқиб юборди: — Қара! Ху, ана, Чўян палвонне боши кўринди. Чўкмабде ер ютгур.

Холдор шоша-пиша кўзёшини артиб, кампир кўрсатган ёққа қаради: тинмай типирчилаётган Автобола асов тўлқинлар бешигида лапанлаганича оқиб борар эди. Холдор беихтиёр соҳил бўйлаб югура бошлади.

— Қирғоққа суз, Темиртақ! Нима қиласан ўша эшакни? Бирдан ўртоғи оқиб бораётган жойда гирдоб пайдо бўлди. Холдорнинг юраги хапқириб, анграйганича тўхтаб қолди. Қўл-оёқларини жон-жаҳди билан ишга солган Автобола гирдоб ичидан торпедадек отилиб чиқдию тўлқинларни бирин-кетин ёриб ўтиб, ақл бовар қилмайдиган шиддат билан олға сузиб кетди.

Бу орада қизчани етаклаб Пуфак момо ҳам Холдорнинг ёнига келди ва маънодор томоқ қирди.

— Ерда матасепкилдай чопде, сувда қилич балиқдай кетде баттол, — деб яна жаврашга тушди у. Сўнг сал энгашиб Холдорнинг қулоғига шивирлади: — Мани айтду

дерсан, бу ўртоғингне шайтон билан олди-бердиси бор.

Холдор аста ёнга бурилиб, ҳамон пиқиллаб йиғлаётган қизчанинг пахмоқ сочини кўполгина силади.

— Йиғлама, ўртоғим эшагингни ушлаб келади, — дея овунтирган бўлди уни. — Отинг нима?

— Чилдилағ, — дея ҳиқиллаб жавоб қилди қизча.

— Филдирак?

— Шилдирак... — дея ўпқаланган қиёфада гапга ара-лашди Пуфак момо. — Одамзотне филдирак дейдиларму ҳеч жаҳонда? Биби Шилдирак бу.

— Вих-хах-ха! Вих-хах-ха! — дея Холдор яна шумлиги тутиб, кула кетди. — Ким бунақа от қўйди унга? Биби Шилдиракмиш. Вих-хах-ха!

— Уй, бачо, масхаралама мани набирамне. Бу отни-й, санга ўхшаган безорилар қўйган. Ман болалар тўплансун деб чирманда уриб, ашула айтаман, набирам шилдиракни чалеб туради. Узини-й оти Тожихон. Ана, қулоқчасини нарёғида қизил нарсасе бор.

— Адаш эканмиз-ку! — дея севиниб кетди Холдор ва кўйлагининг тугмасини ечиб, елкасини кўрсатди. — Мана. Шунга отимни Холдор қўйишган-да.

— Ундай бўлса, набирамне қулоғини тишла! — деди кўзларини бақрайтириб Пуфак момо. — Шу қиз катта бўлсун, кейин уни санга беройин.

Холдор беихтиёр қизчадан бир қадам нари чекинди. Буни кўриб Пуфак момо чапак чалиб юборди.

— Куёв қочде! Куёв қочде! Қўрқоқ чиқди куёв почча-мез!

Холдорни шу пайтгача ҳеч ким бу қадар беаёв мазак қилмаган эди. Унинг қовоқ-лунжи осилиб, Пуфак момони иккинчи бор сенсираб, жеркиб берди:

— Ҳей, Пуфак кампир! Сенга эрмак бўпманми? Калланг-ни узиб олмайин тагин.

Узоқдан эшакнинг қанграган товуши эшитилдию янгидан бошланаётган низо авжга минмай ўчди. Хуржунни елкасига ташлаб олган Автобола итоатгўйлик билан одимлаётган эшакни етаклаганича уларга яқинлашиб келарди.

— Айнониб кетойин сандан, Чўян палвоним. — Пуфак момо унинг истиқболига чиқаркан, узоқдан қулочини ёйиб, тинмай жавраб борарди. — Сани сувда учирган парраклариндин ўргулуйин. — Автоболанинг ёнига етиб борган, унинг бўйнидан қучиб, ялтироқ бетидан қайта-қайта ўпа кетди. — Ана шу эшакне калласида тилло беришин-чи, ман барибир уйда ўтирмайман, — дея тушунтиришга ўтди у гоҳ Автоболага, гоҳ Холдорга қараб. — Ман эркинман, қаёқне ўйласам, шу ёққа жўнайман. Энди айтгин, эшакдан айрилсам агар, бош-шимга қаро кун тушмайдиму? Эшагим бўлсин-у, хуржуним бўлмасин, оч қолмайманму ман баттол!


Бир оздан кейин устига жиққа хўл хуржун, зилдай кампир ва унинг тўлпоқ набирасини ортиб олган қора эшак «хр-р, хр-р» деб қўйиб, номаълум манзил сари қўзғалди. Пуфак момо зада еганидан буён одамларга яқинлашолмай, нарида ивирсиб юрган кўппакка қараб қачирди: «Бёх итвачча, бёх!» Сўнг ортига ўгирилиб, икки ўртоққа қувнок кўз қисиб қўйди:

— Қораялоқне юзи шувит. Энди мани кўзимга қаролмай-ду.

Холдор эрксевар кампирнинг ортидан анчагача паришон термулиб турди. Азбаройи уйга қайтишга оёғи тортмаётганидан Автоболанинг, «Ке, мин елкамга, тезроқ бормасак, Суперсурдан балога қоламиз», деган гапини ҳам эшитмаганга олди.

— Мунча тумтаясан? — деди Автобола унинг бу ҳолатини ўзича муттаҳамликка йўйиб. — Тўппончани беринг келмаптими, дейман? Биламан-да сен ғирромчини.

Йўқ, шу тобда Холдорга тўппонча ҳам, ундан ноёброқ бошқа буюмлар ҳам, ҳаттоки зеб-зийнатга лиқ тўла ўша ҳашамдор уй ҳам керак эмасди. У ҳозир, худди ҳув анави пахмоқ сочли қизалоқдек Пуфак момонинг қучоғига ўтириб, қай томон бўлишидан қатъий назар, узоқ-узоқларга кетишни орзу қилаётган эди.



# Суперсурнини сири

Автобола тасавуридаги нотаниш кишининг суратини чизиб бўлган, унга узок термулиб турди, лекин бу одамни қачон, қаерда кўрганини аниқ эслай олмади. «Хўш, аҳволлар қалай, Автобола?», деган муллоим товуш унинг кўлоқлари остида такрор ва такрор янгради.

— Нимани чиздинг, Темиртак! — Холдор келасолиб Автоболанинг кўлидан расм дафтари юлқиб олди. Суратни кўрдию қиёфаси бирдан жиддийлашиб, безавол жилмайиб турган оқсоч кишидан кўз узолмай қолди.

— Бу одамни аввал ҳам бир кўрганга ўхшайман. Ким ўзи? — деб сўради у беихтиёр ювош тортиб.

— Билмадим, — деди Автобола. — Мен ҳам уни кўрган-декман-у...

— Дадамдан балдоқ-малдоқ олгани келганлардан битта-сидир-да.

Автобола калласини аста сараклатиб, деди:

— Йўқ, мен у билан қаердадир... Деворда серсоқол бир одамнинг сурати ҳам бор эди. Бу оқсоч киши менга ҳатто гапирган. Ҳаммаси аниқ эсимда турибди.

Холдор ўсиқ киприкларини пирпиратиб, суратга қайтадан разм соларкан, дилида бу оқсоч кимсага нисбатан меҳр уйғонгандек бўлди. Уйчан тортиб, сўнгра:

— Ие, рост, менгаям гапирган эди, — деди у бирдан ҳаяжонланиб. — Одамнинг тушига кирадиган сеҳргар эмас-микан бу?

Автобола нимадир демоқчи бўлиб, эндигина оғиз жуфтлаган чоғда лўк-лўк этиб Суперсур кирди.

— Ухлаш керак, қашқирвачалар, — дея фингшиди у. Сўнг Холдорга қараб, деди: — Пақирбошни уйқуга ётқизиб, ўзинг ҳам хонанга гумдон бўл.

Шу пайт ташқари эшикнинг қўнғироғи жиринглаб қолди-ю, Суперсур яна хонадан чиқиб кетди. Бир оздан кейин Кўршапалак иккаласи ўзаро ғудурлашганича бошлиқнинг хонаси томонга ўтиб кетишди.

— Ўзи уйқум кеп қолувди, — деди Холдор эснаб. — Қани, каравотинга чўзил-чи, Темиртак.

Автобола дераза ёнидаги махсус пўлат каравотига чалқанча ётди. Кейин қопқоқчани очиб тугмачани босмоқчи бўлган Холдорнинг кўлини беозоргина нари итарди.

— Сен кириб ухлайвер, тургани ўзим ҳам босиб қўявераман, — дея аста дўриллади у. — Озгина ётай-чи, яхшироқ ўйласам, ҳалиги оқсоч кишини қаерда кўрганам эсимга тушиб қолар.

— Тугмачани-ку босасан, аммо-лекин қопқоқни қайтиб ёполмай қоласан-да. Эҳтиёт бўл, тагин ичинга сичқонвойлар кириб олмасин, ялтироқ нарсаларингни ғажиб ташлайди-я.

Хонада бир ўзи қолгач, Автобола юзини дераза тарафга ўгириб, ёнбош ётиб олди-да, яна оқсоч кишини хотирлашга уринди. Кўз ўнгида ўша манзара такрор гавдаланди: муъжазгина хона... истараси иссиқ оқсоч киши... «Хўш, аҳволлар қалай, Автобола?» деган ёқимли товуш... деворда эса серсоқол бир одамнинг сурати... ҳа, каттакон, рангли сурат... Буларнинг бари, чамаси, жуда қисқа вақт ичида рўй берган эдики, балки шу боис тушга ўхшаётгандир? Йўқ, туш эмас, бунга унинг ишончи комил. Фақат, кейин нима бўлганини эслай олмайди, холос. У ўшанда қайта кўз очиб, ўзини бегона бир муҳитда кўриб, пича ҳайратлангани ҳам ёдида, лекин... Уша оқсоч киши ким эди? Унинг макони қаерда?

Ғийқиллаб эшик очилди-ю, Автоболанинг хаёли бўлинди. Хонага нима ҳақдадир қизгин баҳслашиб Суперсур билан Кўршапалак кириб келди, Автобола сариқ тугмачани босишга ҳам улгурмай қолди. Гарчи Суперсурнинг «Аппаратинг ҳалиям ишляптими, чўмичдан тарқаган», деган гапини эшитиб ётган бўлса-да, ўзини ухлаганга солиб, миқ этмай ётаверди.

— Тинчибди хунаса, — деди Кўршапалак.

— Хўжайин қўйиб берса-ку ўлсам ҳам шу билан бир хонада ухламасдим, — дея ғудранди Суперсур. — Баъзан алаҳсиб бемаҳалда уйғониб кетаман-у, ярқираб ётган манави арвоҳни кўриб, нақ бўлмаса шайтонлаб қолай дейман.

Стуллар ғижирлади: қарта ўйин бошланди. Қартани шу қадар зарб билан уришардики, стол устида турган арақ шишалари бир-бирига тегиб, шарақ-шуруқ товуш чиқарди. Тез-тез жирракилик қилиб турганига қараганда Кўршапалак кўпроқ пул ютқизаётган эди. Дарҳақиқат, кўп ўтмай у худди ҳўкизга ўхшаб пишқирди:

— Чўнтак соб бўлди... Уйнамайман.

Шишадан пиёлага қўйилаётган арақнинг «култ-култ» товуши эшитилди.

— Пулинг соб бўлса бўлгандир, лекин аканнинг арағи тугамайди. — Бу кайфи ошиб қолган Суперсурнинг овози эди. — Ма, ич!

— Бунақа пуллардан ҳовучлаб топаман ҳали. Бош омон бўлсин!.. Лекин, сен аферист, шу арзимаган чақаларни деб, дўстингни алдаяпсан-а?

— Оғзингга қараб гапир...

— Енгингга қарта яшириб ўйнайсан. Сизмайди дейсан-да? Каллангни чўрт узиб олмайин, тагин, хў!

— Мишиқи Холдорнинг гапини гапириб, мени кўрқитолмайсан. Ундан кўра, ич заҳрингга!

Пиёланинг столга тўқ этказиб қўйилгани эшитилди. Орага негадир бир лаҳза жимлик чўкди. Сўнг Кўршапалак:

— Ҳали биз мишиқи Холдорга тенг бўлдимки? — дея пўнғиллади. — Ростини айт, Суперсур, бу бола қаердан кеп қолди ўзи? Болалар уйдан олганмиз, деган гапларинг ғирт хамак, ошна. Кўршапалак калла деб тандирни кўтариб юргани йўқ, барибир у ҳаммасини билиб олади.

— Билиб олганигда, менга ҳам шипшитиб қўярсан. Битта ош биздан.

— Ишонмаяпсан-а! Ургилдим сендақа қадрдондан. Мен аҳмоқ ҳурматингни қилиб, даста-даста пул ютқазиб турсам-у, сен бўлсанг... Э-э-э...

— Узинг биласан, қандоқ қилиб айтаман, ахир. Умуман сенга нима кераги бор шуни? — деди Суперсур.

— Кўрқяпсан! — деди Кўршапалак тишларини ғижирлатиб. — Хў, кимдан кўрқяпсан, хунаса? Заргарданми? Истасанг, ҳозироқ кириб ўша чўлоқнинг сайроқи тилини шартта суғириб оламан. Нима, усиз куним ўтмайдимми? Хоҳласам, сенга ҳам тупураман. Тупурайми шу жойинг ўзида?

— Карнайингни секинроқ чал-э! — Суперсур Кўршапалакни жерикиб ташлагандек кўринса-да, унинг ялинчоқликка мойил товушдан ялтоқланаётгани яққол сезилиб турарди. — Оч мушукка ўхшаб, битта сичқонни деб, ўртага дўстлиқни қўяверма. Жуда билгинг келса...

— Айт! — дея гапни чўрт кесди Кўршапалак. — Бир дастурхондан овқат ейдиганлар менга дўстми, душманми — аниқ билишим керак. Биров сендан сир яширдими, демак билки, ўша хунаса бир кунни овқатингга маргумуш солишдан ҳам тоймайди.

— Оббо, кўрвачча-ей! Бунча ваҳима қиласан, кошки заҳарлашга арзийдиган одам бўлсанг... Майли, айтсам айта қолай. Аммо-лекин, оғзидан гуллаган — ғалча!..

Суперсурнинг шанқи овозига қулоқ тутиб ётар экан, Автоболанинг вужудига титроқ кирди — у бундай даҳшатли ҳикояни умри бўйи эшитмаган, бундан кейин ҳам эшитиши даргумон эди. Ўзига ўзи бераётган ниҳонсиз саволлардан боши қизиб кетганига қарамай бу сирли ҳикояни сўнгиггача тинглашни ният қилиб қўйди.

«Наҳотки Холдор... демак у Бекхўжанинг ўғли эмас эканда!.. Профессор ким бўлди?.. Қанақа сел тўғрисида гапиряпти бу?.. Э-э, гап бу ёқда экан-ку!.. Ана холос...»

Кейин гап ўзига келиб тақалганини сезиб янада эйтибор билан тинглай бошлади...

— ...бундан чиқдики, бечора профессор манови Автохунасани ўғлининг ўрнига ҳуморбости қилиб ясаган экан-да? — деб Кўршапалак хириллар эди.

Суперсур ҳам ҳиринглади:  
— ...мана энди бунисини ҳам ўмардик.

Яна пиёлалар уриштирилди. Орқасидан «оҳ», «ух» деган хитоблар эшитилди. Салдан кейин Кўршапалак «Соат ҳам бешдан ошибди», деб тўнғиллади-да, стулни ғижирлатиб ўрнидан кўзголдди. Суперсур айқидек гурсиллаб каравотига ағнади ва шу заҳоти хонани хуррак овози тутиб кетди.

«Демак, ҳалиги оқсоч одам... Холдорнинг ҳам, менинг ҳам дадам, демак, ўша киши экан-да!»

Ҳозир ирғиб ўрнидан тургиси, Суперсурни бўғизлаб ташлагиси, кейин Кўршапалаги билан ҳам, заргари билан ҳам биратўла ҳисоб-китобни тўғрилаб, Холдорни бу ёввойилар панжасидан қутқаргиси, кейин «Қайдасан, отажон!», деб бу ердан бош олиб кетгиси келди. Лекин бирданига бу фикрдан қайтди: «Холдор буни истамаса-чи, у заргарни яхши кўриб қолган бўлса-чи?— деб ўйлади Автобола.— Яхшиси, аввал Холдорнинг ўзи билан гаплашиб кўриш керак...»

(Унинг ўта сермулоҳазалилиги пайти келиб аппаратни ҳалокатга олиб бориши мумкинлигини профессор олдиндан кўра билганида эди, балки, темир фарзандининг позитрон миясини бу қадар мураккаб қилиб яратмаган бўларди.)

Хаёлга берилган Автобола тонг ёриша бошлаганини сезмай қолди. Калласида нимадир тинимсиз ғувиллаб турганини ҳам энди пайқайди. У Суперсурнинг ўликдек қотиб ухлаётганига ишонч ҳосил қилгач, қўлини секингина кўкрагига олиб келиб, сариқ тугмачани босди.

Лекин мириқиб ухлаш қаёқда: орадан бирор соат вақт ўтар-ўтмас шўрликни яна уйғотишди. Унинг мияси ҳануз ғувиллаб турарди.

## Сўнги топшириқ

Шаҳарда қадимий олтин буюмлар кўргазмаси очилиши ҳақидаги хабарни Бехўжа заргар бундан бир ҳафтача олдин газетани ўқиган, Кўршапалакнинг кеча чорбоққа келишига сабаб ҳам ниҳоят ўша кўргазманинг очилганини хўжайинига билдириб қўйиш эди. Кўршапалак оғзи сув бўлиб кўрганларини таърифлар экан, кўргазмага қўйилган буюмларнинг ҳаммасини тилга олмаган бўлса-да, заргарнинг кўз ўнгига нақ Худоёрхоннинг хазинаси келди. Айниқса, Оқсарой атрофини қазиш пайтида топилган машҳур олтин дубулга эртага унинг қўлида бўлиши мумкинлиги ҳақидаги ўй бадан-баданини ёқимли жимирлатиб ўтди.

Эрта билан ҳам заргарнинг фикри-ёди Темурнинг олтин дубулгаси билан банд эди. Бўлажак иш хусусида дурустроқ маслаҳатлашиб олмоқ ниятида унинг ҳузурига Кўршапалак кирди. Улар узоқ суҳбатлашдилар. Бехўжанинг фикрига кўра, тузилган режани бугун тундаёқ амалга ошириш лозим эди.

— Кўргазманинг ёпилишига яна ўн кун бор, бунчалик шошилмасак бўлармиди,— деб секин маслаҳат солди Кўршапалак.

Бехўжа заргар эса ўзининг олғирлик фалсафасига бу сафар ҳам содиқ қолди:

— Кўргазма яна ўн кун ишлайди деб юрганлар, майли, доғда қолаверишсин,— деди у тазйиқона оҳангда.— Тиркичиликнинг олий қонуни бор: гафлатда қолдирмасанг, ўзинг гафлатда қоласан. Нима, шаҳарда биздан бўлак камҳаржлар йўқ деб ўйлайсанми?

— Бугун бўлса бугун-да... Бор гап шуми, хўжайин? Заргар стол бурчагида турган йўқлагични ўзига яқинроқ сураркан, деди:

— Ҳозир Автоболани чақираман. Икки оғиз гапим бор. Кейин, ҳар сафаргидек, унинг миясини ўзинг яхшилаб пиштасан!

У йўқлагич карнайчаси остида қатор тизилган тугмачалардан бирини босиб, эндигина гапиришга шайланган эди, Автоболанинг ким биландир сўзлашаётганини эшитиб, жим қолди.

«...мастликда Кўршапалакка ҳамма гапни айтиб берди,— дея куюниб уқдирарди Автобола.— Мени ухлаяпти деб ўйлаб, бемалол гапирарди. Улар аянгни ўлдаришган. Сен билан мени ҳақиқий дадамиздан тортиб олишган. Энди билдим, булар ёмон одамлар экан».

Кейин карнайчадан Холдорнинг қичқириғи эшитилди: «Ёлғон! Сен ёлғончисан, Темиртак! Библиб қўй, агар гапинг рост чиқмаса, каллангни узиб оламан!»

«Суперсурнинг томоғидан бўғиб туриб, ҳаммасини

бошқатдан гапиртирсам, ишонсанми?! Чақириб келиб, сайратайми ҳозир уни?...»

Ранги бўзариб кетган заргар тугмачадан қўлини олиб, еб кўйгудек важоҳатда Кўршапалакка чақчайди:

— Тўнғизлар! Сувараклар! Ишни расво қипсанлар-қу! Кўршапалак норғул гавдасига ярашмаган қиёфада бўйин қисди.

— Ҳм.. биз,— деди у ғўлдираб,— биз... қаёқдан билибмиз. Оббо хунаса-ей, мотори ўчмаган экан-да!

— Автоболани чақир! Мен уни чалғитиб туришга ҳаракат қиламан. Сен Холдорни... ўша олимваччани ертўлага тикқин-да, дарров Суперсурни бошлаб кел!

Кўршапалак ҳаллослаб чиқиб кетгач, заргар телефонга ёпишди; аппаратнинг қўйи қисмидан симни узиб қўйиб, трубкани қулоғига тутди. Автобола эшикдан кириб келиши билан у, худди суҳбатни давом эттираётгандек, бамайхотир жаврашга тушди:

— ...тушундим. Демак, хотинингизга ҳам, қизингизга ҳам бир жуфтдан қашқарбалдоқ... Хўп бўлади, азизим.— Заргар гап орасида кўзи билан имо қилиб, Автоболани креслога ўтиришга таклиф этди, лекин у пинак бузмай, муштумини қаттиқ қисганича қаққайиб тураверди.— Мумкин бўлса, хотинингиз билан қизингизнинг ёшини айтсангиз... Ҳа, албатта бу жудаям муҳим: биз ҳар қандай тақинчоқни мижозининг ёшига муносиб қилиб ясаймиз... У яна анча лақиллаб ўтирди. Хонага Кўршапалак билан Суперсур кириб келгандан кейин эса, гапни қоқ белида тўхтатиб, ҳеч қандай хайр-маъзурсиз трубкани жойига қўйди-да, Автоболага юзланди.

— Холдор билан суҳбатингни ҳозиргина эшитиб қолдим, Автобола. Биламан, ичингда қувоняпсан, учала душманинг ҳам олдингда тўппаниб турибди. Лекин аввал менинг сўзларимни эшит: сен ҳузуримга кириб, телефондаги суҳбат тугашини пойлаб турган пайтингда Кўршапалак аллақачон Холдорни ишончли жойга яшириб қўйди. Энди уни биздан бошқа ҳеч ким тополмайди! Хи-хи-хи... Аммо сен қаттиқ илтимос қилсанг, эски улфатчилик ҳурмати, сўзингни ерда қолдирмаймиз.

— Ҳозир уччалангни ҳам деворга чаплаб ташлайман!— деб қичқирди Автобола. Кўршапалак, ранги оқариб, беихтиёр бир қадам орқага тисарилди. Суперсур оёғига титроқ кирганини сездирмаслик учун бир қўли билан кресло сунячиғига таянди. Заргар эса Автоболага нўписа қилиб шоша-пиша бидирлади:

— Узингни бос, бола. Бизни деворга чапласанг, Холдорни сенга ким топиб беради? Узинг ўн кунда ҳам тополмайсан, унгача шўрлик ошнанг тирик қолармикан?... Хуллас, гап бундай: аккумуляторингдаги кислотани беҳудага қайнатмай, жаҳлингдан туш.

Автобола бу гапдан кейин сал бўшагандек туюлса-да, ҳануз тажовузкорона заргарга дўқ урди:

— Қачон қўйворасан Холдорни? Бехўжа заргар хийла энгил тортиб, креслога ястаниброқ ўтирди.

— Арзимаган бир хизмат бор,— деди у.— Шуниям бажарсанг, Холдор сенга.

— Кейин, бизга қолса, иккаланг Истамбулга кетмайсанми!— дея гап қистирди Суперсур.

— Сен ақилламай тур, Суперит... Майли, Холдор учун нима десанг — қиламан. Лекин билиб қўй, хўжайин, энди алдоқчилик кетмайди. Алдасанг, ичингдаги ҳамма механизмларингни пачоқлаб ташлайман!

Қанчалар зеҳинли бўлмасин, Автобола барибир бола эди. Заргарнинг ваъдасига ишонди. Иккита тирик гувоҳни улар осонгина қўйиб юбормасликларини тушуниб етмади. Лекин, бошқа томондан, мობодо тушунган тақдирда ҳам ҳозирча уларнинг шартига кўнмасдан ўзга чора йўқ эди.

— Нима қилишим керак ўзи!— деди у тақдирга тан бериб, бир оз итоаткорона, лекин ғазабнок оҳангда. Заргар Кўршапалак билан маънодор кўз уриштиришиб олиб, одатдагидек кескин ва дона-дона қилиб деди:

— Топшириқни Кўршапалакдан оласан. Ишларингизга аралашиб ўтирмайман, бошқа хонага чиқа қолинглар.— Улар чиқиб кетгач, у Суперсурга ўчкор кўз қадади:— Охири тилингдан кетибсанда, мохов!— Суперсур гезариб



бош эгди.— Бош эсон бўлса эртаминдин сен билан ҳам бафуржа гаплашиб оламиз, азизим. Ҳозир олдимизда ундан муҳим ишлар турибди. Автобола қайтиб келиши биланоқ уни худонинг темир-терсақ фондига топшириб юборамиз, керак бўлади. Холдорни эса, Автобола мия айниш касаллигидан бандалик қилди деб ишонтиришга уриниб кўрамиз. Уқдингми?..

## Қудуқдаги қоровул

Тун ярмидан оғган. Бундан бир неча соат илгари чўкаётган кемани эслатувчи гала-говурли шаҳар энди охириг сеанс ҳам тугаган кинотеатрнинг улкан залидай бўм-бўш. Йўл ёқасидаги бўйчан симёғочларга ўрнатилган сутранг чироқларни ҳам мудроқ босаётганга ўхшар, йўлка четигади ўриндиқлар эса чинорлар остига узала тушганча қотиб ухлаётгандек эди.

Қоровулхонадан ташқари чиқиб, олтин буюмлар кўргазмаси олдида тинмай у ёқдан-бу ёққа юриб турган кўриқчи гарчи бепарво кўринса-да, кўз қири билан теваракни зийрак кузатар, бирон-бир шарпани эътибордан четда қолдирмасликка тиришар эди.

«Келадиган бўлса, тезроқ келгани яхши эди...— Кўргазма очилган кўриқчи ролини ўйнай бошлаган милиция старшинаси диққати ошиб ўй сурарди.— Ана келади мана келади, деб на менда ҳаловат бўлади, на оператив группа аъзоларида. Ишқилиб, кўргазма ёпиладиган кунни мўлжаллаган бўлмасин-да улар!»

Кўриқчи бирдан сесканиб тушди. Бинонинг шарқий бурчаги ёнида тарвақайлаб ўсган чинор орқасидан бир нарса ялт этиб кўзга ташлангандек бўлди. Гарчи майор Аҳмедов унга «Автоболани кўрганда ваҳимага тушма, у ўзидан ожизларни ортиқча хафа қилмайдиган мардлардан чиқиб қолди», деб тайинлаганига қарамай кўриқчининг юраги орқага тортиб кетди. Йўқ, энг хавфли жиноятчилар билан бўлган олишувларда ҳам заррача титрамаган старшинани кўрқоқ деб бўлмасди, ҳаяжонланарди, холос: ахир у ҳаётида биринчи марта темир талончи билан юзма-юз туриши эди.

Старшина дақиқалик ҳаяжонини енгиб, дарҳол ўзини кўлга олди: яна вазифасини лоқайдлик билан бажараётган кўриқчи киёфасига кирди. Гўё ҳеч нарса сезмагандек, ортига бурилди-да, имиллаб кета бошлади. Фақат орқадан қадам товуши эшитилгандагина тўхтаб, кескин ўгирилди: бўйинига ҳўроз гулли халта осиб олган Автобола ундан бор-йўғи икки қадам нарида турар эди. «Мана, қанақа экан ўша темир қароқчи», дея ҳайрат аралаш унга тикилиб қолди.

— Дамингни чиқарма!— дея Автобола бармоғини лабига босиб, сеvimли гапини такрорлади.— Яхшилиқка милтиқни бер!

Кўриқчи гўё саросимага тушгандек пича иккиланиб турди, кейин ноилоҳ елкасидан кўролни олиб, секингина унга узатди. Автобола ҳеч қийналмасдан милтиқни иккига бўлди-да ариққа ташлаб юборди ва кўриқчининг орқа ёқасидан тутамлади. Майор старшинага минг далда-тасалли берган бўлмасин Автоболанинг бу қилиғи барибир кўрқинчли эди. Қаршисида турган талончиға на кураш усули ва на ўқ бакор келар, истаса, одамни ҳам ариққа ётган анави милтиққа ўхшатиб «синдириб» ташлаши мумкин эди.

Автобола кўриқчини судрагудек бўлиб қоровулхонага олиб кирди ва дўқ-пўписа билан сигнал тармоғини уздирди. Сўнг ташқарига етаклаб чиқиб, бир қўли билан йўл чеккасидаги канализация кудуғининг қопқоғини очди. Уни кудуққа тушириди, қопқоқни берктиб, устига шу яқин атрофда қаторлашиб турган телефон будкаларидан бирини келтириб қўйди.

Бу воқеаларни майор Аҳмедов бошлиқ оператив группа аъзолари қарши томондаги уйнинг даразасидан кузатиб туришарди.

— Нақадар пухта ишляпти азамат!— деб шивирлади майор ёнида турган лейтенантга қараб.— Мўъжиза!..

Бу орада Автобола атрофга бир-бир алаңлаб, сўнг кўргазма биноси тарафга юрди. Йўл-йўлакай халтасидан нимадир олиб, кўлтиғига қистирди. Пиллапоядан кўта-

рилгач, даразани осонликча синдириб ичкарига қадам қўйди...Талончи ишни кутилганидан бир мунча тез удалади — орадан уч-тўрт дақиқа ўтмасдан, елкасида қопчиқ, яна ташқарида пайдо бўлди. Катта йўлнинг ўртасига чиқиб келди-да, оёқлари остидан учқун сачратиб югура кетди. Бир пастда унинг қораси кўздан йўқолди, бу ерда эса, тезоб чалинаётган ноғоранинг овозига ўхшаш бир товуш қолди, холос.

Шундан кейин воқеалар суръати тезлашди: шаҳар жиноят қидирув бўлими ходимлари ва яна бир қўшимча группа микромаёқ узатиб турган сигнал ёрдамида Автоболанинг изига тушди. Автобола шимолий йўналишда ҳаракат қилиб, шаҳардан жадал узоқлашиб бораётган эди. Бир неча дақиқа ўтгач секинлашди, кейин тўхтаб-қолди.

— Ҳозир у ўн иккинчи квадратда турибди,— деб ахборот берди лейтенант машинага ўрнатилган махсус асбоблардан кўзини узмай.— Бу ерда кўлдан бошқа ҳеч вақо йўқ, ўртоқ майор.

— Нега тўхтаб қолдирди?— Майорнинг қоши чимирилди.— Маълум вақтда уни ухлатиш лозимлиги ҳисобга олинмаса, Автобола умуман чарчамайди.

— Улжани кўлга чўктираётган бўлмасин тагин. Балки, бошлиғи унга шундай топшириқ бергандир.

Майор ярқ этиб лейтенантга қаради.

— Эҳтимолдан холи эмас... Унда менинг ишим... бизнинг ишимиз анча чигаллашади. Ахир, микромаёқ ҳам кўлда қолиб кетади-да.

Микромаёқдан узлуксиз узатилаётган сигнал Автоболанинг қайтадан ҳаракатга келганлигини билдирди. Группа уни яна таъқиб қилишга тушди. Темир талончининг юриши анча тезлашди. Шу бўйи ўн тўртинчи квадратга етуғича тўхтамади.

— Бу квадратда Бекхўжа заргар яшайдиган чорбоғ бор,— деди лейтенант.

Заргарнинг номини эшитиб, майор бирдан хушёр тортиди, остки лабини тишлаб, бир зум ўзича ниманидир мулоҳаза қилиб тургач, кескин оҳангда буурди:

— Чорбоғдан ҳеч зог ташқарига чиқиб кетмасин! Тез, аниқ, шовқин-суронсиз ишлаймиз, йигитлар.

## Ёғоч ҳайкалнинг боши

Дақиқалар ўтгани сари калла қисмидаги ғувиллоқ кучайиб бораётганига қарамай, Автобола топшириқни одатдагидек бехато бажарди. Кўргазмани қоқлаб чиққач, аввалига жуда енгил югуриб борди, кейин кутилмаганда дармонсизланаётганини сезди, қадам олиши сустлашди. «Менга нима бўляпти ўзи?— дея таажубланиб ўйлади Автобола.— Нега тез юролмаяман?»

Автобола ўзини ҳар кунни уйқуга ётқизишларига «асаб»га хуш ёқувчи шунчаки бир восита сифатида кўникиб қолган эди, холос. Ухлатиб турилмаса, узоғи билан ўттиз беш соатдан кейин бутунлай ишдан чиқиси мумкинлигини у мутлақо билмасди. Билганида, бу гал қирқ соатдан ортиқ бедор юргани уни жиддий ташвишга солган бўларди.

Бора-бора унинг қулоғи шанғиллай бошлади, кўз олди салгина хира тортгандек бўлди. Энди унинг кўкрак қисмида ҳам нимадир зириллар эди. Кўп ўтмай бошидаги ғувиллоқ азобли санчиққа айланди, кўкрагидаги микросхемадан эса ўша санчиққа монанд чирс-чирс этган товуш чиқди. Бу ҳол ҳозир қандайдир муқаррар даҳшатли хавфдан дарак бериб турганига қарамай, Автобола тобора илдамроқ одимлашга, Холдорни иложи борича тезроқ қутқаришга ошиқар эди.

Кўча эшик ёнида Автоболани Суперсур кутиб олди. У тиржайишга қанча уринмасин, нигоҳида қабиҳона совуқ бир ният яллиғланиб турарди.

Автобола боши қаттиқ санчиб, гандираклаб кетганига парво ҳам қилмай Бекхўжа заргарнинг хонасига кирди ва унинг олдидаги столга қопчиқни ағдарди. Тилла безакларнинг бир қисми столдан тошиб, полга сочилди, қопчиқнинг энг тубидаги олтин дубулға эса жаранглаганича юмалаб бориб, заргарнинг қучоғига тушди.

— Холдор қани?

Дубулғани беихтиёр сийпалай бошлаган заргар хотиржам жавоб қилди:

— Дарвоқе, сенга ваъда берган эдим. Биламан, дўстлигинг бузилиши кўпинча у ёки бу томоннинг ваъдада турмаслигидан бошланади. Биз ҳамонки дўстлигимизча қолмоқчи эканмиз...

— Гапни чўзма,— дея Автобола ўдағайловчи товушда жеркиди.— Холдорни ҳозироқ кўрсат менга! Вақтим зик, тушунмаяпсанми?

— Бунча шошсан? Ошнанг ҳозир маза қилиб ухлаб ётибди,— деб гап қистирди Кўршапалак. У боядан бери кўзини тилла буюмлардан узолмай турган эди.

Қулоғи янада қаттиқроқ шағиллаш бошлаган Автобола четдан келган бу хирқироқ товушга эътибор бермай, заргарнинг кўзига ўқдек тикилди.

— Бер деяпман Холдорни! Ҳозироқ бермасанг...

Заргар йўқлагичнинг тугмаларидан бирини босиб, уни Автоболага яқинроқ сурди ва:

— Аввал ўгай акангга бир товуш қилиб кўр-чи,— деди.— Хоҳласа, майли, дарровда олиб чиқишади уни.

Автобола шоша-пиша доим столга кўндаланг ҳолатда турадиган креслога ўтирди ва йўқлагичнинг карнайига эгилиб, бор товушда қичқирди:

— Холдор! Холдоржон! Уйғоқмисан? Мени эшитяпсанми? Гапимни эшитяпсанми, Холдор?

Карнайдан Холдорнинг шодон, лекин одатдагидан хастароқ товуши эшитилди:

— Мени ертўлага қамаб қўйишди, ошна. Қоронғида ўтирибман. Сув ичгим келяпти.

— Ҳозир олиб чиқишади сени. Хоҳласанг, бир бочка сув ичасан. Кейин икковимиз дадамизнинг олдига кетамиз...

Автобола гап билан бўлиб турганида Суперсур оёқ учди хона бурчагига юриб борди-да, ўрта аср камончиси қиёфасида ясалган ёғоч ҳайкалчанинг калласини чапга буради. Ҳайкалчанинг боши бурилиши билан кресло бирдан олд томонга мункиди ва Автобола сирғанганича чуқур хандаққа тушиб кетди.

Хандақнинг тубига даранглаб тушган Автобола ҳали эс-хушини йиғиб улгурмай, тепадаги қопқоқ ёпилиб, у змистонда ивирсиб қолди. Қўлларини юқорига кўтариб, жон-жаҳди билан сакрай бошлади.

— Аблаҳ! Яхшиликча чиқариб юбор! Барибир бу ердан чиқаман. Чиқсам, биттангни ҳам тирик қўймайман. Тортиб ол деяпман яхшиликча!

Лекин у ўзининг бор ички қувватини сарф қилиб бўлган, сўнгги имкониятлари ҳам ниҳоясига етай деб қолган эди. Оқибат шу бўлдики, аста-секин сакрашдан тўхтаб, охири гужанак бўлиб ётиб олди.

«Бу одамларга нима ёмонлик қилдим? Нега мени бунча қийнашади?»

Унинг кўз ўнгидан Бехўжа заргарнинг тажовузкор қиёфаси, Кўршапалакнинг қабиҳлик акс этиб турувчи тунд башараси, Суперсурнинг совуқ нигоҳи кино летасидек шириллаб ўтди. Кейин оқ сочли киши меҳрибон жилмайиб унинг тепасига келгандек, елкасидан опичлаётгандек бўлди. Кейин Холдор... «Сув ичгим келяпти, ошнажон!», деб қичқирди гўё. Автобола беихтиёр сапчиб турди. Шу сапчишда хандақнинг тош деворига қаттиқ урилиб, бир дақиқа ҳайкалдек қотиб қолди, сўнг шалвираганича ерга йиқилди, бошқа қимирламади. Унинг очиқ қолган мунчоқ кўзларида мислсиз азоб, борлиққа нисбатан ҳадик аломатлари яққол акс этиб турар ва бу кўзлар «Эркимни ҳимоя қилолмас экансан, нега мени яратдинг?», деган саволни тинимсиз такрорлаётганга ўхшар эди. Ҳа, яратмасдан аввал унга қувонч ваъда қилишди, сўнг алдашди, алдовга қарши бош кўтаргани учун уни ўлдирдишди. У одамлар билан яшаб кўрди, лекин уларга тушунолмади...

## «Автобола қани?»

Суперсур ёғоч ҳайкалчанинг калласини тўғрилаб қўйиши билан хандақ устидаги қопқоққа маҳкамланган кресло яна ўз ҳолатига қайтди.

Автоболанинг гапи бирдан бўлиниб, жимиб қолгани, чамаси, Холдорни шубҳага солган эди. Йўқлагич карнайидан унинг ҳаяжонли товуши таралди: «Темиртак! Қаердасан, ошнажон! Нимага индамаяпсан!..»

Кўршапалак қийшиқ бурнини йўқлагичга теккизгудек бўлиб хирқиради:

— Ташвиш тортмасинлар! Холавачасини кўргани кетди ўша автохунасанг. Пх-х-х...

— Уни нима қилдинг, эгрибурун!— Холдорнинг товуши худди йиғлаётгандек қалтираб чиқди.— Темиртакка тегма! Қараб тургин, каллангни узиб оламан ҳали!

Кўршапалак йўқлагичнинг тугмачасини босиб, яна пихиллаб кулди.

— Олимвачаниям ахлоқи бузилиб бўлди,— дея мингирлади Суперсур.— Яхшигина одам чиқар эди бу уйинг куйгурдан...

Автоболадан осонгина қутулгач кўнгли ниҳоят таскин топган Бехўжа заргар Темурнинг олтин дубулғасини завқшавқ билан узоқ томоша қилиб турди.

— Бир пайтлар деярли бутун Европани шахсий томорқасига айлантириб олган турк султони Елдирым Боязид ҳам мана шу дубулғанинг эгаси олдида бош эган эди,— деди заргар фахр билан, гўё жаҳонғирлик энди унинг қўлига ўтгандек.— Ҳамонки, ўшандай соҳибқиронга вафо қилмаган экан, энди буни абадий меники бўлди дейиш жинниликдан бошқа нарса эмас.

— Тўғри, сотвориш керак,— деди Суперсур.

— Яъни, чўмиқ бозорича пуллаш керак, демоқчисан-да?— дея истеҳзоли жилмайди заргар.— Лекин, бундан балдоқ яшаш қулайроққа ўхшаяпти. Нима дейсан?

Хандақнинг қопқоғи қанчалар зич ёпилган бўлмасин, пастан Автоболанинг нимадир деб қичқираётгани элас-элас қулоққа чалинди. Бир оздан сўнг қаттиқ даранглаган овоз келдию шу билан ғип бўлди.

— Камол Камтарий худо раҳмат қилгур мухбирингни лақиллатмаган бўлса, Автобола яна бир неча соатдан кейин оламдан ўтиши керак,— деди заргар садаф қадалган тилла зебгардонни столдан оларкан Суперсурга қиялаб боқиб.— Ҳай, мендан нима кетди, унинг олтин юрагини Кўршапалак икковинг бўлишиб олақолинглар.

Бу вақтда Автобола аллақачон оддий темирга айланиб қолганидан у ҳали беҳабар эди.

Шу пайт эшик зарб билан очилиб, хонага беш нафар милиционер отилиб кирди.

— Қўлингни кўтар ҳамманг! Ҳеч ким жойидан қимирла-масин!— деб буюрди лейтенант.

Ҳиёбга олинганлар тинтилаётган пайтда хонада майор Аҳмедов ва унинг кетидан профессор Камол Камтарий пайдо бўлдилар. Бехўжага кўзи тушиши билан профессор ўзини тутолмай қолди:

— Воҳ, ярама! Сен ифлос барибир чаёнлигингча қолибсанда! Мени чақаетган айнан сен эканлиги сира ўйламабман.

Негадир заргар, қўлга тушгач, бирдан хотиржам бўлиб қолди ва Камол Камтарийнинг кўзига тик боқди.

— Мен сени чақмадим. Синфдош, сени менинг пулларим чақди... Мен пулнинг қудратига таяниб, сени кўғир-қоқдек ўйнатдим. Ҳамма азиз нарсаларингни тортиб олдим. Илм ёки увонларинг сени ҳимоя қилдими? Мана!..

— Тўғри, қабиҳликлар қилган бўлсанг қилгандирсан, аммо барибир мени енголмадинг.

Заргар хушбичим лабини маънодор чўлпиллатиб қўйди:

— Кечирасан, азизим, сен ҳам енголмадинг. Сен эмас, анави халоскорларинг голиб келишди. Чунки сен «керакли» одамсан.

— Ҳа, халқимга бундан кейин ҳам керак бўламан.

— Халқимга? Сизларга керакманми, йўқми, деб сўраб кўрганмисан халқингдан? Балки уларга сен яратаётган мўъжизалардан ҳам ноёброқ бошқа нарса зарурдир?

— Кишиларга нимаки зарур бўлса, эртами-кечми илму фан ҳаммасини яратиб беради.

— Йўқ! Оламда шундай нарсалар борки, уларни лабораторияларда ихтиро қилиб бўлмайди. Кўз ўнгимда қанчадан-қанча жаҳоншумул кашфиётлар туғилди, лекин бирон-бир кашфиётчинг менга «ота» ясаб беролмади. Болалик, ўспиринлик даврларим мунғайиш, отаси эркалатаётган тенгдошларимга ички термулиш билан ўтди. Сен бунинг нималигини тушунасанми, олим?

Камол Камтарий «Кечирасан, биродар, отангни ҳеч ким бу ердан қувламаган», демоқчи бўлди-ю, бефойда баҳсга

барҳам бериб, гапни ҳозирда ўзини кўпроқ ташвишга солаётган мавзуга бурди. Атрофга бир аланглаб олгач, безовта қиёфада деди:

— Отангни қўйиб тур, Автобола қани?

Бу гапдан кейин Бекхўжа ҳам бирданига ҳовридан тушди ва креслога ўрнашиброқ ўтираркан, ички мамнунлик билан кўз сузиб қўйди.

— Узинг ясаган Автоўғрини айтяпсанми?.. Ҳаммомга кетувди шекилли.

— Нега тиржасан, чаёнпадар? Қани менинг Автоболам?

Тақдири ҳал бўлганини сезиб турган Суперсур заргардан ҳам, Кўршапалақдан ҳам тап тормай, захархандалик билан ўшқирди:

— Галварс экансан, профессор. Калласи пақирдан ясалган ўша темирни бошинга урасанми? Ундан кўра, ўғлингни суриштирсанг-чи!

— Уғлим? Қанақа ўғил? Кимни айтяпсан?

— Ертўлада каллакесарликка ишқибоз бир бола ётибди,— деди Суперсур ва, энди қўлларингдан нима келарди, дегандек аввал заргарга, сўнг Кўршапалакка тўрсайиб кўз ташлади.— Мен сенга айтсам, профессор, ўша боланинг исми Холдор. Унинг ўнг елкасида ярим ойга ўхшаб кетадиган холи бор.

Профессор ҳаяжондан қалтирай бошлаган қўлларини Суперсур тарафга чўзиб, нимадир демоқчи бўлди-ю, пича дудуқлини қолди сўнг бирдан гандираклаб кетди: майор чаққон сакраб, шоша-пиша унинг қўлтигидан ушлаган пайтда Камол Камтарий аллақачон ҳушини йўқотган эди...

## Тирилиб қайтган ўғил ёки хотима

Орадан бир ҳафта ўтиб, майор Аҳмедов профессор билан яна суҳбатлашди: бу сафар улар тасодифан учрашиб қолдилар.

Уша куни ёмғир шивалаб турган эди. Ишдан қайтаётган майор Фанлар Академиясининг биноси ёнидан ўтиб бораётиб, эшик тепасидаги айвонча панасида турган Камол Камтарийга кўзи тушди. Машинани тўхтатиб, ойнани туширди-да, профессорни чақирди:

— Уртоқ профессор! Камол ака! Келаверинг, олиб бориб қўяман.

Профессор қўлидаги газетани бошига ёпиниб, пиллапоядан тушиб кела бошлади. Машинага ўтиргач, майор билан қирқ йиллик кадрдонлардек илиқ кўришди.

— Аравамиз бугун техника кўригидан ўтаётувди,— деди профессор гўё ўзини оқлаётгандек хижолатомуз оҳанг-да.— Учақишгандай, академиядан мажлисга чақириб қолишди.

Улар анча жойгача у-бу нарсалар ҳақида сўзлашиб бордилар. Гарчи шу тобда иккалови ҳам истамаётган бўлса-да, гап барибир ўша эски мавзуга келиб тақалди.

— Ишқилиб, Холдорбек билан аҳилмисизлар энди?— деб сўради майор.

— Унчалар эмас. Автоболани тезроқ тузатиб беришимни талаб қилиб, мендан аразлаб юрибди. Тузатиб бермасам, калламни узиб олармиш.

Майор қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди.

— Оббо шумтака-ей! Уни одам қилгунча ҳали кўп терлайдиганга ўхшайсиз. Мабодо мендан... биздан ёрдан керак бўлиб қолса, тортинмайсиз-да энди.

Профессор бир неча муддат жимиб қолди. Кейин бахтиёрлик учқунлари чақнаб турган кўзлари билан майорга паршон термулиб, суҳбатни давом эттирди:

— Биласизми, биродар, шу кейинги бир ҳафта ичида ўзим ҳам ёш болага ўхшаб қолдим. Худди дунёга янгидан туғилиб, ҳаёт лаззатини эндигина тотиб кўраётгандайман.

— Сизга тушуниб, турибман,— деди майор бош ирғаб.— «Ҳалок бўлди»га чиқарилиб, ҳатто газета орқали таъзия изҳор қилинган фарзандингиз қарий олти йилдан кейин қучоғингизга тирик қайтиб келса-ю... Одамнинг юраги тарс ёрилиб кетиши ҳам ҳеч гапмас.

Профессор кўксини тўлатиб шавқ билан ҳаво симирди.

— Ҳа! Муболағасиз айтганда, бу шундайин нодир бир бахти, ҳатто дунёдаги барча хазиналарни гаровга қўйиб ҳам мунақасини атай сотиб ололмайсиз!

Майор маънодор йўталиб, қоғоқ-лунжини осилтиришга ҳаракат қилди, сўнг қувлик билан деди:

— Ҳаддингиздан ошманг, ҳурматли профессор. Менимча, пул барибир кучли!

Профессор ярқ этиб унга боққан маҳали майор салгина пиқиллаб қўйдию машинанинг ичини қаҳқаҳа тугиб кетди. Улар чинакам инсоний меҳр-оқибатнинг, виждон ва инсофнинг, гурур ва иффатнинг, эътиқод ва тафаккурнинг устидан ҳеч қачон ҳукмрон бўла олмайдиган пулни ва ана шу шилдироқ қоғозга сифинувчи ҳокисор бандаларни яйраб-яйраб эрмак қилишаётган эди.

Кейин майор сигарета тутатди, дарчани қия очиб қўяркан, жиддий сўради:

— Ҳарқалай... Автоболани тиклаш мумкинми?

— Мумкин,— деди Камол Камтарий ва ишонч билан бош силкиб қўйди.— Бунинг қийин жойи йўқ.

Майорнинг юзи бирдан қувноқ тус олди.

— Ундай бўлса, бош кетмасидан тузатиб берақолинг Холдорнинг темир ошнасини.

Профессор суҳбатдошининг кўнгли учун салгина табассум қилган бўлди-ю, кейин қиёфаси яна тундлашди.

— Бундан нима фойда?— деди қўлини силтаб.— Унинг мия қисмидаги тўқималар эриб, хотиралари тамоман куйиб битган. Таъмирлаган билан ўша Автоболани қайтариб бўлмайди: бировнинг танасига бировнинг бошини улагандек гап бу. Холдорга эса аввалги кадрдони— ўша Автобола керак.

Майор юмшоққина тормоз бериб, машинани йўл четига тўхтатди: улар профессорнинг ҳовлисига етиб келишган эди.

— Аччиқ чойга қалайсиз? Пешайвонда ўтириб... а?— дея тақлиф қилди профессор.

— Бир йўла зиёфатга келарман. Уғдингизнинг туғилган кунинда биз ғарибларни ҳам унутмасиз?

Улар қаттиқ қўл қисиб, дўстона хайрлашдилар.

\* \* \*

...Китобхон дўстим, чамаси бизнинг ҳам хайрлашадиган вақтимиз келганга ўхшайди. Фақат, иккаламиз икки тарафга қараб йўл олишдан олдин бир нарса хусусида келишиб олсак, чунки дунёда орқадан айтилган таънадан ёмони йўқ.

Балки Сиз ўта синчков одамдирсиз— бизнинг давримизда шундай қабиҳ талончилар бўлиши мумкинми, деб сўраб қоларсиз. Буни фантастика деб қўйибдилар. Бошқа фантаст ёзувчилар бундан ваҳималироқ лофларни тўқишганини ҳам биламан.

Балки Сиз физикдирсиз— Автоболанинг ички ва ташқи тузилиши билан боғлиқ гапларимдан талайгина хато топарсиз. Аввало шуни айтиб қўйишим лозимки, қўлимга қалам ушлашдан мақсад— илмий мақола ёзиш бўлган эмас. Қолаверса, бошда айтиб ўтганимдек, бу воқеани мен машҳур кибернетик олимдан эмас, оддий бир сартарошдан эшитганман. Кекса сартарош билан ўртамиёна ёзувчидан бундан ортиқ нимани ҳам кутиш мумкин.

Хуллас, гап шу: ушбу саргузашт Сизга манзур бўлмаса, ҳамма айбни Тошмат сартарошга ағдаришимизга тўғри келади. Борди-ю, сал-пал ёқиб қолса, майли, барча мақтовни ўз гарданиямга олганим бўлсин.



## Она юртим

Шубха зулматида қолади дунё,  
Игнадай нур учун бўламиз илҳак.  
Ваҳим зулматини ёритган зиё, —  
Яна она юртим, сен урасан барк.

Адолат кўкининг порлоқ қуёши, —  
Аён этажаксан ҳақиқат юзин.  
Ваҳим зулматининг эгилар боши,  
Очилар дунёнинг миннатдор кўзи.

## Шунда ҳам

Ҳаёт бизга баъзан бешафқат,  
Бизни отар пастга, юксакка.  
Вақт элаги ажратар фақат  
Қайси дони, қайси кепакка.

Ҳаёт бизга баъзан серкарам,  
Бошимизни силайди кўпрок.  
Вақт элаги бизни шунда ҳам,  
Саралашин кўймайди бирок.

## Дариг тутма

Кўзимга ловуллаб кўринар дунё,  
Борлиқни тўлдириб келар ҳайқиргим.  
Қуёш, жомингни сун, тўлдириб зиё,  
Лутфинг дариг тутма, сен ҳам, азизим.

Кўнглимга ловиллаб кириб кел, қани,  
Сенинг ҳайқириғинг борлиғим тутсин.  
Бир зум юрак топиб, ардоқла мани,  
Сўнг қаҳр тошлари эзгилаб ўтсин.



Малика  
Мирзаева

## Вақт сўрови...

Туним уйқу билан кечади бежон,  
Менга интиқ туннинг юлдуз камари,  
Куним ўтапти деб чекмайман фиғон,  
Мени қийнамайди кунлар самари.

Умр деворига ўрилса бошим,  
Вақт сўроқ қилса, қани деб ҳосил?  
Ҳисоб-китоб чоғи қолмайлик шошиб,  
Кўзим, очилсанг ҳам, эртароқ очил!

## Кези келса

Осмон кўзларидан томчилайди ёш,  
Фунчалар бошидан сочилади дур.  
Кўнглим осмонига, сен, отмагил тош,  
Бир зум ғурурингни нари кўйиб тур.

Кўнгил девонавор бўлса не гуноҳ,  
Туйғулар талоши кўрсатсин кучин.  
Дўстим, кези келса бўламан тупроқ,  
Сенинг бир лаҳзалик ғуруринг учун.

## Бардош

Бу йўлнинг азобин тортаман танҳо,  
Бу йўл бунча узун, бунча баланд-паст.  
Кимсасиз йўлларда ҳамроҳим нидо:  
— О, бардош, сенгина панд бермасанг бас.


Мени ардоқлашга шошар дўсту ёр,  
Охир ойдин йўллар ётибди, шукур.  
— Мен билан минг ўлиб тирилганинг бор  
Бардош, энг аввало сенга ташаккур!

## Ҳамзанинги Шоҳимардондаги сўнги ўйлари

Қора қузғун, қора қузғун,  
Чарх урмагил бошимда.  
Ҳали менинг умрим узун  
Йигит ўлмас шу ёшда.  
Ҳали мени жанглар кутар,  
Жанглар кутар беомон.  
Яраланган оқ кабутар  
Шоҳимардон, Шоҳимардон.  
Одамлар кўп, кўзида ёш  
Умидлари тилкадир.  
Одамлар кўп қўйнида тош  
Сақлаб юрар кимгадир.  
Шеърлар битгум, битгум куйлар,  
Гул бўлсин тошлар шу пайт.  
Ёшлар қалқиб турган кўзлар  
Қувончга тўлсин шу пайт.  
Қора қузғун, қора қузғун,  
Чарх урмагил бошимда.  
Ҳали менинг умрим узун  
Йигит ўлмас шу ёшда.  
Ўлим асли ҳақиқатдир,  
Боқий ҳаёт йўқ асло.  
Икки умр берса тақдир,  
Ватаним, сенга нисор.  
Бир кун келиб кўз юмарман,  
Бағрига олар тупрок.  
Майса бўлиб, бўлиб гуллар  
Сени қучгимдир бирок.  
Мени сендан юлиб бўлмас,  
Юртим, имоним, жоним.  
Бу дунёда абад ўлмас,  
Онам, Ўзбекистоним.  
Қора қузғун, қора қузғун,  
Чарх урмагил бошимда.  
Ҳали менинг умрим узун,  
Йигит ўлмас шу ёшда...

\* \* \*

Хоразмда  
Буюк тўқайзорлар қолмади ҳисоб.  
Ўрнида — пахтазорлар.  
Бир ерда,  
Пахтазорларнинг нақ ўртасида,  
Тўқайзордан ёдгорлик бўлиб қолди  
Кафтдеккина тўқайзор,  
Ун икки қирғовули билан...  
Қиш келса қирғовуллар  
Кўчиб ўтардилар  
Яқиндаги кўҳна мазорга.  
Ҳар йили:



— Шунингги ўзлаштирмасам бўлмас,— деб,  
Кекса Ниёз овчига  
Дўқ урарди Мамат раис.  
Унга,  
Ниёз овчи,  
(Аниқроғи, кўриқчи)  
Бўғилиб:  
— Шу кафтдек ердан чиққан пахтага  
Қорнинг тўйиб қолармиди, ёшули?— дерди.  
Лекин,  
Мамат раисга ҳам осон эмас,  
Ундан биров тўқайзорни сўрамайди.  
Пахтанинг плани эса  
Йилдан йилга ошиб турибди.  
Аммо,  
Мамат раис-ку билади:  
Шу тўқайзор ҳам ватани ахир,  
Қирғовуллар ҳам шу ватаннинг  
Кичик фуқаролари.  
Ҳар йили: «Ўзлаштираман!» деб  
Дўқ ургани билан,  
Билади:  
Агар шу кафтдеккина  
Тўқайзор ҳам ўлса,  
Топиб беролмаслигини  
Қирғовулларга  
Ҳеч қачон  
Ватанларини.

Собир  
Жаббор

## Шоир сўзи

Бургутларга қиламиз ҳавас,  
Бургутлардек учмак ўйимиз.  
Парвозимиз — шеър — рангин овоз  
Учажакмиз умр бўйи биз.  
Дейдиларки, бургутлар қариб  
Қулар бирор қояга тикка!  
Биз умрин шеърларга бериб.  
Йиқиламиз фақат юракка.



Журналимизнинг келгуси сонида ҚАШҚАДАРЁ области ёш қаламкашларининг ижодидан намуналар билан танишасиз.

# ҚИРЧИЛЛАМА ҚИРҚ ЙИГИТ...

## Коммунистлар, олди

Катта-кичик ҳаёт юкин орқалаб келаётир  
Яхши-ёмон кунларини ўрталикда ўтказиб.  
Синчиклаб бок, ҳар биттаси курашмоққами қодир,  
Боргаймикан ҳар ким юкин манзилига етказиб.  
Агар биров хушнуд, биров фаромуш, карахт келди  
Демак, коммунистлар олдга чиқадиган вақт келди.

Серхархаша ҳаётдир бу, ким калта қўл, узун ким,  
Гоҳ узун қўл мева терар ўзганинг ҳам боғидан.  
Узун қўлнинг олғирлигин илғаганлар юрса жим  
Титроқларга тушмасалар калта қўл титроғидан  
Ўйламангиз, омад деган бу номардга нақд келди,  
Демак, коммунистлар олдга чиқадиган вақт келди.

Дейлик, юлғич бир амаллаб чиқиб олди минбарга  
Энди «бири икки бўлмас, ношудлар»дан кулади.  
Энди гоҳ у эснай-эснай сабоқ берар мингларга  
Пайт топса нон-туздан тортиб номусгача юлади.  
Ўйламангиз фирибгарга кураш билмас тахт келди,  
Демак, коммунистлар олдга чиқадиган вақт келди.

Ярим кеча, она чўчир, мизғиғанга ўхшайди  
Туш кўрибди. Елғиз ўғли, келаётганмиш кириб.  
Ўғил ўз иссиқ уйида қорин кўйиб яшайди  
Онасини «қариялар уйи»га жойлаштириб.  
Деманг она-ўғил ётдир, қойим-қиёмат келди,  
Демак, коммунистлар олдга чиқадиган вақт келди.

Кураш, ғоят оғир кечар, минг қуриб, минг тўламиз,  
Нажоткорлик туйғусини алишмасмиз олтинга.  
Биз ўлсак ҳам энг олд сафда, қонлар ютиб ўламиз,  
Ортимизда коммунистлар чиқаверар олдинга.  
Ераб, сўнгги йўлга бурчин ўтаб Улуғ Аҳд келди,  
Демак, коммунистлар олдга чиқадиган вақт келди.

\* \* \*

Шамол, сенга тушунмоқ осон —  
Парракларни шайлантирасан,  
Едирай деб одамларга нон  
Тегирмонни айлантирасан.  
Тушунмайман, шамол, Сен чигал  
Сен Эзгулик ё Ёвузлик бут.  
Қай ўчоқдан чўғ учдими сал  
Пуфлаб уйни олдирасан ўт.  
Сен-чи, инсон, Сенда қандай ҳис,  
Берсак ҳам-ки кўкракни ўққа,  
Учирмоқ-ку бизнинг ишимиз,  
Нечун қоғоз тутасан чўққа.

## Бир шеър керак...

Бир шеър керак, шундай шеър битта  
Езгач, тагин умр сўрамай



Ҳалима  
Худойбердиева

Ўша шеърдан гурлаган ўтда  
Ула олай ортга қарамай.



## Жайрон

Агар эркак узун кунда аёлини бирор он  
Эсламаса ва аёл ҳам яшайверса шундай чоғ,  
Демак, улар бир-бирини тушунмагай ҳеч қачон,  
Демак ушбу хонадонда яшолмаган иттифоқ,  
Қай уйдан-ки кўзларини ёшлаб Иттифоқ чиқар,  
Шул эшикдан ким чиқса ҳам афтодаҳол, тоқ чиқар.

Қиёмат кун қўшнидан дер, яхши-ёмон кун келар,  
Қовжираган маҳалларим ул ташламаса соя  
Бу ҳаёт, бу омадлар ҳам гоҳ ёлғон, гоҳ чин келар,  
Ёлғон келса, чопиб чиқиб ул қилмаса ҳимоя,  
Йироқ қондош-жондошларим хабар топгунича то  
Тўғрилиқни енгдим-ку деб қаҳ-қаҳ урмасми хато?

Улар ака-ука сингил, бир бойлам чўп эдилар,  
Бугун нечук яшолмаслар бир-бирова бойланиб.  
Гўдақликда бир тишламни тўртга бўлиб ердилар,  
Бугун бу бойлам тарқалиб, якка чўпга айланиб  
Ераб, бугун ҳар бирига мерос, уй-жой етмас, гоҳ  
Ерда бутун бир ер юзи, кўкда бир ой етмас гоҳ.

Хайҳот, бошда ўқ ёмғири, ботиб қонли кечувга  
Шеригини ўқдан тўсиб ўзи ўққа учган жон —  
Руҳи бугун дуч келаркан гоҳо юраги қувга  
Нечун тупроқ ўт олмайди, ерга қуламас осмон —  
Жангдагилар ёвланганлар юрт билан жон талашиб  
Биз гоҳ нега ёвлашамиз мансабу-шон талашиб.

Иттифоқ-ки қайдан кетди, шул ерга келгай бало  
Шул балони олмоқ учун аҳилликни сотарлар.  
Икки рақиб бир-бирини отмай туриб, аввало  
Уртадаги Иттифоқни жайрон янглиғ отарлар.  
То шоирмен, то қонимда бир ғамхўр ўт барқ ургай,  
Иттифоқнинг умри учун қайғурганим қайғурган.

Иттифоқни жигаримдек жон-жоним билан суяб  
Мен тонг билан қичқираман, дунёларни тўлдириб,  
Ҳой, одамлар! Бир-бировни аяб яшангиз, аяб,  
Ҳой, одамлар! Иттифоқни қўймангиз деб ўлдириб!  
То қўлин булғамас экан шу жайроннинг қонига  
Одам аро киравергай бир-бирининг жонига.

## Шоира сингилларимга

Опангиздан ўтибди, гоҳ сархуш, гоҳ ғаш юриб  
Ниш урган гул-чечакни сезмай қолаёзибди.  
Ўз-ўзи билан машғул, хаёл аралаш юриб  
Ортадаги келажакни сезмай қолаёзибди.  
Балки сизга сал бефарқ боқиб кетган опангиз  
Хаёл дарёларида оқиб кетган опангиз.

Сезиб қолдим, Сиз мени таъқиб этасиз тинмай,  
Яқин-йироқдан руҳим, шеърларимга мўралаб  
Чиқиб келаётибсиз кўриниб, гоҳ кўринмай  
Қишлоқ, пахса деворлар орасидан оралаб.  
Келинг, айланиб келинг юлдузим, ойларимга,  
Ё мен тавофга бораёй тугилган жойларимга.

Ўзингизни кўрмасдан шеърингизни танидим  
Биламан қайлардадир рақс тушяпсиз эшилиб,  
Қайда бўлса ҳам ҳар хил нигоҳлардан панада,  
Балки ой ёруғида қушлар билан қўшилиб,  
Дарахтларнинг шохида ялангоёқ ўйнайсиз —  
Гўдакликнинг боғида дайди, саёқ ўйнайсиз.

Ўйнай-ўйнай бир куни тонгда келаркан кириб  
Сизни жиддий нигоҳда кутиб олади шаҳар.  
Кўксингизни тартибли ўтлар билан тўлдириб  
Бора-бора борингиз ютиб олади шаҳар.  
Аста-аста кўникиб, сизам шуни хушлайсиз,  
Тунда ҳаммадек ухлаб, кундузи тинч ишлайсиз.

Кейин севибми, севмай бир йигитга тегасиз,  
Кейин... ўғил-қиз қатор... ҳар тарафдан бой бўлиб  
Бир куни қарайсиз-ки ҳамма бахтга эгасиз...  
Сўнг тўлиша бошлайсиз ўн беш кунлик ой бўлиб.  
Ҳайҳот, ул кун йиғларман дилимга доғ бўлди деб,  
Бу тўлишган вужуднинг руҳи ҳалок бўлди деб.

Дейсиз шоир ким ўзи, қандоқ шоир бўлгансиз?  
Йўқ, шеър ёзай деб ёзиб кўчирмаганман оққа.  
Ундан кўра сўрангиз қай ўқлардан ўлгансиз,  
Қайси ўқлар қайтадан қўйган Сизни оёққа.  
Сўранг, юрагингизга қачон санчилган тиглар  
Ахир азага борган ўз дардин айтиб йиғлар.

Шоир эса йўқ фақат ўз дардидан куймайдир  
Ўзга ғамдан сарғаймай, ўртанмаган вақти йўқ.  
Токи ерда бир инсон ғам ўтида куйгайдир,

Дегайман бу дунёда шоир зотин бахти йўқ.  
Аро йўлдасиз синглим, ё шеър денг ё тинч бахтни,  
Кўрмадим бу иккисин бирдай кўтарган тахтни.

Бургут полапонларга учмоқни ўргатган чоғ  
Аямасдан ташларкан энг юксак қоялардан,  
Менам сизга бор гапни айтиб турибман шундоқ,  
Сиз устунсиз юмшоқ сўз, мижғов ҳимоялардан.  
Қоялардан тушганда қолгаймикансиз тирик  
Унда бир тишлам нонга сизу биз абад шерик.

Унда мен олдиндаги тоғлар умрин тилар чоғ  
Суюниб ҳам қўяман, ортада ҳам тирак бор деб.  
Хотиржам кетажакман, бир кун тоғдай қулар чоғ  
Ортада мендан ортиқроқ куюнчак юрак бор деб.  
Қачон етиб келдингиз Сиз ортимдан куюниб,  
Қачон олақолдингиз балоғатни кийиниб.

Опангиздан ўтибди, қандоқ сезмадим Сизни...



## Ёлғиз ўғил ҳақида баллада

Сен қақиргин, қақир вақт топганинг дам  
Ораликда овоз юриши керак.  
Йироқ қишлоқдаги мушфиқ онанг ҳам  
Уйга кириб-чиқиб туриши керак.

Чақириб бўлса ҳам айбларингни юв,  
То уйга бутунлай кетмасин кириб,  
Тувакдаги гул ҳам тўкилади дув,  
Турмасанг сув куйиб, эслаб, қақириб —

Сукутдан суяги симиллаб оғир,  
Қийнайди ёлғизлик бўлиб тун келиб.  
Сезгир қулоқлари кундан-кун оғир,  
Эшитмай қолиши қийин кун келиб.

Имиллаб «шукур, ҳар тирик дамга» деб  
Баъзан кунчувоққа чиқиб ўлтирар.  
Эрмак деб, шаҳарлик неварамга деб  
Алвон кўйлакчалар тикиб ўлтирар.

— Тўғри-да, меники ярашмас, кўпол  
Дейди-ю, барибир кетади куйиб.  
Нимага шу ўғли бўлмади чўпон,  
Боласи юрарди тикканин кийиб.

Келин саҳар туриб сув иситарди,  
Уқаларди оғриқ оёқларини —  
Таяниб, умридан рози ўтарди —  
Ўғлининг чўпонлик таёқларини.

Бирдан тикишини йиғади беун  
Эслаб бир вақт шундай тикканларини —  
Келин кўйлакчасин ёқтирмаган кун  
Кўнглининг азият чекканларини —

Йўқлаб келишганди, қайсиям бир йил —  
Гўдак «бувижон»лаб отилгани чок.  
Ният қилиб тиккан кўйлақчасин ул  
Қизчага кийдириб термулди узок.

Қизча чиқди учиб-кўниб атрофга  
Келин хайрон бўлди, қовоғин уйди.  
Кейин деди, «ўраб кўйгандай қопга  
Ойи бунингиз не балони кийди?!»

Ундай деманг болам, ўзим тикувдим  
Деди дийдалари тўлиб ёшларга.  
— Менам магазинга кеча чикувдим,  
Буни берақолинг қариндошларга.

Кампир ўғли томон ташлаб кўз қирин  
Уйга кирди, артмай кўз ёш, жолани.  
Эр деди: «Шу ишинг бироз ноўрин —  
Сира ўрганмадинг, муомалани».

Шу кунларни эслаб, эснаб, толикиб,  
«Шунга ҳам шукур» деб, тоқатни тишлаб,  
Онанг яшар, борсанг бугун йўликиб,  
Бугун қайтажаксан, қолмайди ушлаб.

Сен билмайсан онанг бежон, бедармон —  
Ахир сени бир кун тутиб туролмас.  
Билмайсан-ей, Онанг дили қондир, қон —  
Бу қон билан балки узок юролмас...

Ўз уйингда ейсан, тўйиб ичасан  
Уни сукут сиртмоқларга топшириб.  
Кун келар, сен талх қон ютиб учасан,  
Ул қақриб, кўйгач сени шошириб.

Сен «бу ўлик меники: деб кирган дам  
Биров сенга кимсан демас, сўз қотмас.  
Сен «онам»лаб тобут томон юрган дам,  
Тўсадилар, яқинига йўлатмас.

Кейин аза очар унга еру-кўк  
Бул шўрликнинг паймонаси тўлган деб.  
Ерда чирок ёққучиси қолган йўқ,  
Елғиз ўғли аллақачон ўлган, деб!

Бугун қақир қақиравер уялмай  
Ҳеч бўлмаса овоз юриши учун —  
Йироқдаги онанг ўтириб қолмай,  
Уйга кириб-чикиб туриши учун.



## Қирчиллама қирқ йигит...

Бу жанг асли сув билан оловнинг жангги бўлди,  
Кўнгил жароҳатлари янгидан янги бўлди.  
Гуллар бевақт сарғайиб ҳижроннинг ранги бўлди,  
Белларин кўтаролмай йўллар беланги бўлди,  
Қирчиллама қирқ йигит уйга қайтмаган кунлар.

Энди деганларида «қарчиғай йигит бўпти»  
Аста эгилиб қизни ё ўпмади ё ўпди.  
Аммо учиб кетдилар лочини бўлиб кўпни,  
Аммо юрт қон қақшади, юртда қиёмат кўпди  
Қирчиллама қирқ йигит уйга қайтмаган кунлар.

Қайтмадилар ва лекин «номаълум» деб ёздилар,  
Қайда ниҳон юрурлар шунча қишу-ёз улар.  
Қондошлар гоҳ кўнглида гўрларин ҳам қаздилар,  
Оналари гоҳ хушли, гоҳ ақлдан оздилар,  
Қирчиллама қирқ йигит уйга қайтмаган кунлар.

Юрагимда аччиқ ўт, на гинаю, на зарда,  
Ерга сиғмай қоламан фақат баъзан кечларда.  
Ленинградда ўлган, балки қамал, ўчларда  
Балки Бухенвальддадир, одам ёқар печларда  
Қирчиллама қирқ йигит уйга қайтмаган кунлар.

Қирқ йигитни қирқ асов той десам от бўлмади,  
Қайтган турналар ичра қирқ қўш қанот бўлмади.  
Улар қирқта шон бўлди, бирор иснод бўлмади,  
Қирчиллама бу ҳаёт-аммо ҳаёт бўлмади,  
Қирчиллама қирқ йигит уйга қайтмаган кунлар.

Қирқ йигитни дўл урган қирқта боққа менгзадим  
Тўфон келиб ўчирган қирқ чирокқа менгзадим —  
Юрагимда ўйилган қирқта доққа менгзадим  
Тикланар чоғ қулаган қирқ байроққа менгзадим  
Қирчиллама қирқ йигит уйга қайтмаган кунлар.

Йигирма миллион байроқ, гўрли-гўрсиз кўзғолса,  
Совиб қолган ўчоқлар қўрли, кўрсиз кўзғолса,  
Мункайган келинчақлар эрли, эрсиз кўзғолса,  
Бугунги урушқоқлар, Сиз не дерсиз, кўзғолса,

ҚИРЧИЛЛАМА ҚИРҚ ЙИГИТ  
УЙГА ҚАЙТМАГАН КУНЛАР...



## Мослашувчан одамга

Бир вақтлари чарсу-чапани  
Ўз сўздан қайтмас эдинг Сен.  
Капа дердинг турган капани,  
Бошқачароқ айтмас эдинг Сен.

Қирраларинг ўткир туюлиб  
Ўргандилар, қотирдилар бош  
Қирраларинг бир-бир ейилиб  
Бўлдинг силлик, юм-юмалоқ тош.

Энди уни айтмоқлик учун  
Ном қидириб гоҳ очасан фол.  
То ўзгариб кетмасин мазмун,  
Капага ҳам келмасин малол.

Энди йўлинг топиб олдинг чин  
Қатнаб чўпу-чўпчаларига.  
Энди яшайверишинг мумкин  
Кириб ҳатто чўнтақларига.





Қодиржон  
Собиров

# ДУНЁНИ СЕН ТЕБРАТАСАН...



**С** ардорнинг ўгли бугун мактабдан қувнаб-яйраб келди.

— Дада! — деб қичқирди у эшикдан кириб, шодлиги оламга сиғмай, — мен «дада» деган сўзни ёзишни билиб олдим.

Мана, каранг-да...

Ўғил шоша-пиша столга дафтарни ёйди. Жажжи бармоқлари билан ручкани маҳкам ушлади-да, калласини бир томонга қийшайтириб, ҳарф ёза бошлади. Сардор унинг тепасида тик турар, кўкси ҳаяжон ва ғурур билан чайқаларди. Кейин у сўнгсиз хаёлларга толди:

«Бугун сен биргина сўзни забт этибсан, ўғлим! Шунга ҳам олам-олам шодсан. Тез ойларда сен ўрганган сўзлар ўнтадан, юзтадан, мингтадан ортади. Кейин, йиллар ўтиб, камолга етасан. Тетапоя бўлган кезларинг сенга она бешигинг торлик қилиб қолганидай, ўсганинг, улғайганинг сайин ўзинг тугилиб ўсган замин ҳам торлик қила бошлайди. Сен дунё кезасан!

Фарзандим, сен ва тенгқурларинг йигирма биринчи асрни, инсониятнинг камолотга етган асрини йигитлик йилларинг да кутиб олсанлар. Балки ўзга оламлар, ўзга сайёралар сенларнинг қадамларингга мунтазир бўларлар, ким билсин. Сен ва тенгқурларинг дунёни тебратасанлар, ўғлим!

Ҳозирча нозик бармоқчаларинг билан ручкангни оҳиста ушлаганча, оқ қоғоз устида юргизялсан. Оп-шох юзингда, мунчоқ каби қоп-қора кўзларинг да бир олам қувонч. Ҳозирча сен сумкачанг да ардоқлаб юрганнинг мана шу китобчаларингга ишонасан. Чунки улар сенга ҳаёт йўлларини сутдай ойдин-равшан,

ёруғ, чароғон қилиб кўрсатиб бермоқдалар. Китобларингга ишониб, тўғри қиласан, ўғлим!

Аммо йиллар ўтади. Камолот ёшига етиб, кўп нарсаларни билиб олсан. Ҳаёт йўли сен мактабингга борадиган текис асфальт йўл эмас. Унинг кўзга кўринадиган ва кўринмайдиган ўнқир-чўнқирлари бор. Дунёда фақатгина оқ ранглар эмас, қора ранглар ҳам бўлишлиги, нурнинг ортидан доим соя эргашиб юриши, ҳаёт жуда серқирра эканлигига амин бўласан.

Бугун сенинг қалбингда ҳали гард юкмаган поклик бор. Ана шу беғубор поклик йиллар ўтиши билан ҳаётнинг қора рангларига, сояларига дуч келиб, баҳор булутлари каби тарқалиб кетмаслиги учун, сен бир умр ҳозиргидай софдил, ростғўй, ҳақиқий инсон бўлиб қолишинг учун мен нималар қилишим керак, болам?

Сен бир вақтнинг ўзида ҳам ҳалол, ҳам ўзингга мустаҳкам бўлишинг, бирон бир номарднинг марҳаматига, илтифотига зор бўлмаслигинг учун мен сени қандай тарбия қилсам экан, ўғлим? Ҳақиқатнинг ўлмас кучига, эзгуликнинг пойдорлигига, яхши одамларнинг безавол умрига ишониб яшашинг учун менадан нималар лозим, қора кўзим?

Бу жуда мушкул муаммо. Бу икки қарра икки тўрт дегани эмас. Ҳаёт кўлинг даги китобдан сал бошқачароқ. Бунга мен ҳам, мен ихлос қўйган кишилар ҳам, сен ҳам айбдор эмас. Уни баъзи бир одамлар мураккаброқ қилиб қўймоқдалар...»

\* \* \*

Нимадан бўлди экан бу — Сардор билолмади: аммо нечундир юраги сиқила бошлади. Урнидан турди, сигарета тутатди. Ҳеч уйқуси келмади.

Қишлоқнинг нариги четида трактор гуриллади.

Қоқ тун ярми. Стол соатининг тинимсиз «чиқ-чиқ» и вақт гўласини беаёв арралашда давом этади. Узоқ-узоқларда бемаҳалда хўроз қичқирди.

Сардорнинг юраги бекор сиқилмаган экан. Емон хабардан аввал унинг совуги, ваҳимаси келади, деганларига яна бир марта ишонди у. Телефон жириглаб қолди. Ким бўлди экан? Сардор чўчиб тушди. Юрагига шувиллаб бир гашлик кириб келди. Ким бу бемаҳалда қўнғироқ қилган? Кейинги пайтларда кўпайиб кетган «телефон безори»лар ҳам аллақачон бир уйқуни олишган бўлсалар керак? Ким экан-а? Е...

Тахмини тўғри бўлиб чиқди. Трубкани кўтариши билан укаси Музаффарнинг ташвишли товуши эшитилди:

— Ака, тезроқ етиб келинг. Дадам қўрқитяпти... Жуда оғир...

Сардор трубкани кўйиб, бир вақтлар отаси айтган сўзларни эслади. Булоқ қишлоғига йўлланма беришганида оқсоқол андак норози бўлган эди.

— Хийла узоқ экан-да, болам. Менинг аҳволимни ўзинг кўриб турибсан. Яқинроқдан иш беришса бўлмасмикан?

— Мен бораётган қишлоқда математиклар етишмас экан, дада, — деганди ўғил, — соғлигингизга келсак, унча ваҳима қилманг. Хийла тетиксиз ҳали. Рангингиз ҳам яхши.

Мана энди бу ташвишли кўнғироқ...

Унинг миясига келган биринчи фикр шу бўлди: зудлик билан машина топиш керак. Юз километрлик йўл. Шошилса, эҳтимол улгуриши мумкиндир...

Кишининг кўз ўнгида чанқаган пайтида булоқ гавдаланади. Сардор ҳам ҳозир, шу алфозда машинаси бор оғайниларида қайси бири асқота олиши ҳақида фикр юритди. Ҳаммаси ҳам «Қиёматлик ошангмиз, Сардор» дея неча бор кўкракларига мушталашган. Улар Сардорнинг жонига бугун оро киришмаса, қачон оро киришади?

Маданият уйида мудир бўлиб ишлайдиган оғайниси Соҳибжоннинг уйи жавоб бермади. Сардор роса беш минут телефон қилганидан сўнггина эслади: Соҳиб бир куни «катта»ларнинг дастидан телефони кечаси узиб қўяётганлигини айтган эди. Уйи эса хийла бор, тўрт километр.

Комсомол комитетида ишлайдиган дўсти Рустам ҳам ишончли одамлардан бири эди. Лекин қизчаси уйқусираган товуш билан жавоб қилди: дадаси эрталаб шаҳарга кетган бўйича қайтиб келмабди.

Пионерлар уйининг директори Алишерниқига телефон қилди.

— Хўжайинми? Хўжайин уйда, — жавоб қилди унинг хотини, — аммо этидан бир кило-ярим кило кесиб кетсангиз ҳам билмайди. Таррақдай қотиб ётибди. Бугун яна комиссия келган экан. Ҳе, куйдим-да, шу комиссияларидан ҳам...

Ҳар ким ўз ташвиши билан овора, деганлари шу экан-да!

Кўча бошида яшайдиган Дилнур гапни кўпайтириб ўтирмади.

— Ҳар қанча иш бўлса, кундузи гаплашайлик. Сардор. Ҳозир тун ярмида бир ёққа чиқиб бўладими! Ўзинг ўйлаб кўр. Унинг устига, бу чоллар ваҳимачи халқ бўлади. Кўпам ишонаверма! Эрталаб бориб келармиз...

Трубкани кўйиб қўйди: тут-тут, тут...

«Нима қилиш керак? — Уйланарди Сардор, — қишлоқнинг қишлоқлиги курсин. Шаҳар бўлса — бир нави эди. Тун ярмида бўлса ҳам такси қақира-

сан. Хўш... мактаб директорига телефон қилсинми? Ярим кечада у ҳам қандай ёрдам бера оларди?»

Сардор кийина бошлади.

— Сизлар эрталаб биринчи автобус билан етиб бординглар, — деди у хотинига, ухлаб ётган болаларига ишора қилиб, — мен ҳозир амаллаб бориб оларман.

Катта кўчага чиқди. Ҳаммаёқ жимжит. Қўрқинчли, юракларни сиқувчи жимлик бу. Фақат енгил, салқин баҳор шабадаси юзларни силаб ўйнайди. Фақат кўкда кўрғонлаган ой хири шуъла таратади.

«У ёқда нима бўляпти экан? — Сардор дадасининг қиёфасини кўз ўнгига келтирди, — дадажоним, меҳрибоним дадам, ҳолингиз нима кечяпти экан? Мен, ношуд ўғил, нега ўшанда гапингизга кирмадим, йиғлаб-сиқтаб бўлса ҳам, бир иложини қилиб, сизга яқинроқ жойдан иш олмадим?...»

Ун беш минут ўтдим, ярим соатми, аниқ билмайди. Фақат узоқдан тулки кўзларини эслатиб, бир жуфт чирок милтираб кўрингандагина у ўзига келди. Қўл кўтарди. Самосвал машина экан. Шофёри, башанг мўйловли, қийғир бурун йигит, Сардорнинг гапини эшитиб, ўйланиб қолди.

— Хийла узоқ экан-да, оғайни. Ўзим жуда чарчаб келяман.

— Шунчалик зарур бўлмаганда, кечаси бу ерда қаққайиб турармидим, дўстим, — ялинди Сардор. — Ахир сенинг ҳам отанг бордир, онанг бордир...

— Шундайликка шундайку-я, аммо...

— Таксининг икки баравар ҳақини тўлайман, — чўрт кесди Сардор, — келишдикми?

— Ҳа, майли, кетдик! — Шофёр, кечирим сўрагандай, қўшиб қўйди. — Хафа бўлма, оғайни, бензин ҳам камроқ эди-да...

Сардор роса икки соатдан сўнг уйларида бўлди. Уни қий-чув, «оҳ-вой» билан кутиб олишди. Укаси Музаффарнинг айтишича, дадаси сўнгги дақиқаларигача Сардорни йўқлабди. «Айтиб қўйинглар, мен ундан розиман, розиман» деганча кўз юмибди...

Эртаси оқсоқолни дафи этдилар. Кейинги куни фотиҳага тумонат одам йиғилди. Сардорнинг синфдошлари Насимжон, Турғунбой, Баҳодирлар ҳам келишди. Ярқираган «Волга», «Жигули», «Москвич»ларини бир четга қўйиб, беш-ўн минутларча сукут сақлаб туришди-да, «Хўп бўлмаса» деганча жўнаб қолишди.

Сардорни бир ўй эзарди. Мана шу машиналардан бири тун ярмида икки соатми, уч соатми, унинг хизматида бўлганида борми, балки у отасининг розилигини ўз қулоғи билан эшитиб қолармиди...

Фотиҳага келиб-кетаётганларнинг қадами узилмас, Сардор эса ўзи ҳақида, дадаси ҳақида, тенгқурлари тўғрисида ўйларди. Энг аввало бир нарсани аниқ тушуниб олиши керак: ҳаётда тўғри йўлдан бораётгани аслида ўзи? Хўп, тўғри йўлдан бораётган экан, нечун шунчалар адолатсизликка, тенгсизликка дуч келяпти? Ахир ўша Насимжонлар, Турғунбойлардан нимаси кам унинг? Ақлими, уқувими, қобилиятими? Еки яшаш йўлларини билмайдими у? Хўш, бунинг учун нима қилмоқ керак?

Кўз олдидан болалик йиллари кино лентаси каби бир-бир ўта бошлади. Беғам, беташвиш болалик... У ҳам ўғилчаси каби, биринчи ҳарфларни ёзишни ўрганганда қувончдан боши осмонга етган, китобларнинг сирли, ажойиб оламига кирганида, уларнинг мазмунини чақа бошлаганида бир умрли содиқ дўст, ҳамроҳ орттирганлигига чин дилдан иқдор бўлган эди.

Мактабда у фақат «аъло»га ўқиди. Едида, еттинчи ё саккизинчи синфда эканлигида қайси бир фандан «тўрт» олиб қолиб, роса йиғлаган эди. Сардор ўзинчи синфини олтинчи медалъ билан тамомлади. Институтда ҳам энг юқори стипендия билан ўқиди.

Ҳозир у йигирма еттида. Таржимаи ҳолини бир неча оғиз сўз билан изоҳласа бўлади: қишлоқда туғилди, мактабда, сўнгра институтда ўқиди. Ҳозир қишлоқ мактабда бир ярим ставка дарс беради. Ойлик маоши 150 сўм.

Йигирма йилдан кейин у халқ маорифи аълочилиги унвонига эга бўлиши мумкин. Бироқ ўшанда ҳам мактабларда нукул «2» ва «3»га ўқиган, нукул дакки еб юрган Насимжонга ўхшаб қассобдан навбатсиз, лаҳм гўшт олиши, ёки, айтайлик, Баҳодирга ўхшаб «Запорожец»ни «Жигули»га, уни эса «Волга»га алмаштириб миниши, ёхуд бўлмаса Турғунбойдай ҳар йили Пицундаю Гаграда дам олиб қайтиши амри маҳол.

Уччаласи ҳам Сардорнинг тенгдоши. Бироқ бурунларига шоти қўйиб ҳам чиқиб бўлмайди. Чунки улар қишлоқнинг казо-казолари рўйхатига тушиб қолишган.

Сардор ва улар ҳаётда бошқа-бошқа йўллари ташлашди. Сардор илм йўлидан кетди. У ёшлигиданоқ китобларга қизиқар, китоблар унинг учун олам-олам қувонч манбаи эди. Китоблар болани яхши одам бўлишга, софдилликка, тўғрилиқка, ориятли, диёнатли, виждонли бўлишга ўргатарди.

Мана, дадаси ҳам оламдан ўтиб кетди. Умр бўйи кичкина бир идорада оддий ходим бўлиб ишлади у. Сардорнинг худди шу бугунгидай ёдида: бир куни уларнинг оморда мудир бўлиб ишлайдиган кўшниси Мақсум ака ян-янги ялтироқ «Волга»ни миниб келганида ва «Мана, болалар, шу машина сизларники» дея ҳамма ўғил-қизларини ўйнатиб келганида Сардорнинг укалари ўзларини қўярга жой тополмай қолишган, чуғурлашган бўйи янги машинани озидан туширмай гапириб юришган эди. Шунда раҳматли дадаси бир ҳижолат бўлиб қолган ва болалар тўп-ланишганда худди ўзи билан ўзи сўзлашгандай, гап бошлаган эди:

— Уғилларим, ҳеч қачон бир нарсани унутманглар. Эр киши ҳаммавақт ўз қадини роз тутиб юрадиган бўлиши керак. Бунинг гарови эса ҳалол меҳнат, ҳалоллик билан топишган нон. Мен уйимизни зеб-зийнатга беамадим. Аммо сизларнинг олдингизда виждоним тоза. Ҳалигача сизларни бирон тўграм бўлсин харом нон билан боққаним, бирон нарсага зор қилганим йўқ. Шунинг учун ҳам мен сизларнинг, одамларнинг кўзларига тик қарайман.

Сардор дадасининг ўша сўзлари магзини мана энди чақяпти.

Насимжон, Турғунбой, Баҳодирлар ҳам ҳаётда ўз «йўл»ини топиб кетдилар. Бу Сардорникдан бошқачароқ йўл эди.

Насимжон Сардор билан еттинчи синфгача бирга ўқиди. Баёнми, математиками, рус тилими — нимаки бўлса Сардордан кўчирарди. Кейин мактабни ташлаб юборди. «Кўшни қишлоқдаги тоғамнинг ёнига кетяпман» деди у таниш-билишларига. Тоғаси у ерда ёғоч оморига мудир бўлиб ишларкан. Мактабда ўқитувчиси Насимжонга чўт қоқишни ўргатолмай хуноб бўларди. Тоғаси икки кундаёқ ўргатди-қўйди. Чунки фойда-зиёни аниқ кўзига кўрсатди.

Ойлар, йиллар ўтаверди. Энди оморда бошдан-оёқ савдони Насимжон қилар, тоғаси эса бошқа ша-

харларга чошиб, материал «ундириш» билан овора эди. Уч йилдан кейин тоғаси янги очилган «Мингта майда-чуйда» магазинини қабул қилиб олдию жиянига ёғоч оморини «ота мерос» қилиб қолдириб кетди. Насимжон тез орадаёқ кўзга ташланиб қолди. «Гилдиракли» бўлди. Катталлиги колхознинг Маданият саройидай келадиған уйни тиклади.

— Сен, бола, ўқиб қўй, — деди бир куни тоғаси, — ҳукуматнинг қоғози ҳам асқотиб қолади.

Бу техникум деган нарса кони зарар экан. Икки йил давомида сессияларга бориб-келавериб, Насимжон қолганиб бўлди. Ҳар бир «имтиҳон»нинг баҳоси 50-100 сўм, «зачёт»ники эса 30-40 сўмдан... Буниси ҳам майли-я, техникум ўқитувчилари Насимжонни эшак қилиб миниб олишди. Бир куни биттаси машинасига ўтириб олиб, «у ёққа хайданг» дейди, кейинги куни бошқаси «бу ёққа...» Гапига кирмай кўринг-чи! Ана ўша минг машаққат билан олинган диплом ҳозир сандиқнинг бир четига чанг босиб ётибди. Балки тоғаси ҳақдир, ҳақиқатан ҳам бир кун керак бўлиб қолар ҳукуматнинг бу қоғози.

Ҳозир Насимжон ўтиришларнинг гули, бошқа ҳамма учун тақатақ берк бўлган эшикларнинг остонаси унинг қадамига мунтазир.

Турғунбой эса Сардордан бир синф кейин ўқирди. У ҳам бир амаллаб ўрта мактабни тамомладию, райондаги кичкинагина, бировнинг назарига илинмайдиған ташкилотга бухгалтер бўлиб олди. У ҳам техникумда сирдан бир амаллаб «ўқиб», «ҳукуматнинг қоғози»ни олиб қўйди. Ўзи каттароқ жойда ўқий олмай, бахтсиз бўлиб қолганининг аламига, иккита ношуд укасини университетга жойлаштирди. У ҳам ҳаётда «ўз» йўлини топганлардан. Ҳозирча учта машина алмаштирди, холос. Ўтиришларда мана мен деганлар унинг оғзига қулоқ солишади.

Энди Баҳодирнинг «қисса»сини тингланг. Буниси қизикрок...

У армиядан «ақлини пешлаб» келди. Ҳамма армияга борганлар у ердан тартибни, саранжомликни ўрганиб қайтсалар, Баҳодир лаганбардорликни илм қилиб қайтди. Армиядан келиб, колхозга оддий шофёр бўлиб ишга кирди. Унинг «жонкуярлиги» раисга шундай ёқиб қолдики, раис бир ой ўтмасданоқ уни ўзига шофёр қилиб олди. Баҳодирнинг оёқ-қўли чаққон, хизматга суяги йўқ эди. У раис буванинг уйини ўзиники қилиб олди. Мўрсидадан кириб, туй-нутидан чиқиб юрди. Аввалига раис бунини унча эламади. Бефарво бўлди. Бекор қилган экан. Охири ишкали чикди. Бир куни хотини унга йиғлаб-сиқтаб дардини тўқди: ўзинини энди битирган Зулайхо қизини шу шофёр болага беришмас бўлмас эмиш. «Жинни-пинни бўлдингми?» деди раис. «Йўқ, дадаси, — тушунтирди хотини, — эсимизнинг борида этагимизни йиғиштириб олайлик. Буёғида ишқал чиқиб қолибди...»

Раис аввал ниҳоятда даргазаб бўлди. Қизини «сўяман» деди. Хотини «Жиннилик қилманг», дея юпатди. Кейин раис бир томонларини ўйлади шекилли, «оқ қиламан» деди.

Кунлар ўтиб, Зулайхо ёшига номуносиб равишда тўлишиб бораверди ва бутунлай уйдан чиқмай қўйди. Раис қизини оқ ҳам қилмади, кўк ҳам. Аста-секин авжидан туша бошлади. «Тезлат тўйин!» деди бир куни хотинига. Қайтанга одамлардан раҳматлар ҳам эшитиб олди: «Кимсан фалончи раис бўла туриб, қизини оддий бир шофёрга берапти. Баракалло!» Бир ой ўтмаёқ Баҳодир, унинг армиядан келишини «Баҳодирим-Баҳорим» дея талпиниб кутган колхозчи

қизни қон қора қақшатди-да, Зулайхога уйланди. Колхозчи қиз алампидан сирка ичиб қўйди. Докторларга раҳмат, қизни сақлаб қолишди.

Кўп ўтмай, раис «ота-бола энди битта машинада юрса ярашмас» деди-да, куёви учун бошқа хизмат қидира бошлади. Тасодифан шу пайт экспедиторлик штати «бўшаб» қолди. Баҳодир лип этиб ўшага ўтиб олди. (Тўғриси ўтказишди.) Ҳозир куёвнинг остида машина, чўнтагида жарақ-жарақ пул. Кимсан — экспедитор! Кимсан — раиснинг эрка куёви!

Йўллар, йўллар... Сифдошларнинг ҳаммаси ҳар хил йўлни танлашди. Ким ҳақ? Бу нарса масалага қайси нуқтаи назардан қарашга боғлиқ.

Сардор ҳозир оддий ўқитувчи, мингларнинг бири. Ҳалигилар эса жамиятнинг «кўзга кўринган» кишилари.

Демак, Сардор ўшалардай йўл танламай, хато қилган экан-да!

Унда мана бу нарсаларга нима дейсиз? Қулоқ солинг.

Сардор ўз сифдошларининг ялтироқ томонларининга эмас, қалтироқ томонларини ҳам яхши билади. Йигитга улар ҳаётининг аврасигина эмас, астари ҳам яхши маълум.

Инсонни инсон қилган — унинг қадр-қиммати. Одамзотни бошқа тирик мавжудотлардан ажратиб турган нарса ҳам шу. Сардорнинг сифдошлари кечираётган ҳаётнинг орқа томони, ҳай-ҳай, асло ҳавас қиладиган эмас.

Савдогарлик касби одамни буқаламун қилиб қўяди чоғи. Бунга Сардор Насимжонни турли вазиятларда кўриб, амин бўлган. Харидорлар билан эгардан тушмай гаплашадиган Насимжон халқ контролиданми, ОБХССданми, умуман текширув органларидан кишилар келиб қолса, жуда ҳам паст бўлиб кетади, жонини бериб юборгиси келади уларга. Бундан ташқари унинг ҳар ярим ой, бир ойда келиб хабар олиб турадиган «ака»лари бор. Айниқса ўшалар келганда Насимжон бошқача бўлиб қолади, турли хил муқом қилади. Дарҳол уларнинг машинасини юва бошлайди, «жиз-биз»га уринади. Омборининг бир бурчагида «омборча»си бор. Унда доимо турли-туман матолар, ноёб нарсалар бўлади. Насимжон дамба-дам қўлида қутича билан чиқиб, гоҳ у «акаси», гоҳ бу «акаси»нинг қулоғига шивирлайди.

— Нариги магазинга чет эл туфлиси келган экан. Аямга деб олиб қўювдим...

— Жиянчага битта совгачамиз бор эди.

— Хўжайин, мана бу арзимас туҳфа биздан...

Бир куни Насимжон «акалари» кетгандан сўнг ўзича уф тортиб гап ташлаб қўйди:

— Э, оғайни, топган-тутганимнинг тенг ярмини мен мана шулар билан тенг баҳам кўрмасам, бир кун ҳам ишлай олмайман бу ерда.

Аммо орқасидан қаттиқ ёмонлайди «ака»ларини. «Хўл балолар», дейди, «Ялмоғизлар» дейди, «Пиянисталар» дейди.

Турғунбойнинг аҳволи ҳам униқидан яхши эмас. «Шеф»и, ташкилот директори ўларча кўрс одам. Турғунбойни том маъноси билан югур етим қилиб олган. Баъзан шундай ўшқирадики бухгалтерига, шундай ўшқирадики... «Ур-ру-гинни ўйнатиб юбораман сен номардинг!» дея столи муштлайди.

Баҳодирни эса айтмай қўяқолайлик. Сардорнинг қулоғига бир гап етиб келди. Баҳодир ширақайф бўлиб олиб, қайсида қилиғи учун хотини Зулайхога мушт ўқталибди. Бўлибди жанжал, бўлибди жанжал.

— Ҳа, йигитча, — дебди раиснинг хотини, яъни

Баҳодирнинг қайнонаси, — қорингиз нонга тўйиб қолдимиз? Ким эдингизу, ким бўлдингиз, унутманг...

Баҳодир жавоб қайтаролмай, тилини тишлаганча қолаверибди.

Олифталарнинг турмушларидаги ана шундай тафсилотларни қишлоқдагиларнинг ҳаммаси билади. Лекин ҳеч ким бу ҳақда оғиз очиб гапирмайди...

Мана шуларни ўйласа, Сардор ўзининг тотув оиласи: меҳрибон хотини, шириндан ширин иккита ўғил-часи, ўзи севган касбидан минг бор ўргилгиси келади. «Йўқ, — дейди у ўзига ўзи. — Менга мана шу кичкинагина бахт етади... Сен ҳам, ўғилчам, менинг изимдан борасан».

«Шундай-ку-я, — ўйланиб қолади яна у, — сени ҳаётнинг ана ўша қоронғу кўчаларига киришдан сақлаб қола олармиканман? Мен, яқинларим, китобларинг сенга тўғри, ҳаққоний йўлни кўрсатадилар. Аммо сен турмушнинг ногаҳоний синовларига бардош бера олармикансан? Умр — эгри-бугри, чигал йўллардан иборат. Кўнглинг сени сеҳрлаб, нафс йўлига етаклаб кетмасмикан? Қаноат кўчасида устивор қолармикансан, ўғлим? Мана шундан ташвиш-даман, холос.

Орамизда маошнинг ўзига кун кечирадиган одамлар бор. Аммо маошга шукр қилмай, бирини минг қилиш учун жони ҳалак бўлиб юрганлар ҳам оз эмас. Тубандаги манзаралар ана шунинг исботидир.

Такси яшил чироғини ёқиб, тўла йўловчи билан кетмоқда. Шофёри «чет» пул ишлаяпти. Ундан кейинги машина эса давлатники. Ҳайдовчиси кабина ойнасидан бошини чиқаради. «Хадрагами? Икки сўмдан берасизлар!»

Шаҳарлардаги гавжум рестороанларда, деярли ҳамма меҳмонхоналарда «жой йўқ» деган ёзувни кўрасиз. Аммо жой, албатта бўлади. Фақат администраторнинг ёки навбатчининг (йўқ, жойнинг эмас!) виждон баҳосини билиб олишнинг керак, холос.

Помидор, мева-чевани узоқ юртларга олиб бориб, бир неча баравар қимматига сотадиган одамлар ҳақида кўп ёзилган. Ўзбекининг «оқ олтин»дан миққоллаб йиққан обрўсини мамлакатимизнинг Марказий ва Сибирь шаҳарларида килограммлаб тўкиб келаётган бундай нусхалар ҳақида айтиб ўтирмайлик. Улар учун қалам хайф.

Бир «эпчил» йигит бор. У танишлари орасида «гул йигит» деб ном олган. Айтишига қараганда, кичкина бир паринги йилига 5 минг сўмга яқин даромад бераркан. Парниқда гул ўстираркан у. Гуллар очилгач, бир чамадонга юklar экан. («Битта чамадонда мингта-икки мингта гул кетаверади» деб мақтаниб ҳам қўяди) Гулнинг ҳар бир донасини 1 сўмдан 5 сўмгача пуллар экан...

Ҳа, Турғунбойлар, Насимжонлар ва шуларга ўхшашлар кўча-кўйда бойваччалик қилишса, ишонаверки, бунга уларнинг ҳаром пуллари сабабкор!

«Аммо ҳаётда бир сўм топсанг ҳам беминнат, ҳалоллик билан, пешона тери эвазига топганинг яхши, ўғлим, — дерди Сардор. — Менинг фақат бир истагим бор. У ҳам бўлса сенинг том маъноси билан одам бўлиб қолишингдир.

Йиллар ўтар, сен улғаярсан, ўғил-қизлик бўларсан. Шунда ўтган умрингдан ўксинмай, фарзандларингнинг кўзларига, юзларига тик қараб, бобонг айтган гапларни такрорлай олгин: «Мен сизларни бир тўғрам бўлса ҳам ҳалол нон билан боқиб катта қилганман, болаларим!»

Ягона, муқаддас истагим шу, кўзимнинг қароғи...»

Мавлуда мийғида кулиб қўйди: у чиндан бахтли келинми! Ҳа, ўзини бахтиёр ҳисоблашга ҳаққи бор, лекин бу бахт ўз-ўзидан, осонликча насиб бўлдимми унга! Дастлаб гуркировликлар унинг ҳақида қандай тасаввурда эдилар! У раисликка илк бор сайланган мажлисда нималар дейишганди!..

Саїлов

Қамчибек  
Кенжа

## РАИСА

### Қулоққа чалинган гаплар

«...— Бу, раисамиз зап бахтли келин бўлдимми, а, қўшни, яна ўзи сайланди-я!

— Узиям таг-туғли одамларнинг қизи экан-да, айланай

— Ҳа, рост айтасиз, ўргилай, зуваласида бўлмаса қийин, асли пишиқ-тетиккина-да. Гуркировка келин бўлиб тушмасидан илгариям ўзларида комсомолмиди, дейишади.

— Уни қўйинг, бунни қўйинг, Қодиржон худо деган йигит экан.

— Ҳа, ўзимизни Қодиржон ҳам чаккimas, юлдузи иссиқ йигит-да.

— Хотинларга амал тегса дарров туғишни йиғиштириб қўйишиб, пардоз-андозга зўр беришарди. Мавлудахон эсли-хушли жувон чиқди. Эл қатори ўғил-қиз боқиб ўстиряпти.

— Вой, нимасини айтасиз, тонг ёришмай сув селиб, ҳовли супуриб юрганини кўрсангиз, бирам ярашадики...

— Ҳа, мунисдан хабарим бор, қишлоғимизда ундан эрта турадиган келин бўлмаса керак.

— Ана шунинг учун ҳам ризқи улуг-да, айланай. Эрта туришини қўйинг, кир ювиб, нон ёпиб, овқат пишириб, яна шунча сергалва колхоз ишигаям улгурганига нима дейсиз...»

Рахбар ҳақида халқ орасида айтилган яхши гап ҳам, ёмон гап ҳам қайси тарзда бўлмасин, сўзсиз унинг қулоғига етиб келади. Айниқса, рахбар аёл бўлса, бундай хабарлар шамолдан ҳам тез келади.

Эсини танигандан бери колхозда темирчилик қиладиган, хўжаликнинг паст-баландини яхши биладиган Хурибой ака умумий мажлисда тутаб кетди.

— Колхоз кичик бўлсаям, ташвиши катта. Чунки бизда ер озу, одам кўп. Тузукроқ даромад тушмаса тирикчилик қилиш қийин. Уртоқ райком, — президиумга юзланиб, бир лаҳза тарадудланди у, кейин юрагидан тошиб чиқаётган ҳиссиётларини мумкин қадар босишга уриниб сўзида давом этди, — биз хотин раисдан зада бўлганмиз, тўйганмиз...

Хурибой ака, дами ичига тушиб кетгандай жимиб қолган халойиққа ҳадик билан кўз югуртирди. Утирганлар орқага қайтиб, янада катта куч, янада зўр шиддат билан қирғоққа урилган тўлқиндай бирдан жонланиб гувиллади, бино ичи ҳайқириқларга тўлди:

— Ҳе, яшаворинг, бормисиз!

— Отанга раҳмат!

— Гапиринг-е, гуркировликларда ҳам тил борлигини билиб қўйишсин!

Мажлис раиси, райком секретари Узоқбой Саримсоқов халқни тартибга чақириб, минбарга қаради.

— Гапириб бўлдингизми!

— Гапнинг қисқаси, ўртоқ райком, биз эркак раисга энди ёлқидик, колхозимиз энди сонга кирди, раисимизни олиб кетмайсизлар...

Мавлуданинг хушбичим жүссаси янада ихчамлашиб кетган, райком секретари ёнида хижолатдан лов-лов ётаётган юзини яшириб, бошини кўтармай ўтирар эди. У шундай гап бўлишини олдиндан билган, бошқалар ҳам: «оғир бўласиз, кўпчилик, бунинг ўстига оғзи куйган халқ, бири у, бири бу дейди», қабилда уни бўлажак радияларга, нохуш вазиятларга хийла ҳозирлашган эди. Лекин... «фалончи аёл бўлгани учун раисликка нолойиқ», дейишса, барибир оғир ботаркан, алам қиларкан.

Аслида темирчининг гапларида, халқнинг норозилигида ҳам жон бор эди. Мавлуда бунга икром, нафақат Мавлуда, район раҳбарлари ҳам бу фактни тан олмай иложлари йўқ эди: хўжаликка бир аёл узоқ, деярли ўн йил раҳбарлик қилди. Унинг омади юришмадики, ё ўша пайтларда шароит оғирмиди, ҳар қалай, колхоз ўтириб қолди. Одамлар, айниқса ёшлар ўзларини ҳар томонга уриб кетди, идора орқасидан айланиб ўтиб, тор кўчалар орқали бошқа колхоз-совхозларга, турли ташкилотларга, шаҳарга ишга жўновчилар сони кундан-кунга кўпайиб борди. Чунки колхозда оладиган даромаднинг тайини қолмаган эди. Аччиқ-тирсиқ гаплар дағдагалар авж олганди. Эраклар аёл кишига дадил-дадил, шартта-шартта сўзлаб хумордан чиқолмай жиғибийрон, аламзада эдилар.

Мавлуда ана шуларни ўйлар эди. Ҳамма сени ёмон кўриб, ёнингдан тескари қараб ўтса, мажлисларда муштини тугиб, тишини ёғирилатиб ўтирса, буйруғингдан очикдан-очик бўйин товласа, ҳар қадамда пичинг, таъналар ёғилиб турса — бунақа шароитда қандай раҳбарлик қилиб бўлади!

Шовқин-сурон, гап-сўз қулоғига кирмас, ўз ёғига қовриллар, қийналар эди. Шартта туриб ташқарига чиқиб кетмоқчи бўлди, барча аёл каби уйига чолиб бориб, юзларини ёстиққа босиб, йиғлагиси келди... Лекин унда барча аёлдан нима фарқи қолади! Икки йил пилла агрономи, айна вақтда колхоз комсомол ташкилотининг секретари бўлди, элликдан зиёд ўсмирни ленинчи ёшлар союзига олиб кирди. Уша пайтдаёқ район комсомол комитети бюросининг аъзоси эди. Кейин... деярли икки ярим йил колхоз коммунистларига етак

чилик қилди... Агар шу пайтда кўз ёши қилиб кетса чинакам гўрлик, ожизлик қилган бўлмайди! Ахир бу гапдан обкомнинг хабари бор-а! Колхоз коммунистлари ҳам ўз йигишлишларида бир овоздан маъқуллашган... Бунақа бўлишини билганида... ҳамма улуғ орзуларидан кечиб, ўзини ҳар қандай майл-ҳавасдан тийиб, оддийроқ иш сўраган бўларди-я. Лекин энди кеч, энди сабр қилишдан, ишнинг поёнини куттидан бошқа чора йўқ...

Дарҳақиқат, Мавлуда колхоз парткоми сифатида хўжаликнинг энди оёққа турганидан хабардор, бунда озми-кўпми ўзининг ҳам ҳиссаси борлигидан фахрланар, лекин раис Эрназар Деҳқоновнинг раҳбарликда ҳам, деҳқончиликда ҳам ишбилармонлиги, жонқуярлигига, қарзга ботиб букчайиб қолган колхознинг бир йилдаёқ қаддини тиклаб қўйганига ҳамма қатори лол қолган, унинг тажрибалари, омилкорлиги, иш юритиш тартибларини ўрганишга, ўзлаштиришга ҳаракат қилган, ҳанузгача ҳаракат қилар эди. Агар раисликка сайланса, Эрназар Деҳқоновчасига иш туттишни кўнглининг бир чеккасига тугиб қўйган эди. Иш бунақасига айланиб кетди, ким билади энди...

Колхозда Мавлуданинг тарафдорлари ҳам бор эди. Уч-тўрт коммунист уни ёқлаб гапирди. «Барчани бир қолип билан ўлчаш яхши эмас. Гап ёшдами! Мавлуда ўзимизнинг кадр, колхоз коммунистларига бошчилик қилиб кўзи пишган. Илгариги раисларнинг иши унга сабоқ бўлади деб ўйлаймиз», қабилдаги далдалар Мавлуданинг кўнглини бир қадар кўтарди. У минг андиша билан минбарга кўтарилиб икки оғиз гапирди:

— Ҳали билганимдан билмаганим кўп. Шу ерда ўтирган тажрибали деҳқонлар, колхоз правленийси ва партия ташкилоти ёрдам берса, қўлимдан келадиган меҳнатимни аямайман, мен сизларсиз иш қилолмайман...

Мавлуда раисликка сайланди. Энди уни янада кучлироқ ваҳима босди: сертармоқ колхозни эплаб кетадими, Эрназар Деҳқоновдай иш тутта оладими, хўжаликни чўктириб қўймайдими, энг асосийси: ўзини кўрсатиб, анойи эмаслигини исботлай оладими, «бизга керакмас» деганларни уялтириб, тан бергизиб қўя оладими!.. Уз-ўзига бериладиган бундай сўроқларнинг поёни йўқ эди... Бу саволларга жавобни эса келажак қайтариши мумкин эди.

## Дастлабки қадамлар

Мавлуда идорада хаёл сўриб ўтирибди. У область партия комитетидаги учрашувни эслади. Утган кўни уни обкомга чақиртиришди. Бюро аъзолари ёш раисанинг аҳвол-руҳиясини сўриштиришди, келгусидаги режаларини сўрашди. Мавлуда ёшлигига борибми ёки юксак ишончдан мадад олибми, бурро гапирди:

— Колхознинг 300 гектар тошлоқ ери бор. Агарда шу ерга ярим метр қалинликда тупроқ тўктиришга ёрдам берсангизлар, 45 центнердан пахта олишга сўз бераман, — деди у. Обком секретари раисани қувватлади. Тегшли ташкилотларга кўрсатма берди.

Раиса шу сўхбатни ўйлаб ўтирганда эшик тақиллаб бир киши кирди.

— Менга раис керак эди, — деди у тик турганча.

— Қайси бири! — сўради Мавлуда.

— Колхозда нечта раис бор ўзи! — саволга савол билан жавоб берди ғоят таажжубланган меҳмон.

— Кўни-кеча сайлов бўлди.

— Ҳм... тушунарли, — деди меҳмон кулимсираб, — обком секретарига арз қилган сизми! — У ошқора ҳайрат билан Мавлудани бошдан-оёқ кузатар, унинг кўзларидан «наҳотки шу қизалоқ раис бўлса!» деган саволини уқиш мумкин эди.

— Мен арз қилганим йўқ, сўрадим, илтимос қилдим.

— Майли, бунинг унча аҳамияти йўқ. Хуллас, биз сизнинг хизматингиздамиз. Область автотрестидан Раҳматжоновман. Тупроқ тўкиладиган, тупроқ олинадиган жойларингизни кўрсатсангиз.

Мавлуда қулоқларига ишонгиси келмасди. Наҳотки у ваҳима қилиб обкомга кўтариб борган масала шу қадар тез ва осон ҳал бўлса! Ахир автотрест бошлиғи Тўлаҳўжа ака об-

ластадаги энг бообрўй одамлардан-а! Шу кишики бугуннинг ўзига кўмакка етиб келти, ишнинг юришгани шу бўлса керак.

Иш чиндан юришиб кетди. Эртасига «Межколхозстрой» вакиллари келишди. Ҳар турли марказдаги 30 хил машина Гуркиров ва Турабод қишлоқларини гулдўросга тўлдириб юборди. Бесамар дўнгликлар, захоб ерларнинг захини қочириб учун қазилган зовур сўйларига уюлиб ётган ўрқач-ўрқач тупроқлар машиналарга юкланиб, тошлоқларга ташила бошланди.

Ушанда колхоз аъзоларидан бир нечтаси Мавлуданинг юзига очик ҳам айтишди: «тузуксиз-ку, сизни бунчалик... деб ўйламовдик...»

Мавлуданинг нияти ҳам ўшаларни янглишганига ишонч ҳосил қилдириш, яъни хўжаликнинг қаддини, обрусини кўтаришдан иборат эди.

Уша йили одамлар ёш раисанинг довураклигига тан берилди: чигит экиладиган давр ўтиб кетса ҳамки, тупроқ тўктиришни тўхтатмас эди. Бригада, звено бошлиқлари бетоқат бўлишарди:

— Бу ерларга камида икки марта чигит экиш керак. Ҳали баҳорги жалалар бор. Биз бўлсак ҳанузгача тупроқ тўктириш билан оворамиз.

— Қўрқманглар, бу йил икки марта экиб ўтирмаймиз. — деди Мавлуда ишонч билан.

## Илк севинчлар

Биринчи май кўни тупроқ тўкиш тўхтатилди. Янгиланган ерларга бир йўла уч трактор кирди: бири ҳайдовни бошлади, иккинчиси мола босишга тушди, учинчисига сеялка тиркалган эди.

Уша кўни колхозга райком секретари Узоқбой Саримсоқов келди. У Мавлуданинг тадбиркорлигидан мамнун бўлди, бу аёлни раисликка тавсия этиб янглишмаганига ишонч ҳосил қилди. Айниқса, ернинг ағдарма тишсиз ҳайдалаётганини кўриб, ҳайратини яширмади: анча-мунча тажрибали раҳбарнинг ҳам хаёлига келмайдиган тошлар яна юзага чиқиб қолар эди-да.

— Бундай шудгорлашни сизга ким ўргатди! — деди райком секретари.

— Кўпчилик билан кенгашдим. Колхоз бош инженери Турсунбой Жумаевдан чиқди бу фикр.

... 2 май. Экиш поёнига етди.

Мавлуда энди юрган йўлида ўйлар, ўзича янгиликлар қидира — пахта ҳосилдорлигини кўтариш имкониятларини излар эди. У ҳамма бригадага биттадан кекса, тажрибали деҳқонлардан бириктиб қўйди, колхознинг бешигини тебратиб вояга етказишган, эндиликда дам олаётган собиқ активлардан сифат комиссияси тузди.

Ҳўзаларга ишлов бериш авж олиб кетди. Сифат комиссияси аъзолари пайкал оралаб юришар эди. Комиссиянинг вазифаси деҳқон ишидан фақат камчилик топиш эмас, балки маслаҳат бериш, йўл-йўриқ кўрсатиш, кексалар тажрибасини далада қўллашга кўманлашиш эди.

Пахта иши бир қадар йўлга қўйилганда чорвада ем тугаб қолди. Пахта заводларига чопишга тўғри келди, қўшни район пахта заводидан 100 тонна елбоп пахта чигити ундирилди. Мавлуда ўзини яна бир жиддий синов — табиат синови кутаётганидан беҳабар эди.

## Тошқин

Кечагидек эсида. 7 июнь саҳари ёзнинг барча тонглари каби тинки, ёрқин эди. Мавлуда одатдагидай соат бешда туриб, идорага кетяпти. Муюлишдан марказий кўчага қайрилганида Бешкапа томонидан лўкиллаб келаётган одамга кўзи тушди.

— Ҳўв ра-ис! Иш чатоқ! Югуринг! — деб қичқирди ҳалиги киши олисдан. У иккинчи бригада сувчиси Одиложон Мухторов эди.

Мавлуданинг юрагига ваҳима тушиб, қадамини тезлатди.

— Нима гап, нима бўлди!

— Сув босиб келяпти, сув!..

— Қаерда!

— Жийдазорда!  
— Тез қайтинг орқангизга! Одамларингизни уйғотинг! Мен ҳозир етиб бораман!— Мавлуда гаражга чопди. Мудраб ўтирган қоровул Оқилбек ака раисанинг авзойини кўриб хушёр тортди.

— Ҳа, тинчликми, Мавлудахон!  
— Йўқ, тинчликмас, сув тошибди! Зудлик билан тракторчиларни айтиб келинг! «С-100» билан «Қозоғистон»ни тезда қайрига етказиб боришим! Чопинг! Ҳа, навбатчи машинани чақиринг, учинчи, тўртинчи бригада эрақларини сув тошган ерга олиб борсин!

У шофёрини ҳам кутмай, дарё томон югурди.  
У раисликка сайланаётганида минг андишага борган. тахминий ғов-тўсиқлар, машаққатларни чамалаб, тасаввур қилган, аммо тошқин бўлиши табиат уни шу йўл билан ҳам синовдан ўтказиши мумкинлиги етти уҳлаб тушига кирмаган эди. У ёқ-верига қарамай югуриб борар экан, хаёлида бир фикр чарх уради: «Демак, Арслонбоб тоғларидаги қор эриган. Кўзоғриги бўлди бу. Қанча ерни сув босдийкин! Тўпроқ тўкилган тошлоқни босган бўлса-я!»

«Жийдазор» деганимиз — колхоз территорияси билан тўташ Қорадарё соҳилидаги область ўрмон хўжалигига қарашли дарахтзорнинг бир қисми эди. Бу жой Гуркиров қишлоғининг жануби-шарқ томонида, колхоз идорасидан икки чақиримча келарди.

Мавлуда, қош-киприкларни чангдан оқариб, ўпкаси шишиб дарё бўйига етиб келганида Жийдазорда эллик-олтмиш чоғли одам ўймалашиб юрарди.

Жийдазор билан пахтазорни Қорадарёдан сув олинадиган ариқ ажратиб турар, ариққа улкан қувур ташлаб, кўприк қилинган эди. Мавлуда етиб келганида қувурнинг устидаги кўприкни сув аллақачон оқизиб кетган, қувурнинг ўзи ҳам ликиллаб турарди.

Ҳали-ҳалигача ўша қувурдан қандай ўтиб кетганини билмайди. Ушанда у одамларнинг «ҳай-ҳай»лашига қарамай қувурдан нариги бетга сакради, қувурнинг қимирлаб, лапанглаб кетганини оёқлари сезди, юраги шувиллади, бир оёғини нариги қирғоққа қўяр-қўймас ортига ўгирилиб қаради: сув қувурни оқизиб кетмоқда эди.

Ҳадемай навбатчи юк машина лиқ тўла одам билан етиб келди.

Бу орада сув камида эллик метрлик ўзан ясаб оқмоқда эди. Бирини-кетин прицепли трактор. ПМК билан колхознинг «С-100» маркали тракторлари ҳайқириб келиб қолди. Одамларнинг бир қисми прицепли тракторда Жийдазорга ўтказилди. Аммо шердек наъра тортаётган «С-100»ларнинг ҳам кучи қирқилди. Булдозерлардан бирини тошқин кўлиб юборди. Турғунбой, Акрамжон, Абдували, Қобиллар кўп уринишди, лекин халқ «Қорлиўмга» деб атайдиган тошқин уларнинг ҳайбатли бульдозерларидан зўрлик қилди.

Тошқин кўтуриб пишқирмоқда, теваракни вайрон этмоқда эди. Мавлудани ваҳима босди: «сув қайтмас, аксинча кучайса нима бўлади!»

У қирғоқдагиларнинг гапи бу қирғоққа эшитилмайди. Мавлуда мўъжазгина қафтларини оғзига карнай қилиб нариги бетда қолганларга қичқирди:

— Районга кўнғироқ қилинглар! Районга-а!

Мавлуда юздан ортиқ колхозчи билан тошқин ҳосил қилган оролда — Жийдазорда қолганди. Одамлар қўлларига нима тушса олиб, дарахтларга ёпишар, ўрмон беги Охунжон ака «Кесманглар!...» дея қичқириб ҳали у тўдага, ҳали бу тўдага чопар, дарахтларнинг ҳар тупи, ҳар бир шохи учун жавоб беражигини айтиб, зорланар, аммо бутун фикри-зинки яқингинада яганадан чиққан раста гўзаларда бўлган халқ Охунжон аканинг илтижоларига қулоқ солмас, қулоқ соладиган ҳолатда эмас эди. Одамларнинг бошқа чораси ҳам йўқ эди. Дуч келган тол, теракни кесиб сувга ташлашар, пишқириб оқаётган телба тошқиннинг шаштини қайтариш, кучсизлантириш учун уринишарди.

Бу қирғоқда эса райондан келган вакиллар, қишлоқ Советининг раҳбарлари, милиция ходимлари маслаҳат беришар, одамларнинг кўнглини кўтаришга ҳаракат қилишар, юздан зиёд киши топан-тутганини — тошми, ёғочми сувга ташлаб, тошқин ўзанини торайтириш пайида эди.

Сим арқонлар билан бир нечаси маташтириб боғланиб

оқимга кўндаланг ташланган тўсинлар, залварли ёғочлардан ясалган ўнлаб сепоялар жонга ора кирди. Оқимнинг йўналиши ўзгарди.

Соат кечки тўртларга бориб тошқин пасайди, одамлар энгил тортилар.

Кечки пайт оралдагилар омон-эсон бу қирғоққа ўтиб, қишлоқ аҳлига қўшилди.

Шундан кейин яқин-яқингача баҳор ва ёз пайтларида Жийдазорда юк машина кўзовида одамлар навбатчилик қилиб юришди. Лекин у тошқин, у бало қайта такрорланмади.

## «Миш-миш» лардан бир шинил

Дарвоқе, ранса колхоз экономикасини юксалтириш, колхозчиларнинг белини бақувват қилиш ташвишига берилиб кетиб, айрим соҳаларга, очиги, етарлича эътибор бермабди. Халқ орасида яна узун-қулоқ гаплар ўрмалаб қолди:

— Колхоз ўзига тўқ хўжаликка айланыпти.

— Ҳа, колхозчилар универмагларга дадил кирадиган бўлиб қолишди. Икки-уч минг сўмдан даромад олганлар бўляпти. — Ҳаммаси яхшию, ободончилик унчамас-да...

— Йўллар ўнганмаяпти, кўприк...

— Раисимиз шу томонларига унча аҳамият бермаяпти-да.

— Гап фақат раисдамас райондагилар фақат пахта планини сўраб, бошқаси билан иши бўлмаса бечора нима қилсин!

Мавлуда бир кунмас-бир кун шундай таъналар эшитишини биларди; халқнинг назари ютуқиям, камчиликниям баробар илғаб олади. Лекин колхоз қадамини тиклаб олмай, сарф-харажатларни кўпайтириш тадбиркорликдан эмас эди. Демак, энди бошлаш керак. Қаердан! Нимадан! Қандай!.. Мўлжалдаги, пландаги ишларинг-ку сон-саногги, бош-охир ийғ-а, ҳаммасини бирдан бошлаб бўлмайди-да. Сўнг, бир чеккадан маблағ сарфлашга тушиб қолинса, тоғ ҳам туриш бермайди. Буни колхозчиларнинг бири тушунади, бири тушунмайди. Аслида-ку, бундай деб раҳбар ўзини оқламаслиги ҳам керак — Мавлуда буни яхши билади. Лекин ҳарқалай, арзонроқ тушадиган бир чораси, йўли топилса ёмон бўлмасди.

Мавлуда ўйлай-ўйлай калаванинг учини, хазинанинг калити турадиган сандиқни топгандай бўлди. Шу заҳоти йўлга тушмоқчи эдию истиҳолага борди: «ноқулаймасликми! Уэлари сайлаб қўйиб, энди таъма қилиб кепти, деб ўйламасликми! Лекин ўзи сайловда қуюқ ваъда берган-ку! Бориб кўраверайчи...»

Бир кўни барвақт туриб Андижонга жўнади. Йўл-йўлакай яна ўйлаб, режаларини пухталаб борди: олдин бир-иккита энг муҳим, зарурини айтади.

«Андижанводстрой» трести бошқарувчиси Анатолий Алексеевич Козловский уни ниҳоятда салимийи кутиб олди.

Область Совети депутатлигига гуркировликлар номзодини кўрсатган Анатолий Алексеевичнинг юрагида ҳам ўз сайловчиларга асраб юрган ҳимматлари қат-қат экан, Мавлудадан олдин гап бошлаб, колхознинг кўчаларини янгилаш, Гуркиров билан Тўраобод қишлоқларини боғловчи йўлни асфальтлашни дилига туғиб қўйганини айтди. Мавлуда ҳам ўз режаларини ўртага ташлади.

Улар биргалликда «Межколхозстрой»га мурожаат қилишиб, унадиганини ундиришдию «зодстрой» ижрога киришди. Мана энди икки қаватли мактаб билан рўпарама-рўпара икки қаватли колхоз идораси битай деб қолди, беш километр ерга шағал ётқизирилиб, асфальтлаш ҳам ниҳоясига етказилляпти. Йўлларни кенгайтириш давом этияпти. Тўрт километр ариқ бетонлаштирилди, беш километр жойга сув қувури ўтказилди. Аҳолининг ўзи ҳам қараб тургани йўқ: ҳашар йўли билан Гуркиров марказидаги қабристон атрофига бетон девор ўрнатилляпти. Булар кўзга ташланиб қолганлари, ҳали энди киришилган, бошланғич арасида турган, навбатини кутаётган қурилишлар қанча! Тўрт гектарлик янги гараж қурилиши ҳам бошлаб юборилган. Бир вақтлар тўхтаб қолган кооператив йўлар қурилиши яна давом эттирилляпти. Колхоз икки дарё — Қорадарё ва Тошпичан оралгида, аммо дарёлардаги илгариги сув йўқ. Бори ҳам оқава. Шунинг учун одамларни тоза ичимлик сув билан таъминлаш мақсадида иккита катта қудуқ қазिश

режалантирилган. Шолохов номли ўрта мактабга йўлдош бино қурилиб, ўқувчиларни ёппасига бир сменада ўқитишни таъминлаш, 300 ўринли клуб амбулаторияларини ишга тушириш ҳам Мавлуданинг махсус дафтарчасига қизил қалам билан белгиланган. Ҳа, Избоскан районидаги Карл Маркс номли колхоз раисасининг ҳам, колхозчиларнинг ҳам омади бор. Раисанинг омади — ишлаб толмас меҳнат аҳлига бош-қошлигида, меҳнаткашларнинг омади — Гуркиров ва Тўраобод қишлоқларининг табиати, иқлими, тупроғи, энг муҳими — Мавлуда Тожиматова сингари оқила ва меҳнатсевар бир раисага ёлчиганликларида.

\* \* \*

Мавлуда ҳар саҳар гараж ёнидан ўтаётганида, ҳовлида босқоннинг гурс-гурс овозини эшитади, юраги гўё босқон

билан ҳамоҳанг ура бошлайди: Ҳурибой аканинг олов тафтидан қизариб кетган юзини, тер босган манглайини кўз олдига келтиради ва мийиғида кулиб қўяди: чинақам заҳматкаш, эл-юрт учун жон куйдирадиган одам. Қани энди ҳамма шундай бўлса.

Мавлуда бошқа пайтларда ҳам Ҳурибой акани кўп эсга оларди: хўжалик бирон соҳада оқсагудай бўлса, қайдадир суръат сусайса, ўзида озгина бепарволикка, хотиржамликка мойиллики сезиб қолса... Уни кўрган чоқда ҳам ўзига ўзи ҳисоб бера бошлайди, саволлар ёғилиб келади... Кўюнчак темирчининг ўша, умумий мажлис ҳолатини, сўзларини хотирлайди. Шундайларнинг бори яхши: сени ҳаммиша ҳушёрликка даъват этиб туради, олға ундайди...



Мусаввир фасл

А. ЖУМАЕВ фотозъюди





Шодмонбек  
Отабоев

# САДОҚАТ СИНОВИ

Муҳаббат, садоқат, инсоний қадру қиммат... Булар — насли башарни азалдан ўйлантириб, гоҳо кўнглига ипакдай нур бўлиб кирадиган фазилатлардир. Мазкур фазилатларни биров гард юқтирмай сақлай олса, баъзи кимсалар оний бир ҳиссиёт ёхуд худбин, манфаатпарастлик туйғуларига қурбон этишдан тоймайдилар...  
Эзувчи Шодмонбек Отабоев  
ушбу мақоласида ана шундай зебо, муқаддас ва тиниқ руҳий неъмат — Муҳаббат борасида мулоҳаза юритади.

Фақат севган кишигина инсон деган номга муносибдир.

А. БЛОК



Олдиндан «берди»сини айтиб қўя қолай: ҳаётда айнан бўлиб ўтган, ўзим гувоҳ бўлган, кўнгил иши билан боғлиқ бу воқеа охири кўнгилсизлик билан тугайди. Маълум сабабларга кўра, можаро иштирокчиларининг исми шарифларини бошқача аташга тўғри келди.

Гап муҳаббат ҳақида. Айни чоғда фақат муҳаббат ҳақидагина эмас.

Ҳамидулло билан Захро институтнинг кечки бўлимида бирга ўқиб юришганда танишдилар. Йигит ҳарбий хизматни ўтаб қайтган, кундузи гоҳ қоровулчилик қилар, гоҳ вокзалда юк таширди. Қиз эса шаҳардаги йирик sanoat корхоналаридан бирини комсомол комитетининг секретари эди. Хуллас, улар танишдилар, синашдилар, ўртада аҳду паймон ҳам бўлди. Охири бир кун кўришишмасе туролмайдиган даражага етдилар. Йигит ҳар кун дарсдан сўнг қизни ётоқхонасига кузатиб, ярим тунда ўзи ижарада турадиган мўъжазгина кулбасига қайтарди. Бу кунлар бахтиёр ёшликнинг энг тотли, бетакрор дамлари эди.

Ешлар ниятларини уйдагиларга маълум қилишди. Отаналар фарзандлар райига қарши чиқишмади. Энди ўртадаги

айрим расм-русмлар, борди-келдию олди-бердиларни ўрнига қўйиш ва тўй қилиш қолган эди.

Ҳамидуллонинг оиласи анча катта, отаси кўп йиллардан буён оғир дардга чалинган, рўзгорининг бутун оғир-енгили онаси Ойтожи холанинг зиммасида эди. Она ёнига жиянини олиб узоқ йўлга отланди. Билет олишолмай автостанция, вокзалларда бир неча кун овораю сарсон бўлишди. Ниҳоят, бўлажак қудаларни келиб етиб келишди. Меҳмонлар яхши кутиб олинди. Таомилга кўра, «сават ташланди», яъни қизнинг «боши богланди». Она суюниб қишлоғига қайтди.

Ҳамма халқларда бўлганидек, бизнинг урф-одатларимиз, таомилларимизда ҳам яхши ва ёмон томонлар бор. Салбий жиҳатларни биз кўпинча эскилик сарқити сифатида қоралашга одатланганмиз. Аммо айрим сарқитлар шу қадар яшовчан, илдизи бақувват бўладики, уларнинг қаердан, қачон пайдо бўлганию қачон тугашини билмайсан. Масалан, куда-андачиликдаги иллатларни олайлик. Халқимизда «Онасини кўриб қизини ол, арқоғини кўриб бўзини ол» деган яхши мақол бор. Тушунган, диёнатли, фарзандининг чинакам бахтини ўйлаган ота-оналарни биринчи галда қудасининг мавқеи, амали, мол-дунёси эмас, балки одамгарчилиги, инсоний фазилатлари қизиқтирган. Шунинг учун ҳам улар келини қиз, кувени ўғил ўрнида кўришган. Аммо қудачилик баҳонасида бир нималик бўлиб қолишга интиланган, қудасининг мартабаси билан гердайнини ўзига эп биладиган кишилар, афсуски, ҳозир ҳам бор, улар ҳатто туппа-тузук, обрўли-эътиборли шахслар ўртасида ҳам учраб туради. Бундай пайтда икки ёшликнинг қовушиши эмас, қудаларнинг ўзаро фойдали тил бириктириши асосий воқеа ҳисобланади.

Захронинг ота-онаси ҳам олдинга фарзандининг кўнглига қарайдиган, тушунган, олиҳиммат кишилардай туюлади, аммо улар секин-аста «тутун қайтариб», силлиқлик билан қудалардан кўтулмоқ пайига тушадилар, ўзларининг асл ниятларини пинҳон тутадилар. Ҳамма нарса тез орада ошкор бўлади. Аммо қиз томон лоақал инсоф, адолат юзасидан бўлса-да охириги дақиқагача ниқобни юздан олмайдилар.

Хуллас, ўртадаги асосий нарса — унаштириш маросими ҳали олдинда эди. Худди мана шу масалада боёқиш она анча-мунча азият чеқди. Энди бу гал шунчаки хўжакўрсинга бориб бўлмасди. Тўғри, олдинга қиз томон қудаларнинг туриш-турмушидан бохабар бўлгач, «каттаоғизлик» қилмай, «эл қатори» лозимандага ҳам кўнишди. Аммо шунинг эплаш ҳам қийин бўлди. Она колхоз идорасига пул қарз сўраб, бир неча марта борди. Натижа чиқмади. Бундан ташқари узоқ йўлда онага лоақал битта ҳамроҳ керак эди, ҳадеганда бундай одам ҳам топилавермади. Ҳатто ўзининг туғишган акаси ҳам қуда бўлиб боришга вақт топмади. Биргина илинжи эрининг катта акасида эди, аммо бахтга қарши Йўлдош ака касалхонада ётарди. Бу ёқда Ҳамидулло тикилинч қилади: «Фалон кунини совчи боради деб ваъда бериб қўйганман, энди нима деган одам бўлдим!» Она дардини кимга айтишни билмас, осмон йироқ, ер қаттиқ эди.

Ниҳоят, маслаҳат билан тўй кунини белгиланди. Йигит билан қиз ЗАГСга анча илгари ариза бериб қўйишган эди. Ҳам-касблар, курсдошлар, ёру биродарлар ниқоҳ гувоҳномаси олинмадиган кунги зиёфатга таклиф этилди.

Зиёфат кунини Тошкентда ҳар икки томондан қудалар, меҳмонлар жамулжам бўлишди. Кечқурунги тантанасига астойдил тайёргарлик кўриларди. Ҳамма нарса ўз маромида кетаётганди. Аммо... тушга яқин бирдан қиз томон УЗГАРИБ, тўғрироғи АЙНИБ қолди. Эмишкни, қизнинг отаси қўнғироқ қилиб, тўйга рози эмаслигини айтибди. Демак, ҳеч қандай тантана-таррадудга, илтимос-илтижога энди ўрни йўқ!

Бу хабар меҳмонларга ёз кунини чақмоқ чақиб, жала қуйгандек таъсир қилди. Зиёфат бузилди. «Беш минути кам» эру хотин — қиз билан йигитнинг тарафдорлари иккига бўлиниб тортиша бошладилар. Бу жуда хунук манзара эди. Одамлар орага тушиб, панд-насиҳат қилишди:

— Икки ёш бир-бирига кўнги қўйган экан, хайрли ишга тўсқинлик қилманглар.

— Энди иложии йўқ, отаси кўнмаяпти. Ота рози — худо рози.  
— Нега рози бўлмас экан! Ахир ўзи оқ фотиҳа бериб жўнатгандир!

— Йигит томон бир марта борганча қайта қорасини кўрсатмади. Ана келади, мана келади деб қанча кутдик. Келишмади. Бизни менсишмади. Кўчада қолган қизимиз йўқ.

Бу гаплардан Ҳамидуллонинг юраги орқасига тортиб кетди. Энди у бир оғиз ҳам гап қотмас, гўё бу нарсалар ўнгиде эмас, тушида бўлаётгандай эди. Умри меҳнату заҳматда ўтган Ойтожи хола эса ёз жазирамаси ва дала шамолда қорайган юзларини қадоқ қўлларига босганча ерга қараб қолди. У вақтида қудачилик расм-русмларини жойига қўёлмаганидан, ўшанда қўли қисқалик қилганидан афсус-надомат чекиб ўтирарди. Фақат Заҳронинг ҳаммаси, Ҳамидуллога ҳам яқин дўст бўлиб қолган Сирожиiddинга вазиятни юмшатишга уринар, гоҳ қизга, гоҳ қуда холага кўйиб-пишиб гап ўқтирарди:

— Заҳро, ўйлаб кўринг ахир, уч йил бирга юрдинглар, муҳаббатнинг уvoli тутуди-я!... Холажон, қизингизнинг бахтини ўйласангиз-чи!

— Энди бу гапларнинг фойдаси йўқ, ўғлим, отаси чўрткесар одам.

— Буларнинг бор-йўқ гуноҳи вақтида совчи юборишолмаганими! Тўғри, буларда ҳам айб бор, иложини қилишолмагандир. Лекин иккови бир-бирини севади-ку! Шундай экан, қолган ҳамма гаплар бачкана-ку! Нега индамайсиз, Заҳро! Еки энди севгингиздан тонасизми!!

Йўқ, Заҳро севгимдан тонаман, деёлмади. Узоқ сукутдан сўнг, ерга тикилганча деди:

— Мен отамнинг сўзини қайтаролмайман.

Сирожиiddин эса ҚИЗ томоннинг, тўғрироғи, Заҳронинг бирдан ўзгариб қолганига сира тушунолмас. «Йўқ, бу ерда бир гап бор», дея ўзича жигибийрон бўлар эди.

Хуллас, пишиб турган ошга заҳар тушди. ЗАГСга боришиб, аризаларни қайтариб олишди. Зиёфат ҳам қолдирилди. Ҳамма ҳайратда, ҳамма лолу карахт эди.

Ҳамидулло бахтидан, муҳаббатидан бутунлай ўмидини узмаганди. У Заҳрони онаси билан кузатиб қўяркан, тез кунлар ичида совчи юбораганини айтди. Қиз, «Энди ихтиёр менда эмас», дея мужмал жавоб қилди.

Ҳамидулло онасини олиб қишлоққа қайтди. Қариндош-уруғлар билан маслаҳатлашишди, зудлик билан совчиликка борадиган бўлишди. Аммо бу гап шунчаки, қуруқдан-қуруқ бориб бўлмасди. Кўзини чирт юмиб, соғин сигирини сотишди.

Йўлдош ака яқинда касалхонадан чиққанди, бошқа киши топилмагач, касалманд амаки, Ҳамидулло ва Ойтожи хола йўлга чиқшди.

Авжи саратон палласи, отпускаи мавсуми, ҳамма ёқда йўловчилар тирбанд. Йўл азоби олдингисидан ҳам минг чандон оғирроқ эди. Аммо яхши ният йўлдош бўлиб, қийинчиликлар унча билинмади. Бу гап ҳамма иш кўнгилдагидек бўлишига ишончлари комил эди. Қизи борнинг нози бор. Бир марта борганда ҳеч ким дарров «хўп» дея қизини қўшқўллаб тутқазмади. Мана энди йўқ дейишмас. Чўнтакда озми-кўпми сармоя, тўғунларда совға-салом дегандай... Тўғри, гап буюмда, бойликда эмас, аммо ҳар ҳолда... Мўҳими — икки ёш бир-бирини яхши кўради! Тамом! Шундай экан, ҳеч нарса уларнинг бахтига тўғаноқ бўлолмайди. Ҳозирги вақтда энг қолоқ ота-она ҳам буни тушунмаслиги мўмкин эмас.

Мана шундай ўй-хаёллар узоқ йўлда уларга далда бўлди. Қиз хонадонига илинж ва ҳадик билан кириб боришди.

Меҳмонлар худди олдингидай очик чехра билан кутиб олинди. Фақат Заҳро бир кўриниш берганча қайта қорасини кўрсатмади. Ҳамидулло унинг кўзларида ўзи кўришга одатлиниб қолган ажиб бир ёлқинни пайқамади, шунданми, кўнглига шубҳа оралади.

Дастурхон устида мақсадга кўчилди. Заҳронинг отаси оғир тин олиб, зўр-базўр гапга тутинди:

— Сизлар кеч қолдинглар. Қизимни бошқа йигитга унаштириб қўйдик.

— Йўғ-э! Наҳотки! Қачон!

— Дастурхон устида ўтирибмиз. Шў бугун эрталаб нон ушатилди. Энди... айбга буюрмайсизлар... Ҳар кимнинг пешонасига ёзилгани бўларкан.

Уртада тортишув бошланди. Совчилар отани инсофга қақриб кўришди, ҳамиятларини, иззатларини оёқости қилиб,

ялиндилар. Йўлдош ака қишлоқда бообру одам эди, маҳалладаги барча тўй ҳашамлар, марака-йигинларга бош-қош бўларди. Аммо бу ерда унинг сўзамоллиги ҳам, тажрибаси ҳам иш бермади.

Ғишт қолипдан кўчган эди. Хайрлашаётганларида Ҳамидулло бир амаллаб қизни четга тортди.

— Заҳро!.. Нима бўляпти ўзи!

— Энди мени тинч қўйинг. Уйлаб кўрсам, бир-биримизга мўносиб эмас эканмиз.

Бу гаплар Ҳамидулло учун янгилик эди. Шў уч йил мобайнида ҳар иккиси бир-биримизни бахтли қилиш учун дунёга келганмиз дейишарди.

Қуда номига сазовор бўлолмайд доғда қолган омадсиз меҳмонларни шаҳар автовокзалгача қизнинг отаси кузатиб қўйди. Совчилар «Чиқмаган жондан умид» дея хайр-маъзур олдидан отани охирига марта инсофга, адолатга ундашди. Ота барибир кўнмади: «Фотиҳани бузиб бўлмади. Кечикдингизлар...»

Совчилар борадиган манзилга билет йўқ экан, ноилож Тошкент орқали кетадиган бўлишди. Олис йўл яна икки баробар олислашди. Аммо Ойтожи хола кета-кетгунча йўл азобидан эмас, фарзанди-дилбандининг бахти очилмаганидан, омадсизлигидан кўйиниб-эзилиб борар, «Углининг бошини беҳуда айлантирган, олмаси ичида» қизни ўзича гоҳ койиб-қаргар, гоҳ тавба-тазарру қилар, муҳаббатининг бундай «ғалати» нағмалари ҳам борлигини содда тасаввурга сифдига олмас эди. Унингча, ҳозирги замонда севшиган ёшлар албатта қовушишлари, бахтли бўлиб, қўша қаришлари лозим эди.

Ҳамидулло онаси билан амакисини кузатаётганда бир нарсани баҳона қилиб автовокзалда қолди. Ошмон чўкканда яна қизниқига қайтиб келди. Ғурури йўл қўймаса ҳам «юрагининг мажруҳ парчаси» яшаётган ерга қайтиб келди. Тақдирга тан бериш осон эмасди.

Заҳро Ҳамидуллонинг қайтиб келганини эшитди, аммо олдига чиқмади. Узи... ҳоҳламади.

Ҳамидулло, кўнгли бўм-бўш, дунё кўзига қоронғу, ноилож қишлоғига жўнаб кетди.

Орадан кунлар ўтди. Уша белгиланган кўни Заҳронинг тўйи бўлди. Фақат... куёв бошқа эди. Бази жамшид авжига чиққанда, «рокировка»дан беҳабар бир меҳмон «Шў қадаҳни куёвбола бўлмиш Ҳамидулло ва...» дея беҳитиёр қовун тушириб қўйди.

Янги келин-куёв асал ойининг нашўу намосидан сархушу сармаст бўлиб юрган кезларда Ҳамидулло Тошкентга қайтиб келди. Бу ерда у яқин дўстларидан бошини қотирган, бахтига раҳна солган айрим жумбоқларга жавоб топгандай бўлди. Маълум бўлишича, Заҳро Ленинградда ўқиётган собиқ мактабдоши, ҳаммаҳалласи билан яна алоқа боғлаган. Тошкентда Ҳамидулло билан ЗАГСдан ўтиши лозим бўлган кунларда эса у билан учрашиб турган.

Заҳро у йигит билан бир вақтлар дўстлашиб, хатлар ёзишганини, энди орада ҳеч қандай алоқа йўқлигини Ҳамидуллога айтганди. Энди эса Заҳро худди ўша йигитга турмушга чиқибди!

«Агар сен севсангу севилмасанг... унда севгинг заифдир ва у бахтсизликдир» деган эди К. Маркс. Эҳтимол, Ҳамидулло ҳам севганиди чинакам севилмагандир. Агар шундай ўйлайдиган бўлсак, ҳамма нарса ўз ўрнига тушадигандай туюлади: «Хўш, нима бўпти, қиз севмас экан, тўғри қилибди. Шунга ҳам ота гўри қозихонами!!»

Хўш, Заҳро нега энди муҳаббатидан [уларнинг мўносабатларини бошқача аташ ноқулай] осонгина воз кечиб кетди! Эҳтимол, у мактабдошини бир вақтлар яхши кўргандир, аммо унга эришолмаслигига кўзи етгач, Ҳамидуллони ёқтириб, ҳатто севиб ҳам қолгандир. Кейин эса яна олдинги [балки биринчи] муҳаббати устулик қилгандир! Заҳро маълум бир муддат иккиланиб, икки ўт орасида қолган, йигитлардан қай бирини афзал кўришни билмай қийналган, ҳатто виждони азоб чеккан бўлиши ҳам мўмкин. Эҳтимол, у сўнги дақиқада хато қилаётганини пайқаб қолгандир. Шундаймикан! Агар ростдан ҳам ХАТО [гарчи анча кечикиб бўлса-да] ТУЗАТИЛГАН бўлса, бу бошқа гап. Чунки умр савдосида хатога йўл қўйилса, кейин тугатиш қийин бўлади. Аммо улар уч йил ошмиқ-маъшуқ бўлиб юришган эди-ку! Наҳотки шунча вақт мобайнида мўносабатлар ойдинлашмаган бўлса! Эҳтимол, Заҳро биратўла иккитасига

тузоқ кўйгандир: «Буниси бўлмаса — униси!» Майли, булар Захронинг виждонига ҳавола.

Ҳамидуллони қийнаган саволлардан бири, Захронинг нега бевафолик қилганигина эмас, нега бор гапни рўй-рост айтмай, ота райини рўйча қилиб, ёлгон гапиргани ҳам эди. Тўғри, севгига хиёнатни тан олиш оғир нарса, аммо Ҳамидуллонинг назарида Захро тўғриси айтса, гуноҳи енгиллашадигандай, ўзи ҳам бундан енгил тортадигандай туюларди.

Танлаш пайтида Захро қалбига, ҳиссиётига қулоқ солдимикин ёки шахсий манфаат, мешчанлик, қуруқ ҳисоб-китоб нуқтаи назаридан иш тутдимикин? Масаланинг бу томони ҳам муҳим.

Захронинг мактабдоши анча бадавлат оиладан, бунинг устига ҳам маҳалла. Ҳамидуллонинг оиласи эса ночорроқ, ҳатто вақтида совчи юборолмади, уйи ҳам олис. Мактабдошининг келажаги порлоқ, у билан турмуши бекаму кўст бўлади, Ҳамидулло эса айримлардай уддабурон эмас, соддагина йигит, топгани ижара пулидан ортмайди. Бунинг устига ҳамон дурустроқ бир ишинг бошидан тутмаган. Хўш, Захронинг муҳаббатидан, аҳдидан воз кечишига шундай мулоҳазалар ҳам сабаб бўлмаганмикин! Мабодо у йигит танлашда юқоридаги таққосларни ўзича асосий мезон қилиб олган бўлса, бу нарса садоқатсизлик, енгилтаклик ва мешчанликдан бошқа нарса эмас, албатта.

Муҳаббатдаги энг катта фожиалардан бири шундаки, ҳар икки томон ҳеч қачон бирдай севмайди, севолмайди. Кучлироқ севган томон албатта севгисига муносиб жавоб кутади, шу йўлда у билибми-билмайми севгилисини ҳол-жонига кўймайди, уни безор қилади, азоблайди. Эҳтимол Ҳамидулло ҳам ўз севгисига билан баъзан Захронинг жонига теккандир.

Ҳаёт қарама-қаршиликлар қурашидан иборат. Ҳатто энг яқин кишилар, севишганлар ўртасида ҳам зиддиятлар бўлиши табиий ҳол. Захро билан Ҳамидулло ҳам баъзан тортишиб, аразлашиб қолишарди. Бундай пайтларда кўпинча Ҳамидулло ён берарди. Шунда улар яна иноқлашиб кетнашар, келгуси ҳаётларини бир-бирисиз тасаввур қилишолмас эди.

Уларнинг муҳаббатига кўпчилик гувоҳ, кўпчилик ҳайрихоҳ эди. Ҳамкасблар, курсдошлар, ўртоқлар, дугоналар... Улар ҳамон «Захро нега ундай қилдийкин!» дея ҳайратланиб, афсусланиб юришибди.

Дарвоқе, Захро нега ундай қилди! Гуноҳ кимда!

Бу оламда гуноҳ йўқ, гулим,

Гуноҳ йўқ ишқда.

Гуноҳ — ошиқда.

Одамларда гуноҳ йўқ, гулим,

Гуноҳ йўқ бадкирдорларда.

Гуноҳ юрагиде ишқи борларда.

Ҳеч ким, ҳеч нарсада гуноҳ йўқ,

гулим.

Гуноҳ йўқ осмонда, заминда.

Гуноҳ сенда, гуноҳ менда

Топишолмадик, гулим.

[Йўлдош Эшбек]

Бу шеър студентлигимдаги ҳамон тасаввурга сиғдириш мумкин бўлган бир воқеани ёдимга солди. Биринчи курсда ўқийганимизда курсдошим, яқин дўстим ҳарбий хизматга чақирилди. Орадан бирор йил ўтгач, у севган қизидан «Тезда етиб келинг, уйдагилар мени эрга беришмоқчи» деган телеграмма олади. Дўстим шошилинч отпусқа олиб, етиб келади. Олдинига у муросан мадора билан ишни битиришга ҳаракат қилади. Иложи бўлмагач, қизни ўзи хизмат қилаётган жойига олиб кетади. Уларни ўзим кузатиб кўйганман. Ҳозир тўртта фарзандлари бор. Бундай бахтли оилани кам учратганман. Дўстим билан гоҳо ўша воқеаларни худди эртақдай, ширин бир тушдай эслаймиз ва ҳар гал «Ҳамма нарса ёшларнинг, севишганларнинг ўзига боғлиқ» деган оддий хулосага келамиз. Ушанда масалани қизнинг бир оғиз «хўп» дейиши ҳал қилган. Албатта унинг бундай қарорга келиши осон бўлмаган. Аммо муҳаббат охири ҳамма нарсадан устун келган. Мен бу воқеани ҳамон ички бир ҳаяжон билан эслайман, ҳаётда севги

йўқ дея аюаннос солувчиларга фахру ғурур билан сўзлаб бераман.

«Эриак ва аёл муҳаббати — бу ихтиёрый келишувдир, бунинг уларнинг қай бири бузса, фақат хиёнатда айбланади» дейди Г. Мопассан.

Дунёда қанча юрак бўлса, шунча хил муҳаббат бор. Муҳаббат можаролари ҳақида мулоҳаза юритганда ҳар бир воқеага конкрет ёндошиш, бирёқламаликка йўл қўймаслик муҳимдир. Бизда баъзан маънавий ахлоқий масалаларга бағишланган мақолаларда, телекўрсатувларда ошқора ақл ўргатиш, панд-насихат қилиш, турли кўрсатмалар беришга уриниш гашга тегади. Бу аслида ахлоқсизлик, маданиятсизликнинг бир кўринишидир.

Фараз қилайлик, юқорида ҳикоя қилинган воқеалар китобда тасвирланяпти ёки саҳнада бўляпти. Томошабин ёки китобхон кимга хайрихоҳ! Онги-шуури эзгулик, ҳалоллик ва олижаноблик руҳида тарбияланган киши, табиийки, муҳаббат ва садоқат тушунчаларини эгизак деб билади, шунинг учун ҳам у Захрони кечирмайди.

Муҳаббат кўнгил иши, икки шахс ўртасидаги интим муносабат. Унга четдан аралашиб, бирон-бир андоза, кўрсатма бериш қалтис ва мушкул. Ўртадаги ҳар қандай муаммони икки ёшнинг ўзлари ҳал қилгани маъқул. Аммо бир-бирига толпинган икки кўнгил ўртасидаги ўзаро масъулият, бурч, садоқат ва энг муҳими — муҳаббат туйғуси ҳамиша муқаддас ва дахлсиздир. Айниқса севишганлар ўртасидаги интим муносабатлар анча жиддий тус олса, уларнинг севги дostonи ҳаммага ошқор бўлса, кўпчилик «Қани энди буюғи нима билан тугаркин!» дея интиқ кузатиб, қизиқсиниб юрса, бундай муҳаббатни энди икки киши ўртасидаги шахсий иш дейиш қийин.

Муҳаббатга хиёнат, садоқатсизлик, бу муқаддас туйғуга енгил-ели қараш шунчаки қўл силтаб кетса бўлаверадиган иллат эмас. Биз масаланинг маънавий-ахлоқий, социал томонини унуттишга ҳаққимиз йўқ.

«...табиат қонуниятига эид равийда, олдиндан шахсий, майда манфаатларни кўзлаб оила қураётган эр-хотин, севмай туриб зурриёт қолдираётган ота-она инсоният олдида, келажак авлод олдида гуноҳкордир» дейди «Муҳаббат» номли китоб муаллифи, машҳур болгар файласуфи Кирилл Василев.

Фан-техника инқилоби асрида, инсоннинг маънавий-ахлоқий оламига эътибор кучайган бир даврда муҳаббатдай энг қудратли, олижаноб туйғу баъзан бачкана, майда ижир-чикирлар олдида таслим бўлаётганини, майллар «жангида» гоҳо худбинлик, манфаатпарастлик, мешчанлик устунлик қилаётганини афсус билан қайд қиламиз.

Яна юқоридаги воқеага қайтайлик. Захро-ку энди бахтлими, бахтсизми, ҳар ҳолда овунчоғи бор, хаёли банд, дарддан фориг. Аммо Ҳамидуллочи! У нима қилсин! Унинг дардига даво йўқ, унинг бор-йўқ «гуноҳи» битта — муҳаббатига! Муҳаббат эса... Дўстлари унга шундай маслаҳат, тасалли беришади:

«Модомики қизнинг ўзи лафзидан қайтдимми, асло ўкинма! Демак у сени чин юракдан севмаган. Сенга муносиб эмас. Бундай қиз барибир кейин ҳам сенга вафо қилмасди».

Инсон муҳаббатсиз яшай олмайди. У ҳамиша меҳрга, муҳаббатга ташна. Бу бўшлиқни ҳеч нарса билан тўлдириш мумкин эмас. Аммо муҳаббат инсон ҳаётидаги бирдан бир, муҳим нарса ҳам эмас. Агар шундай бўлганда эди, ҳаёт бахтсиз, кўнгил яримта одамлар, «оҳ-воҳ»лардангина иборат бўларди. Шундай экан, инсон ўз ҳаётини фақат ва бутунлай муҳаббат асосига қура олмайди. Бу билан биз асло муҳаббатсиз турмушни тарғиб қилмоқчи эмасмиз.

Ёшлар, айниқса романтик руҳдаги йигит-қизлар юқоридагидай кўнгилсизликдан қаттиқ ларзага тушиши, узоқ вақт ўзига келолмаслиги табиий, албатта. Аммо инсон шуниси билан инсонки, у ҳаётнинг ҳар қандай мураккабликларига, изтироб-аламларига бардош бера олади, ҳамиша келажакни, бахтли истиқболни кўзлаб яшайди.

Ҳаёт ҳар дақиқа бизни турли синовлардан ўтказиб туради, инсон уларнинг ўзи синовлардан иборат. Муҳаббат ҳам катта синов, одамийлик синови, меҳру садоқат, маънавий-руҳий баркамоллик синови... Юқорида бу синовдан ким қандай ўтганига ўзингиз гувоҳ бўлдингиз. Бу моҳародан қандай ибрат-сабоқ олиш, унга қандай баҳо бериш ҳам ўзингизга ҳавола.

сини, биринчи навбатда, театрда кузатмаганмиди! — уни давр етакчисига айлантириш борасида ҳар биримиз — ҳар бир мутахассис ва масъул ходим жонбозлик кўрсатишимиз жоиз.

Мамажон РАҲМОНОВ,  
санъатшунослик доктори, профессор,  
Ҳамза номидаги Республика давлат  
мукофоти лауреати

## Театр-етақчи куч Партер нега бўш?

**Т**еатр даври янада олға етаклаши керак эмасмиди!! Нега у республикаимиз ҳаётига лоақал ҳамнафас ҳам бўлполмаётир!.. Бу масала бизнинг юрагимизни ўртаганидек, партия ва ҳукуватимиз томонидан махсус қарорлар чиқарилишига ҳам сабаб бўлди. Минг таассуф билан тан олишимиз керакки, мунозаралар айни қизиб турган бир пайтда қабул қилинган ана шу оқилона қарордан кейинги яқин бир йил давомида ҳам театрларимиз ҳаётида айтарли катта ва кескин ўзгаришлар рўй бергани йўқ! Шундай экан, «Ёшлик» журнали 1983 йил 6-сонда ва бугун яна қайта, Ўзбек давлат «Ёш гвардия» драма театрини махсус театршунос танқидчилар, ҳамда илгор зиёли жамоатчилик муҳокамасига қўяётгани бежиз эмас.

Ҳамза номидаги Республика давлат мукофоти лауреати, профессор Салоҳиддин Мамажонов «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси саҳифаларида қувватлаб чиққанидек, журнал ўтган йил 6-сонда босган ўша кўш мақолада ҳаммамизнинг кўнглимиздаги гапни ғоят принципиал бир тарзда ўртага ташлади. Иброҳим Содиқовнинг «Якдиллик йўқолганда» мақоласи, ёшлар театри бугунги кунда қандай бўлиши керак, деган саволга тўла жавоб бермаси-да [зотан, мазкур биринчи мақола бунга ўзига бош мақсад қилиб қўймайди], муаллифининг театр босиб ўтган йўл, унинг ҳозирги аҳволи тўғрисидаги танқидий-таҳлилий мушоҳадаларига қўшилиш керак. Бевоқифа «Ёшлар театри қандай бўлиши керак!» деб номланган иккинчи мақола муаллифи Нафиса Зоҳидованинг эса театр репертуари ҳақидаги фикрлари, ҳусусан, кейинги йилларда саҳналаштирилган пьесалар ёшларимизни курашчан, коммунистик руҳда тарбиялашда оқиллик қилаётгани тўғрисидаги мулоҳазалари ҳам ҳақиқатдан узоқ эмас. Театр то ҳануз ўзининг программ йўлини тополгани йўқ!..

Мазкур чиқишларда баъзан алоҳида талантлар тақдирининг махсус муҳокама этилаётганлигини тўғри тушуниш керак: ҳар қандай ижод маскани каби театр ҳам талантлар билан тирик! Ҳатто баъзан бир талант бутун театр кифасини ҳам белгилаши мумкин. Жумладан, Михаил Ульянов, Георгий Товстоногов, Шукур Бурҳонов дер эканмиш шу зумдаёқ улар мансуб театрлар кўз ўнгимизда гавдаланади. Ниҳоят, партия ва ҳукуват қарориди ҳам етакчи кадрлар кучидан тўғри фойдаланиш масаласига ургу берилган, лозим топилганда, ҳатто жойлардаги талантларни жалб этиш йўли билан ҳам марказий театрларни кучайтириш масаласи қўйилган эди. Дарҳақиқат, театрларимиз чиндан ҳам ана шундай концентрациялашган ижодий кучга муҳтож бўлгани ҳолда, биз марказнинг ўзидagi кучларга ҳам баъзан нописандлик билан қараётимиз.

Қаршимизда башариятнинг бугуни, эртаси ва олис келажакга масаласи турибди. Бас, шундай экан, ҳар қандай ҳусусий манфаатлардан баланд туриб, ўша келажак эгаси — коммунистик жамият кишисини тарбияловчи, руҳларимизни тозартирувчи театрни оёққа турғизиш — Аристотель катарсис ҳодиса-

**А**удиторияда ғала-ғовур. Жаҳлдан қипқизариб кетган профбюро аъзосининг ҳавода баланд кўтарилган қўлида бир даста билет. У студентларни маданият-сизликда айблаб, нуқул бир гапни такрорлайди: — Ахир, трамвай ё троллейбусга эмас, бу билет театрга-ку!! Лоақал бирорталаринг олсаларинг-чи!

- Қайси театрга!
- «Ёш гвардия»га.
- Вақтимиз йўқ...

Олий ўқув юртлари аудиторияларида тез-тез такрорланиб турадиган бўлиб қолди бундай манзаралар. Нега энди театр билетлари кассада эмас, профком томонидан сотилади! Нега ёшлар театрдан ўзларини олиб қочишади, вақтларини аяшади!

«Ёшлик» журналининг ўтган йил 6-сонда Иброҳим Содиқов ва Нафиса Зоҳидованинг мазкур театр ҳақида куйиниб ёзган мақолалари эълон қилинди. Кўпчиликни ўйлантираётган жиддий масалалар... Биз ўзимизни қийнаётган саволларга жавоб излаймиз. Н. Зоҳидова: «Ёш гвардия» театри ҳозир муқаррар машаққатлар даврини бошидан кечирмоқда. Бу машаққатлар асосан унда етакчи ғоя ва эстетик программанинг йўқлиги туфайлидир», деб ёзса, И. Содиқов: «Бош режиссёр театр ишларига астойдил фидойилик кўрсатмапти», дейди. Демак, ҳамма гап режиссура ва репертуарда экан-да! Тўғри, кейинги йилларда қўйилаётган аксарият пьесалар ғояси майдаланиб кетди. Тарбиявий, эстетик таъсири кам бўлган «Дод, хотинлар дастидан», «Кўзининг каттароқ оч» сингари асарлар шу боис томошабин лиқ тўла зални кўролмади. Энг муҳими, қўйилаётган асарларда ёниб турган ўт йўқ, лоақал ёшларни тортадиган, қизиқтирадиган нарсанинг ўзи йўқ!

...Спектакль бошланади. Одатдагидек ўринларнинг кўпи бўш. Саҳнада актёрлар пайдо бўладилар. Аксарият артистлар ўзларини зўрлаб гапирдилар, сунъий ҳаракат қиладилар, сўз маъносига, оҳангга умуман эътибор бермайдилар, юзларида муайян ифода ҳосил қилишга уриниб қийналиб кетадилар. Бу «томошани» кўриб турган ихлосмандлар ҳам хижолат тортади. Актёр томошабин қаршисига ўзини ноқулай ҳис этаётганини сезиб очингани айтганда, сиз ҳам қийналиб кетасиз. Улар эса «ўйин»да давом этаверадилар. Ҳис қилинмай, фақат ёдлаб олинган сўзлар айтилаверади. Артист на изтироб чекади, на қайгуради, на юракдан хурсанд бўлади. Сунъийликдан бе-зиллаб қоласиз! Томошабин бечора қандай таъсирлансин! Нимадан ҳаяжонга тушсин!!

Мақола авторлари тўғри масалаларни кўтариб чиқишган, лекин унда актёрлар маҳорати ҳақида ҳеч нарса дейилмаган-ку!! Ахир, томошабинни театрга чорлайдиган актёр таланти, маҳорати эмасми!! Аввало театр адабиёт, тил соҳасида энг билимдон, талантли ёшларни танилаб олиши, излаши, йиғиши керак. Олий ўқув юртлари драм-тўғаракларида, область, районларда озмунча талантлар ўз ўринини тополмай юрибди-ми!!

Бугунги ёшларни жалб этолмаслик, уларни ҳайратлангича олмаслик театр савиясининг томошабинлар савияси билан номуносивиблигида, тўғрироғи, театрининг замондан орқада қолаётганида! Қўйилаётган пьесалар сюжетини изчиллик, драматизм етишмайди. Ҳамма билладиган, жўн конфликтлар қўлланади. Бугунги инсоннинг ички дунёсини, руҳиятини бериш ўрнига қаҳрамонлар ҳаётида ҳамон қуруқ баёндан иборат воқеа биринчи ўринда туради. Аксарият драматургларимиз маиший бир мавзунини топиб олиб, уни ижобий ва салбий қаҳрамонларга бўлиб чиққач, ижобий қаҳрамоннинг йўли тўғри эканлигини исботлашдан нарига ўтмаяптилар. Саҳнада бутун борлиги билан намоён бўладиган инсон образи йўқ! Худди ана шу ерда И. Содиқов айтганидек, режиссёрдан кенг дунёқараш, профессионал билим, ижод талаб қилинади. Санъатнинг мана шу зарурий сифатлари етишмас экан, театр томошабини ўзидан бездиради, узоқлаштиради.

Нима қилиш керак!

Ҳар ҳолда савол жавобсиз қолмаслиги лозим. Драматургларимиз ҳам, театр ижодий коллективи ҳам бугунги томошабин талабини, билимини ҳисобга олсалар, нимани кўтариб чиқиш керак, нимани кўрсатмаслик кераклиги ҳусусида яна бир бор ўйлаб кўрсалар ёмон бўлмасди.

Биз аудиторияларда билет кўтариб юрган профкомлар кўрнимайдиган, «Ёш гвардия» театрининг эртанги спектакллари орзиқиб куттиладиган кунларга интиқимиз!

Азиз САИДОВ,  
ТошДУ студенти.

## Истеъдодга ишониш керак!



Збек давлат «Ёш гвардия» драма театри тақдири, унинг келгусидаги тараққиёти масаласини кўтариб чиққанлиги муносабати билан дастлаб «Ёшлик» журнаliga телеграмма йўлламоқчи бўлдим... Бу — кўп йиллардан буён кўнглимда тугилиб, тошга айланиб келаётган гап эди! Зеро, бир пайтлар адабий эмакдош сифатида, ижодий умрининг маълум қисмини сарфлаганим бу даргоҳнинг эндиги тақдири мени бефарқ қолдириши мумкин эмас...

Йўқ, мен театрда ҳозирда ишлаб турган режиссёрлар истеъдодига шак келтирмоқчи эмасман. Уларнинг ички ижодий имкониятларига ҳам ишонаман. Фақат, журналда айтилганидек, театр ўз ташаббускори, асосчиларидан бири Эргаш Масафоев бошчилиги даврида ҳозиргидан кўра замонавийроқ, ёшлар билан ҳамдард ва ҳамқадам эди, демоқчиман. Қолаверса, ўша — ҳамкорлик йилларимизда унинг катта режиссёрлик иқтидорига имон келтирганман. Тақдир тақозоси уни Душанбе ёшлар театрига бошлаб борганида ҳам овозаси келиб турди. Э. Масафоев режиссёрлик кредоси ҳақида мақола ва тақризлар ёзилди, то ҳануз ёзмоқдалар. Яқингинада Москвада чоп этилган «Современная драматургия» [1982, № 4] альманахини кўринг, Тожикистонда у саҳналаштирган «Дилшод» спектакли ҳақида санъатшунослик доктори, профессор Низом Нуржонов тўлиб-тошиб гапирибди: «Дилшод» — пьеса матни режиссёрнинг бой ҳаёлотини ва тафаккури билан ёритилганда қандай қудрат касб этажаги, актёрлар билан янгича ҳамкорлик ўрнатиш, саҳна қуроқларини образли системасига солиш борасида ҳам тожик театри учун воқеа бўлди».

Нега биз ўз талантни кадрларимиз билан фахрлана олмаимиз, лоақал уларни қадрламаймиз! Эҳтимол, феъланда айбганиси бордир! Инкор этмайман: у ортиқча талабчан эди! Умрининг ҳар бир дақиқасини сўнгиги гача саҳна ижодига сарфлаш, эҳтимол, у талаб қилганидек, ҳар бир талантли актёрнинг ҳақ қўлидан келавермас... У-ку, театр ишида ичи торлик қилибди, аммо биздаги феъл кенглик қани!

Узлгига содиқ экан, Э. Масафоев Ўзбекистонга қайтиб, ёшларнинг «Илҳом» клуби қошидаги ЭСТМ саҳнасида румин

драматурги А. Баранганин «Жамоат фикри» асарини юксак гражданлик оҳанглирида жаранглатди. Умуман, у республикада мен билган ижодий фантазияси кенг, энг, замонавий режиссёрдир. Аммо театрларимиз чинакам режиссёр талантига таъкислик сезаётган бугунги кунда ҳам биз бу кучдан тўғри фойдаланмаётимиз. Албатта, мен ҳам, ўйлайманки, журнал ҳам Э. Масафоевни ўзи очган «Ёш гвардия» театрига қайтариш шарт, деган фикрдан йироқимиз. Фақат, ҳозирда у ишлаётган Й. Охунбоев номидаги Ёш томошабинлар театри бу истеъдод масшабига торлик қилади, демоқчиман. Бунида у саҳналаштирган Н. Гоголнинг «Ревизор», Д. Фонвизининг «Норасо» комедиялари режиссёрнинг гоаят оригинал ечимига қарамасдан, кўзланган парвозни олманглиги унинг дастхати билан бу саҳна компонентларининг номуносивиблигини кўрсатади. Аммо у тушкунликдан қўл қовуштириб ўтиргани йўқ. Шу кунларда В. И. Ленин номидаги Республика пионер ва ўқувчилар саройи қошида у ташкил этган «Парвоз» болалар театри иш бошлади. Республика телевидениеси «Бир актёр театри» учун Малика Иброҳимова ижроси ва француз драматурги Жан Коктонинг «Инсон овози» асари асосида телеспектакль тайёрлади. Бинобарин, унга палитрасига яраша домий минбар, бизнинг руҳимизга эса тириклик сувини тутувчи тийрак театр керак! Унутмайликки, ҳар қандай талантнинг ҳам, бевосита ёш билан боғлиқ, қувватга тўлган, гуллаган, ҳосилга кирган ва ҳоказо... даврлари бўлади. Уни ўз вақтида тўла ва оқилона халққа хизмат қилдиришимиз, талант кучини эса кетказмаслигимиз лозим.

Абдулла ОРИПОВ,  
шоир, Ҳамза номидаги Республика  
давлат мукофоти лауреати.

## Ижодий жасорат қани?



Тошкент эилзиласидан сўнг пойтахтимизни тиклаш даврида «Главлташкентстрой»га қарашли 22-қурилиш бошқармаси бригада бошлиғи Абдуазим Юнусов ишни янги самарадор усулда ташкил этди. Биринки йил ўзи ўйлаб топган ана шу усулда ишлади.

Кейин...

Орадан йиллар ўтиб, худди шунга ўхшаш усул — «Злобин методи» бутун иттифоққа тарқалди. Хўш, нега А. Юнусовнинг ташаббуси ўз вақтида қувватланмай, кенг қанот ёймай, полонлигича қолиб кетди? Мутасадди бошлиқлар тушунмадиларми? Йўқ, бу усул моҳиятига ҳамма тушунган, биларди. Аммо ҳар қандай янги метод эски қонун-қоидаларни бузишга мажбур қилади... Ишни бошқатдан ташкил қилиш, демак, кўпроқ ва жиддийроқ ишлаш, норма ва иш баҳоқларини қайта кўриш (бу улар вазифасига кирмайди!) керакки, бу кимларгадир ёқмаслиги мумкин. Кимдир ишонмайди ё тан олмайди. Баҳслар, мунозаралар, исботлар — ҳаммасига вақт, асаб, фидойилик керак! Балки бировларнинг иззат-обрўдан, мансабдан ажраб қолишлари ҳам ҳеч гап эмас...

Афсуски, фидойиларча кураш, сабр, тоқат ила метин мантқиқ, гоҳида ўз фикрини тўғри ифодалашдек оддий маданият етмай, Абдуазим Юнусов ҳам ўз усулига қўл силтади! У эсдан чиқиб, назардан қолди. Аммо бу усул аслида замон талаби экан, бошқа ерда янгидан пайдо бўлиб, ҳукмронлик ваколатини олди.

«Ёш гвардия» театри ва унинг собиқ бош режиссёри Эргаш Масафоев тўғрисидаги баҳслар, уларнинг охир-оқибатдаги натижаси ҳам менинг ёдимга Абдуазим Юнусов воқеасини солди. Аммо бу энди айни масаланинг саноатда эмас, санъатда қайтарилганидир.

Ҳаётда янгиллик осонгина ғалаба қозонмайди. Ҳатто, уни ҳамма билган ва тушунган тақдирда ҳам қаршиликка учрайди. Шахсан ўзим цехда иш унумини неча ўн баробар ошириб, оғир меҳнатни энгиллаштирадиган станокларда ишлаш бошланганимда, касби йўқолиб, маоши озорқ ишга ўтишга мажбур бўлган неча ўн йиллик эски ишчилардан сўкиш эшитганман!

На чора?! Ҳар замоннинг илғор кишилари янгиликни жорий этишлари ҳам қарзу ҳам фарз.

Аллома олимлар фикрича, ёзувчилар ҳаётдан ўн йил илгари юришармиш. Демак, санъат учун ҳам ўша янгиликни ахтариб, жорий қилиш қонун экан-да!

...Санъатдаги қонуний янгиликнинг қабул қилиниши шунчалик қийин экан, мени — оддий ишчини кечирасизлар-у, қандай қилиб Абдуазим Юнусовдек ишчи янгилик учун кураш йўлини ўргатасиз, онгига йўл-йўриқ кўрсатасиз, имон ва этиқодини мустақамловчи дил сўзларини берасиз!?

Давримизда ишчилар муаммосини айланиб, ўтиш мумкин эмас. Айрим саноат марказларида, айниқса, миллий ишчилар сафига онгли равишда қўшилаётган илғор ёшлар етишмаяпти. (Бу масалада кишлоқ ёшлари психологияси — дунёқараш, онги, илми ва одоби ўзгариб, шаклланишига ёрдам берадиган асар борми? «Ёш гвардия» театри ишчилар мавзuida. А. Гельманнинг «Мукофот» асарини таклиф қилади. Яхши, лекин замон тезкорлиги қани? Мабодо, бу асар олти-етти йил олдин саҳналаштирилганида олқишласа бўларди. «Мукофот» марказий театрларда саҳналаштирилди, экранлаштирилди, ҳаммамиз кўрдик. Бу энди биз учун янгилик эмас. Республика ёшлари икки-уч тилда ўқийдилар ва томоша қиладилар. Балки «Мукофот» спектакли чиндан ҳам «Ёш гвардия» театрининг ютуғи бўлиши мумкин. Режиссёр янги талқин топгандир. Айрим артистлар истеъдоди ярқ этгандир ва ҳоказо... Аммо замон биздан қисман эмас, балки тўла ва бутунлай янги кашфиётлари талаб қилмоқда. Метрога бир ойда ҳамма кўникиб кетди. Кўчада янги тур машинани кўрсак, ҳайратдан ёқа ушламаймиз. Дастлаб қурилишга ишга ўтганимда, тўрт қаватли ўни ярим йилда битказиб топширганмиш. Ҳозир бу муддат бир ойга етмайди. Усиш, ютүк етти-саккиз барабар. Шодланса арзийдими? Йўқ, бу жуда оз. Японларда ўттиз-қирқ барабар ўсишни ютүк эмас, тараққиётнинг нормал ҳодисаси, деб қабул қилинаркан. Саноатда ҳар соат кашфиёт бўлаётган экан, санъатда ҳам шундай бўлиши зарурлиги — ҳаёт нормасидир.

Балки театрга таклиф қилинган маъқул маҳаллий асар йўқдир? Асосли, ишонса бўлади. Лекин театрга катта ваколат берилган-ку? Хохлаган мавзуда, дилга яқин ёзувчини таклиф қилиб, талаб қўйиши, ҳамкорликда ишлаши мумкин. Ҳозирда Абдулла Ориповдан тортиб, қанчалаб, Машраб Бобоев, Шароф Бошбековдек талантли ёшларимиз бор. Биз саноатчилар тили билан айтганда бу улкан резервдан фойдаланмаслик, дарё бўйидан сув ахтаришдек гап!..

Театр ишида куйинчаклик, фидойилик зарур!

«Ёш гвардия» театри аҳлини танқид қилишдан мақсад донолигимизни кўрсатиш эмас. Бизга театр — ақлимизни лоқайдлик ботқоғидан ҳар сония баланд тутувчи, ҳаммиша уйғоқ театр керак!

Тўғри, театр коллективи меҳнат қиялпти, план бажаряпти, янги саҳна асарларини саҳналаштиряпти. Айби нимада? Биргина саволдан бошлаймиз: театр таржима асарларга кўпроқ мурожаат қиладими? Буни олқишлаш керак. Аммо худди шу ерда қусур бор. Таржима асар театрни баъзан тўқсон фойиз танқидчилар нишидан сақлайди. Режиссёр ҳам ҳарқалай кўп марта юрилган сўқмоқдан ўз ҳолича йўрғалайди. Осонроқ-да! Бежиз эмас, гоҳо танқидчиларнинг ҳал қилувчи икки ибораси билан бутун бошли янги ижод асарига фотиҳа ўқиб юборилиши ҳам тажрибамизда бор гап.

Масалан, «Отелло» саҳналаштирилди, дейлик. Уни бирор жайдаги танқидчи кўриб:

— Бу нимаси, ўртоқлар? Тошкентнинг ҳар районидеда ойига эликка яқин оила ажаралиши бор. Шундан қанчаси рашк туфайли. Агар бу рашкчи эрлар Отеллодек хотиннинг қотилга айланса-чи? Спектаклнинг салбий таъсирини ўйланг, — деб қолиши мумкин ҳам.

Танқидчи ҳақлидек. Аммо — воқеа кўҳна феодализм даврида, Англияда рўй берган. Унинг автори жаҳонга машҳур драматург — деб жавоб берилиши билан, танқидчи тилини тишлаб қолади. Шекспир танқиддан баланд туради-да! Лекин худди шундай асар муаллифи Абдуқодир бўлса-чи? Тупроғи енгил келиб, саҳнадан осонгина учиб кетади!..

Ижоднинг қудрати жасорат ва бу жасоратни онгли равишда, фидойилик билан, қаттиқ туриб, ҳимоя қила билишда! Бундай санъат Абдуазим Юнусовга ҳам ўз ғояси учун курашда руҳий куч бағишлаб, онгини уйғотган, йўл-йўриқ кўрсатиб, ота-

боболар тили билан айтганда, пирлик қилган, балки иқтисодий жиҳатдан ҳам ўз вақтида миллионлаб фойда келтирган бўлармиди?!

Дилга қувват, ишонч беролмаган даргоҳга қандай ишчи келади? Минг афсуски, худди шу ерда театр энг фаол тамошабиндан ажралиб қолмоқда. Ҳозирча, театрга ўз ихтиёри билан уч-тўртта, бориғки, ўттиз-қирқта ҳангоматалаб тамошабингина тушаётир. Кўриниб турибдики, сон ва сифат жиҳатдан ҳам бу рақам қониқарсиз. Касални яширсанг иситмаси ошкор қилади, деганларидек, ташкилот маъмуриятлари орқали томошабин уюштириш эса (бу эндиликда ҳеч кимга сир бўлмай қолди!) театрни текинхўр қилишдан ташқари, уни ёппасига лоқайдлик ботқоғига ҳам тортмоқда. Бинобарин, биз театрдан жасорат ва яна жасорат талаб қиламиз!

Ақбар ЮНУСОВ,

Ўзқолхозлараро махсус иккинчи қурилиш трестининг инженери, ёш адиб.

## Юракка йўл излаш зарур



мақола, хусусан, тўғри мулоҳазаларга асосланган танқидий мақола, қанчалик аччиқ бўлмасин, тўғри ҳулосаларга олиб келиши керак. «Ёш гвардия» театри хусусида журналда чоп этилган ҳар иккала мақола ҳам, назаримда, худди шундайдир.

Яқин ииллар ичида матбуотда театрларимиз ҳақида жуда кўп баҳслар бўлиб ўтди. Лекин улар амалий ишларимизга жонли таъсир кўрсатмасдан, баҳслигича қолиб кетмоқда.

«Ёш гвардия» театри номига айтилган мулоҳазаларга тўла қўшилган ҳолда, шунга айтилган маъноларга, мазкур театр фаолиятини жонлантириш учун, бу ижодий даргоҳ атрофига иложи борица кўпроқ оташин ижодкор ёш кучларни тўплаш зарур. Қолаверса, «Ёш гвардия» театри саҳнасида Ҳамза номидаги академик драма театри ва бошқа республикамиз театрларидаги етакчи режиссёр, устоз актёрларни, истеъдодли ёшларни, доимий ва маълум муддатга жалб этишни ҳам ўйлаб кўриш керак. Ахир, амалда бу бор нарса-ку! Масалан, Вахтангов номидаги театрининг машҳур актёри Михаил Ульянов Малая Бронядаги театр саҳнасида озмунча роллар ўйнаганими?!

Миллий репертуар масаласида театрларимиз эндиликда ёш носир ва шоирларимизга таянсалар ёмон бўлмасди. Ваҳоланки, ҳозирги ёш адабиётимиз билан театр ўртасида то ҳануз ҳамкорлик ришталари суст.

Театрни кулгихонага айлантириш, одамларни қитиқлаб кулдириш даври ўтди. Партияимизнинг 1983 йил июнь Пленумида кўрсатиб ўтилганидек, Инсон тарбиясига бўлган муносабатимизни кескин ўзгартиришимиз, томошабинни принципиал, ростгўй, курашчан традициялар замирига қурилган асарлар билан қониқтириш, унинг дидини ўстиришимиз керак. Театр дўкон эмас. «Бу соҳада, — дейилган июнь Пленуми материалларида, биз ўз кулгихона коммерция биринчи ўринда турмаслиги керак!» Бинобарин, бизни кўпроқ план эмас, чинакам ижод ўйлантириши зарур. Театрнинг фаолияти, қадрлари ҳар бир томошабин юрагига уйғонган фикр, қувонч ва дард билан ўлчанмоғи лозим. Мен бир нарса биланаман: ёшларнинг «Илҳом» клуби қошида жамоатчилик асосида ишлаётган ЭСТМ театрига икки-уч ойсиз билет топиш қийин. Уйлайманки, бу муъжаз зал яна ўн барабар кенгайтирилганда ҳам, томошабин тирбанд бўларди. Янги замон кишисининг пок маънавий дунёси ҳаққи, бу театр жаҳиятимиздаги айрим илпатлар илдизини кўзлаб болта ураётир. Театр уйғоқ, у курашда! «Ёш гвардия» театри ҳам томошабин юрагига олиб борувчи ана шу йўлни излаши, изланиши зарур.

Хуршид ДАВРОН,  
ёш шоир.

# Янги куртак...



Олти йил олдинги можароларда «Ёш гвардия» театри қошида вужудга келган муҳитга,— Ф. Энгельс ибораси билан айтганда,— маъзавага қўшиб, тоғорадаги болани ҳам ағдариб юбордилар»... Бу бола — эндигина йиқилиб-туриб, тепапоя юриб келаётган бизнинг ёшлар театримиз эди!

Бугун театр таназзули ҳақида кўп гап бўлаётир. Бу табиий. Томошабин театрдан қочган. Нафиса Зоҳидованинг «Ёшлар театри қандай бўлиши керак!» мақоласида, театрдан унинг биринчи йўлбошчиси Э. Масафоев кетгани билан, у тарбиялаб етиштирган, у билан ишлаган актёрлар коллективи бор эди-ку, дейилади. Бор эди, албатта. Аммо ҳамма бир тан, ҳаммаслақ, охиригача ҳамнафас бўлиб қоладиган коллектив ҳар қандай ижодий маскан учун ҳам ҳаводек зарур экан!..

Қисқаси, ҳозир зорланиш учун қўлимга қалам тутганим йўқ. Театр қанчалик ачинарли ҳаёт кечираётган бўлмасин, давр тақозоси билан, унда қувончли бир ҳодиса юзага келаётир. Бу ҳодиса янгида дастхатли навқирон режиссёр Наби Абдураҳмонов изланишлари ҳосиласидир. «Ғуноҳкор ва авлиё», «Ёш гвардия» каби у сажналаштирган спектакллар мундарижаси журнал орқали аввалги мақолаларда баён қилинди. Айниқса, «Ёш гвардия» спектакли турли-туман, баланд-паст баҳсларга сабаб бўлаётир. Баҳс бўлаётган экан, демак, спектакль яшаётир. Драматик асар умрининг давомийлиги ҳам, шундаки, агар у чинакам санъат асари бўлса, ундан ҳар бир режиссёр ўз даври учун долзарб масалаларни излаб топади. Бу гал Наби Абдураҳмонов гўё яна бир марта «Ёш гвардия»чиларнинг сабот-матонатини синайди, шу билан замондошимиз қалбига қўл солиб кўради. Ахир, инсон эзгу кураш йўлида ҳамиша, ҳар қандай қийноқларга тайёр туриши,

руҳан чиниқа бориши керак-да! Режиссёр биздан қаҳрамонларни ёки қаҳрамонлиқни ҳам эмас, ҳеч қандай пафос ва романтикасиз, оддий, одатдаги йигит-қизларни ўйнашни талаб қилади. Шу оддий ёшлар бошига буюк иш тушган. Улар қаҳрамонлиқларини кўрсатиш учун жангга кирмаганлар. Модомики, уларни ҳам уруш домига тортган экан, ёв билан курашиб, зор-зор азобланган, қийноқларга чидолмай ҳар қанча қичқирган бўлсалар-да, ВИЖДОНни — ВАТАНни сотмаганлар! Спектаклнинг дарси ана шундай.

Наби Абдураҳмонов бош мақсад йўлида хато қилишдан кўрқмайди. Излайди, изланади, дадил экспериментлар қилиб кўради... Мольернинг «Зўраки табиб» асари учун у сахна марказига каттакон тўнкани олиб чиқади. Унда қатнашувчилар ҳам тўнка одамлар. Аммо улардан ҳар бири ичида ҳукмдорлик иштиёқи билан яшайди. Тўнка — ҳокимият тепасига чиқиб қолар экан, жон-жаҳди билан ўзлигини — «улкан шахс»лигини намоён қилишга тиришади, тепадан тушгач эса яна ўша мажруҳ, майда одамчага айланади! Кўринадики, режиссёрда дард бор. Аммо у биз ижрочиларда ҳам борми? Режиссёр режасига муносиб ижодий жавоб бера оламизми? Биз Станиславский таълимотини ўта юза тушунмаётирмизми? Ижро услубимиз эскирмадимикин! Ёшлиқнинг ҳою-ҳаваси, жўшқин эҳтироси билан шу ергача етиб келдик. Аммо энди ҳар бир ролга онгли ёндашиб, тажрибаларга таянадиган, чинакам режиссёр кўзи ўнгида ҳар кун, ҳар соат ўзни ижодий тоблайдиган, ҳақиқий имтиҳон замони келди! Наби Абдураҳмонов кабилар таланти янги куртак. Уларни коллектив билан баҳамжиҳат ардоқлаб, камолга етказилса, театримизнинг янгидан тўғилиш эҳтимоли бор...

Матбуот муҳокамасидан тегишли маъмурий ташкилотлар қандай қарорга келишларидан қатъий назар, менимча, театр аҳли танқидларга зарда қилмасдан, чидам билан ижобий — ижодий жавоб тайёрлаши керак!

Малика ИБРОҲИМОВА,

Ўзбек давлат «Ёш гвардия» театри артисти.



Кенг далаларда.

У. АҲМЕДОВА фотостудия.

Одатда, қуёш чиқаётганда ва ботаётганда катталашади, кундузи тепангда ёғду сочиб туради. Ўзбек совет поэзиясида Миртемир ижоди ҳам қуёшнинг ана шу ҳолатларига менгзагуликдир. У сўнгги нафасигача халқнинг ишончини оқлаб кетди: эли, она тупроғини жон-дилидан севди, қуйлади. Ҳар қандай иллат унинг мижозига ёт, ҳар ишида яхшилик қанот эди. Ўзини эл қаторида санарди, ҳар қаерда ўзини эл билан бирга биларди. Камтарлигидан бир шеърда, «Умрим оддийлардан яна оддийроқ...» деган эди. Нимаки ёсса, ўтмишга қайрилиб қарар, бугунни у билан солиштирар, шу кўйи айтаётган гапни исботлагувчи эди. Барибир, ёзганидан кўнгли тўлмас, ўзини ҳаммиша халқидан қарздор биларди. Бинобарин, у таржимаи ҳолида айтадики: «Бошимга синоглиқ кунлар ҳам тушди. Лекин ёзишдан, таржимадан ҳеч қачон тинмаганман. Уринаман, изланаман, ўрганаман. Ҳали мен ёзув столига астойдил ўтирганим йўқ, ҳали халқимга айтишим керак бўлган гапни айтолганим йўқ. Мендан нон ва туз аямаган, ҳам шараф бағишлаган халқимга ҳали мен кўп қарздорман».

Ўзини Миртемир шогирдлари қаторида кўра олган, эндиликда ўзи ҳам устозлар сафида бўлган Зулфия дейди: «Миртемир чинакам инсон эди. Мен энг маънос оиларида ҳам Миртемир шу ўктамликни йўқотмаганлигини кўрганман... Миртемирнинг ўзи аслан — чўнгликдан — юксак Қоратоғнинг яғринидан... Унинг қоядай қуйма шеърлари яхлит мазмун, чарақлаган гоя, поаланга билан ёнган ҳислар, халқнинг бой тилидан таркиб топган».

Устоз Миртемирнинг кўз қорачиғидек суйиб, киприкларим деб атаган бишогирдлари ва кенжа авлодга андак ўгити ҳам бор...

\* \* \*

Замон гоясини эгалламай туриб, замонга мос, даврга жўр шеър ёзиш маҳол. Тинимсиз тер тўкиш, машқ чўққиларга етаклагуси. Унутманг.

\* \* \*

Қалам эгаси учун китоб ўқиш зарурат. Китобдан санъаткорлик, усталлик ўрганасиз. Лекин ҳаётдан узоқ бўлсангиз, янги мавзу, янги мазмун излама-сангиз, усталлик беҳуда. Лой кўғирчоққа атлас уст-бош кийгизгандек гап!..

\* \* \*

Ҳамма нарсада Ленини ёрқин кўра билиш даражасига етсайди ёзувчи; бу бахт!

\* \* \*

Ленин темасининг тасвири нечоғлик жавобгарлик эканини тушуниш ҳам, менимча, бахт. Аввало Ленинга, қолаверса, халққа ҳурмат...

\* \* \*

Шеър — боши ва охири бўлган асардир, яъни тугал поэтик асар.



\* \* \*

Қўшиқ — шеър ва мусиқа бирлиги демакдир.

\* \* \*

Шоир меҳнати — болари меҳнатига ўхшаш... Лекин хонаки боларилар ҳам борки, бир марта тановул қилинган болдан бол ясашади-я!.. Қофияни қофияга уриштиришдан шеър эмас, жуда омади келганда, назм пайдо бўлади. Ҳолбуки, ҳақиқий шеър — тимсоллар системасидан дунёга келади. Ҳаёт зиддиятларининг бирлигини топа билиш драматург учун қандоқ зарур бўлса, шоир учун ҳам шунчалик зарур. Жаҳон тўла қўл текизилмаган тема. Езайлик!

\* \* \*

Конкрет инсон тақдири ва инсон ҳаракати ўз тасвирини топмаган поэтик асар — ўлик асар. Поэзия бизнинг замонамизда ҳаёт таронаси бўлиши шарт, ҳаётни ўрганиши ва ҳаётга ўргата билиши, ҳаётнинг идеал поғоналарига юксалишда хизмат қила билиши шарт.

\* \* \*

Мени гул жинниси деманг. Эҳтимол, энг тузук шеърларим, агар бор бўлса, шу гул жинниси бўлган пайтларимда туғилгандир.

\* \* \*

Кисовур ва шеър ўгрисининг фарқи йўқ, бўлса ҳам оз, унинг ҳам, бунинг ҳам қалби қашшоқ ва саёз.

\* \* \*

Езувчи зиммасига ҳамма даврлар, ҳамма замонлар ҳам оғир ва жавобгарлик бурч юклаб келди.

\* \* \*

Ўзбек совет шеърятининг умумватан оркестрида ҳозир ўз тори, ўз жаранги жаҳонга маълум — ҳар қандай ашаддий инкорчи ҳам инкор этиши маҳол, исбот керак бўлмаган ҳақиқат.

\* \* \*

Чинакам халқ шоирининг номи, асарлари ҳеч қачон унут бўлмайди, халқ билан бирга яшайди. Халқнинг умри эса боқийдир.

\* \* \*

Дунёда гайёрга айёрдан эл безор. Ҳамма соҳада асл меҳнаткашга олқиш бўлсин!

\* \* \*

Ҳозирги ўрганувчи қалам эгаларида кўринаётган ўринсиз кеккайиш ва доврўққа ўта ўчлик бизда йўқ даражада эди. Шундай тарбияланган эдик-да. Мен ёш қаламкаш дўстларимни ҳам ўша йиллардаги комсомолга хос одавий камтарлик, одоб ва ёшликка хос ҳаётга ундар эдим. Ўринсиз ва асосиз талтайиш — бу иллат.

\* \* \*

Қофиябозликдан озод, қуруқ гапдан озод, чинакам замон куйи, эртанги кунга ишонч куйи, меҳнат қўшиғи, ёруғлик ва ўктамлик кўшиғидай жаранг берувчи шеър ниятида зўр тер тўкинг!

\* \* \*

Шеърнинг гашти ҳам, ганжи ҳам, шувоғи ҳам, бўёғи ҳам сўз эканлигини эсдан чиқармайлик-да!

\* \* \*

Сўзнинг ёмони йўқ, ҳаммаси яхши, ўрнини топса, ярқираб, оловланиб кетади. Сўз ўрнига тушмаса, мунгайиб, мўлтираб, ўксиб, ўнгайсизланиб, яралганига юз пушаймон бўлиб қолади.

\* \* \*

Бизда ҳали теша тегмаган мавзулар тўлиб-тошиб ётибди, шеъринг асарларда тасвирланишга муносиб қаҳрамонлар ҳам кўп. Қайноқ ҳаёт бағрида бўлишни хоҳмаслик натижасида шоирлар бир жойда депсиниб қолмоқдалар.

\* \* \*

Узимга хиёнат қилдим аксар,  
Халқимга хиёнат ўйлаганим йўқ.

\* \* \*

Тил учимда ҳануз элга айтарим.

\* \* \*

Игна ҳам уришни билсанг яроқ-да!..

\* \* \*

Кези келиб турганда шуни ҳам айтиб ўтиш зарур: ўқиғулик, эсда қолғулик асарлар бор-у, бироқ замона «Кўкан батраги», замонага хос «Қизлар», замонага хос «Зайнаб ва Омон», замонага ярашғулик «Назир отанинг газаби» пайдо бўлмапти.

\* \* \*

Фольклорга, халқ бадий хазинасига суянган ижодкор ҳеч қачон ютқазмайди.

\* \* \*

Бадий асарнинг энг биринчи зарур деталларидан бири, бадий асарнинг негизи — тил. Фольклор, яъни оғзаки адабиётни яхши билиш тил бойлиги демак.

\* \* \*


Чор дарвиш тўғрисида шундай ривоят бор. Шериклари ухлаб ётар экан, навбатчилик қилаётган бир дарвиш ёғочдан қўғирчоқ ясайди. Иттифоқо тўқувчи бўлган бошқа бир дарвиш унга кийим-бош тикади. Учинчи — заргар дарвиш безаклар тайёрлайди. Тўртинчи дарвиш эса қўғирчоқ тайёр бўлганини кўриб, унга жон бағишлашни сўраб, худога ёлворади. Қўғирчоқ жонга киради!..

Мен поэзияни ана шу қўғирчоққа қиёслашни истар эдим. Мавзу — ёғочдан ўйилган шакл; қофия, сифатлаш, ўхшатиш эса унинг либоси ва безаклари. Лекин унга жон бағишлангандагина у чинакам шеърга айланади!

\* \* \*

Устозлар кўтарилган чўққиларга интилинг. Чинакам интилсангиз — етасиз.

Нашрга ОТАЕР тайёрлаган



Кейинги йилларда ёшлар тарбияси, одоб-ахлоқ нормалари ҳақидаги баҳслар жамоатчиликни тобора кўпроқ қизиқтирмоқда. Бу — табиий бир ҳолдир. Негаки, инсоният ижтимоий тараққиётнинг юқори погонасига чиқиб борган сари унинг маънавий ва руҳий камолоти, умумий маданий савияси ҳам юксакроқ, маъсулиятлроқ бўлмоғи лозим. Биз ёшлар ота-боболаримиздан муайян моддий бойликларнигина эмас, маълум руҳий ва ахлоқий традицияларни ҳам мерос қилиб олмоғимиз керак. Ана шу мезондан келиб чиқиб қарасак, тенгдошларимиз билан давр талаби, виждон, бурч, садоқат, халқ ва жамият олдидagi, ота-она, фарзандлар, ўзимиз ишлаётган коллектив олдидagi вазифаларимиз, умуман, замондошларимизнинг маънавий олами тўғрисида гаплашадиган, фикрлашадиган, баҳслашадиган талайгина масалалар, муаммолар борлиги маълум бўлади.

Мухтарам олимимиз, академик Эркин Юсупов билан фалсафа фанлари кандидати Фозилжон Исмоиловнинг яқинда чоп этилган «Инсон одоби билан» китоби нафақат ёшлар, умуман кенг жамоатчилик орасида кўлма-кўл бўлиб кетди. Биз шуни ҳисобга олиб, ҳурматли муаллифларни редакцияга таклиф этдик. Уларнинг навбатдаги суҳбатларини диққатингизга ҳавола этар эканмиз, сизларни ҳам баҳсга журнал саҳифалари орқали учрашувга таклиф қиламиз. Педагоглар, мураббийлар, тажрибали рўзгор бошликлар, ёш ота-оналар, меҳнат коллективларининг вакиллари, студент ёшлар, хуллас, турли касб эгалари мазкур баҳсда фаол иштирок этадилар, деган умиддамиз.

### Эркин Юсупов,

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг  
вице-президенти, академик

### Фозилжон Исмоилов,

фалсафа фанлари кандидати, доцент

# Камолот- нинг чегараси йўқ

Э. Юсупов. Асримизнинг шиддаткорлиги, кунимизнинг сермазмунлиги, воқеаларнинг тезкорлиги, илмий-техника соҳасидаги мисли кўрилмаган ютуқлар янгидан-янги муаммоларни келтириб чиқармоқда. Биз яшаётган замонадаги бу сифат ўзгаришлар, шак-шубҳасиз, инсонга, унинг ақли-идрокига, шуур-ҳиссиётига таъсир қилмоқда. Инсон ва замон деган муаммо ҳам худди шу тариқа тўғилганлиги табиийдир.

Ҳар жиҳатдан тўла-тўқис бўлган шахсни тарбиялаш деганда, ғоявий етук, ахлоқан пок, жисмонан соғлом, меҳнатсевар инсонни кўз олдимизга келтирамиз. Инсонда ана шундай мутаносиблик, уйғунлик бўлмас экан, янги жамият кишини вояга етказиш ҳақида қайғуриш мушкулдир. Конкретроқ фикрлайдиган бўлсак, айрим ҳолларда муайян билимларга эга бўлган, масъул бир жойда ишлаётган баъзи кишиларнинг ахлоқан баркамол эмаслигини кўриб таажжубланасиз. Бундай кишилар оддий одоб қондаларини билмайдилар, башарти билсалар ҳам уларга риоя қилмайдилар. Жамоатчилик орасида ўзларини тўта билмаслик, дағаллик, такаббурлик, бировнинг шайнига тил тегизиш каби қўсурлар ҳеч қачон инсонни яхшиликка етаклаган эмас.

Ф. Исмоилов. Ҳақиқатан, одоб нормаларига беписанд қарайдиган кишилар тез-тез учраб туради. Айниқса, ёшлар орасида. Шунинг учун ҳам, бу ҳол анча ташвишланарлидир. Маълумки, келгуси авлод тақдири ёшлар қўлида. Бинобарин, бүгунги ёш наслининг тарбияланганлик даражасига қараб, маълум бир ҳулосаларга келиш мумкин.

Сиз айтганингиздек, асримиз шиддатли, XX асрни асаб асри деб бекорга айтмайдилар. Асабни сақлашда кишилар ўртасидаги муомала, ўзни тўта билиш, вазминлик, осойишталик, бошқаларнинг кайфиятини сақлай олиш, гўзалликини ҳис этиш ва уни яратабилиш каби омиллар муҳим роль ўйнайди. Одоб — инсон зийнати дейдилар. Хуш кайфият ҳам сало-матликка, ҳам меҳнат унумига нечоғлик ижобий таъсир этишини биламиз. Зеро, сўнгги пайтда муомала маданиятига айрича эътибор қилинаётгани бежиз эмас. Чунки, бундай мулоқотлар инсон шахсини донолик ва завқ-шавқ билан бойитадиган муъжизавий куч-қудратга эгадир. Инсоний муомаланинг яна бир аҳамияти шундаки, бу жараёнда инсон бошқаларнинг ички дунёсини тушуна бошлайди. У тор биқўқлик ва худбинликдан холис бўлади, бачки туйғулардан қутулиб, ўзининг маънавий ҳаётини бойита боради.

Э. Юсупов. «Инсон одоби билан» номли китобимизда биз бир қатор назарий ва амалий масалаларни ўртага ташлаб, уларни имконқадар кенгроқ ёритишга ҳаракат қилган эдик. Бу

масалаларнинг айримлари мунозарали бўлиши мумкин. Шунинг айтиб ўтиш керакки, кейинги йилларда одоб-ахлоқ масалаларига бағишланган бир қатор китоблар, мақолалар босиб чиқарилди, радио ва телевидениеда эшиттиришлар берилмоқда, мактаб ва олий ўқув юртлирида катта тарбиявий ишлар олиб борилмоқда. Бундан, тарбия кўрмаган, одобсиз кишилар кўпайиб кетибди-да, деган хулоса чиқармаслик керак. Аксинча, биз оддий адаб қоидаларини ҳамма вақт ёшларнинг «қулоғига қўйиб» туришимиз керак. Маълумки, гоҳо одобсиз кишининг ноўхшов қилиғи ўзига сезилмайди. Бундайлар жуда оз бўлгани учун айниқса кўзга яққол ташланади. Масалан, мотам маросимида ҳамма бош эгиб турганда, биров хоҳолаб кулиб юборса, «Ким экан бу бефаросат!» деб ҳамма унга қарайди. Одатда, одобсиз, яхши тарбия кўрмаган кимсаларга хос умумий бир камчилик бўлади. Улар деярли китоб мутлола қилмайдилар, кино-театрларга йиллаб қадам босмайдилар. Ёки аксинча. «Театрлашиб» юрадиган, гоҳо кўлидан китоб туширмайдиган гўё ўқимшли ёшларнинг беадаблиги кишини ажаблантиради. Бу тоифа шахслар ўқиган ва кўрганларига амал қилмайди, ўзларининг қилиқлари, хатти-ҳаракатлари ҳақида ўйлаб кўрмайдилар. Бундай кишиларни жиддий тартибга чақириш лозим. Маҳаллада, кўча-кўйда, ишхонада уларга дақиқ бериш, уларга нисбатан жамоатчилик фикрини туғдириш мақсадга мувофиқ.

Ф. Исмоилов. Табиийки, инсон одоб-ахлоқ тўғрисидаги қоидалар йўқиндисини ёдлаб, ўзлаштириб олгани билан маънан камолотга эришолмайди. Гап — ўқишда эмас, ўқишда, дейдилар. Илмига амал қилмай юрган «зиёлинома»лар озми! Одоб инсоннинг ички маънавий эҳтиёжига айланиб қолиши завур. Бунинг учун эса, одоб маданиятини ёшлиқдан тарбиялаб-ган маъқул, зеро, ёшлиқда шуурга ўрнашган ҳислатлар бир умр сақланиб қолади.

Э. Юсупов. Масаланинг яна бир муҳим томони бор. Бу халқимизнинг асрлар оша тўплаган, ҳаёт тажрибаларида синаб келаётган ўрф-одатлари, анъаналаридирки, уларнинг замирида юксак ахлоқий маъно, безавол, нозик адаб қоидалари яширинган. Ана шуларни авайлаб сақлашимиз, ёшлар онигга сингдириб боришимиз керак. Масалан, халқимиз ўрф-одатига кўра, оила аъзоларининг барчаси тўпланмагунча таомга қўл урилмайди, оила бошлиғи иззат-икром ила кутилади, у келганда ўриндан туриб илтифот кўрсатилади ва ҳоказо. Бундай одатлар азалдан қадрланган. Кўпчилик олдидан, ҳусусан, кексалар ҳузурда андиша билан гапирши, одоб сақлаб туриб, ёши катталарга ҳазил гап айтмаслик, кичикларни камситмаслик каби сифатлар ҳам назокат белгисидир.

Ёши улугларни ҳурмат қилиш ва уларни эъзозлаш барча халқларга муштарак анъанавий одоб қондаси бўлиб, у ўзбек оилаларида ҳам болалар онигга ёшлиқдан сингдириб боририлган. Анъанга кўра, ёшлар ўзидан катта кишини кўрганда тилиш ёки нотанишлигидан қатъий назар биринчи бўлиб салом бериши, йўлда рўпара келиб қолса, биринчи бўлиб ўтназиб юбориши, гаплашганда мулозимлик билан гаплашиши, кўрс жавоб бермаслиги, оғирини енгил ва мушуқлини осон қилиши шарт ҳисобланарди. Бу олийжаноб тушунчалар ҳануз эскирган йўқ. Уларни биз ҳар лаҳзада эсда тутишимиз, ота-боболаримизнинг муқаддас меросидек асраб-авайлаб, фарзандларимизга, шогирдларимизга, умуман янги, ёш авлодга етказмоғимиз лозим.

Афсуски айрим ёшларимиз ана шунга ўхшаш одоб қоидаларини эсдан чиқариб қўймоқда. Ота-онанинг юзига тик қараш, ўйлаб-нетиб ўтирмасдан гапирши, бетга чопарлик, ҳаё-андишанинг фарқига бормаслик каби иллатлар ёшлар ҳуснига доғ туширмоқда. Биз барча йўл ва воситалар орқали халқимиз тўплаган ахлоқий хазинанинг қадр-қимматини оширишимиз керак. Бунда кексаларимизнинг насихатлари, муаллим ва тарбиячиларнинг ишлари, қолаверса, меҳнат коллективларидаги жамоат ташкилотларининг роли каттадир. Хуллас, ҳар қандай одобсизлик жазосиз, оқибатсиз қолмаслиги лозим.

Ф. Исмоилов. Тўғри. Афсуски, баъзан ғалати манзаранинг гувоҳи бўласиз. Баъзилар ўзларини сиртдан маданиятли қилиб кўрсатишга уриниб, ачинарли ҳолга тушиб қоладилар. Сунъий кулгу, соҳта мулозимат ва манзират — булар икки юзламачилиқдан бошқа нарса эмас.

Бир мисол келтирмоқчиман. «Ташкент оқшоми» газетасида «Дунёда эркаклар йиғламасин» деган мақола босилди. Уни ҳаяжонланмасдан ўқиш қийин. Мақолада айтилишича, инвалид

отасининг дилини вайрон қилган қиз, бугун ЗАГС маросимида гурурланиб, тантанали тарзда қаллиғи билан уруш қўрбонлари хокига гул қўяди. Бу — урушда мардонвор ҳалок бўлганлар хотираси олдидан астойдил бош эгиш учун эмас, ўзгаларга тақдид юзасидан, «кўриб қўйинглар, биз ҳам бошқалардан қолишмаймиз», деган худбин ниятда қилинган иш. Бир тарафдан ногирон, уруш инвалиди бўлмиш отани ошқора хўрлаш, иккинчидан эл-юрт кўзида мактаниб гердайиш... Бу масалада қизнинг юзига қараб, умр йўлдошининг обрўсини бир пул қилган она айбдор.

Э. Юсупов. Ҳақиқатан, фарзанд тарбиясида ота-онанинг баҳамжиҳатчилиги, тотувлиги муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, бола тарбиясида ота-она масъулияти алоҳида ўрин эгаллайди. Фарзанднинг ақлли-хушли, ахлоқли ва одобли бўлиши учун ота ҳам, она ҳам баравар масъулиятлидир. Ота ҳам, она ҳам болани тарбиялашга баравар ўз ҳиссаларини қўшишлари лозим. Яна бир нарсани очиб айтиш керакки, бола тарбиясида отанинг ҳам, онанинг ҳам ўзига хос такрорланмайдиган ўрни, вазифаси, масъулияти бор. Она — гамхўр, меҳрибон, кўнгилчан уй бекаси бўлса, ота — куч-қудрат, жасурлик, қаттиққўллик, адолат рамзи. Ота кўпроқ боланинг ақли ва жисмоний ривожланиши учун қайғурса, она эса юриш-туриш, муомала, ҳис-туйғу, нафосат учун ташвишланади. Буларнинг ҳаммаси нисбий бўлиб, ота ҳам, она ҳам боланинг ақлий, ахлоқий, жисмоний камолоти учун баравар жавобгар, чунки, иккаласи ҳам бирдан-бир мақсад учун — боланинг шахс сифатида камол топиши учун ҳаракат қиладилар. Ана шу жараёнининг муваффақиятли бажарилиши, кўп ўринда отанинг обрўйига боғлиқ. Баъзи аёллар оилада «устулик» қилишга, фарзандлари, яқинлари, кўни-қўшнилари олдидан отани камситишга уринадилар. Бу ҳолат маънавий жиҳатдангина эмас, балки тарбиявий томондан ҳам ёмон оқибатларга олиб келади. Бундай оилаларда отанинг обрўси кетади, у ўз фарзандларига ота сифатида таъсирчан тарбия бериш имконидан ҳам маҳрум бўлиб қолади. Ота таъсирдан чиққан болалар, кўпинча тарбиясиз, кўпол, онани ҳам назар-писанд қилмайдиган бўлиб қоладилар.

Ф. Исмоилов. Биз кўпинча оталик туйғуси ҳақида, отанинг бола тарбиясидаги беҳад хизмати, ота-ўғил муносабатлари ҳақида негадир камроқ гапирмиш. Ота ва она — фарзанднинг қўш қанотидир. Буни яхши ҳис қилишдади. Отасизлик — ота меҳрига қонмаслик, ота тарбиясидан бебахра қолиш — боланинг кўнглида бир умрлик армон бўлиб қолиши сир эмас.

Э. Юсупов. Ҳақиқатан, оилада «Ота ўрни бошқа» деган гап бор. Чунки, оилада она билан қизлар ҳамда она билан ўғиллар ўртасида қарор толган, шунингдек, ота билан қизлар, ота билан ўғиллар ўртасидаги муносабатларнинг алоҳида томонлари бор. Мана шу томонларга эътибор берилганда, «оналик ва оталик туйғуси» ҳақида сўз юритиш, бу туйғулар ўртасидаги тафовут ва умумийликни аниқлаб этиш мумкин.

Ота бўлишдан оталик қилиш қийинроқ. Чунки яхши оталарсиз яхши фарзандларни тарбиялаш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам, бола тарбиясида отанинг масъулияти беқиёс. «Ота болаларни бини қилиш, едириб-ичириш билан ўз зиммасидаги вазифанинг учдан биринигина бажарган бўлади, — деб ёзади буюк француз мутафаккири Ж. Ж. Руссо — У уларни одамзод қаторига қўшмоғи, жамиятга эса — фаол кишиларни, давлатга-гражданини етиштириб бермоғи керак... Кимки зиммасидаги оталик бурчини бажармаса, у ота бўлиш ҳуқуқидан маҳрумдир». Бу сўзлардаги маъно ва мазмун устида чуқурроқ ўйлаб кўрилса, ҳар бир ота бола тарбиясидаги ўзининг масъулиятини янада чуқурроқ ҳис этади.

Одоб ҳақида сўз борар экан, инсон учун энг қимматли бўлган фазилатлардан бири андиша ҳақида гапирмасдан илжой йўқ. Халқимиз, етти ўлчаб бир кес ёхуд аввал ўйла, кейин сўйла, деб бекор айтмаган. Тарбия кўрган одам оғзига келган гапни дарров тилига чиқармайди. «Шу гапни айтсам, сўхбатдошнинг кўнглига тегмайди!» Яна бир ўйлаб қўрай, балки бошқачароқ тарзда айтганим маъқулдир» деган истиҳоло билан оғиз очади. Бетга чопарлик, шарткилик, беюзлик ҳеч қачон обрў келтирган эмас. Бу — принципиал масалаларда ён бериши, бўшангликни билдирмайди. Ҳақиқатга, адолатга, виждоний бурчга содиқ қолиш керак. Лекин, шунда ҳам бировнинг шаънига, иззат-нафисига, ғурурига тегмаслик лозим.

Андишали одам ўзини ҳам, ўзгаларни ҳам ҳурмат қилган бўлади. У инсон қадр-қимматини билади. Зотан, ўз қадр-

қимматини билиш кишини виждонсизликдан, худбинликдан сақлайди, ўзини бошқалар томонидан таҳқирлашга, камситишга йўл қўймайди. Шунингдек, ўз қадр-қимматини, иззат-нафсини ҳурмат қиладиган инсон ўзгаларни камситмайди, хўрламайди, у ҳеч қачон хоҳ ишда, хоҳ кўча-кўйда, хоҳ уйда мунофиқлик қилмайди, енгил-елпи ҳаракатлардан ўзини тияди, ўзини ҳар доим вазмин тутаяди.

Ф. Исмоилов. Ҳақиқатан барчага яхшилиқни раво кўриш нодир фазилят. Яхшилиқ тушунчаси замирида кишиларга бўлган чинакам хайрихоҳлик, инсоний меҳр-муҳаббат, олийжаноб туйғу ётади. Бошқаларни қадрлайдиган, уларни эъозлайдиган инсондан ёмонлик келмайди. «Инсон! — деб ёзади М. Горький. — Шу бир калима сўз билан кўксимда қуёш туғилгандай бўлади... Мен унинг кенг пешонасини, ёлқинланувчи доно кўзларини — у кўзларда қудратли тафаккур нурлари ёгилиб турганини... руҳан кўтаринкилик давраларида эса, уларда худоларни рад этувчи буюк кучни кўраман». Бу сўзларда инсонга бўлган беқиёс ишонч, ҳурмат ва иззат, унинг маънавий камолоти ва жисмоний қудратига эътиқод бор.

Э. Юсупов. Одоб маданияти қамрови кенг, кўп қиррали тушунча. Биз унинг айрим томонлари ҳақида фикр юритдик, холос. Айрим фикрларимиз мунозарали бўлиши мумкин. Бу борада шундай мавзулар борки, улар ҳар томонлама ва чуқур муҳокама қилишга муҳтож. Масалан, оилавий-маиший масала-

ларни олиб қарайлик. Қандай қилиб, оилада яхши муносабатларни қарор топтириш мумкин, бунинг учун нималарга эътибор бериш, нималардан сақланиш керак! Оилани мустаҳкамлашда хулқ-атвор, хатти-ҳаракат, муомала роли, оилавий ҳаётдаги тўсиқлар ва қийинчиликлар, оилада келин ва кўёвнинг бурчи ва масъулияти, қайнона ва келин, қайнота ва кўёвларнинг ўзаро муносабати, оила ва болалар, оила, қўшнилар ва дўстлар, оила ва рўзгор тутиш каби муаммолар ана шулар сирасидандир.

Мазкур баҳсда назокат ва латофат, инсоф ва андиша, мулозимат ва манзират, илтифот ва хайрихоҳлик каби инсоний фазилятлар ҳақида сўз юритиш фойдадан холи бўлмас эди. Шунингдек, мешчанлик ва лоқайдлик, худбинлик ва мунофиқлик каби салбий иллатлар, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ҳақида мулоҳазалар билдирилса айни муддао бўлурди.

Одам боласида ўз-ўзини тарбиялашга интилиш бўлиши керак. Ҳар бир инсон ўз хатти-ҳаракати, хулқ-атвори, муомаласини ўзи назорат қилмаса, танқидий таҳлил этмаса, ўзидаги салбий хислатларни йўқота олмайди.

Хуллас, одоб маданияти билан боғлиқ барча масалаларни кенг жамоатчилик муҳокамасига ташлаш, унинг амалий томонларига эътибор бериш, зарур маслаҳатлар ва тавсиялар ишлаб чиқиш давримиз талабидир.



—Хизмат қалай ўтди!

Н. ШАРИПОВ фотоэюди.



Юрий Андреев

# Бахтли бўл, ўғлим!

Русчадан Озод ШАРАФИДДИНОВ таржимаси

## МУҚАДДИМА

**Б**олалигимда доимо ҳаёлимга ғалати бир фикр келарди: қанийди, болаларнинг ўз салтанати бўлса... Унда ҳамма нарса болаларнинг хоҳиши билан амалга ошса... Ҳамма қонунларни болаларнинг ўзлари чиқарса, ҳамма қарорларни ўзлари қабул қилишса... Хуллас, ҳаёт бошдан-оёқ болалар измида бўлса, улар истаган маромда кечса...

Улғайиб орқа-олдимга қарасам, ўз ҳаётимни, таниш-билишларимнинг турмушини ўйлаб кўрсам, маълум бўлдики, болаликдаги ўйларим унчалик ҳам хомхаёл эмас экан. Бизнинг ҳаётимиз, яъни катталарнинг ҳаёт тарзи болаларнинг мурғак режаларига жуда-жуда боғлиқ экан. Бунинг шунчаки гап деб билма. Узинг ўйлаб кўр: катталарнинг ҳаёти болакайлар ва қизалоқлар қачондир онглими-онгсизими ташлаган илк қадамларга боғлиқ, яъни кечаги болакайлар ва қизалоқлар катта бўлганларида болаликда ўзлари танлаб олган ҳаёт йўлини босиб ўтадилар.

Бу ҳолни қандай тушунтириш мумкин? Амалда у қанақа маънога эга?

Бунинг маъноси шуки, сен кеча бола эдинг, бугун ўспирин йигитсан. Сенинг бугунги хатти-ҳаракатинг, ишларинг оқибатида ҳозир характеринг шаклланади, яъни бугун — ёшлик чоғингда танлаган йўлинг сенинг тақдирингни, келажакингни белгилайди.

Албатта, атрофингни қуршаб турган катталар ўз тажрибаларига таяниб, сенга тўғри йўл кўрсатишади. Агар маъносиз ҳаёт кечирмасан, катталарнинг ҳар қайсиси улкан бир ғалвирга ўхшайди: одам бутун умри давомида кўрган-кечирганларининг ҳаммаси шу ғалвирга тушади, эланади, пучаки пучакка, сараси саракка ажралади. Бундай саралаш оқибатида ғалвирда жуда оз, лекин бебаҳо олтин зарралари қолади. Ота-оналар

нуқтаи назаридан қараганда, катта авлод ёш авлодга, фарзандларга ана шу олтинни мерос қолдириши керак.

Албатта, жамиятимиз сенда мавжуд қобилиятларнинг рўёбга чиқиши учун қаршингда барча эшикларни очиб қўяди — бемалол ўқи, ишла, инсон сифатида камол топ.

Бироқ гап шундаки, сен ана шу имкониятлардан фойдалана биласанми? Ахир, сен билан биз эркини елга берган майсадек иродасиз, маъносиз ҳаёт кечирадиган озмунча одамларни биламизми?

Гап яна шундаки, сен ўзингга мос келадиган тўғри йўлни танлай биласанми? Эшиклар кўп, лекин қайси бирини очиб кириш керак — бунинг ҳал қилишинг зарур. Ҳал қилганда ҳам адашмай, бехато ҳал қилиш лозим. Негаки, бу қароринг ҳаммашалик, кўп йиллар давомида дастуриламал бўлади сенга. Гуманитар соҳага майли бор қиз енгил саноат техникумига ўқишга киради, чунки энг яқин дугонаси шу техникумга ҳужжат топширибди. Кейинчалик бу қиз ўз ишидан қаноат ҳосил қилармикин ёки умр бўйи бўйнидан бойлагандек мажбуран ишлармикин?..

Уқ мўлжалдагидан жиндай бурилса хато кетишини тасаввур қилиш учун математикадан алоҳида қобилиятга эга бўлиш шарт эмас. Бу хатолик жиндай эмас, анчагина бўлса-чи? Уқ мўлжалга эмас, бошқа томонга, ҳатто тескарига, танланган ҳаётини мақсадга қарама-қарши томонга кетса-чи? Инсон ҳаётидаги ана шу ғаройиб ҳол ҳақида нега гап бошлаганимни энди тушунгандирсан? Анча-мунча яшаб, оқ-қорани таниб, яхши-ёмонни ажратадиган тажрибали одамнинг ҳаёт йўлини танлаганида эди, ҳар бир йигит ўз ҳаётини эъло даражада қўрган бўларди. Афсуски, бунинг иложи йўқ. Олис келажак сари олиб борадиган ҳаёт йўлини ҳали деярли ҳеч нарса кўриб улгурмаган, турмушнинг паст-баландини унча билмайдиган ўспирин танлаши керак. Шундай қилиб, катта бўлганида кечирадиган ҳаётини боланинг ўзи белгилайди, ўзи шу ҳаётга пойдевор қўяди.

Ҳўш, ҳаётнинг ана шу ғаройиб вазиятида қандай йўлни тутган маъқулроқ? Бу чигал жумбоқни қандай ечса бўлади? Бунинг бир осон йўли бор — ҳаётда аксари шу йўлни танлайдилар. Бу йўл шундан иборатки, кўпинча синашлар ва адашишлар, аллақачон кашф этилган нарсаларни қайтадан кашф этиш, аллақачон маълум бўлган нарсаларни такрорлаш йўлидан бориб, одамлар муайян ҳаёт ҳақиқатини ўзлаштириб оладилар. Бироқ бунга эришгунча анча вақт ўтиб кетган бўлади, кўпгина хатоларга йўл қўйилади. Афсуски, амалда бу хатоларни тузатиш деярли имконсиз, чунки одам бир марта яшайди. Иншо ёзгандагидек, ҳаётни аввал қоралама тарзида, кейин оққа кўчириб яшаб бўлмайди. Вақт — қайтмас нарса, у фақат олға ҳаракат қилади. Одам ҳаётининг маълум нуқтасидан орқага қайтиб, ҳаммасини бошдан бошлаёлмайди.

Бу муаммони ечишнинг бошқа йўли ҳам бор — инсоният илми ривожлантиришда шу йўлни қўллайди. Унинг моҳияти шундаки, янги авлод ҳар гал ўзидан аввалги авлодлар кашф этган нарсаларни ҳисобга олади, ўзлаштиради. Бу йўл, шубҳасиз, бошқаларига қараганда оқилона йўлдир. Тасаввур қилиб кўр: ҳар бир ўқувчи ўзи учун Эвклид аксиомаларини ҳам, арифметика қонунларини ҳам, кейинчалик эса, олий математика қонунларини ҳам қайтадан кашф этиши лозим бўлса, нима бўларди? Албатта, бу бемаънилик. Бундай қилган одам, бир эмас, уч марта буюк бўлганида ҳам бутун умри давомида икки қарра икки тўрт деган гапни такрорлашдан нари ўтолмай қолаверади. Бу йўлдан борганда инсоният ўз ривожига унча узоққа кетолмасди. Антропологлар ва археологларнинг сон-саноксиз тадқиқотлари шундай хулосага олиб келадикки, ўз ўқувини, билимларини бир авлоддан иккинчи авлодга беришни ўрганиб олгандан кейингина инсон том маънода инсон деб аталиш ҳуқуқига эга бўлган. Шу чоққача унинг эволюцияси узоқ давом этган ва унчалик кўзга ташланиб турмаган. Инсон тўплаган билимларини фарзандларига қолдира бошлагандан кейин эса, инсониятнинг ривожланиш жараёни бир неча маротаба тезлашиб кетган.

Энди яна бир мураккаблик бор: давр ўзгарди! Ҳаёт оқими

ҳамма вақт етарли даражада тез бўлган, лекин, бизнинг давримизда унинг суръати беҳиёс даражага етди. Келажакда бу суръат янада ошишини айтиб бериш учун авлиё бўлиш шарт эмас. Шундоқ экан, ҳозирги шароитда бировга ҳаётни тушунтириб бўлармикин? Кечаги куннинг эмас, ҳатто бутунги куннинг ҳам эмас, балки сен яшайдиган замон — эртанги куннинг шарт-шароитларига мос келадиган йўлни белгилаб бериб бўлармикин? Бу ҳавойи масала эмас. Олимлардан бири жамият ривожини олтимш қақиримга югуриш тарзида тасвирлабди. Бунда ҳар қақирим инсоният тарихининг ўн минг йиллини ташкил қилади. Буни қарангли, инсоният босиб ўтган йўлнинг кўп қисми ибтидоий ўрмонлар, шип-шийдам саҳролар орқали ўтар экан. Кўп замонлар мобайнида бу ўрмону саҳроларда сезиларли бир ўзгариш кўринмайди. Мана, олдинда манзилга етишга, яъни бизнинг давримизга етиб келишга атиги бир қақирим масофа қолди. Шундагина энди шакллана бошлаган маданиятнинг дастлабки яккам-дуккам кошоналари кўзга чалина бошлайди: тошдан ясалган ибтидоий қуроолларнинг қолдиқлари, қояларга ишланган расмлар... Йўл давом этади ва йўловчи сўнги қақиримнинг ўрталарига етганда илк бор деҳқонга дуч келади. Манзилга етишга уч юз метрлар қолганида йўловчи миср эҳромларини кўради. Манзилдан саксон-юз метрлар нарида йўловчи ўрта аср шаҳарига етиб келади ва инквизиция осий бандаларини ёндираётган гулханларни кўрмаслик учун кўли билан кўзини пана қилади. Манзил янада яқин — унга бор-йўғи эллик метрлар қолди, йўловчи Леонардо да Винчи билан ёнма-ён югурмоқда. Сўнги ўн метр. Лампа-чироқлар милтиллади. Манзилга беш метр қолгандагина йўлни электр нури ёритади. Йўловчи автомобилларни учратади, унинг тепасидан самолётлар учиб ўтади. Ниҳоят, у манзилга етиб келади. Даҳшатли гулдуросни эшитади, Хиросима узра кўзиқоринга ўшаш, қонталаш куюн кўпади. Йўловчи ҳорғинлик билан теварак-атрофга назар ташлайди (йўл олис эдида): у фазога учган одамни кўради, қудратли атом кемалари остида қасирлаб синаётган минг йиллик музликларни кўради, бу музёар кема Ер шарининг чўққисига — Шимолий Кутбга етиб борганига гувоҳ бўлади... Шундай қилиб, сўнги бир неча метр мобайнида инсониятнинг аввалги тараққиёт йўлида содир бўлганидан кўпроқ ўзгаришлар рўй берибди. Мана шу ўзгаришлар суръати сусаяди деб ўйлаш кулгили бўларди. Йўқ, тезлашади... Шундай қилиб, яна боьги саволимга қайтаман: ҳаётини вазиятлар мана шундай тезкор суръатлар билан ўзгариб, алмашиниб турган бир шароитда бировга андак бўлса-да ҳаёт илмини ўргатиб бўладими? Бўлади, деб жавоб беришга журъат қиламан. Фақат бунинг учун одам умумбашарий марафоннинг йўналишини белгилаб келган, белгилаётган ва бундан кейин ҳам белгилайдиган асосий қонуниятларни ўзига яраша тушуниб олмоғи лозим. Ҳа, гўдак катта одамнинг тақдирини белгилайди. Бу афсона эмас, ҳақиқат. Бу чигал калава учини топишининг бирдан бир йўли — бола катталарнинг тажрибасига таяниши керак. Катталарга ҳаётнинг ташқи шакллари жуда яхши маълум. Лекин улар болага буни ўргатишмайди, балки умуман ривожланиб бораётган ҳаётнинг маъносини, моҳиятини, йўналишини ўргатишади. Бу эса ғоятда муҳим. Шундагина бола катта одамнинг бўлғуси ҳаётига, ўзининг келажакдаги ҳаётига тўғри йўналиш бера олади.

Шундай бўлдики, мен укаларингга қараганда сен билан кўпроқ мулоқатда бўлдим. Укаларингни сендан кам кўрмайман. Бироқ сен билан, тўнғич ўғлим билан гаплашинини маълум кўрдим. Чунки укаларинг билан сен гаплашсанг яхшироқ бўлар, деб ўйлайман. Ҳар ҳолда, уларга сенинг тажрибанг яқинроқ.

Қани, энди йўлга чиқайлик.

## ҲАЁТНИНГ ШАХМАТ ТАХТАСИ

«Қуш парвозга яратилгандай, инсон бахт учун яратилган». Бу ҳикматни бир вақтлар ажойиб ёзувчи Короленко дунёга тортиқ этган эди. Бу иборادا инсоният ўз ривожини давомида тўплаган

жамики гуманистик тажрибанинг қаймоғи тажассум топган. Бошқача фикрни тасдиқловчи қудратли тафаккур оқимлари (масалан, черков) бўлганини ва ҳозир ҳам борлигини гапириб ўтирмайман. Сен билан биз ўз эҳтиёжларимизга ҳам, социалистик жамият принципларига ҳам, инсониятнинг порлоқ келажакли ғолибона ҳаракатига ҳам таянамиз. Шундай қилиб, мен отанг сифатида, фарзандларига фақат яхшилик тилайдиган дунёдаги барча ота-оналар каби, сенинг бахтли бўлишингни истайман. Уйлайманки, сен ҳам шуни тилайсан. Худди мана шу ўринда бениҳоя мураккаб бир савол кўндаланг бўлади: хўш, бахт дегани нима? Одамнинг бутун умри шу саволга қандай жавоб беришига боғлиқ. Масалан, бир одам — айтилик, Плюшкин — оқсоч қизни алдаш билан бахтиёр. Бошқа одам эса, айтилик, Данко — ўзгаларга юрагини фидо этгани учун бахтиёр. Иккови ҳам бахтиёр, лекин уларнинг бахт ҳақидаги тасавури батамом бир-бирига зид.

Инсоннинг ҳақиқий бахти нимада эканини аниқлаш фавқулодда муҳим нарса, чунки ҳаётдаги қолган нарсаларнинг ҳаммаси бемуасна шунга боғлиқ. Албатта, кўпгина одамлар бу масалада бош қотирмай яшайверишади. Аммо, бахт ҳақида онгли тасавурнинг йўқлиги бундай одамлар инсоннинг бутун ҳулқ-атворини белгилайдиган нуқтаи назардан батамом маҳрум деган маънони билдирмайди. Одамнинг жамики хатти-ҳаракатини бир жойга тўплаб, уларнинг йўналиши кузатилса, бу йўналишни нима ва қандай белгилаш маълум бўлади.

Ҳозир мен сенга ғоят муҳим бир гапни айтаман. Бу гап «бахт» деб аталган ўзак масалани ҳал қилиш учунгина эмас, сен кейинчалик муқаррар тарзда ҳаётда дуч келадиган барча муаммоларни ечиш учун ҳам муҳим. Айтадиган гапларим қулоғингга қаттиқ ўрнашиб қолиши учун мисол тарзида шахматни келтираман. Сен билан биз шахмат тахтаси устида кўплаб соатларни ўтказганмиз. Бу соатлар бизга қанчадан-қанча эхтирослар, кечинмалар инъом этган, чинакам гўзалликдан лаззатланганмиз. Нима учун? Буни ўйлаб кўрганмисан? Менимча, гап шундаки, майли, кичрайтирилган бўлсин, майли, соддалашган бўлсин, майли, воқеликдан олис туюладиган даражада маъхум бўлсин, барибир, шахмат — воқеликнинг модели, ҳаётнинг модели. Албатта, ҳаёт улкан, мураккаб, уни қамраб олиб бўлмайди, лекин шахматга асос бўлган принциплар маълум даражада ҳаётимизда ҳокимлик қиладиган қондалар системасини акс эттиради. Такрор айтаман, анча умумлашган тарзда акс эттиради. Шахматдаги энг муҳим, асосий қоида шуки, ўз шоҳингни омон сақлаб, рақибинг шоҳини мот қилишинг керак. Ўз шоҳингни ҳимоя қилар экансан, ўз ҳаётингнинг асосий принципларини ҳам ҳимоя қилаятгандай бўласан. Бу принциплар қолган ҳамма нарсадан ортиқ, унинг учун сен кўп нарсани қурбон беришинг мумкин, шу жумладан тахтадаги сипоҳларни ҳам аймайсан. Ҳамма нарсани йўқотиш мумкин, лекин бунинг авазига шоҳингни сақлаб қолсан, бинобарин, ғалаба қозонасан, ўз принципларингни ҳимоя қиласан. Аксинча ҳам бўлиши мумкин. Тахта тўла сипоҳ бўлатуриб, мот бўлишинг мумкин. Агар ўзинг учун энг муҳим нарсани, энг асосий нарсани ҳимоя қилолмасанг, омон сақлаб қололмасанг, сипоҳларнинг нима кераги бор?

Шахмат ҳаётнинг соддалашган тимсоли, холос. Лекин у бир нарсадан аниқ далолат беради: одам ўзи учун бениҳоя аниқ ва муросасиз тарзда «шоҳ»ни, яъни ҳаётининг асосий принципини белгилаб олиши керак. Ҳаётдаги бошқа нарсаларнинг ҳаммаси ана шу бош принципга нисбатан ғалабани таъминлашга, энг асосий принципнинг ҳақлигини, тўғрилигини тасдиқлашга ёрдам берадиган воситалар бўлади.

Биз ана масалалар масаласи — бош масалага яқин келиб қолдик — одам ўз ҳаётининг шахмат тахтасида нимани «шоҳ» деб билмоғи керак? Бу «шоҳ» тўғри танландими, йўқми? Бизнинг принципимиз тўғрими? Бахт ҳақидаги тасавурумиз сохта эмасми? Булар нима билан белгиланади? Хато қилиб кўймаслигининг шартини нимада? Фақат бир нарсада: дунёга тийрак назар ташлаш керак, уни жуда юксакдан кўра биллиш лозим. Токи сон-саноқсиз жузъий нарсалар, беҳисоб зиддиятли фактлар, чалкаш сабаблар ва оқибатлар замирида ривожланиб бораётган инсоният ҳаётининг бош йўлларини кўриш мумкин бўлсин. Ана шу бош қонуниятлардан келиб чиқиб, уларга мувофиқ тарзда ўз тасавуруларингни бунёд этиш лозим, ўзининг амалий тақдирингни яратмоқ керак.

Хўш, жамики тирик мавжудотнинг ривожини белгилайдиган умумий белги нимада?

Яхшиси, мен сенга бир қанча мисол келтирай. Сен улар учун муштарак бўлган умумий ҳуссиятни уқишга уриниб кўр.

Бугдой донаси салмоқли бошоққа айланади...

Семга балиғи уруғ ташлаш учун минглаб тўғонлар оша олиб йўлни босиб ўтади...

Мана, яна бир ажойиб ўзгариш — сертук қурт гуллардан гулларга кўчиб юрадиган рангдор капалакка айланади...

Бирор нима уқдингми? Йўқми?

Ундай бўлса, яна бир мисол келтирай. Эсингдами, иккимиз бир куни кўчада кетаётиб, тасодифан асфальтнинг бир жойи кўпчиб чиққанини кўриб қолдик. Кейин асфальт ёрилди. Бориб қарасак, унинг ёрилган жойидан кўзиқорин ўсиб чиқибди.

Менимча, энди ҳамма гапга тушунгандирсан: бу ҳодисаларнинг ҳаммаси учун муштарак бўлган нарса шуки, улар ўзларидан мавжуд ички имкониятларни рўёбга чиқардилар. Бу мисолларнинг ҳаммаси ҳаётнинг енгилмас қудратидан далолат беради. Бу қудрат туфайли уруғга, куртакка жо бўлган ички программа рўёбга чиқади. Юқоридаги мисолларнинг ҳар бирида тирик мавжудот бениҳоя зўр қудрат билан ўз моҳиятини намоён этишга интилади.

Албатта, бу биологик қонуният одамларга ҳам тааллуқли. Инсон жамики тирик мавжудот каби ўз имкониятларини тўла рўёбга чиқаргандагина ўзини бахтли ҳисоблайди.

Бироқ, инсон шунчаки тирик мавжудот эмас.

Албатта, инсон табиат қонунига кўра, ҳаётнинг ҳамма босқичларидан ўтмоғи керак. Яъни у ёшликни бошидан кечиради, балоғат йилларини ўтказиши керак. У насл қолдирмоғи зарур. Бироқ, булардан ташқари, инсон жониворлардан фарқ қилароқ, ўз имкониятларини онгли, фикрловчи мавжудот тарзида ҳам рўёбга чиқармоғи керак. Инсон ўзи яшайдиган жамият билан, атрофини қўраган одамлар билан, уни дунёга келтирган ота-оналари билан, ўзи дунёга келтирган фарзандлари билан чамбарчас боғлиқ. Бинобарин, у ижтимоий мавжудот сифатида ҳам ўзлигини намоён этмоғи даркор. Фақат шундагина инсон ўзини бахтиёр ҳисобламоғи мумкин. Ижтимоий мавжудот сифатида инсон бахтининг диалектикаси шундаки, ўз халқининг, ўз мамлакатининг, ўз синфининг, ўз яқинларининг ва ҳатто ўзига нотаниш одамларнинг бахтини (яъни уларнинг мавжудлиги ва тўлақонли ривожланишини) ижтимоий баркамол одам ўз шахсий бахтидан ва ҳатто ўз ҳаётидан юқори қўйишга қобил бўлади. Фикрим тушунарлироқ бўлиш учун Александр Матросов жасоратини эсингга соламан.

Айтилган гаплар инсоннинг ўз ички программасини, ўз принципларини охиригача, тўла-тўқис намоён қилишга интилиши ва имкониятлари ҳақидаги фикрга зид эмас, аксинча, уни тасдиқлайди. Амалиёт шуни кўрсатадики, шахсни ҳовлиқиб, шошма-шошарлик билан гоҳ бир томондан, гоҳ бошқа томондан ўзгартиришга уринишдан кўра, унинг характеридаги ҳоким майлларга таяниб туриб иш тутилса, кўпроқ ва самаралироқ натижага эришиш мумкин. Бир одам механизмлар билан яхшироқ ишлайди, иккинчиси — болалар билан, учинчиси формулар билан ва ҳоказо. Ҳатто нисбатан «торроқ» касблар доирасида ҳам ўз майллар ва қизиқишларига кўра янада торроқ ихтисосларга интилишни кўриш мумкин. Масалан, баъзи учувчилар азрофлот линияларидаги ишга кўпроқ қобил бўлсалар, бошқа учувчилар қирувчи авиация соҳасида хизмат қилишга мойил. Шунинг учун ҳам, одамдан катта жасорат ва масъулият талаб этиладиган шароитларда ихтиёрлиқ принципига амал қилинади, чунки бундай ҳолларда мажбурийлик яхши самара бермайди, аксинча, зарар келтириши мумкин, холос.

Шундай қилиб, ҳам биологик, ҳам ижтимоий мавжудот сифатида инсоннинг бахти — ўз-ўзини намоён этишда, ўзида мавжуд имкониятларни рўёбга чиқаришда. Биласан, модомики, инсон имкониятлари ҳақда гап кетар экан, ҳар бир айрим одамга жамият яратиб берадиган шароит масаласи фавқуллода аҳамият касб этади. Бундай шароитсиз одам ўзидаги мавжуд имкониятларни тугал рўёбга чиқара олмайди. Ўз-ўзидан маълумки, агар жамият барча аъзоларининг истеъдод ва қобилиятларининг гуллаб-яшнашига ёрдам берса, бундан битта шахсгина эмас, шу жамиятда яшайдиган ҳамма одам наф кўради. Келажақда яратиладиган коммунистик жамиятнинг асосий мақсади — «инсоний кучларнинг ривожини» экани ҳақида К. Маркс «Капитал» китобида ҳам ёзган эди.

Сендан яна бир бор илтимос қиламан, бундан кейинги

жамии мулоҳазаларимиз учун ғоят муҳим бўлган шу фикрни хотирингда сақлаб қол: одамнинг бахт-саодати — биринчи навбатда, пассив тарзда ташқаридан таъсирланиш эмас, балки ўзида мавжуд ички имкониятларни ривожлантиришда (албатта, буни рўёбга чиқаришга имкон берадиган шарт-шароит мавжуд бўлганда).

Шундай қилиб, биз жуда муҳим бир нуқтага етиб келдик. Бу нуқта жамики ахлоқ ва жамики идеологияни икки асосий қисмга ажратади.

Улардан бирининг моҳиятини бойликларни меъёридан ортиқ ва ҳадсиз истеъмол қилиш психологияси ташкил этади. Бошқача айтганда, шахмат тахтасига шоҳ қилиб, етакчи принцип қилиб турли-туман бойликларни ёхуд буюмларни истеъмол этишга бағишланган ҳаёт қўйилади. Бошқа қудратли оқим эса, бойликлар ва буюмларни зарурий воситалар сифатида табиий истеъмол қилишни инкор этмаган ҳолда, инсоннинг жамики ички имкониятларини рўёбга чиқаришни, унинг жамики ички кучларини ривож топтиришни асосий принцип деб билади. Бир ҳолда ташқи муҳит неъматларини амалда екланмаган тарзда истеъмол қилиш ҳаётнинг маъносига айланади, иккинчи ҳолда эса — ҳаётнинг маъносини ўз ички программасини ҳар томонлама амалга ошириш принципи белгилайди.

Нима учун асосий мақсад қилиб олинган истеъмолчилик жамики тирик мавжудот ривожининг асл қонуниятига зид эканини тушуниб олгандирсан? Яна шуниси ҳам борки, истеъмолчилик психологияси инсоният ривожининг амалий имкониятларига ҳам зиддир. Бу психология инсониятни боши берк кўчага киритиб қўяди. Ҳозир ана шу масала устида тўхталамиз.

Буржуа жамиятида истеъмолчилик ёки, бошқача айтганда, буюмлар ва ҳашамат учун яшаш шу сабабдан тугилганки, бунда инсоннинг қадри унинг бойлиги билан ўлчанади. Бинобарин, инсоннинг яшашдан мақсади имкони борича кўпроқ пул жамғариш, ҳар хил мол-мулкка кўпроқ эғалик қилиш, умуман, кўпроқ бойликни қўлга киритиш билан белгиланади. Бу эскилик қолдиқларининг бизда ҳам мавжудлигига сабаб шуки, аҳолининг муайян қисмида онгининг ривожини жамият онгининг ривожидан сезиларли даражада орқада қолмоқда. Албатта, бошқа сабаблар ҳам бор. Лекин бу — энг муҳим сабаблардан бири. Агар моддий имкониятларнинг ўсиши доимий равишда одамларнинг маънавий ва маданий даражаси билан беқамти бормаса, биз бемалол ўта мешчанлик психологияси қаърига, буржуа психологияси қаърига тушиб қолишимиз мумкин.

Лекин, сирасини айтганда, менинг буюмпарастлигим нимага ҳалал бериши мумкин? Эҳтимол, менинг эҳтиёжларим шунча — ҳудудсиздир. Ахир, машҳур ақидамиз бор-ку — коммунизмда ҳар бир киши эҳтиёжига яраша олади.

Ҳа, шундай бўлади. Лекин, коммунизмда одамнинг эҳтиёжи истеъмолчи мешчан эҳтиёжидан буткул фарқ қилади. Одамнинг табиий мақсади нормал яшаш учун зарур бўлган битта квартира эмас, иккита, учта, ўнта квартира, йўқ — қаср, иккита қаср, деб ўйлаш гўллик бўларди. Турли-туман автомобиллар парки!.. Шаҳар ташқарисида битта мулк, йўқ, иккита, бешта мулк!.. Гап буларнинг барчаси буржуага хос орзу-ҳавас, идеаллар эканида эмас. Гап ҳатто нормал одамга бу ортиқчалар зарур эмаслигида ҳам эмас. Гап шундаки — бу фикрни кулоғинга қўйиб ол — биз истиқомат қиладиган мўъжазгина курранинг имкониятлари чекланган. Куррамиз унда яшайдиган олти, саккиз ва ҳоказо миллиард кишининг ҳар бирига бунақа ҳашам яратиб бера олмайди.

Бир вақтлар мен бир илмий мақола ўқиган эдим. Унда айтилишича, АҚШда ҳозирнинг ўзида миллионлаб автомобиль ва саноят корхоналари мамлакат территориясида ҳосил бўладиганидан ортиқроқ кислород ютар экан. Бинобарин, бу мамлакат ҳозирнинг ўзида бошқа мамлакатлар ва бошқа қитъалар ҳисобига яшапти, улар ҳисобига нафас оляпти. Ҳолбуки, АҚШда яшайдиганларнинг ҳаммаси ҳам Рокфеллер ёки Форд каби ҳаёт кечирмайди. Мана шу бадавлат мамлакатнинг ўн миллионлаб аҳолиси яшаш учун энг зарур бўлган нарсалардан ҳам маҳрум. Буни Америка статистикасининг ўзи қайд этган. Шундай қилиб, АҚШ аҳолисининг кўп қисмини уқубатга қўйган ана шу америкача ҳаёт тарзи бутун ер шарига татбиқ этилса, одамлар кислородсиз ғиппа бўёқлиб қоларди.

Бу вазиятдан қутулишнинг манتيкий йўли бор, албатта. Модомики, ҳудудсиз бойликларни ҳар битта одамга назарий,



на амалий жиҳатдан етказиб бўлмас экан, демак, уларга эгалик қилишни истаганлар бошқаларни уриб йиқитиб, талашиб-тортишиб, жонҳолатда бойликка интилиши, кўнгилга сиққанича уларни талаб, юлжи олиши керак... Бу усул қадимдан маълум, бироқ инсониятнинг порлоқ йўлига нима даҳли бор?

Лекин фараз қилайликки, ақлини йиғиб олган инсоният ҳозир курулганига сарфланаётган ва халқларга елкасига оғир юк бўлиб тушаётган ҳисобсиз маблағларни ўз фаровонлигини ошириш учун сарфлай бошлади. Фараз қилайликки, ҳар нарсага қурби етадиган илм-фан экология гоёларни энгиб ўтиш чорасини топди ва инсониятга энергия манбаларини кескин кўпайтириш йўлини ўргатди. Фараз қилайлик, техника ҳам биосферага зарар етказмаган ҳолда инсониятга ўз моддий ресурсларини ошириш имконини берди...

Хўш, унда нима бўлади? Орзу-ҳаваслар, идеаллар яна аввалгидай қолаверадими? Яшаш учун битта квартира эмас, ҳар бир одамга кўп қаватли уйми?! Еки қасрми? Ҳар шаҳарда ҳар одамга биттадан қасрми?! Наҳотки, шахсий бойликларни шу тарзда миқдорий кўпайтириш — инсон ва инсоният тараққиётининг бош мақсади бўлса? Ана шундай миқдорий меъёрлар (менинг машинам бешта, сеники атиги иккита, бинобарин, сен чала одамсан; менинг элликта костюмим бор, сеники эса — икки юзта, демак, сен асл одамсан) капиталистик жамиятнинг, ҳудудсиз истеъмолчилик жамиятининг қиёфасидан тўғридан-тўғри кўчириб олинган нусха эмасми? Мешчан одамнинг энг катта хатоси шундаки, унинг тасавурида коммунизмда эҳтиёж ва истеъмол деган тушунчалар бир-биридан фарқ қилмайди. «Ҳар бир одамга эҳтиёжига яраша» дегани мутлақо «ҳар бир одамга бир уюм олтин» деган маънони билдирмайди. Ҳар одамга бир уюм олтин принципи — инсоният ҳаракат қиладиган бош йўл бўла олмайди. Ўз фарзандларини хоҳ ихтиёрий, хоҳ ғайриихтиёрий тарзда истеъмолчи қилиб тарбиялаётганлар, уларни фақат буюмпарастликка, ҳашамбозликка ўргатаётганлар жуда катта хатоликка йўл қўйишяпти. Бунинг оқибати вой бўлади. Улар ҳаётнинг асосий бойликлари сейфларда, гардеробларда, гаражларда яширинган эмаслигини тушуниб етганларида табиатларни, тасавуруларини ўзгартириши гоёт машаққатли бўлади... Борди-ю, тушуниб етишмасачи? Ундан бунинг маъноси шу бўладики, ҳозирча бир қисм одамлар одам бўлишмади, ўзларида мавжуд имкониятларни рўёбга чиқаришмади, яъни ҳаётларини қашшоқлаштиришди. Жамият ҳам одам бўлолмаган фалонча одамдан маҳрум бўлди. Ана шуниси алам қилади кишига. Чунки ҳар биримизнинг камолимиз бошқа одамларнинг ҳам камолига боғлиқ. Ҳозирги жамиятда биз ҳаммавийқ бир-биримиз билан зоҳиран кўзга ташланмайдиган, лекин амалда жуда пишиқ, узилмайдиган иплар орқал боғланиб кетганмиз.

## ШУБҲА ҚИЛИБ КЎРАЙЛИК...

Биласан, ўғлим, Карл Маркс «Ҳамма нарсага шубҳа билан қара» деган иборани яхши кўра экан. Бу — ажойиб ҳикмат. Унинг маъноси ҳамма нарсага қаторасига инкор қилишда эмас, балки таҳлилий тафаккурнинг аёвсиз қудрати билан ҳақиқатга хилоф бўлган жамики сохта нарсага итқитиб ташлашдир. Токи бунинг оқибатида соф ҳақиқатнинг, таяниш мумкин бўлган ва ҳеч қачон панд бермайдиган бирдан бир ҳақиқатнинг чинакам нуқралари қолсин.

Шундоқ экан, кел, ўғлим, биз ҳам бахтиёр бўлишнинг асосий шarti — мол-дунёга интилиш эмас, буюмларга ҳадсиз истеъмолчилик назари билан қараш эмас, балки ўзлигини намоён қилиш, инсоннинг ички имкониятларини рўёбга чиқаришдир, деган фикрга шак келтириб кўрайлик. Лозим бўлса, унга зарур аниқлик киритайлик.

Ўзлигини намоён қилиш, ўзининг ички имкониятларини рўёбга чиқариш...

Дарҳол бир савол кўндаланг бўлади: ички имкониятлар қандай бўлади? Уларнинг қайси бирини рўёбга чиқармоқ керак?

Эсингда бўлса керак, бир вақтлар «Комсомольская правда»

газетасида рақс майдончаси масаласида мунозара ўтказилган эди. Баъзи бир мақолалардан ёши ўн тўрт ва ундан ошган айрим ёшларнинг ғалати қиёфаси намоён бўлган эди. Улар учун ўзлигини намоён этиш дегани бошқалар кўнгилхушлик қилиб дам оладиган жойга кайф билан келишдан, кимларнидир туртишдан, кимларнидир ҳақорат қилишдан иборат (бундайларнинг афт-башараси дружиначилар сифатида сен билан бизга газетасиз ҳам яхши таниш). Бундай тасқаралар қай йўл билан бўлмасин, таваракдаги одамларнинг диққатини жалб қилсалар, шундан мамнун бўладилар (вақт бекор кетмайди!). Уларнинг маънавий қиёфаси шунчалик ночорки, девадй йиғит одамлар олдида тап тортмай қиз болага қўл кўтараверади. Лекин бундан ҳам таажжублироқ жойи шундаки, рақс майдончасидаги ана шундай муҳитдан мамнун қизлар ҳам бор. Улар ҳатто бояги маймунсифат тасқараларни чин қалбдан ҳимоя қилишга ҳам тайёр. Бу қизлар ҳам шу тарзда умргузаронлик билан ўзларини намоён этишад.

Аёл кишига, инсоният ҳамиша муқаддас билиб келган бўлғуси онага қўл кўтариш билан ўзлигини намоён қиладиган эркак... Шу хулқ-атвори табиий деб биладиган, унда ҳеч қандай нуқс кўрмайдиган аёл... Бундан ҳам ортиқроқ розолат ва ғайрининсонийлик бўладими? Бу ҳатто итнинг ривожланиш даражасидан ҳам тубан ҳолат. Сена маълум — ҳайвонларнинг эркак ҳеч қачон урғочисига озор бермайди.

Кўриняптики, кимгадир маъқул келса-да, ўз-ўзини намоён қилишнинг ҳар қандай тури ҳам жамиятга манзур бўлавермайди. Яна айтиб қўяй: шундай одамлар бўладики, сассиқ алафдай ўз ҳаётини сира ўйламай яшаверади. Бундайларнинг даражаси ҳақида гапирмай ҳам қўя қолайлик. Онгли равишда ўз ҳаётининг шахмат тахтасига ёмонликини, ёвузликини шоҳ қилиб танлаганлар-чи? Мен профессионал жиноятчиларни назарда тутаяпман. Жиноятчилар дунёсининг ўз қонунлари бор. Унга амаж қиладиганлар ўзларининг ҳақлигига ишонган ҳолда энг ёвуз, энг шафқатсиз жиноятлардан ҳам қайтмайдилар.

Мен Алексей Фролов деганидан бир ёш йигитга, ёш бўлса-да икки марта судланиб улгурган йигитга ёзган мактубини ўқиб қолган эдим. Алексей Фролов ўзи бир вақтлар ўғри бўлган, кейинчалик эса, кўркинчи ва аламли ҳаёт тажрибаси таъсирида бу йўлдан қайтган. У шундай деб ёзади: «Менинг маънавий тасавуруларимда нималардир чатоқ экани, кимларнидир хафа қилганим, кимларгадир жафо етказганим хаёлимга ҳам келмасди... Узимча жуда мағрур эдим. Унча-мунча жиноятчинини ўзимга тенг кўрмасдим: безорилардан, майда ўғрилardan, қизларга тажовуз қиладиганлардан, ўғирлик молни олиб-сотадиган кимсалардан нафратланардим. Бироқ, улар виждонсиз, разил бўлгани учун эмас, ўғрилик бобида мендан бир табақа паст тургани учун нафратланардим.

Умрим турмалар ва колонияларда ўтарди. Мен қочардим, яна ўғирлик қилардим, кўпроқ магазин ва омбулларни босардим, қўлга тушиб, яна турмага қайтардим. Турмада ётишни, турма ҳаётини, ундан қочини норма ҳодиса деб билардим. Қочининг ўзича гашти бордай турюларди. Эркинлик менга фақат бир нарса учун — яна ўғирлик қилиш учун зарур эди. Қочилар, судланишлар бизга орден олгандай гап эди...

Ҳа, менга гўё ҳамма нарса шундай равшан эди. Мен ўғрилари бирдан бир жўмард одамлар деб билардим. Саводсизлигим билан фахрланардим. Менга бир классик ёзувчининг асарини ўқишни тақлиф қилишганда роса қаҳ-қаҳ отиб кулганман: «Мендек ўғрига аллақандай ёзувчи нимани ўргата оларди?»

Мана, энди қириб турибман: одам қанчалик нодон бўлса, шунчалик ўз билганидан қолмас экан. Бундай кимса дунёда бошқача фикр ҳам бўлишини ақлига сиғдиролмайди. Шунга сари шафқатсизроқ бўлади».

Жиноятчилар дунёсида амаж қиладиган бу принциплар яна жиндай ривожлантирилса, бутун-бутун халқларни қириб ташлашга чоғланган гитлерчи босқинчиларнинг принципларига айланади-қолади.

Одам ўзлигини шу тарзда — шафқатсизликда, бағритошликда намоён этадими?

Бир куни «Советская культура» газетасида унутилмас бир сурат босилди. Бундан олдин ўша суратни бутун дунё газеталари эълон қилган эди. Унда бир бола тасвирланган. У катта одамлар даврасида қўлида калтак билан койотни савалаб ўлдиряпти. Унинг ёнида бир неча жониворнинг ўлиги ётибди.

Чўқмор ушлаган полициячи боланинг ҳаракатини ҳузур қилиб кузатиб турибди. Зарур бўлиб қолса, у дарҳол болага ёрдамга келади, унга йўл кўрсатади. Суратни изоҳлаб редакция шундай деб ёзади: «Бу боланинг келажакда ким бўлиб етишинини ҳозир айтиб бериш қийин, лекин бу сурат дорга тортилган қурбонларини завқланиб томоша қилиб турган жаллодларнинг суратларидан даҳшатлироқ».

Инсонга шафқатсизлик, мамлакатга, ўз мамлакатинингга шафқатсизлик... «Қора бизнес» сарлавҳали суд очеркини ўқийлик. Морозов деган кимса ўз тасаввурича ширин турмуш кечириш мақсадида тарихимиз мулкани, сон-саноксиз маданий бойликларни ажнабийларга пуллаб юборади. Роҳат-фароғатда, ҳашамат ичида яшайман деб ўз халқини талайди. «Сувараклар» деб аталган бошқа суд очеркини ўқийлик. Унда ҳам маданий бойликлар — расмлар, китоблар, заргарлик буюмларини чет элликларга сотилгани ҳақида гап боради...

Булардан чиқадиган хулоса битта: биз чинакам инсоний бахт ҳақида гапирганимизда ҳар қандай ўз-ўзини намоён қилишни, ҳар қандай шахсни назарда тутмаймиз. Ҳамиша шахсий бахтни, шахсий имкониятларни рўёбга чиқаришни халқ, жамият, инсоният бахти билан боғлиқ ҳолда олиб қараш керак.

Энди яна бир муаммага мурожаат этайлик: хўш, борди-ю, одам ҳеч қачон Жиноят мажмуасига хилоф иш қилмаса, бироваг ёмонлиги тегмаса, меҳнатсевар бўлса, яхши бўлса, жамиятнинг итоткор, интизомли аъзоси бўлса-ю, лекин бутун ҳаётини истезмолчиликка, ҳузур-ҳаловат кўриш мақсадига бўйсундирса, ўз бахтини фақат шунда кўрса — бунинг нима зарари бор? Умуман, «чиройли» турмушнинг нимаси ёмон? Ахир, шунча йиллик курашимиз шунинг учун эмасми?

Йўқ, шунинг учун эмас.

Албатта, одам буюмлардан ва қулайликлардан фойдаланса, бунинг ёмон жойи йўқ. Буюмлар ва қулайликлар улاردан фойдаланиш учун яратилади. Ёмон жиҳати шундаки, инсон ҳаётининг шахмат тахтасига шоҳ қилиб буюмлар ва ҳашамлар қўйилади. Агар бу принцип етакчи, ҳаётда ҳамма нарсаи белгиловчи бош принципга айланса, бошқа принципларнинг ҳаммаси унга тобе ҳолатга тушиб қолади.

Бир законлар шундай шароитлар бўлганки, масалан, натурал ҳўжаликда деҳқон эртаю кеч бир тишлам нон топишни ўйлашга мажбур бўлган. Лекин ҳозир — ишлаб чиқариш қучлари фоят ривож топган бир шароитда фақат моддий ташвишлар даражасидан кўтарилмаган одам жуда галати кўринмайди? Бундай одамнинг ҳамма нарсага ўз муносабатлари ибтидий жамият давридагига ўхшаш натурал айрибошлал принципларига қурилади. Фақат, сотиладиган ё харид қилинадиган буюмлар энди бошқача: мен сенга япон куртқасини топиб берман, сен менга — америка жинси шимини; мен сенга санаторийга путёвга тўғрилайман, сен кизимни институтга жойлайсан; мен сенга... Лаббай? Сенда таклиф қиладиган ҳеч нарса йўқми? Бирон ноёб буюм топилмайдими? Ундай бўлса, сени бошимга урамани? Нима керагинг бор?!

Боғ яхшими ё помидор етиштирадиган иссиқхонами? Қайси бири кўпроқ даромад келтиради ўзи? Иссиқхонами? Ундай бўлса, олмасорни йўқотамиз, ўрнига иссиқхона кураимиз. Помидор бизнесини уюштирамиз?!

Ҳар хил дўст-биродарларга, қариндош-уруғларга вақт сарфлаш керакми ё бунинг ўрнига жон-жаҳд билан пул топиш йўлини қилиб, машина сотиб олган афзалми? Ҳамма нарса машина учун!..

Кўнглинг ёқтирган қизни афзал қўриш керакми ё ота-онаси бадавлатроқ, сепи дурустроқ қиз яхшими? Албатта, сепи дурустроқ, квартиралари қиз маъқул-да...

Бундай қарашлар жўн, шафқатсиз қарашлардир.

Бундай тасаввурларнинг, бундай принципларнинг ҳам шахсий, ҳам ижтимоий зарари шундаки, уларга амал қилувчи кимсалар ўзларидаги олий имкониятларни эмас, ибтидий одамга хос бўлган имкониятларни рўёбга чиқарадилар.

Узлигини «иссиқ ва совуқ» даражасида, ранг-баранг латта-путталар, ҳашам даражасида намоён этмоқ — ўз-ўзини Инсон сифатида эмас, энг қоқоқ бир махлуқ сифатида намоён этишдир.

Бироқ, одам бўлиб одам бўлолмаган, бутун умри давомида кўнгил уйининг ташқи деворларини безаш билангина яшаганларнинг касофати фақат шу тоифа кимсаларга урмайди. Улар танлаб олган «шоҳ» қонунга хилоф иш қилмаса-да,

унчалик беозор эмас. Мана, ўзинг ҳукм чиқар. Мен сенга Анна хола ҳақида гапириб берай.

## АННА ХОЛА ҲАҚИДА ҲИКОЯ

Очликдан кўларим кўр бўлиб қолганда мен ўн икки ёшларда эдим. Кейинроқ буни сенга батафсил гапириб берарман. Бу воқеа бир минг тўққиз юз қирқ иккинчи йили содир бўлди. Ушанда онам иккимиз Волга бўйига эвакуация қилинган эдик. Езга қиқиб кўзим яна кўрадиган бўлиб қолди. Лекин тарашадай қоқсуяқ эдим. Қоринни тўқлаш гамида колхозга ишга ёлланиш учун июнда қишлоққа жўнадим. Колхозга мени жон-жон деб олмоқчи бўлишди — ишчи кучи етишмасди, лекин меҳнат кўнига ҳақни фақат кузда беришар экан. Мен кузгача кутолмас эдим. Шунда одамлар менга раҳми келиб, Анна холага ёлланишни маслаҳат беришди. Анна хола Смирнова Волга бўйидаги Усть-Курдюм деган бадавлат қишлоқда истиқомат қилар экан. У мени ишга олишга рози бўлди ва меҳнатим эвазига кўнига икки марта, якшанбада эса уч марта овқат билан таъминлашга ваъда берди. Қиладиган ишим — қудуқдан сув тортиб, Бодринг полизани суғориш керак.

Усть-Курдюм банд тепаликка жойлашган. Волга соҳили дўнг, эллик метрча келади. Ҳовлидаги қудуқ ҳам жуда чуқур — эллик метрдан ортиқроқ эди. Анна холагинг полизани эса икки минг квадрат метр, яъни йигирма сотих жойни эгалларди. Шунча майдоннинг ҳаммасига бодринг экилган. Жазирама саратонда мен ҳар куни икки маҳал — эрталаб ва кечқурун биронта бодринг тупини қолдирмай суғориб чиқишим керак эди.

Қарасанг суви кўринмайдиган чуқур қудуқ тубидан ҳар куни юз челақ сув тортиб чиқармоғим, уларни пушталарга олиб бориб бодринг тулларига қўймоғим лозим эди. Эрталабки ва кечқурунги суғориш орасида эса бодринг пояларини силкитиб, чангини қоқишим керак эди. Шундай қилинса, қуёш бодринг баргларига кўпроқ таъсир этар ва бодринг кўпроқ шира боғлар экан. Анна хола агротехникани зўр биларди. Шундай қилиб, мен нимжон қўлларимда сув ташиб, бодрингларни суғора бошладим.

Анна хола агротехникадангина эмас, психологиядан ҳам тузуккина хабардор экан. Шаҳарликлар ҳаммининг хаёлидан кўтарилиб кетган, яқин ўтмишдаги тинч ва бахтли кунларни эслатиб турувчи бодрингни қанча нарх қўйманг, бажонидил сотиб олишар экан. Анна хола буни аввалдан яхши биларди. Шунинг учун ҳам ўша кезларда оч одамларга жуда ҳам зарур бўлган картошка, пиёз, сули ё арпа экмай, фақат бодринг эккан. Чунки улاردан фақат бир марта ҳосил олиш мумкин, холос, бодринг эса кетма-кет етишаверади. Волга бўйида қуёш тафти етарли, суғориб турсанг бас.

Шундай қилиб, Анна хола шаҳарга қоп-қоп бодринг олиб бориб, у ердан қоп-қоп пул билан қайтарди. Бир куни эса, олиб борган бодрингининг пулига ялтираб турган яп-янги велосипед олиб келди. У пайтларда бунақа велосипеднинг баҳоси осмон баравар эди.

Мен бўлсам чархни ғижирлатиб сув тортиб, худди тош солингандай зил челақларда сув ташганим ташиган эди. Кун сайин, ҳафта сайин дам олиш нималигини билмай, силлам қуриганча ишлардим. Рост, бир куни Анна хола нимадандир хурсанд бўлгани учун менга бир ҳовуч жизза берди — бунақа нарса еб ўрганмаганим учун роса қийналдим. Яна бир куни якшанбада қайиқда оролга бориб келишга рухсат берди. У ерда онам иккимиз қишлоққа деб бир халта ёввойи пиёз йигдик. Ҳолбуки, Анна холагинг тубсиз сандиғига жой бўлаётган минг-минглаб пул ердан ўзича ўсиб чиқаётгани йўқ, менинг машаққатли меҳнатим эвазига келаётган эди.

Менинг кўз ўнгимда тонг ёруғидан ярим кечагача колхозчилар — аёллар, майиблар, қариялар, ўспиринлар фидокорлик билан, жонини аямай меҳнат қилишарди. Улар кўчириб келинган шаҳарликлардан борларини аямасдилар. Анна хола

эса, фурсатни ганимат билиб, пул, молу дунё йиғиш билан банд эди...

Душман Саратовни ҳар куни бомбардимон қиларди. Крекинг-завод ўт ичида. Минглаб тонна нефтнинг қора тутуни осмонни қоплаган. Самолётлар тўхтовсиз Сталинградга учади. Қонга беланган мамлакат сўнги сарҳадда жанг қилмоқда. Анна хола эса, сира қанда қилмай, ҳафтасига икки марта бозорга бодринг тағийди. Ва ҳафтасига икки марта бозордан қопда пул билан ёхуд латта-путта билан қайтади. Ана шунда, ўғлим, хусусий мулкчи қанақа бўлишини, унга на ахлоқ, на халқи, на мамлақати, на олижаноблик, саховат писанд эмаслигини ўз кўзим билан кўрган эдим. Ушандан бери мен кўпгина доно китоблар ўқиб чиқдим. Уларда рақамлар ва фактлар билан, тарихий далиллар билан капитализм инсонийликка ёт тузум экани исботланган. Бироқ бу китоблар менга ангиллик бергани йўқ. Менинг кўз ўнгимда Анна хола турарди. Мен у пайтларда гўдак эдим, Анна хола эса, бола меҳнатидан ҳазар қилмай, мени ҳаётимни ўйламай, пул ясагани ясаган эди. Ҳа, пулнинг ҳиди бўлмайди. Пул ҳар нарсадан ортиқ. Фашистлар Сталинградга бостириб келишмоқда. Анна хола эса бодринг сотиб, мен тубсиз чуқурликдан машаққат билан тортган челақ-челақ сувни тиллага айлантиради. Усть-Курдюмга бот-бот қорахатлар келиб турибди, яқиндан ажраган аёлларнинг фарёди оламни бузади, Анна хола эса, бунга парвойи фалақ, пул тўплашдан тўхтамайди. Бир нарсага эътибор бер, ўғлим: сирасини айтганда, Анна хола қонунга хилоф иш қилгани йўқ, болани ишлатган бўлса нима кипти — уни асраб олган, унга бошпана берган, очликдан сақлаб қолган... Хусусий мулкчилик жуда катта қудратга эга, лекин бу аксилинсоний қудратдир. Айтгандай, сен бир мақолани ўқиган эдинг, шекилли. Унда бир шоввоз боғдор боғига кириб қолгани учун ўспирин болани хола билан бошига уриб ер тишлатгани, бола ўзига келмай, қишлоқ касалхонасида жон бергани ёзилган эди. Уша шоввоз атиги ўттиз ёшда экан. Эҳтимол, у Анна холанинг ўғлидир...

Битта одамнинг ҳам, бутун-бутун халқларнинг ҳам қонини тўкиб, ўлимга маҳкум этиб фойдага, даромадга интиладиган сармояннинг қундалик ҳаётда нақадар шафқатсиз бўлишини мен китоблар орқали эмас, кўз ўнгимда яққол тасаввур қиламан. Шу туфайли ҳам Октябрь мен учун энг инсоний инқилобдир. Чунки инсоният тарихида биринчи марта ўлароқ айрим шахсларнинг даромади ва давлати эмас, бутун халқнинг фаровонлиги биринчи ўринга қўйилди. Жаҳон тарихининг шахмат тахтасида биринчи марта «шоҳ» ўзгарди. Белгиловчи бош принцип янгиланди...

...Кузда шаҳарга қайтганимдан сўнг онам мени тикувчилик фабрикасига шогирдликка берди. Менга ишчи сифатида карточка берилди ва мен кунига саккиз юз грамм нон ола бошладим. Энг муҳими — цехдаги тикувчи аёлларнинг менга муносабати жуда самимий эди. Улар менга ҳар ишда кўмаклашишар, ўчиб қолган моторни юргизолмай хуноб бўлганимда ҳам мендан хафа бўлишмас эди. Улар ҳақиқий одамлар эди... Ушандан бери кўп йиллар ўтди, бироқ уларнинг яхшилиги ҳамон эсимдан чиқмайди. Кейин, биринчи синфга бордим. У пайтда болалар дала ишларида қатнашганлари учун ўқув йили ҳозиргидан бир ой кеч бошланарди.

Ўзлигини намоён этишнинг ҳар қандай тури бошқаларга керакми, йўқми деган масала ҳақида ана шу гапларни айтаман.

## СЕҲРЛИ ҚУДУҚҚА ҚАРАГАНИМ ҲАҚИДА ҲИКОЯ

Айрим одамлар, баъзан эса, афсуски, бутун бошли бир халқ ўз ҳаётининг шахмат тахтасига кўпроқ истъомолчилик принципини «шоҳ» қилиб қўйса, нега олий инсоний имкониятлар нуқтаи назаридан чеklangиб қолиши ва бу ҳодиса нега даҳшатли экани, менимча, равшан бўлса керак.

Мен мана шу маҳдудлик, сен билан биз шартли равишда

«иссиқ-совуқ» деб атаётганимиз — савия нима сабабдан бахтсизлик келтириши ҳақида батафсилроқ тўхталмоқчиман. Бу — бутун инсоният учун ҳам, ҳар бир алоҳида одам учун ҳам бахтсизликдир. Мен бу тўғрида аввалроқ гапирмоқчи эдим, бироқ Анна хола ва унга ўхшашларнинг даҳшатли моҳияти ҳақидаги фикр мени чалғитди. Мен ҳозир сенга бир воқеани гапириб бераман. Уйлайманки, ундан ҳозир гапираётган гапларим нима сабабдан менинг туб эътиқодим эканини англаб оласан. Мен бу ҳақиқатга орқаваротдан эшитиб эмас, шахсий тажрибам орқали келганман. Менинг тажрибам шундай оғир шароитларда кечганки, бу шароитлар ҳеч кимнинг бошига тушмасин. Мен бемуустасно ҳар бир оддий одам бениҳоя катта имкониятларга эга эканига амин бўлганман. Мана шу бениҳоя катта ички имкониятларни рўёбга чиқаришга интилмай яшаш — бир бўлак уран муайян шароитда бутун-бутун шаҳарларни ёритиши ва иситиши мумкин ёхуд кемалар карвонини қутб музлари орқали олиб ўтиб, одамларга озиқ-овқат, машиналар, ёнилғи етказиб бериши мумкин. Йўқ, бундай қилмаймиз, ёнгоқ чақамиз...

Мен ҳозир сенга айтиб берадиган воқеани илгари ҳеч кимга гапирган эмасман. Балки психологлар ёхуд врачлар бу воқеани изоҳлаб беришар. Билмадим. Фақат бир нарсени аниқ биламан: исталган ўртача одамнинг яширин имкониятлари ҳайрон қоларли даражада бой, уларнинг ривожини учун чегара йўқ.

Энди қулоқ сол. Бу воқеа 1942 йилнинг қишида содир бўлган. Ушанда мен ўн икки ёшда эдим. Боя айтганимдай, очликдан кўзим кўрмай қолган эди. Лекин бундан олдин жуда фаройиб бир воқеани бошимдан кечирдим.

Бир куни ухлаб қолиб, туш кўрибман. Тушимда ажиб бир енгиллик билан шеър тўқий бошладим. Эсимда, сўзлар қуёлиб келар, шеър жуда равон, фикрим тиниқ эди. Шеърда тарихнинг улкан босқичлари қамраб олинган эди. Очиғини айтсам, бу шеър эмас, бутун бошли дoston эди. Уни мисрама-мисра, бобма-боб тўқир эканман, мазмунини яхлитлигича аниқ билиб турардим.

Эрталаб уйғонганимда бир неча муддат давомида достоннинг мазмунини ҳам, тузилиши ҳам эсимда эди. Достоннинг бошидан охиригача ўтадиган баъзи бир образлар ҳам кўз ўнгимда эди. Лекин, орадан бир неча соат ўтар-ўтмас, буларнинг ҳаммаси хотирамдан ўчиб кетди. Унинг ўрнига бошоғриқ қийнай бошлади. Бошим тарс ёрилиб кетгудек, шу қадар қаттиқ оғрий бошладими, оғриқнинг зўридан кўзларим ҳеч нарсени кўрмай қола бошлади. Билмадим, бу аҳвол бир кун давом этдимки, икки кунми — ниҳоят, секин-аста оғриқ босилиб, уйқуга кетдим.

Ухлаганимдан кейин ана тун бўйи туш кўрдим. Энди тушимга ранглар ўйини кирибди. Улар ҳеч нарса билан таққослаб бўлмайдиган ажойиб ранглар эди. Гўёки мен қандайдир олий мукамаллик қонунини кашф этгандай эдим. Бутун вужудимни алланечук қувонч чулғаб олди...

Эрталаб кўзимни очгандан кейин ҳам ана шу ажиб ранглар ўйини анча вақтгача кўз ўнгимдан кетмай турди, кейин секин-аста хиралашиб, йўқолди. Бу гал ҳам аввалги аҳвол такрорланди — ана бошоғриғи бошланди. Оғриқ соат сайин кучайиб борарди. Бош оғриғи шу қадар азоб бердики, унга қандай чидаганимга шу пайтгача ақлим бовар қилмайди.

Сўнг бу оғриқ ҳам ўтиб кетди. Тунлардан бирида яна туш кўрдим. Бу галги тушим бутунлай бошқача эди. Энди ажиб бир енгиллик билан музика тўқий бошладим. Муסיқий парчалар ўз-ўзидан пайдо бўларди. Назаримда, аввалгиларидан фарқ қилароқ, бу галги тушим унча мураккаб эмасди. Лекин мен тўқийётган музика шу пайтгача қулоққа чалинмаган фаройиб оҳангларга тўла эди. Тонгга яқин оҳанглар янада аниқроқ жаранглаб кетди. Уйғонганимдан кейин ҳам анча вақтгача бу галати марш ҳаёлимдан кетмай турди. (Мен уни бир неча йил давомида унутганим йўқ.) Кейин ҳаммаси яна такрорланди.

Яна даҳшатли бош оғриғи, яна тарс ёрилиб кетгудек қалла, яна бошни қимирлатолмаслик... ақл бовар қилмайдиган азоб...

Ҳўш, кейин нима бўлди?

Кейин кўрган тушларимнинг ҳаммасини гапириб ўтирмайман. Ҳар ҳолда, мен тушимда илмининг шунақа мураккаб масалаларини кўрдимки, уларни сира қийналмай ҳал қилиб ташлардим. Кейинчалик ҳеч қачон уларга дуч келганим йўқ.

Ушанда тушларимда миям жуда аниқ, жуда тиниқ ишлаган, бу менга зўр ҳузур бахш этган эди.

Кейин нима бўлди? Кейин, шу пайтгача бўлганларидан кўра даҳшатлироқ бош оғриғидан сўнг кўзим кўрмай қолди, мен зимзиёе хонага камалиб қолгандек эдим. Лекин, ярим йилдан кейин, кўзим очилганида онадан қайта туғилгандек бўлиб кетдим...

Ким бўлиб етишдим? Дурустгина мутахассис бўлдим, шекилли. Асарларим ҳақида тақризлар ёзилади, ҳамкасбаларим уларни тилга олиб туришади, баъзан мен билан мунозара қилишади, тортишади. Ҳар қалай, ўз ишимдан мамнунман. Лекин, очигини айтганда, буларнинг ҳеч қайсисида бирон фавқуллода жиҳат йўқ. Сен билан биз биладиган танишларимиз ичида ҳар жиҳатдан мендан устун турадиган одамларни истаганча санашимиз мумкин. Уларнинг баъзилари — топкирлиги билан, баъзилари билимдонлиги билан, баъзилари фикрининг суръати ва ўткирлиги билан, баъзилари одоби ҳушфёзлиги билан, баъзилари жисмоний комиллиги билан мени йўлда қолдиради. Чамаси, мен қай бир жиҳатдандир истеъдодга эгаман, қай бир жиҳатдан эса батамом лаёқатсизман (масалан, мендан ҳеч қачон дипломат чиқмайди). Хуллас, мен оддий бир одамман. Мендақалар жуда кўп. Лекин менинг омадим бор экан — ақл бовар қилмайдиган азоб-уқубатлар эвазига бўлса-да, ноёб бир имкониятга эга бўлганман: тубида инсоннинг ғаройиб қобилиятлари яшириниб ётган сеҳрли қудуқни кўрганман, махфий йўлдан бориб, бебаҳо хазинага назарим тушган. Эртами-кечи инсоният бу хазинани қўлга киритади. Одамзод ўз сиёратида мавжуд бойликларни измига бўйсундиргач, инсон ҳаёлотни яратган тангрилардай бўлиб қолади.

Мана шунақа хазиналар борлигини билатуриб, умрни фақат қорин тўйғазишга, ҳашамга, урчишга сарфласанг, виждонинг қийналмайдими?

## БУГУНГИ ИНСОННИНГ ИМКОНИАТЛАРИ

Ҳа, қачонлардир вақти келиб, одамлар тангрилардай бўлиб қолади. Миялари қаърида яширинган беҳисоб бойликларни юзага чиқариб, улардан мукамал фойдаланишни ўрганиб олади. Лекин ҳозир ҳам табиат инсон имкониятларининг чексизлигини мунтазам равишда эслатиб турибди-ку? Бу билан табиат бизга ўзимизнинг ким эканимизни унутиб қўймаслигимиз учун, ўзимизни камситмаслигимиз учун, сўқир чувалчанг янглиғ эмас, инсон янглиғ умр кечиришимиз учун ишора қилаётгандай бўлади.

Инсон имкониятлари баъзан ғайритабиий, фавқуллода шароитларда, мураккаб вазиятларда намоён бўлади. Шундай воқеа бўлган экан: жуссаси кичик нимжонгина жувон боласини гилдирак остидан тортиб олиш учун бир силтаб, автобусни тўнтариб ташлабди. Яна бир воқеа: бошқа бир аёл касал боласини орқасига опичиб олиб, тун бўйи жунгли орқали етимиш чақирим масофани югуриб ўтибди ва қўшни қишлоққа врач ҳузурига етиб борибди. Бунинг устига, докторга бериш учун йўлда бир кўенни қувлаб, тўтиб олибди.

Инсоннинг жисмоний бардош бобидаги имкониятлари ҳақида яна гаплашамиз ҳали. Ҳозирча мен бошқа бир гапни айтмоқчиман. Табиат кўпинча бизга ҳозиргидек ўз қудратимизнинг икки-уч фоизинигина намоён этмай, инсоний имкониятлардан мукамалроқ фойдаланганимизда нималарга қодир эканимизни намоёниб этгандай бўлади.

Бунга мисоллар кўп.

1965 йили Мадриддаги Миллий кутубхонада иккита катта дафтар топилди. Бу — Леонардо да Винчининг ўн беш йил мобайнидаги ёзувлари экан. Дафтарлар етти юз саҳифадан иборат. Улар анатомик расмларга, машиналарнинг чизмаларига, куз табиати ҳақидаги мулоҳазаларга, баллистикага доир формулаларга, музыка асбобларининг табиати ва хусусиятлари ҳақидаги фикрларга тўла... Замонасидан анча илгарилаб кетган бу етти юз саҳифа буюк олим қолдирган улкан мероснинг бир қисми, холос. Леонардо да Винчи фақат Уйғониш даврининг

эмас, бутун инсоният тарихининг ҳам энг буюк рассоми бўлган.

Уйлайманки, Леонардо да Винчи олис келажакда рўёбга чиқиши, одатий ҳолга айланиб қолиши мумкин бўлган инсоний имкониятлар даражасига, инсон шахсиятининг фойдали ҳаракат коэффиценти даражасига яқинлаб қолган эди. Ҳозирча биз учун бу даража бир орзу, холос. Вужудимизни шубҳа ва иккиланишлар чулғанганда, майда турмуш ташвишлари эзиб, ҳоритиб қўйганда шу орзу бизга тиррак бўлмоғи, йўлимизни ёритиб турмоғи зарур.

Маяковскийнинг Коперник ҳақидаги сўзларини эслайлик:

Марья Ивановнанинг эрини эмас,  
Коперникни рақибим деб бил.

Ҳар тарафлама етук Гёте, ҳар тарафлама етук Ломоносовларни эсланг. Уларнинг мияси комил уйғунликда ривожланган эди. Инсон мияси худди шундай ривожланмоғи керак.

Фан, санъат, ижтимоий кураш тарихида тафаккур қудрати билан нарса ва ҳодисаларнинг теран моҳиятини англаб етган ақл эгалари — даҳолар камми? Моддий маданият тарихи ўз ишининг буюк усталари бўлмиш хунармандларни, наққошларни, денгизчиларни озмунча биладимиз?

Бу ўринда кўп нарса кишини лол қолдиради. Фикр чувалаб кетмасдан бир нарсани айтиб қўяй: ҳозир мутахассислар бизнинг фойдали ҳаракат коэффицентимизни ошириш бўсағасига қадам қўйганлар (айтишга ҳам ҳижолат бўлади киши: ҳозир инсон ўз хотирасининг бор-йўғи уч-саккиз фоиз қисминдан фойдаланади — бу илмий-техника инқилоби даврида паровознинг фойдали ҳаракат коэффицентига тўғри келади). Мана, масалан, болгар профессори Георгий Лозанов чет тилларни ўрганишда хотира имкониятларидан тўлароқ фойдаланиш учун янги методика ишлаб чиқди. Бу методикага амал қилиб, оддий одам бир дарс давомида ўнлаб, ҳатто юзлаб ажнабий сўзларни эслаб қола олади. Ҳолбуки, олий ўқув юрти программаси бир неча йил давомида атиги бир ярим-икки минг сўзни ўзлаштиришни кўзда тутуди, холос. Лозанов методикаси бўйича эса сен бу бир ярим-икки минг сўзни икки-уч ҳафта давомида эгаллаб оласан... Лозанов ўз тажрибаси билан кўникамага айланган хотиржамликни бузди. Бу тажриба бизнинг имкониятларимиз нақадар бойлигини кўрсатади. Бу иш умуммиллий кўламда йўлга қўйилса, қандай катта самаралар бериши мумкин? Тасавур қилсанми, ҳар хил тонфага мансуб ўқувчиларнинг неча миллионлаб соати тежаб қолинарди, шунчаки ёдлаш йўлидан бормай, янгича тарзда ўқитилса, қандай натижаларга эришиш мумкин эди?

Бундай имкониятлар фақат хотирамиз қаърига яширинган эмас, балки руҳиятимизнинг ҳар жабҳасида мавжуд, жамики қобилиятларимизда бор. Ахир, маълумки, карлар икки-уч қават пастдан эшитилаётган музикага бемалол рақс тушавердилар — улар қулоғи соғ кишилар илғамайдиган товуш тебранишини сезадилар. Ахир, маълумки, кўзи ожизлар баргларнинг штирлашига қараб дарахтларнинг турларини айтиб беришади.

Бизнинг ички имкониятларимиз жуда улкан, чинакамига ҳадсиз. Бевақт ҳаётдан кўз юмган мисршунос олим Мешчеряковнинг учта ёш шогирди ҳақидаги хабар бутун дунёга машҳур бўлди. Йигитларнинг учови ҳам сўқир, қар ва гунг экан. Улар ўрта мактабни битириш билан чекланмай, МГУнинг психология факультетини ҳам тугатишган ва қойилмақом қилиб диплом ёқлашган. Бунинг маънисини шуки, уларда ўзлари маҳрум бўлган сезги органлари ўрнида хид билиш, ҳис қилиш каби бошқа қобилиятлар ривожланган. Улар бизнинг назаримизда арзимас кўринадиган сигналларга таяниб, ҳозирги илмнинг чўққиларини забт этишга муваффақ бўлишди.

Ҳа, биз ҳозирча ўз қудратимизнинг жуда оз қисмини сарфлаб яшаймиз. Буни ҳамisha ёдда тутиш керак ва ўзини инсонга муносиб марраларга чоғламоқ керак. Қизиқ бир гап: мутахассисларнинг илмий тадқиқотига кўра, текшириб кўрилган бир неча минг олимдан энг сермахсуллари илмнинг бир неча соҳасига ихтисослашган, бир неча мавзуда баравар иш олиб борадиган олимлар экан. Бу маълумотлардан турлича хулосалар чиқарса бўлади. Ҳозир бу масалага тўхтамай, фақат бир нарсани таъкидлайман — демак, ишнинг самарасини оширадиган хилма-хил йўللар бор экан.

Ҳа, ҳар биримизда чинакамига ҳайратга соладиган ажойиб қобилиятлар яшириниб ётибди. Бу қобилиятларни бемалол

рўёбга чиқариш мумкин — фақат хоҳиш бўлса, бас. 1974 йили «Комсомольская правда» газетасида «Бир рекорд хроникаси» деган мақола босилган эди. Унда венгер шахматчиси Янош Слеш ҳақида ҳикоя қилинади. Бу одам бир вақтинг ўзида, тахтага қарамай эллик икки киши билан шахмат ўйнаган. Унга қарши тўрт нафар мастерликка номзод, ўн иккита биринчи разрядли шахматчи дона сурган. Қолганлар иккинчи ва учинчи разрядли шахматчилар бўлган. Янош қирқта тахтада оқ доналар билан, ўн иккита тахтада қоралар билан ўйнаган. Сеанс ўн уч ярим соат давом этган. Уйин мобайнида атиги уч марта беш минутдан танаффус қилинган. Янош ўттиз бир ўйинни ютган, ўн саккиз ўйинни дуранг қилган, атиги уч ўйинни ютказган.

Дунёда турли-туман рекордлар керагидан ортиқ. Нима учун мен бошқаларини кўйиб, Яношнинг рекордига диққатингни жалб қилмаман? Мени ҳайрон қолдирган нарса — Яношнинг шу оғир ишга қўл уришига ундаган сабаб бўлди. У шунчаки рекорд қўймоқчи бўлган эмас. У, ўзининг ўйлашича, ўлимга маҳкум эди. Врачлар унинг ўпкаси рақ касалига чалинганини, унда шиш борлигини айтишган. Шунда Янош ўзидан бир ёрқин хотира қолдирмоқчи бўлган ва инсон мияси бениҳоя оғир юкни ҳам кўтаришга қобил эканини, биз — одамлар миямизнинг ҳудудсиз бойликларидан арзимас бир улушининга фойдаланишимизни амалда исботланишни ният қилган. Шуниси қизиқи, Янош Слеш ҳатто ярим йилдан кейин ҳам ўша сеансларда ўйнаган ўйинларининг ҳаммасини эслай билган. Лекин энг муҳими бошқа нарса: ўша сеансдан кейин Яношнинг ўпкаси рентгенда кўрилганда топ-тоза чиққан. Баъзи врачлар унинг ана шундай ажойиб йўл билан соғайиб кетганига организмнинг бениҳоя катта асабий зўриқиш таъсирида ўзгаришини сабаб қилиб кўрсатишмоқда. Беистисно ҳар биримизда яшириниб ётган имкониятлар ана шунақа. Менинг бошимдан кетган бир воқеа эсингдадир. Бир вақтлар ақлдан озган бир одам билан олишиб қолган эдим. У жисмонан жуда бақувват эди. Мен ёрдам илтижо қилган кекса одамни унинг қўлидан қутқариб олдим. Шундан сўнг у бир неча марта устимга буқадай ташланди. Мен ҳам бир неча марта самбо усулларини қўллашга мажбур бўлдим. Хўш, нима сабабдан ҳозир шу воқеани эслаяпман? Олишув тугагандан кейин, уйга келиб, ваннада қўлимни юваётга қарасам, кафтимда ўша кунлари пишиб этилган каттагина чипқондан асар ҳам йўқ, унинг ўрнида сая-пал сезиладиган қизғиш доғ қолган эди, холос. Организмнинг бутун кучи хавфли олишувга сафарбар бўлган бир неча дақиқа ичида чипқон куйиб кетибди. Албатта, мен врачларга чипқонни шу йўл билан даволашни тавсия этмоқчи эмасман, фақат яна бир қарра сийратимизда ҳозирча ўзимиз идрок этмаган катта кучлар мудраб ётганини таъкидламоқчиман, холос. Қачонлардир фурсати келиб, инсоният ядро энергиясини кашф этиб, ундан фойдаланиш йўлларини ўрганиб олганидек, ўзидаги ички қудратни ҳам ҳис этади ва ундан фойдаланади. Лекин ҳозирча бу нарсага эришмаган эканмиз, кел, ҳамisha имкониятларимизни ёдда тутайлик ва ичимизда сеҳрли ҳазина бор деб билайлик.

Ўғлим, мен яна бир қарра суҳбатимиз бошида айтган гапларимга қайтаман. Она еримиз кичкина, унинг табиий имкониятлари чекланган. Космонавт Виталий Севастьянов шундай деб ёзади: «Нима учун ҳамма космонавтлар «Ер — кичкина, ер — кичкина», дейишади? Сайёраимиз чиндан ҳам ҳайрон қоладиган даражада кичик. Одам лол қолади. Эсимда бор: бу ҳақда биринчи марта Гагарин гапириб берганида ҳаммамиз учун жуда катта кашфиёт бўлган. Ҳолбуки, ҳаммамиз Ернинг ҳажми ва бошқа миқёсларидан хабардор эдик. Кейинчалик бошқа парвозлар натижасида билдикки, Ер ўлчовлари жиҳатидангина эмас, одамзод унда қандай хўжайинлик қилгани жиҳатидан ҳам кичик экан».

Бундан чиқадиган ҳулоса шуки, биз — одамлар биринчи навбатда ўзимизнинг ички имкониятларимизни рўёбга чиқаришга эътибор беришимиз зарур, акс ҳолда, фарзандларимиз кўрра заминда тирикчилигини ўтказолмай қолади.

Ана шу ички имкониятлар мавзуйига боғлиқ равишда сенга космонавтларимиздан бири тўғрисида гапириб бермоқчиман.

Мухбир ундан сўрабди:

— Агар яшашдан мақсад бахт бўлса, сиз нимани бахт деб биласиз?

— Тўғри танлаб олинган мақсадни, — деб жавоб берибди космонавт. — Ҳаёт табиатнинг гўзал неъматидир. Унга ҳиёнат

қилмаслик керак. Ҳар бир одам қаршисида иккита йўл бор — у ё шунчаки тирикчилик учун умргузаронлик қилади, ёхуд ўзини қандайдир улўғроқ нарса учун яратилган деб ҳисоблайди. Табиий чора — ижод йўлини тутиш, ўз-ўзини намоён этишга интилишдадир. Фақат, бир одам номини деворга ёзади, иккинчиси романлар ижод қилади.

Бу — Совет Иттифоқи Қаҳрамони, техника фанлари доктори, космик конструкторнинг жавоби. У ўзлигини топгунча жуда машаққатли йўлни босиб ўтган.

Ҳали жуда ёшлик чоғидаёқ у Яков Перельманиннинг «Сайёралар аро савҳат» деган китобига қизиқиб қолади ва ҳали бошқа болалар ўт ўчирувчи ёхуд разведкачи бўлишдан бошқасини орзу қилмайдиган ёшда у келажакда коинотга ўқиш билан шуғулланишни дилига тугади. Мухбирга айтишича, урушдан бир оз олдинроқ у ўқишга неча йил кетишини, ракета куриш учун қанча муҳлат зарурлигини ҳисоб-китоб қилиб қўйган экан. Ўзининг мўлжалича, у Ойга 1964 йилда ўқиши керак экан. У ҳақиқатан ҳам 1964 йилда учди, лекин Ойга эмас, Ернинг сунъий йўлдоши орбитасига учди. Бироқ унинг олис боаликдаги орзулари билан бу орзуларнинг ушалаш вақти орасида уруш ҳам бўлиб ўтди. Костя Феоктистов разведкачи бўлди. У бошлансиз дайди бола қиёфасида беш марта душман орқасига бориб келади. Олтинчи мартада эса фашистлар қўлига тушади. Мухбир Я. Голованов шундай деб ёзади: «Костя немиснинг ёқасида илонсимон бир жуфт қумуш белгини — «СС» белгисини кўрди — орадан шунча йиллар ўтиб кетган бўлса ҳам, у қумуш белгини ҳануз унутолмайди. Кўрдию бир нарсани тушунди — бу чорпаҳил фашистга кучи етмайди. Демак, унга ташланиш керак, пистолетини қўлидан уриб тушириб қочиш керак. Бошқа илож йўқ. Гитлерчи ҳам буни сезди шекилли, мўлжалга олмай унинг юзига қарата ўқ узди.

Агар Костя ҳушидан кетган бўлса, бир лаҳза кетди, холос. У чуқурга ағанаётиб юзтубан йиқилиши кераклигини англади ва шундай қилди ҳам.

Фашист бир неча муддат чуқур лабида турди-да, сўнг ғойиб бўлди. Костя секин ўрнидан қўзғалди. Қўйлаги қондан намиқиб, елимшиқ бўлиб қолган эди. Уқ жағидан ўтиб, бўйнидан чиқибди. У шовқин-суронни эшитиб, гитлерчилар қайтиб келишаётганини англади. Шунда боя қандай алфозда чуқурга ағанаган бўлса, ўша алфозда ётиб олди... Фашистлардан бири ғазаб билан бир тошни телди. Тош гурсиллаб Костянинг боши ёнига тушди... Костя туни билан эмаклаб дарё томонга борди. Кундузи ташналикдан томоғи қуриб, буталар ичида яшириниб ётди. Кейинги кеча эса дарёдан сузиб ўтиб, ўзимизникилар ҳузурига етиб келди. Бўлган ишлардан ҳисоб бергач, уни аввал медсанбатга, кейин госпиталга жўнатишди. Костя госпиталдан қочиб шериклари ёнига — разведка взводи-га қайтди. Лекин уни яна тезгина медсанбатга жўнатишди».

Қисм қўмондонлиги унга берган ҳужжатда шундай деб ёзилган: «1942 йилнинг августида душман қўлига тушган, гестапочилар томонидан отилган. Уртоқ Феоктистов гарнизон қўмондонлиги томонидан ҳукумат муқофотига тақдим этилган».

Мукофот уни узоқ излади ва кўп йиллардан кейин топди. Унга Улуғ Ватан уруши ордени ва «Германия устидан қозонилган ғалаба учун» медали топширилди. Техника фанлари доктори Феоктистов ўспиринлик йиллари бошидан ана шунақа воқеаларни кечирган. Мен сенинг диққатингни яна бир нарсага жалб қилмоқчиман: ўспирин йигит душманни алдаш зарур бўлганда бор кучи ва иродасини сафарбар этиб, гитлерчи уни сўнгги марта кўргандагидек алфозда ётиб олган.

Эсингда бўлса керак, мен бир неча кун давомида ишдан қайтгач сенга Вадим Бойконинг «Қатлдан кейинги сўз» деган китобини украинчадан сўзма-сўз таржима қилиб ўқиб берган эдим. Бу китоб — ёш йигитнинг кишини лол қолдирадиган ирода кучи ҳақида. Унда ўн олти яшар йигитнинг Германияга ҳайдаб кетилгани, концлагерлардан олти марта қочгани, гитлерчилар томонидан икки марта отилгани, лекин барибир тирик қолгани, Освенцим ўлим лагерида ўта хавфли жиноятчи сифатида махсус блокка қамаб қўйилгани ҳикоя қилинади. Фашист концлагерларидаги миллионлаб маҳбуслар учун унинг номи кураш рамзига айланади. Уни қўтқариб қолиш учун «Бургутча яшасин!» деган шиор остида халқаро комитет тузилади. Бу комитетнинг раиси ўша пайтларда Освенцимда маҳбус бўлган, келгусида Польшага бош министрлик қиладиган Юзеф Циранкевич эди. Турли миллатларга мансуб ўнларча

одамларнинг бирдамлиги туфайли бола қутқариб қолинади — унинг паттасини мурданикига алмаштириб, юк машинасида бошқа концлагерга олиб кетишади. Бу йигит дунёда газ камерасидан қочишга журъат этган ягона одам. Унинг тақдири мени шу қадар ларзага солдики, шу қадар қизиқтириб қўйдики, у билан шахсан танишишга аҳд қилдим ва 1976 йили Киевга бордим. Биз учрашдик ва бир неча кун давомида мириқиб суҳбатлашдик. Мен Вадим ҳақида яна кўпгина янги аjoyиб гапларни билиб олдим. 1945 йилда ниҳоят озодликка чиққан, Вадимнинг ваэни атиги ўттиз саккиз килограмм бўлган экан. Йигирма бир ёшга кирган эркак киши-я! Урушдан қайтиб келиб, у ўзини жисмонан чиниқтиришга аҳд қилибди. Физкультура институтига ўқишга кириб, бир қанча вақтдан сўнг акробатика бўйича спорт мастери унвонини олибди ва Украина чемпиони бўлибди. Бироқ, ўтмишда бошидан кечган воқеалар, ҳалок бўлган дўстларининг ҳотираси уни безовта қилар экан. У спортни, ўқитувчиликни қўйиб, бутунлай бошқа иш билан шуғулланишга — хотиралар ёзишга киришибди...

Бунда ҳам анча қийинчиликлар кўрибди — баъзан оч қолибди, тўғри келган жойларда тунабди, лекин ёзишдан тўхтамабди. Бир неча марта йигинларда хотираларини айтиб берибди, улар кўпчиликни қизиқтириб, одамларнинг тилига тушибди. Унга эътибор бера бошлашибди, шаҳар партия комитетига таклиф қилиб, аҳволи билан синчилик танишишибди, уй беришибди. Ниҳоят, китоби ҳам босилиб чиқибди. Ва қирқ тўрт ёшга етганда умрида биринчи марта қўлига анчагина пул тушибди. Нима деб ўйлайсан — у шунча пулни нимага харжлаган? Болаликдаги орзусини рўёбга чиқариб, пианино сотиб олибди, пианино чалишни ўрганмоқчи бўлибди. Бу шунинг нақадар қийин эканини яхши биласан. Дурустроқ чалишни ўрганиб олгунингча неча йил қийналганинг эсингда бўлса керак. Вадим Бойко эса уч ойдаёқ ўрганиб олибди... У мени ёнига ўтқазиб, қандай чалишини кўрсатди. Нотага қарамасдан, жуда таъсирчан чаларди.

— Қайси куйни чалаётганимни билдингми? — деб сўради у мендан.

— Йўқ, — дея дудмалланиб жавоб бердим. — Танишда кўриняпти-ю, лекин номини тополмаяпман.

— «Ҳасрат» деган вальс-ку! — деб хитоб қилди у қувонч билан...

Қизиқ, бу куйни Вадим аллақандай қувноқлик билан чалган бўлса, унинг «Ҳасрат» эканини билиб бўлармиди?

Бу одам шунақа одам эди. Одамзоднинг имкониятлари ҳам ана шунақа.

Инсон деган юксак унвонга муносиб кўпгина одамлар орасида яна бир киши борки, мен узоқ йиллардан бери унинг ҳаёти ва асарларини тобора кучлироқ ҳавас ва завқ билан кузатиб келаман. У ёшлигида бир вақтнинг ўзиде иккита институтда — индустриал ва медицина институтида ўқиган. Индустриал институтни имтиёзли диплом билан тугатган. Қитъалар аро учадиган самолёт лойиҳасини яратиб, уни диплом иши сифатида ҳимоя қилган. Медицина институтини ҳам зўр муваффақият билан битирган. Муҳими, бу институтни муддатидан аввал тугатган, чунки икки курсни бир йилда ўтган. Бу ерда ҳам имтиёзли диплом олган. Уни медицина институтида аспирантурада қолдиришган, бироқ у амалий жарроқлик ишига қизиқиб қолиб, аспирантурадан воз кечган ва врачлик қила бошлаган. Тахминий ҳисобларга қараганда, йигирма йиллик жарроқлик фаолияти давомида у минглаб одамларни хасталикдан халос этган. Жарроқликнинг назарий жиҳатлари ҳақида қирқдан ортиқ жиддий илмий асар яратган. Унинг ўпка хирургияси соҳасидаги ишлари Ленин мукофоти билан тақдирланган. Муайян соҳада Ленин мукофоти лауреати даражасида мутахассис бўлиш нима экани маълум. Бу одам эса аини чоқда юрак хирургияси билан боғлиқ мураккаб масалаларни ҳам ҳал қилиш даражасига етган. Унинг юрак касалликларини даволашга қўшган ҳиссаси жаҳон миқёсидаги йирик муваффақиятлар даражасида туради.

Шулар билан кифояланмай бу одам кибернетика муаммоларини ва, хусусан, биология кибернетика масалаларини тадқиқ этишга ҳам борган сари кўпроқ вақт сарфламоқда. У ҳозир кибернетика институтида биологик кибернетика бўлимига ҳам бошчилик қилади.

Бу одам ёшлигида бир вақтнинг ўзиде иккита институтда ўқиганидек, ҳозир ҳам икки жабҳада баравар қадам ташла-

моқда — етакчи жарроқ бўлатуриб, энди етакчи кибернетика айланмоқда. Бу ҳам камлик қилгандек, кейинги пайтларда у ёзувчи сифатида ҳам шуҳрат қозонди. Йил сайин унинг янги китоблари чиқиб турибди, бу китоблар турли-туман китобхонларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

У илмий ва амалий фаолиятида қанчалик серқирра бўлса, адабиётда ҳам индивидуаллигини тўла сақлаган ҳолда шунчалик турфа хил. Унинг бадиий асарлари мазмунига кўра инсон психологиясини таҳлил қилса-да, илмий-оммабоп адабиётга яқин турадиганлари ҳам бор. У илмий-фантастик асарлар ҳам ёзади.

Булардан ташқари, бу одам катта қўламдаги маърифатчи сифатида ҳам фаолият юритади. Унинг инсон саломатлиги асосларига бағишланган мақолалари, рисоалари, суҳбатлари мунтазам босилиб турибди. Бу асарларида у масалаларни жўнлаштириб эмас, балки уларнинг моҳиятини, фалсафий теран жиҳатларини аниқ баён қилиб беради.

Бу одамга хос яна бир сифатга диққатингни жалб қилмоқчиман: у жисмоний, маънавий ва маданий соҳалардаги маслаҳатлари ва тавсияларини даставвал ўзи синиб кўришга интилади. Баъзи врачлар бор, улар оғизларида сигарета тишлаб туриб, бошқаларни чекишни ташлашга ундашади. Бундайларга «Эй табиб, аввал ўзингни даволасанг-чи!» дегинг келади. Мен ҳаётини ҳикоя қилаётган одамга бундай деёлмайсан. Унинг саломатлигига ҳавас қилсанг арзийди. Тўғрироғи, ҳавас қилишдан кўра унинг тавсияларига амал қилган маъқулроқ.

У инсон имкониятлари ҳақида нимаики деса, аввал бошлаб бунини ўзи ва яқинлари орқали рўёбга чиқаришга уринади. Бола тарбиялаш масаласида ҳам унинг ўз қарашлари бор, у болаларга бахтли бўлишни ўргатиш керак, деб ҳисоблайди. Болаларни чинакамига бахтиёр қилиш учун эса, уларда энг юксак инсоний манфаатларни ўстириш, ижодга, меҳнатга, мақсад йўлида бардошли, саботли бўлишга интилишни уйғотмоқ лозим. У болаларни бошқалар билан мулоқот санъатига, ақли, биланган одамлардан кўпроқ нарса олишга, молпараст бўлмастикка ўргатади.

Академик, СССР Олий Советининг депутаты, аjoyиб жарроқ, етук олим, ўзига хос адиб Николай Амосов ана шундай яшайди ва ана шундай меҳнат қилади.

Албатта, бундай одам бўлиб етишиш учун ва унга ўхшаб ҳаёт кечирish учун муайян истеъдод керак.

Бир фикрни миянга кўрғошиндай қуйиб ол, ўғлим: амалда ҳар битта одам, бинобарин, сен ҳам ақл бовар қилмайдиган ғаройиб имкониятларга эга. Инсон нималарга қобил эканини кўрсатадиган мисоллардан яна келтирай. Старшина Петр Антипов фашист ўқидан яраланган, уч марта танк ичида ёнган, граната портловида қолган. Унинг қўл-оёқларини кесилга тўғри келган. Шундай бўлса ҳам унинг яшашга иштиёқи сўнмаган ва 1948 йили у Тихвидаги ўрмончилик техникумини имтиёзли диплом билан битириб, ўрмончилик касбини эгаллаган.

Ушандан бери кўп йиллар ўтди. Техникум дипломининг ёнига инженерлик дипломи қўшилди. Пётр Антипов Социалистик Меҳнат Қаҳрамони бўлди, РСФСРда хизмат кўрсатган ўрмончи деган фахрли унвон билан тақдирланди. «Правда» газетасининг муҳбири Л. Никитин Антиповнинг тақдири ҳақидаги ҳикоясини ёзувчи Михаил Пришвиннинг қўйидаги сўзлари билан якунлайди: «Агар қайинггни буюк ҳаракат тўлқинига мосламасанг, ҳеч нарсани амалга оширолмайсан, беҳуда нобуд бўласан». Шубҳасиз, бу сўзлар аjoyиб инсон Антиповнинг тақдирига бевосита тааллуқли. Бироқ, қайинггни буюк қонуниятлар тўлқинида ҳаракат қилиши кераклиги ҳақидаги фикр фақат шу одамга тааллуқлими? Бу фикр жуда теран фалсафий ва аини чоқда амалий маънога эга эмасми?

Мен ўқиган энг аjoyиб материаллардан бири Г. Бочаровнинг 1975 йили «Комсомольская правда» газетасида босилган «Портлаш тўлқинида» деган мақоласи бўлса ажаб эмас. Мақолада Николай Иванович Живома деган одамнинг қисмати ҳикоя қилинади. У бутун уруш давомида оддий солдат бўлган, ўн бир марта оғир яраланган, етти марта контузияга учраган...

Унинг фаолиятида ярадорлик ва жасорат ҳайрон қоларли бир мунтазамлик билан такрорланиб турган. Ҳар гал госпиталдан қисмига қайтиб келган, бу одам чинакам қаҳрамонгагина хос жасоратлар кўрсатган ва ҳар гал шундан кейин ё автомат ўқига учган, ё бирор жойига граната парчаси теккан, ё портлаш

тўлқиндан контузия бўлган. Госпиталда ётган чоғларида газеталардан ўзининг жанг майдонида мардларча ҳалок бўлгани, ўлимидан сўнг Днепр йўналишидаги жанглр учун ўзига Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилгани ҳақидаги хабарларни ўқиган... Урушнинг сўнгги ойларида у америкаликларни ўлимдан қутқарган, яна ярадор бўлган ва яна фронтга қайтган. Бу мақолани ўқир эканман, нимага кўпроқ ҳайрон бўлишимни билмай қолдим: инсон организмнинг яшовчанлигигами? Кўллаб жараҳатлар, контузиялар ҳам унинг фаоллигини сўндиролмаганигами? Эҳуд бу оддий солдатнинг бениҳоя камтарлигигами? Ҳар гал унга мукофот топширганларида у чинакамига тўқиб бўлган экан: «Нима иш қилиб қўйибманки, менга мукофот беришади? Ахир, дўстларим, кўролшош ўртоқларим нима қилган бўлса, мен ҳам шунни қилдим-ку...»

Инсон ўз имкониятларини фақат ҳарбий шароитлардагина намоён қилмайди. Сен ўша Г. Бочаровнинг «Сабот» деган очеркини эсласанг керак. Бу очерк учувчи Юрий Козловский жасоратига бағишланган. Унда ҳалокатга учраган учувчининг бошидан кечган ғоят эғир синовлар ҳақида ҳикоя қилинади. Очеркка газетхонларнинг муносабати диққатга сазовор. Редакция эълон қилган хатлар ичида Инга деган аёл йўллаган мактуб эсимда қолди. Инга ёзади: «Замондошларинг орасида ана шундай довурак, кучли, иродали эркаклар борлигини билганингда кўнглинг ёришиб кетади, киши. Ахир, ҳар куни оқшом чоғлари вино бўлимларининг ёнига тўпланадиган ёшларангларга, «яримтаъини кўрганда кўзлари ёниб кетадиган эркакларга қараб хафта бўлмаслигининг иложи йўқ-да».

Ҳа, ўғлим, бировлар номини деворга ўяди, бировлар роман ёзади. Улар ҳам, булар ҳам ўзининг намоён этади.

Шундоқ экан, кел, ўзимизда мавжуд имкониятларнинг энг юксакларини, энг ёрқинларини намоён қилайлик, майдалашмайлик, бачканалашмайлик. Ахир, тангрилар ҳақидаги афсоналарни одамлар йўқ ердан тўқиб чиқаришмаган, ўзларининг келгусидаги нуқсаларидан андоза олиб яратишган.

Инсон тангри даражасига етиши мумкин ва шундай бўлади ҳам!

## ҲАЁТ ЗИДДИЯТЛАРГА ТҮЛА

Омад ва омадсизлик, бахт ва қулфат ҳаётда алмашиниб туради, чунки ҳаёт бошидан охиригача курашдан, турли-туман зиддиятлардан иборат. Бунинг билган одам ҳаётда омад ва омадсизликларнинг алмашиниб туришига хотиржам муносабатда бўлади. У бунинг инсон ҳаётдаги табиий ҳолат эканини тушунади ва бошига бирор ташвиш тушгудай, бирор қулфатга дуч келгудай бўлса, ваҳима солиб, хуноб бўлавермайди. Бунинг тушуниш кўп жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга. Баъзи одамлар ёмон вазиятга дуч келса, шунинг баҳона қилиб ўз қобилигига ўрналиб олади, ғам-ҳасратга берилади, умидсизликка тушади. Бошқа одамлар эса қулфатни енгиб ўтиш чорасини излайди. Шу тўғрисида бирон нимжон гўдак улғайганда ожиз, ҳасадгўй чол бўлади, бошқасидан эса Александр Васильевич Суворов чиқади.

Сени ажаблантириб бўлса ҳам яна бир гапни айтмай: табиатнинг ўзи бизни шундай яратганки, биз доимо қийинчиликларни енгиб боришимиз керак. Қийинчилик йўқ жойда шахс инқирозга юз тутаяди. Биз мускулларимизни, ички аъзоларимизни доимий машқ билан ишлатиб, чиништириб боришимиз зарур, акс ҳолда уларнинг фаолияти бузилиб, мазаси қочади. Худди шунга ўхшаш — қийинчиликларни енгиш йўли билан, ўз олдимишга доимо бири биридан мураккаброқ вазифалар қўйиш йўли билан иродамини чиништириб боришимиз лозим. Агар ташвишларга тўла кундалик ҳаёт бўлмаса, байрам нима эканини тушунмай қўямиз. Агар кўнгилсизликлар бўлмаса, ёқимли, кўнгилли нарсаларнинг қадрига етмай қўямиз.

Мен сени сира ҳам қийин шароитларни сунъий равишда яратишга ундаётганим йўқ. Бусиз ҳам сен ҳаётда уларга етарли даражада дуч келасан. Мен сенга бир фикрни сингдирмоқчиман, холос: қийинчиликлар — табиий нарса. Агар улар узоқ муддат давомида қай бир сабаблар билан юз бермаса, бундан

сен жиддий ташвишга тушмоғинг керак. Осон яшаб бўлмайди.

Мен ҳозир сенга гениал рус олими, академик Иван Петрович Павловнинг машҳур сўзларини эслатмоқчиман: «Мақсад рефлексининг тўла-тўқис, тўғри ва самарали намоён бўлиши учун муайян хатти-ҳаракат керак. Англосакслар буни яхши билишади. Шунинг учун ҳам улар «Мақсадга эришишнинг асосий шартини нима?» деган саволга «Тўсиқларнинг мавжудлиги», деб руслар учун ғалати туюладиган қутилмаган жавоб беришади. Бу билан тўғри «Менинг мақсад рефлексим тўсиқларга жавобан ҳаракатга келсин, шунда ҳар канча мушкул бўлмасин, мен мақсадга эришаман», демоқчидай бўлишади. Шуниси ажабки, бундай жавобда мақсадга эришишнинг мумкин эмаслигига парво қилинмайди». Рязанлик протопопнинг ўғли бўлмиш Иван Петрович Павловнинг ўзи ҳеч қандай шароит олдида чекинган эмас, у ҳаминша ўзидан аввал инсон қадами етмаган жойларга дадил бораверган, қийинчиликлардан чўчимади, уларга парво қилмай доимо олға, фақат олға интилган.

«Хўп, — деб рози бўласан сен, — қийинчиликлардан чўчимаглик, ҳаётнинг зебрага ўхшаш олачипорлигидан ҳам нолимаслик керак экан. Лекин, қийинчилик дегани ўзи қаердан ва нима сабабдан пайдо бўлади?»

Қийинчиликларни туғдирадиган сабаблар кўп. Мен уларнинг асосийларидан бирига тўхталаман.

Инсоният ўзининг юксак маънавий принциплари системасига эришгунча жуда мураккаб тарихий йўлни босиб ўтди. Лекин ана шу энг муҳим инсоний хазинани ҳамма ҳам барабарига энг олий бойлик сифатида тушунади деб ўйлашмайлик керак. Афсуски, кўпинча бунинг тескариси бўлади. Шу маънода ҳозирги инсониятни жуда чўзилиб кетган бир саф тарзида тасаввур қилиш мумкин. Бу сафнинг боши билан қируғи ўртасида бутун-бутун тарихий даврлар ётади. Манфаатлар ва тасаввурлар тўқнашуви конфликтларни туғдиради. Социалистик жамиятимизнинг хусусияти шундаки, бизда ана шу зиддиятлар кўлами анча торайган, чунки асосий ишлаб чиқариш воситалари давлатнинг қўлида ёхуд кооперативларга қарайди, яъни бизда бойлик орттириш ва истеъмолчиликка берилган кучларнинг кенг қанот ёзиши учун шароит йўқ. Бироқ бизда ҳам ҳар хил даражадаги манфаатлар бўлиши мумкин.

Сен Алексей Стаханов деган ажайиб одамни яхши биласан, ўғлим. Бир вақтлар шу одам мамлакатимизда стахановчиллик ҳаракатини бошлаб берган эди. Қандай ўсиб-улғайганини, қандай камолот босқичларидан ўтганини унинг ўзи қуйидагича эслади: «Мен ҳаётимда нимага эришмоқчи эдим?» — деб савол беради у ва шундай жавоб қилади: а) дастлабки пайтларда қорним тўқ бўлишига интилимди; б) кейин кўпроқ маош олишни ўйлаб бошладим; в) сўнг одамларнинг ҳурмат-эътиборини қозонишга аҳд қилдим; г) синфий онгим ўса борган, ўзимнинг шахтага зарур эканлигини намоёйиш этиш истаги пайдо бўлди; д) ниҳоят, ўз-ўзимдан яхшироқ ва юксакроқ бўлишим зарур эканини тушундим».

Эътибор бер: аввал жамики тирик мавжудот учун муштарак бўлган эҳтиёжлар (қорин тўйғазиси ғами), кейин яшаш учун етарли маблағга эга бўлиш истагига ўтилади (бу ҳам меҳнат қиладиган одамларнинг ҳаммасига хос ҳол), ундан сўнг энг олий принциплар — обрў-эътибор, синфий онглилик, ўзлигини ҳар томонлама камол топтириш иштиёқи.

Бир одамнинг маънавиятида жамият ривожининг турли босқичларига мансуб ҳар хил даражадаги тасаввурлар навбатма-навбат алмашгандай, ижтимоий ҳаётда буларнинг бариси (ва яна бошқа турлари ҳам) бир вақтнинг ўзида мавжуд бўлади. Масаланинг яхши томони ҳам, аянчи томони ҳам шундаки, турлича қарашга эга одамлар бир оила ичида ҳам, ҳатто битта болалар боғчасида ҳам ёнма-ён яшайверади. Шундай маълумотлар бор: бешта боладан биттаси олти ёшидаёқ тугал бир худбин сифатида шаклланиб бўлар экан, учдан бири эса коллективчилар сифатига эга бўларкан. Агар худбинлар тенгдошларидан ўйинчоқларини қизганса, сайр олдида уларнинг қийинишига ёрдамлашмаса, коллективчилар бунинг аксини қилишади. Ҳаёт шохи ҳақидаги тасаввурлар инсон характери шаклланишининг ана шундай олис манбаларига ҳам бориб тақалади...

Эсингда борми, Коля уканг олти яшар пайтида буваси, яъни менинг отам билан сайр қилиб юриб, унга: «Андрей бобо, тери ёпиниб, мамонт овлаганингни гапириб бер», деганида биз унинг устидан роса қулган эдик. Бола онгида тарихий даврларнинг бунақа ажабтовур чалкашуви қулги туғдиради,

Бироқ маънавияти ва савияси ибтидоий тушунчалардан нарига ўтмайдиган одам биз билан ёнма-ён яшаса, бунинг сира ҳам кулгили жойи йўқ. Фақат, бундайлар бизнинг давримизда яланғоч баданига тери ёпинмайди ва мамонт учун овга ҳам чиқмайди... Ҳаётдаги қийинчиликлар, мушуқлотлар, мураккаб вазиятларнинг сабаби ана шунда. Энди болалар боғчасига тааллуқли маълумотларга қайтайлик. Бу ҳам жуда чигал муаммо. Ахир, ҳамма болалар онадан бир хил туғилади, шундоқ экан, қандай қилиб уларнинг бешдан бир қисми — йигирма фоизи — мактаб ёшига етар-етмас худбин бўлиб қолади? Ахир, бунга уларнинг ўзлари айбдор эмас-ку?

Ҳақиқатан ҳам, гўдаклик чоғларида улар айбдор эмас. Уларнинг шаклланишини оилаларидаги турмуш, қарашлар белгилайди. Баъзан энг яхши оилаларда ҳам бадбашара худбинлар ўсиб етишади. Нега шундай? Бунинг сабаби шуки, бу эркатойларнинг ота-оналари инсон тарбияси масаласида ўта саводсиз бўлишади. Уларнинг назарида, яккаю ягона арзандалари теварагида гирдикапалак бўлсалар, унинг ҳар бир истагини бажо келтирсалар, унинг ҳар бир инжиқлигини кўтарсалар, унинг йўлидаги ҳамма мушуқлот ва қийинчиликларни бартараф этсалар, шу билан уни гўё бахтиёр қилишади. Кўпинча эса, ҳеч нарсани ўйлаб ҳам ўтиришмайди-да, «Биз ёмон яшаган эдик, фарзандларимиз биздан тузуқроқ яшасин», деган ақидага амал қилиб қўя қолишади. Бу эса кейинчалик болага ҳам, унинг атрофидаги одамларга ҳам кулфат келтиради, болада ёмон сифатларнинг ўсишига сабаб бўлади. Бундай бола ўсиб-улғайиб, бутун дунё менинг хизматимда бўлиши керак, деб ҳисоблай бошлайди. Бу фикрнинг нотўғрилиги очилиб, ҳаёт фақат ёрқин кунлардангана иборат эмаслиги маълум бўлганда, у изтироб чекишга тушади, бошига фалокат ағдарилгандай бўлади, маънавий ҳалокат бошланади. Кошки, бу фалокатлар ўша худбинларнинг ўзидан нари ўтмасалар йўқ, уларга яқин одамларнинг ҳаммаси озор чекади, изтироб ичида қолади. Албатта, бундайларнинг ота-онасига ачинади киши, лекин улар — эканини ўради-да. Статистик маълумотларга қараганда, юқори синф ўқувчиларининг кўпчилиги (энди боғидаё бешдан бири эмас, кўпчилиги) оиланинг сарф-харажатлари қанақа эканидан, ота-оналари уларга қанча харажат қилишидан, бу маблағ ота-оналарнинг ўзига сарфлайдиган харжига қараганда анча кўп бўлишидан бутунлай беҳабар эканлар.

Тўғри, сўнгги ўн йилликлар мобайнида жаҳонда жуда катта моддий ўзгаришлар рўй берди. Бунинг оқибатида ота-оналарга ноёб ва ҳатто ортиқча ҳашам бўлиб кўринадиган нарсалар фарзандлар учун оддий кундалик буюмга айланиб қолди. Масалан, мен тенгги одамлар учун бир вақтлар бир жуфт пойабзалга эга бўлиш ҳам қувончли ҳодиса эди. Сенинг тенгқурларинг учун эса, бир жуфт қимматбахо тоғ чанғиси ҳам оддий нарса... Моддий-психологик тафовутларнинг келиб чиқиш сабаби шунда бўлиши ҳам мумкин. Бироқ, бир вақтлар бизнинг авлод шаклланган, ҳозир сенинг авлоднинг шаклланаётган шароитлар ўртасида фарқ бўлса, бундан на катталарни, на кичикларни ўйламай, фақат ўзини ўйлаш керак, фақат ўзига махлиб бўлиб яшаш керак, деган хулоса келиб чиқмайди-ку?

Эсингдами, биз сен билан Ленинград Еш томошабинлар театрида «Малаховдан эҳтиёт бўлинг!» деган спектаклни кўрган эдик? Жуда ёрқин, жуда ажойиб, теран граждонлик руҳи билан сўворилган асар эди.

Спектакль бир ўспирин йигитнинг қандай қилиб йўлтўсар ўғрига айлангани ҳақида ҳикоя қилади. Спектаклда бунга лоқайд ота-оналар, расмиятчи жамоат комиссиялари, «ишлари бошидан ошиб-тошиб ётган» ўқитувчилар, «аллақандай бир ўспириндан кўра муҳимроқ ташвишлар» билан банд милиция ходимлари ва ҳоказо ва ҳоказолар сабабчи экани жуда аниқ кўрсатилган. Ҳа, унга нисбатан ғамхўрлик билан муносабатда бўлинмади, оқибатда бу одам тубанликка қулади. Буларнинг барчаси спектаклда жонли ва ишонарли талқин этилган. Аммо, бутун спектакль давомида иккимизни ҳам бир савол қийнаган эди: хўш, Малаховнинг ўзи-чи? Бу ўн олти яшар шоввозининг ўзи-чи? Бошига тушган ишларда ўзининг айби йўқми? Қизлар ва кампирларнинг йўлини тўсиб, тунаганида наҳот унинг кўнглидан ҳеч нарса келмади?... Охир-оқибат мен бу ҳақда тақриз ёзиб, газетада эълон қилдим. Унда спектаклни умуман яхши баҳолаган ҳолда, Малаховнинг ҳар жиҳатдан тўла оқланиши асарнинг қўсурчи эканини рўй-рост айтдим. Ахир, Малахов ўзига қаратилган ҳар бир таънага «Менга эътибор беришмади,

мени тарбиялашмади», деб бамайлихотир жавоб беради.

Эҳ, Малахов, Малахов! Қайтариқ бўлса ҳам айтаман: моддий бойликлар талтайтириб қўйган ҳозирги авлод масъулиятсизлик касали, беғамлик касалига ҳам йўлиқди. Бу аҳвол кишини заифлаштирадиган муҳитни туғдирмас ва бунинг оқибатида ўзининг фароғати, ўзининг манфаати, ўзининг қўлайликларидан бошқа нарсанинг қадрига етмайдиган эркатой, инжиқ, виждонсиз одамлар кўпайиб кетмаса, деб қўрқаман, жуда қўрқаман. Бундай одамлар ўзларининг «шоҳи» учун жонини жабборга бериб, жуда зўр ғайрат билан кураш олиб боради. Ғайрат... Ешликда одамнинг руҳий кучи ҳам, жисмоний кучи ҳам чексиз бўлади. Бу кучни турли-туман ажойиб ишларга, ўз шахсиятини камолга етказишга сарфлаш керак. Мен ҳамиша ёшликнинг қудратига ишониб келганман. Эсингда бор, сен саккизга кирганингда мактабда беш курашчилар тўғарагига ёзилган эдинг. Уқишдан кейин кун бўйи банд бўлардинг: гоҳ отчопа, гоҳ бассейнга, гоҳ энгил атлетика стадионига, гоҳ қилиб-бозлик машғулоти, гоҳ тўппончадан отиш учун тирга боришинг лозим эди. Муштдай бўлатуриб, ҳар кун ирим кечада уйга қайтардинг. Бунинг устига ҳар кун дарс тайёрлашинг зарур эди. Ундан ташқари, рўзгор бўйича ҳам зимманга вазифа бор эди — нон билан сутни сен харид қилмоғинг керак эди. Зимманга шунча иш бўлса ҳам, ғайратинг тўлиб-тошган эдики, яна музика дарсларига борардинг, уйда музика билан шуғулланардинг, инглиз тили дарсига қатнардинг, шунда ҳам ўзининг етарли даражада банд эмас деб ҳисоблардинг, шекилли, яқшалба кунлари бир неча соат вақтинг футбол майдонида ўтарди. Ҳолбуки, бошқа болалардан сира ҳам ортиқ жойинг йўқ эди, жуда оддий бола эдинг.

Гап шундаки, ёшлик жуда катта қудратга, ғайратга эга. Ешлар ҳамма нарсанинг уддасидан чиқади. Шу боисдан ҳам уларни ишга банд қилмай, бекор, бетаъшиш қўйиш ёшларнинг ўзи учун ҳам, жамаият учун ҳам гуноҳи азимдир. Ахир, уларнинг қиладиган иши мактабга боришу дарс тайёрлашдан нари ўтмаса, текинхўрликни ўйлаб қолмайди-чи? Бу — жуда ғариб, жуда фақирона ҳаёт-ку!

Болаларни папалаб ўстириш, уларнинг вулқондай зўр ички имкониятларига талабчан муносабатда мусаффо осмондан иборат, атрофингдаги одамлар эса ҳамиша сенга мутелик билан хушоматда бўлади, деган тасаввурни болаларга сингдириш ғирт бемаъниликдир. Бундай хомхаёллар асосида тарбияланиб улғайган одамлар ҳаётда кўп қоқилади, кўп панд ёйди. Бунинг учун улар зиддиятларга тўла турли-туман мавқеларнинг тўқнашувидан иборат қайноқ ҳаёт ҳақида реал тасаввурларни сингдиришни истамаган устозларидан ўпка-лашлари керак.

Йўқ, ўғлим, ҳаётимиз карнайлар садоси остида ўтадиган ғолибона юришдан иборат эмас. Ҳаёт фақат байрамлардан иборат бўлиши керак, деб ўйлайдиган одам жуда қисқа фурсатда руҳий ҳалокатга учрайди ва «ҳаёт — ёмон» деган қарорга келади. Бу эса жуда хато фикр. Ҳаёт яхши, у янада яхшироқ бўлиши мумкин. Фақат, бунинг учун курашмоқ, актидирок билан курашмоқ керак, умидсизликка берилмаслик керак, беҳаёлик йўлини тутмаслик, яъни ибтидоий махлуқлар қувончини ҳаёт «шоҳи» қилиб олганлар тоифасига ўтмаслик керак. Ҳаётдан хафа бўлиб, ҳаётга зарда қилиб, уни яхшилашни бошқаларнинг ихтиёрига топшириб қўйиш — эркак одамга ярашмайди.

Хўш, ҳаётни қандай қилиб яхшилаш мумкин? Эсингдами, тоққа чиқиб, кейин альпинистлар лагерига қайтаётганимизда иккимиз бир масала хусусида гаплашган эдик? Тоғда ўтказган тўрт ҳафталик ҳаётимиз сени кўп нарсага ўргатди. Сен, айниқса, альпинистлар ўртасидаги чинакам инсоний, чинакам дўстона муносабатларни кўриб ҳайратда қолган эдинг. Улар ўртасида бошқача муносабат бўлиши мумкин ҳам эмас, чунки бу ерда бир одамнинг ҳаёти бошқаларнинг ҳаётига боғлиқ. Сен эшикларнинг қулфланмаслигини, тумбочкаларнинг очиллигини кўриб лол қолган эдинг. Энг муҳими — альпинистлар ўртасидаги бениҳоя софлик, ҳар доим ўзаро ёрдамга тайёр туриш, бир-бири билан бир тийлаш нонинигина эмас, қалб қўрини ҳам баҳам кўришга ички зарурият ҳисси сени қойил қолдирган эди. Ушанда, водийга қайтганимиздан кейин менга, ҳамиша тоғдаги биродарлик қонунларига амал қилиб яшайман, деган эдинг. Мен эса гапингга жавобан: «Фаришталар ичида фаришта бўлиш жуда осон, бунинг ҳеч қанақа қийин жойи йўқ, сен оддий



одамлар орасида ана шундай бўлишга чоғланиб кўр», деган эдим...

Бу осон иш эмас. Уни бажариш учун ҳаёт нега олақуроқ эканини тушунмоқ керак. Уни бажариш учун фаол ҳаётий позицияда бўлиш зарур. На фақат фаол, бу позиция оқилона ҳам бўлмоғи шарт. Бу мавзу шу қадар муҳимки, алоҳида тўхталмас бўлмайди.

## ШОҲ ОҚИЛ БЎЛМОҒИ КЕРАК!

Ҳаёт зиддиятлари ҳақидаги гапларимиз қай боисдан кўзгалди? Умуман, нима сабабдан одам ҳаётда дуч келадиган қийинчиликлар мавзусига бу қадар кенг тўхталганман? Шунинг учунки, ҳаётдан ҳафсаласи совиган ёшларни (ўрта яшарларни ҳам) кўп учратаман. Ҳаёт улар кутгандай, мактабда ўқиганларидай осон ва энгил эмас экан, текинхўрлик билан кун кечиришга, ҳудудсиз истеъмолчилик билан яшашга эса оқ қилишади. Шундан, ҳаётий драма туғилади...

Демак, уларни мактабда ёмон ўқитишган.

Демак, уларнинг ўзи ҳам камолотга интилишга, хулқ-атворларига ўзгартиришлар киритиб, ҳаётдаги бош мақсадларини аниқлашга қобил эмас эканлар. Яшашнинг асосий қонунларидан бири шундаки, ҳаётни кўнглингиздагидай ўзгартирмақ учун у қандай бўлса, шундайлигича кўра билмоқ керак. Афсуски, сенинг тенгқурларинг орасида кўпгина ёшлар ҳаётни қандай бўлса, шундайлигича кўришга ҳам, сайёрамизни, шоир сўзлари билан айтганда, бахт учун қайта қуришга ҳам тайёр эмаслар.

Мен «Литературная газета»да босилган бир мақолани эслаб қолганман. Унда бир ўқитувчи ҳақида ҳикоя қилинади. Бу ўқитувчи анчагина ёшларни тарбиялаб етиштирган-у, кейин уларнинг таъна-дашномларига учраган. Таъна-дашномлар адолатли: собиқ ўқувчилар кейинчалик ўзларини ҳаётга ноқобил ҳис этганлар, ўз-ўзларини ҳикоя қилолмаганлар, ҳамма жойда дакки эшитганлар, бошқалар уларни турткилаб, ўзиб кетаверган. Натижада, уларнинг одамлардан кўнгли қолган. Мақола муаллифи Цесарский алам билан шундай деб ёзади: «Мен яхши одамлар тарбиялабман-у, лекин уларни курашиш қилиб тарбиялабман. Укинч ва аламлар, инсоний заифликлар тўғрисида улар ҳаётнинг асосий ҳаракатини кўрмай қолишибди».

Самимий ташвиш чекиб ёзилган шу мақолани ўқиганимдан кейин эътибор қилсам, матбуотимизда бундай мақолалар тез-тез босилиб турар экан. Демак, масала пишиб етилган. Демак, шартли қилиб айтганимизда, альпинистик принципларда тарбия кўрган кўпгина ёшлар мавҳум тушунчаларнинг нурли чўққиларидан турмуш водийларига тушганда, тасавурлари билан ҳаёт ўртасидаги тафовутни, зиддиятни кўриб, бунга дош беролмайдилар, довдираб қолиб, инқирозга юз тутадилар. Кўп ҳолларда эса, ўзлари «юқорида» турганда қоралаган қонунлардан ҳам баттарроғига амал қилиб яшай бошлайдилар... Улар «шоҳ»ларига — ўзларининг энг қимматли принципларига хиёнат қилдилар.

Ўғлим, ҳаётда фаоллик мавзуси жуда муҳим ва мураккаб мавзу. Унинг қирралари — ҳадсиз-саноксиз. Курашиш ҳам ҳар хил бўлади. Ҳазил-мутоиба орқали ҳам курашиш мумкин, бировнинг кўнглини кўтариш билан ҳам курашиш мумкин, фаол усуллар орқали ҳам курашиш мумкин. Муҳими шундаки, фаол усуллар билан курашганда сени курашган воқеликнинг мураккаблигини инobatга олган бўлмоғинг керак.

Салтиков-Шчедриннинг ўлмас эртагидаги нодон балиқ ана шуни ҳисобга олмайди ва ўйлайдики, «Сен, Чўртан, яхшилиқ нима эканини биласанми?» деб савол берса — кифоя, Чўртан-балиқ бир зумда ўзгарди-қолади... Чўртанбалиқ эса ўзгаришни ҳаёлига ҳам келтирмайди. Аксинча, бу аҳмоқона савол уни шу қадар таяжубга соладики, оғзи ўз-ўзидан очилиб кетади ва Товонбалиқ сув оқими билан бирга тўппа-тўғри Чўртаннинг қорнига кириб қолади. Буюқ рус ҳажачисининг эртагидан қандай хулоса чиқариш мумкин? Рухан зунга бошқа

товонбалиқлар чўртанларни пана-панада қоралаб, улардан узоқроқ юрган маъқул, деган хулосага келишади. Бирок, бошқача хулосалар ҳам чиқариш мумкин. Масалан, чўртанларга чиндан ҳам таъсир қилиши мумкин бўлган воситаларни ҳисобга олиб, уларни ўзгартириш керак, деган хулоса... Ҳаёт шундан далолат берадики, ҳар хил қаланғи-қасанги, ярамас, разил одамлар муштарак гуноҳлари, қабиҳликлари тўғрисида бир-бирлари билан аҳил бўлиб олишади. Истеъмолчилик «шоҳи»нинг ялқовлик, ўғирлик, порохўрлик, истеъдодсизлик каби «бандалари» ҳар вақт ва ҳар ерда содда, гўл товонбалиқларга қараганда мустаҳкамроқ, жипсроқ бирлашиб олишган. Кўпинча оташ юракли, номус-орли, энг юксак ва адолатли принципларга амал қиладиган ёш йигит олди-орқасига қарамай хўжасизликка, кўзбўямачиликка, қоқоқликка, ялқовликка қарши ташланади, ҳақли ғазаб ўтида ёнади, лекин натижа нима бўлади? Унинг фош қилувчи нутқлари ва чиқишларининг оқибати шундай бўладики, йигитнинг ўзигина аввалгидан баттар аҳволга тушиб қолмайди, балки ишга ҳам зарар етади. Ҳаётда бунақа мисоллар кўп учрайди. Албатта, зоҳиран қараганда бу жуда олижаноб иш: ёвузликка қарши қилич кўтаришдан яхши нарса борми? Лекин, ўйлайманки, чуқур илдиш отиб, заминга ёпишиб олган сассиқ алафини кўчириб ташлашнинг мувофиқ йўлини излаб бош қотирмоқ, ўйлаб иш тутмоқ фойдалироқдир. Хуллас, трамвайда тўполон қилаётган безорини вагондан улоқтириб ташлашда жангарилик яхши, лекин мураккаброқ ҳодисалар ҳақида гап кетадиган бўлса, бунда масалага ёндашиш ҳам мураккаброқ бўлмоғи лозим. Бошқача айтганда, одам ўз идеаллари учун курашга тайёрлигини намойиш этиш билан бирга, улар учун қандай қилиб курашиши ҳам билиши керак.

Тактика ва стратегия деган тушунчалар фақат ҳарбий санъатга тааллуқли эмас. Расмийчиликка қарши курашиб, ҳеч нарса чиқаролмай умидсизликка тушган бир йигитдан Ленин: «Сиз тўғри курашингизми? Душманни ҳарбий санъат қоидаларига мувофиқ қуршаб олдингизми?» деб сўраган экан. Лениннинг бутун ҳаёти, бутун фаолияти шундай оқилона стратегиянинг намунаси эмасми? Муқаддас кураш учун ўз иттифоқчиларини қандай тайёрлаш борасида, ҳужум учун энг қулай фурсатни қандай танлаш масаласида, баъзи ҳолларда вақтинча муроа ва чекиниш йўлини тутиш, кейин эса янги кучлар билан душманни тор-мор қилиш кераклиги масаласида доҳиймизнинг ўзи бизга ўрнак эмасми? Одам бирор ишга киришар экан, нимага интилаётганини ва бу ишдан нима чиқишини билиши лозим. Шундай қилинмаса, ишнинг натижаси қутилганига бутунлай тескари бўлиши мумкин.

Эсингдами, сен менга Олег Кузавевнинг «Территория» деган романини ўқишни тавсия қилган эдинг. Бу асар чиндан ҳам менга жуда ёқди ва мен у ҳақда «Олег Кузавевнинг «Территория»сидаги уч йўналиш» деган катта мақола ёздим. Мақолада, айниқса, геология бошқармасининг бошлиғи Чинков ўзидан каттароқ мансабда турган Робкинга қарши зўр маҳорат билан курашганига қойил қолганимни айтган эдим. Робкин олтин бор деб гумон қилинган жойда қидириш ишларини тўхтатиб қўйишни истади, чунки у Чинковни ёқтирмайди. Бу курашнинг моҳияти даҳанаки жангда ғолиб чиқиш ёхуд рақибнинг найрангларига қарши ундан ўтказиб найранглар тўқиш эмас, балки, юзага келган вазиятда ҳеч нарсага қарамай ишни бажариш ва ғолиб чиқишдир. Сафсата-лар мусобақасида эмас, амалда ғолиб чиқишдир. Бундай ғалабадан одамлар ҳам, мамлакат ҳам манфаатдор. Чинковнинг кураши ва маҳорат билан қозонган ғалабаси мени қойил қолдирди. Унинг таҳлили кўрсатадики, Чинков фақат кучларнинг реал нисбатидан келиб чиқиб, умуман, инсон табиатининг хусусиятларини жуда теран англашдан, хусусан эса, ўзи ишга жалб қилган одамларни яхши билишидан келиб чиқиб, инсон табиатининг хира томонларига эмас, балки уларнинг ўз имкониятларидан ҳам юксакроқ кўтарилишига ёрдам берадиган энг яхши сифатларига таянган.

Ҳаётий принциплар жанги, ҳаётдаги шоҳлар кураши шахмат шоҳларининг жангларига қараганда жўнроқ, соддароқ эмас, балки, аксинча, унга қараганда кўпқирралироқ ва қийинроқдир. Шунинг учун ҳам яхшилиқ йўлидаги курашда ўзларининг бутун ҳаётлари билан фаоллик ва донолик кўрсатган ажойиб одамлар, машъал одамлар кишига чинакам завқ бағишлайди.

Эслайлик: халқ академиги Терентий Мальцев бир эмас, бир

неча марта Сибирь ва Қозоғистон ғалласини қутқариб қолган. Унинг фикрлари дастлаб жуда ғалати кўринган, минг йиллик тажрибаларни рад этадиган, ота-боболардан қолган таомилга зид келадигандек бўлиб туюлган ва шунинг учун кескин қаршиликка учраган. Масалан, у Сибирда ёз фасли жуда қисқа бўлишига қарамай, экишни эрта эмас, кеч бошлашни тавсия қилган. У, ерни ағдармай шудгорлаш назариясини олға суриш билан чекланмай, буни ўзи амалга ҳам оширган. У ажриқни ҳамоя қилиб чиққан, уни ҳосилдорликни тўплаш жараёнига ёрдам берувчи қимматли лаборатория деб билган; бу фикр манамаман деган кўпгина назариячиларни ҳанг-манг қилиб қўйган. Унинг бутун ҳаёти ақл бовар қилмас офир синовларда кечган. У озмунча ишончсизлик, маъмурий дўқ-пўписа, камситишларни кўрдими! Лекин у буларнинг барчасига бардош бердигина эмас, голиб чиқди ҳам. Холбуки, бу одам ўша товонбалик удумига амал қилса, одамлардан, инсониятдан қўл ювиб, қўлтигига уриб қўяқолса, ҳаётдан кўнгли совиса бўларди.

Бошқа бир одамни олайлик. Менимча, бу одамга тириклигида ҳайкал қўйса бўлади. Бу одам — ортопед доктор Илизаров. У суяк синишларини даволашнинг мутлақо янги усулини кашф этган ва уни амалда жорий қила бошлаган. Шундан кейин у озмунча маломатга учради? Унга ишонилмади, уни бебурд қилишди, ишларига тўғаноқ бўлишди. Кўзга кўринган ва атоқли баъзи бир ортопед мутахассислар эски кўникмалар асосида тарбия топганларидан бу одамни қоралаш учун, унга ҳалақит бериш учун, унинг даволаш усулини обрўсизлантириб, рад этиш учун имкони бор ва ҳатто имкони йўқ чораларнинг ҳаммасини қилиб кўришди. Негаки, Илизаровнинг усули уларнинг профессионал тасавурларига тўғри келмас эди. Шунда, фараз қилайлик, Илизаровнинг руҳи тушиб кетса, у ҳамма нарсага қўл силтаса-да, иродасиз одамларнинг жонига ора кирувчи удумга амал қилиб, ичкиликка берилиб кетса, оми бўларди? Бунинг оқибатида қанча хаста одам бахтсизлигича қолиб кетарди! Буни санаб санамоғига етиб бўладими?..

Афсуски, кўпгина ҳалол ва яхши одамлар ҳаётни гўзалроқ, кўркемроқ, бахтлироқ қилиш учун курашга тайёр бўлмай туриб, кураш йўлига чиқадилар. Чиқадилар-у, бекорга қанотлари қайрилади...

Уғлим, чинакам драматик руҳ билан сўғорилган бу гапларини тугаллар эканман, сенга В. И. Лениннинг машҳур сўзини яна бир бор эслатиб қўймоқчиман: «Биз бошқа йўлдан борамиз!» Володя Ульянов акасини жуда яхши кўрар эди, лекин шунга қарамай, ўн етти ёшдаёқ ёвузликнинг метин кучларига қарши тарқоқ ҳақиқатпарварларнинг айрим чиқишлари ҳеч қандай самара бермаслигини яхши тушунарди. У яна англандики, жанговар ҳамфикр одамларнинг жипс иттифоқини барпо этиш зарур. Теран илмий стратегияни ишлаб чиқмоқ зарур. Лениннинг бутун ҳаёти ҳар соҳада биз учун сабоқ. Сени ёвузликка қарши фаол курашга қақирар эканман, ҳаётга ҳамisha тик боқишга ва уни кўнглидагидай қилиш учун курашишга даъват этар эканман, диққатингни Лениннинг юқоридаги сўзига қаратаман. Бу гапни айтганида у сенинг ёшингда эди.

## МАНГУ ҲАРАКАТ

Ҳа, ўз шохининг галабаси учун уқув билан, оқилона курашмоқ даркор. Курашганда ҳам бутун тахта бўйлаб, ҳамма сипоҳларни ишга солиб, инсон билмилари тўплаган жамики бойликлардан фойдаланиб курашмоқ лозим. Курашнинг жиддийлигини фаҳмлаган бўлсанг, сен бу фикрга қўшилсанг керак. Андақ юқорида тўкинлик, моддий фаровонлик, хотиржамлик, ғовларнинг йўқлиги инсон қалбини заифлаштириб, руҳини мажруҳ қилиб қўйиши тўғрисида жуда ташвишланиб гапирган эдим. Яшаш шароитимиз енгиллашган сари биз қай бир нуқтада чегарадан чиқиб кетдик ёки чиқиб кетяпмиз? Бу шундай чегараки, ундан чиқилса, фақат жисмоний эмас, руҳий жиҳатдан ҳам инкироз бошланади. Табиат миллион йиллар давомида бизни жисмоний қийинчиликларни енгиш руҳида тарбиялади. Ҳамма нарса, ҳатто тирик қолишимиз ҳам ана шу қийинчиликларни енгиш қобилиятимизга боғлиқ. Биз тўла-тўқис шу қоидага биноан яратилганмиз. Шундоқ экан, бирдан реал жисмоний таранглик йўқолса, унинг ўрнини

бўшлиқ эгалласа, нима бўлади? Албатта, бунинг оқибатида бутун система ишдан чиқди ва чирий бошлади.

Яна ва яна қайтариб айтаман: бизнинг бошимизга тушган қийинчиликлар тагин такрорланишини, сенинг фарзандларинг Анна холанинг полизида ўлиб-тирилиб сув ташишини сира-сира истамайман. Мен бошқа нарсага истайман: қорни тўқ, ясантусани жойида бўлган ота-оналар қўнида иродасиз, қўлини совуқ сувга урмайдиган, мажруҳ арзандадар авлоди етишмасин, дейман.

Табиатни алдаб бўлмайди. Меҳнатсиз, қийинчилик кўрмай ўсадиган одам одамликдан чиқиб қолади. Ҳаёт биздан ўз олдимизга ҳозир бажаришимиз мумкин бўлган вазифалардан мураккаброқ ва каттароқ вазифалар қўйишни талаб қилади. Шундагина биз тўхтовсиз олдинга интиламиз. Бутун ҳаётимизнинг ва, айниқса, унинг дастлабки босқичларининг энг муҳим, энг асосий талабларидан бири — жисмоний баркамоллигимизни таъминлашдир. Бу вазифани муваффақиятли бажармай туриб ғалабага эришиб бўлмайди, чунки бусиз сен ўзингнинг руҳий, ақлий моҳиятингда заррача ҳам рўёбга чиқара олмайсан. Ҳар бир одам илоҳдек гўзал бўлиши мумкин ва керак.

Мағзи тўқ каллани одамнинг ўзи танлаб ололмайди. Калланинг ташқи кўринишига қараб, дономи ёхуд нодонми эканини аниқлаш ҳам осон иш эмас. Бадан масаласи эса жўнроқ. Баданни тарбиялаш мумкин ва зарур. Тавба қилдим-у, мен анча вақтгача бир хомхаёлниг асири бўлиб юрганман: қани энди, махсус бир фармон билан катта жарима тўлатиш ёки «Пилик» сатирик журналида танқид қилиш орқали таҳдид этиб, ёз фаслида ҳамма одамга ўқишга, ишга, магазинларга, томошагоҳларга ва бошқа жамоат жойларига фақат майкаю трусикда боришга буйруқ берилса...

Танишларининг осилган қоринлари, букри елкалари, жўжаникидай нимжон оёқларини кўриб қанчадан-қанча одам ларзага тушарди... Ларзага тушиб, ўз саломатлигига нисбатан бундай бемаъни, жинояткорона муносабатни тузатишга киришарди... Албатта, бу бир хомхаёл, холос. Лекин, шунга қарамай, жисмоний саводсизликка қарши жуда кенг кўламда жамоатчилик фикрини кўзгаш керак, негаки гўзаллик, саломатлик халқнинг бебаҳо мулкидир. Гўзалликнинг ўз вазифаси бор, бинобарин, жами ҳусндаги нотўқисликлар, бадбашараликлар одамларнинг аллақайси муҳим аъзолари ўз вазифасини бажармай қўйганидан, ана шу ақли, меҳнатсевар, маълумотли, юксак маънавиятга эга одамлар имкондаги муддатдан йигирма йил, ўттиз йил, эллик йил кам яшашагидан далолат беради.

Давлат мулкани талон-тарож қилиш эмасми бу?

Бориб турган адолатсизлик эмасми бу?

Бироқ, бу фақат жисмоният масаласи эмас, маънавият масаласи ҳамдир. Гапимга диққат билан қулоқ сол. Ҳозир айтадиган гапларини тушунишингга эмас, уларга итоат этишингни ҳам талаб қиламан. Биласан, отангман деб, гапимни зўрлаб ўтказган пайтларим жуда кам бўлган. Фақуллода ҳоллардагина шундай қилганман. Ҳозир ўшанақа фавқуллода фурсат келди. Одамнинг асабий, ақлий имкониятлари чўққиси қанчалик юксак бўлса, жисмоний имкониятлар чўққиси ҳам шунчалик баланд бўлмоғи керак — бу ҳақиқатни иккала кулоғингга кўрғошиндай қўйиб ол.

Бунинг изоҳи осон: миллион-миллион йиллар давомида жамики тирик жонзотнинг, шу жумладан, инсоннинг ҳиссий, руҳий интилишлари унинг ҳаракати орқали интиҳо топган. Ҳар томонлама жисмоний ҳаракатдан ҳалос бўлганимизга атиги бир неча минг йил бўлди, холос. Шу муддат давомида физиологик аппаратимизда бирон бир сезиларли ўзгариш рўй берди, деб ўйлаш бемаънилик бўларди. Йўқ, аксинча, бадтар бўлди, негаки, асабларимизга тушадиган вазифа беҳад ортиб кетди, жисмоний фаолиятимиз эса ўнлаб, юзлаб марта камайиб қолди. Буни билмаслик, буни ҳисобга олмаслик — кечириб бўлмас нодонликдир. Асабий изтироблар, ақлий фаолиятдаги ортиқча зўриқишларни ҳозирги тезкор ҳаётимизда фақат ҳаракат билан, фақат жисмоний фаолият билан бартараф қилиш мумкин. Албатта, бошқа йўлдан борса ҳам бўлади: ароқ ичиб ўзини қарахат қилиш мумкин, дори ичиш мумкин. Лекин — нега? Нега асабий зарбалар ёхуд ортиқча руҳий зўриқишлар сабабли, табиий тарзда ҳаёт кечиргандагига қараганда ўнлаб йиллар олдин ўлиб кетиш керак? Эркинлик — англашилган заруриятдир. Бу ибора — машҳур ибора. Шундоқ

экан, ўз организмни ароқ билан захарлаш ўрнига ёки умрни кунлаб, ҳафталаб врач қабулида, оилаб касалхонада ётиш билан ўтказиш ўрнига, нега ҳафтада бир неча соатни жисмоний ҳаракатга сарфламаслик керак!?

Мен сенга бу — саломатлик масаласигина эмас, маънавият масаласи ҳам, деб бежиз айтмадим. Бу, айни чоқда, шахснинг камолотига ҳам тааллуқли масала.

Сен яхши биласан, ўғлим, менинг бошимга жуда кўп мушкул ишлар тушган. Мен кўп марталаб чорасиз, қийин вазиятларда қолганман. Неча марталаб менга хиёнат қилишган, не-не ақин одамларимдан жудо бўлганман... Хўш, нима бўлди оқибат? Буларнинг барини бошдан кечириб оғир эди, албатта, лекин ҳар гал ўзим ҳам тушунмайдиган аллақандай куч мени оёққа турғизарди. Менинг аввалгидай қувноқлигимни, зинадан кўтарилаётиб минғирлаб хиргойи қилишимни, қизларга ҳўш ёқаيدиган гаплар гапиришимни кўриб, «дўстларим» бунинг сирини тополмай танг қолишарди.

Афтидан, гап ҳақиқий, жонанон дўстларнинг мададидагина эмас, ўзининг ҳақиқий ишончдагина эмас, балки жонли табиатнинг мутлақ қонуни — мангу ҳаракат, доимий жисмоний имкониятларнинг менинг фойдамга ишлашида ҳам... Дорилар масаласига келсак, уларни ялқовлар ичаверсин. Мен асло чўчимасдан сенга «сирим»ни очялман, Кошчей ҳақидаги эртадагига ўхшаб «жоним» қайда яширинганини айтиб бераман. Аламзада одамлар шунинг учун ёмонки, улар одатда ишда укувсиз, заиф бўладилар, улар ялқов ва ҳасадгўй. Заифликлари сабабини ўзларидан эмас, шароитдан кўрадилар. Яна «сир»дан гапирай: жисмоний фаолият билан шуғулланиш учун одам ҳамиша ўзини мажбур қилиши, эринчоқликни, иродасизлигини енгиб туриши керак. Бу иш ялқовларнинг кўлидан келмайди. Жуда нари борса, улар икки кун эрталаб дераза тўйнуқчаси олдида қўлларини силкитиб бадантарбия қилгандай бўладилар-у, шу билан иш тамом. Тренер бўлиб ишлаган кезларимда бир нарсаси диққат қилганман: маълум муддатга нормал ҳаётга қайтган жиноятчилар спорт билан шуғулланиб қолсалар, одатда сира ҳам тузукроқ натижаларга эриша олмайдилар. Доимий бекорчилик уларнинг иродасини мажруҳ қилиб қўйган бўлади. Доимий равишда ўзини мажбур қилишга бўйинлари ёр бермайди. Шунинг учун ҳам бир неча марта қатнаб, кейин машқларда кўринмай қолишади.

Асосий мавзуга қайтар эканман, яна такрорлайман: ўзингни эркак сифатида ҳурмат қилай десанг, ўз принципларингга мустаҳкам пойдевор яратмоқчи бўлсанг, безорилар билан олишуга қараганда ўн чандон хатарлироқ турмуш олишувларида қўрқув нималигини билмай десанг, хуллас, ўзингни кўплаб йиллар мобайнида шахс сифатида сақлаб қолишни истасанг, кучингни аямай, вақтингни қизганмай доимо машқ қилиб, руҳингнинг моддий заминини чиниктирмоғинг, мўрт жисмингни бақувват қилмоғинг керак.

Сен гўдақликданоқ бу ажойиб дунёга қадам қўйгансан, шунинг учун гапларим сенга тушунарли бўлса керак. Шунингдек, ўйлайманки, бошлақарга ва ҳатто кўпчиликка бу гапларим яхши етиб бормаса керак. Улар мени ваҳима қиляпти, деб ўйлашлари ҳам мумкин. Нима ҳам дердим? Бошқа ҳамма масалалардаги каби бу масалада ҳам олий ҳакам — ҳаётнинг ўзи. Ишонмайдиганларга: «Омон бўлсак, кўрармиз», дея оламан, холос. Фақат ажабланидиган жойи шундаки, ҳозирги ҳам қўлай, ҳам айни чоқда қалтис тараққиётлар шароитида бадантарбия билан, жисмоний тарбия билан тинимсиз шуғулланидиган одамларгина «омон бўлиб, кўради...»

## МЕҲНАТ БИЛАН БАРОБАР, СЕВГИ БИЛАН БАРОБАР...

Бу китобда сенга бошқа муҳим нарсалар ҳақида ҳам сўзлаб бермоқчиман, ўғлим. Менимча, меҳнат ҳақидаги, эркак ва аёл ўртасидаги муносабатлар ва яна ҳаётни ҳаёт қиладиган бошқа кўпгина масалалар ҳақидаги суҳбатлар бунда алоҳида ўрин эгаллаши керак. Бироқ, бу масалаларга ўтишдан аввал яна ва яна спорт, бадантарбия масаласида тўхталмоқчиман, негаки ҳаётимиз асосини ташкил қилувчи ҳаракат бобидаги ютуқлари-

миз цивилизациямиз ривожининг тезкор суръатларидан ўзиб, кўпайиб бориши зарурлигига ишончим комил.

Умумбашарий бир мушкулот бор — кўпинча одамлар ўз профессионал, интеллектуал, маънавий имкониятларининг қўққиларига яқинлашганларида ҳаётдан бевақт кўз юмадилар. Бу — оламшумул муаммо. Афтидан, тиббиёт инсон умрини узайтириш соҳасида ўз имкониятларини сарфлаб бўлган кўринади. Тиббиёт бизнинг ҳаётимизни муайян муддатга асрашни ўрганиб олди. Бироқ бу муддат табиат жисминизга жо этган программага мувофиқ яшашимиз мумкин бўлган муддатнинг ярмини ташкил қилади, холос. Цивилизация ўзи билан бирга олиб келадиган асабий изтиробларга қарши ҳозирги ҳаётнинг беозор, ҳузур-ҳаловатли шароитига қарши чинакам Жисмоний тарбиядан бошқа чора йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Цивилизациянинг қонуний ва зарурий, борган сари кучайиб бораётган ҳаракатига қарама-қарши қўйишга инсониятнинг бундан ўзга кучи йўқ. Цивилизация диалектиканинг умумий қонунига бўйсунган ҳолда тараққиёт билан бирга инқироз ҳам келтиради. Шунинг учун ҳам мен қайта-қайта спорт билан шуғулланишнинг зарурияти ҳақида, умумий жисмоний тарбияни юксалтириш хусусида гапирялман. Шу пайтга қадар файласуфлар, социологлар, шоирлар меҳнат ҳақида, эркинлик ҳақида, муҳаббат ҳақида қанчалик куюниб, жиддий гапирган бўлсалар, энди жисмоний тарбия ҳақида ҳам шунчалик жиддий гапирмоқ керак.

Сўнги йилларда спортни XXI аср одамларининг эҳтиёжи нуқтан назаридан талқин қилувчи энчагина асарлар пайдо бўлди. Уларда тўғридан-тўғри ўқдириладиги, интеллектуал меҳнатнинг улуши кескин ортиб бориши ва инсоннинг ҳаракат режими кескин камайиши муносабати билан муттасил ишлайдиган мия, айниқса, кислородга бой қон оқимининг доимий ҳаракатини талаб қилиши ҳақидаги масалани жуда кенг қўламда кескин қўйиб зарур. Ақлнинг ўткирлигини, фикрнинг тиниқлигини мотордай қудратли юрак билан темирчининг босқонидай ҳажми катта ўлкагина таъминлай олади.

Байдаркада сузиш бўйича икки марта олимпиада чемпиони, олти марта Европа чемпиони, ўн етти марта СССР чемпиони бўлган, хизмат кўрсатган спорт мастери, СССРда хизмат кўрсатган тренер Антонина Серегина «XXI асрнинг кенгпешоналиларига» деган мақоласида бундай деб ёзади: «Бугунги «биз учун бефойда» рекордлар XXI асрнинг кенг пешонали одамларига зарур. Эҳтимол, уларга инсониятни ҳамшиша тўлқинлантириб келган энг муҳим саволларга жавоб топиш nasib этар. Эҳтимол, табиат уларга энг махфий сирларини очару улар моддалар алмашуви, касалликлардан халос бўлиш, маънавий камолот, вақт ва фазони бўйсундириш, ажални жилвовлаш йўлини ўрганиб олишар... Улар эртага муваффақиятсизликлардан чўчимай, ўзларининг гўзал, улкан мияларини ҳаракатга келтира олсинлар деб, биз бугун спортдаги олий ютуқларимизни кўпайтирялмиз ва мукамаллаштирялмиз. Шундай вақт келадики, одамзод табиат инъом этган организмни беғамлик билан эксплуатация этишни бас қилиб, инсоннинг саломатлиги фақат жисмоний тарбия ва спортдан олиннадиган қувват билан белгиланиши ҳақида жиддий ўйлаб бошлар. Ана шунда келажак одам организмнинг хусуси бугун яратилаётгани равшан бўлади. Бу — спортчининг ҳаддан зиёд зўриқишларга дош берувчи, жуда улкан сафарбарликни бошидан кечирувчи, ҳар қандай ўзгарувчан шароитга мослаша оладиган организмидир.

Медаллар, очколар, секундлар гўзал мақсад — келажак одамини яратиш йўлидаги манзиллар, холос...»

«Келажак одами...» Бу одам бугун бунёдга келмоқда.

Эсингдами, кураш машқларидан эзгиланиб қайтганларингда жамик қариндош-уруғлар теварегингда оҳ-воҳ кўтаришарди? Кўпинча этинг узилиб, бирор еринг лат еб келардинг. Бўзсан бир йўла қўл-оёғинг, юз-кўзу қулоқ-бурнингни дока билан чирмаб ташлаган пайтларимиз ҳам бўлган. Мен уларни койирдим. Оҳ-воҳни бас қилинг, эркак одам оғриққа дош бериши керак, манглай терининг шўрлигини, юкнинг оғирлигини билиши керак, дердим... Ҳозир сендан мамнунман. Мамнунлигим — ёрликларинг, чемпионлик унвонларинг, мукофотларинг учун эмас. Ҳатто, ҳам самбодан, ҳам дзюдодан мастерликка номзод бўлганинг учун ҳам эмас — буларнинг бари ўткинчи. Мен шундан хурсандманки, сен одамнинг ўз баданига, иродасига, ўз характерига ҳўжайин бўлиши нечоғли лаззат бахш этишини ёшлигингдангоқ билиб олдинг. Ахир,

одамнинг ўзидан кўра мушкулроқ рақиби йўқ-да. Тўғрироғи, ўз эринчоғидан кўра. Яна шунга хурсандманки, сен меҳнатсиз ҳеч нарсага эришиб бўлмаслигини англаб етдинг. Яна шунга хурсандманки, сен бошқа полвонлар билан мулоқотда инсонни тушунишни ўргандинг, негаки одамнинг моҳияти даставвал курашнинг энг кескин палларарида намоён бўлади.

Шу ўринда биз яна ўз масаламизга — сўхбатимизнинг бош мавзуга қайтаемиз: ҳаёт тахтасида ким шоҳ бўлади?

Одамлар инсоний имкониятлар ривожининг шундай бир даврига келиб қолдиларки, унда ҳеч нарса билан чегараланмаган истиқбол аён кўриниб турибди. Агар биз шу нуқтаи назардан спортга қарасак, у янги даврга — чинакам инсоний муносабатлар даврига бизни маънавий жиҳатдан ҳам тайёрлашни кўраемиз.

Чинакам инсоний муносабатлар...

Масалан, парашютчилар командасини олайлик. Агар бирор одам сакраш учун очиқ эшикка йўл олса, ортидаги одам «Ҳамма нарса жойидамикан?» дея беҳттиёр унинг елкасидаги халтани кўздан кечиради. Бунда бир-бирига чексиз ишонч ҳукм суради. Бу ишончнинг баҳоси — ҳаёт. Самолётга чиқиш олдида парашютчилар бир-бирларига парашютларини тах-лашга ёрдам беришади, осмонда ўзини хавф остида қолдириб бўлса-да, дўстидан огоҳ бўлиб туради. Ерда эса, ҳар бири ҳар бирига муайян одам ҳақида, унинг ўқуви, тайёргарлиги, феъл-атвори тўғрисида бениҳоя очиқ гапирди.

Ҳозир мен очиқ эшикдан тубсиз осмон қаърига сакраш учун зарур бўлган мардлик ҳақида гапирётганим йўқ. Шунингдек, ҳозир мен эркин парвоз қиладиган одам туядиган бениҳоя кучли ва гўзал ҳиссиётларни ҳам эслаётганим йўқ. Йўқ, булар — алоҳида мавзу.

Ҳозир мен спортнинг одамлар қалбида жанговар вази-ятларда, уруш шароитидагина бўлиши мумкин бўлган сифатларни туғдира олиши ҳақида гапиряпман. Албатта, уруш шароитини кўргулик қилмасин. Ундан кўра, тинч инсоний турмушнинг энг яхши жиҳатларини асраб-авайлаган ҳолда, қалбимизда инсонни тарбиялайлик.

Спортнинг имкониятлари чексиз. Биз парашютчилар ҳақида гаплашдик. Форларни тадқиқ қилувчи спелеологларда ҳам ана шундай муносабатлар мавжуд. Спелеология ҳам одамда жасурлик, чаққонлик, топқирлик каби сифатларни тарбиялайди. У яна коллективизм руҳини ҳам тарбиялайди. Спелеологлар ҳам ҳеч қачон бир-бирига панд бермайди, чунки ер қаърида — ҳар қадамда одам тубсиз жаҳаннамга дуч келиши мумкин бўлган бир шароитда ишонч туйғуси, бир-бирига боғланганлик туйғуси жуда зарур. Албатта, ер қаърини бўйсундирувчиларнинг нигоҳи қаршида ҳам ажойиб гўзалликлар намоён бўлади. Мен яна шунини сездимки, босиб ўтган йўлинг қанчалик оғир бўлса, қаршингда намоён бўлувчи манзара шунчалик гўзал бўлади. Узунқўлдаги альпинистик лагерда турганимизда учта қорли довондан ошганимиз ёдингдими? Ушанда сафаримизда сўнгидеки бирдан қаршимизда жуда гўзал бир водий намоён бўлган эди. Уни «жаннатосо» деб аташдан бошқа таъриф тополмаган эдик. Атрофини улғувор чўққилар ўраган. Осмон кўм-кўк. Қир сатҳини қоплаган гуллар ва майсалар шу қадар тоза, ҳаво шу қадар мусаффо эдики, бу ерда ҳали одам боласининг қадами тегмагандай туюларди. Чайлани қуриб бўлиб, гулдирос овози келаётган томонга борганимизда бошдан шаршарани кўрдик. Унинг суви куйига — кўз илғамас чуқурликларга отилмоқда эди. Ушанда инструктор биз турган жойдан даранинг тубигача тахминан етти юз метр эканини айтган эди...

Хўп, майли: улар — ер остида, булар — осмонда, яна бирлари осмон билан ер ораллигида. Хўш, ер устида-чи? Майли, хоккейни олиб кўрайлик. Бу ўйинда лаҳзалар ичида қарор қабул қилиш зарур, шерингнинг нигоҳиданоқ ҳамма нарса ни фаҳмлаб олишинг керак, ўйин охиригача бор куч билан мардонга курашиш талаб этилади.

Одамни бардошга ўргатмайдиган, ирода кучини ўстиришга ёрдам бермайдиган, энг мураккаб дақиқаларда ўзини-ўзи сафарбар қилиш қобилиятини тарбияламайдиган спорт тури йўқ. Спорт — имкониятларни рўёбга чиқариш воситаси. Одам эса бахтиёр бўлиш иштиёқида худди шунга интилади.

Эҳтимол, шунинг учун бўлса керак, сафар қиладиганларнинг кўпчилиги борган сари мураккаброқ маршрутларни танлашмоқда. Шунинг учун ҳам одамлар чанғида музлик орқали Шимолий кутбга йўл олишаётган бўлса эҳтимол. Балки шу

боисдан ҳам улар кичкина қайиқларда океанлардан сузиб ўтишмоқда. Эҳтимол, шу сабабдан мотороллерда Саҳрои Кабирни кесиб ўтишмоқда. Эҳтимол, шунинг учун йилдан-йилга энг баланд ва йўли оғир чўққиларни забт этишни истовчилар сони кўпайиб бормоқда.

Қизиги шундаки, мана шу ҳақрамонона ишларни амалга оширар эканлар, сайёҳлар бутун инсоният ҳақида ўйлашади. Француз Ален Бомбар мўъжазгина резина қайиқда очиқ океанга чиқар экан, инсон океандан кўрқмаса, ҳар қандай шароитда ҳам яшаши мумкинлигини исбот қилмоқчи бўлган. Ва у буни исбот қилди ҳам — мураккаб шароитларда инсон имкониятлари чексиз эканини тажрибада кўрсатди, ҳалокатли вазиятга тушиб қоладиганлар учун амалий тавсиялар намунаси-ни ишлаб чиқди.

Ўзлигини намоён қилиш билан спортчилар инсониятнинг имкониятлари ҳадсиз-худудсиз эканини исботлайдилар, одамларга келажак сари йўл кўрсатиб, бошқалардан олдинда борадилар. Валерий Борзов бундай деган эди: «Ҳа, инсониятга рекордлар керак. Ҳамма соҳада — спортда, санъатда, меҳнатда машааллар зарур. Улар инсоннинг имкониятлари чексиз эканини намоён этишади... Жаҳон рекорди ўрнатар эканмиз ёхуд олимпиада чемпиони бўлар эканмиз, биз бу билан ватандошларимизга «Қаранг, одамлар, мен нимага эришдим! Бу сизнинг ҳам кўлингиздан келади», деяётгандай бўламиз».

Шундай демоққа Валерий Борзовнинг ҳақиқи бор. Мен унинг олимпиадада олган медалларини кўзда тутаётганим йўқ. Мен унинг мардлиги тўғрисида гапиряпман. 1976 йилги Олимпиада ўйинлари пайтида кимдир совет делегацияси штабига кўнғироқ қилиб, қисқа масофага югурувчилар мусобақалашаётганда минбарда мерган ўтиришини, агар Борзов маррага биринчи бўлиб етиб келса, ўққа учишини айтган... Борзов эса чўчимаган, биринчи ўринни эгаллаб, олтин медални қўлга киритган.

Бу жуда катта ва кўпқиррали мавзу. Бу мавзунинг чиндан ҳам ҳайратомуз жиҳатлари бор. Масалан, статистик маълумотларга қараганда, болалигида бирон оғир хасталикни бошидан ўтказган одамлар кейинчалик соғлом улғайган тенгқурларига нисбатан спортда кўпроқ муваффақиятларга эришганлар. Афтидан, бунинг сабаби шундаки, улар хасталик билан курашда чинқиб, мақсадга интиладиган, метин иродали бўлиб етишганлар. Мавзунинг бошқа қирралари ҳам бор. Хуллас, спорт ҳам ҳаётнинг ўзидек битмас-туганмасдир. Шунинг учун ҳам у яна бир мавзунинг ўз ичига олади: спорт одамларга гўзаллик бахш этади. Мен дунёда одамнинг баркамол танасини кўра гўзалроқ нарса ни билмайман. Аёлнинг кўркам танасини ёхуд эркекнинг зўр ҳайкалтарош ясаган ҳайкалдек бақувват гавдасини нимага қиёс қилиш мумкин? Симфонияга-ми, дostonгами ёхуд, ҳозир айтганимдай, ҳайкалгами? Эҳтимол, мумкин. Лекин, нима бўлганда ҳам, санъат икки-ламчи-да. Спорт эса, ҳаракат эса имкониятга бирламчи гўзаллик бахш этади...

## «СИЗГА ОЗОР БЕРМАДИММИ?»

Сен билан сўхбатимиз спорт хусусида эди. Бу мавзу кудратли дарёдай бизни океанга — инсон ҳаётининг баркамоллиги масаласига олиб келди.

Йилига лоақал икки-уч ҳафтани, албатта доимий иш жойингдан олисда ўтказиш керак. Велосипеддан йиқилиб, чап тиззам лат еган кезларда «Қизил елкан» номидаги клубга йўл олдим. Бу клубга сува туризми ҳаваскорлари тўпланган эди. Биз — тўққиз киши биргаликда ангишвонадек байдаркаларда Карелияга — асов Шуя дарёсига бўйлаб сафарга жўнадик.

Уч ҳафта давомида биз олис ўтмишдаги аждодларимиз янглиғ ҳаёт кечирдик: фақат ўз кучимизга таяндик, очиқ ҳавода — гоҳ юлдузлар чарақлаб турган, гоҳ ёмғирли булутлардан хира тортган осмон остида тунадик, овқатимизни гулханда пиширдик.

Уч ҳафта давомида биз олис келажак одамлари янглиғ ҳаёт кечирдик: ўзаро мулоқатларимиз гўзал эди, атрофимизни қуршанг табиат гўзал эди. Маънавий ва жисмоний барка-

молликнинг гўзаллиги моддий ташвишлардан қиёс қилиб бўлмас даражада устун эди...

Мен байдаркада ёлғиз эдим. Бир куни ўртоқларимдан анча узоққа кетиб қолдим. Эни бир неча километр келадиган кўлни тўғри кесиб ўтиб, нариги қирғоқдаги ирмоқни топмоқчи эдим. Йўлимиз шу ирмоқ орқали давом этиши керак эди. Қош қорая бошлаган, олисдаги байдаркалар қора нуқталардай зўр-базўр кўзга чалинарди. Мен тик харсанг соҳилга яқинлашганимда бирдан қайдандир юқоридан яхши созланган органининг қудратли овозига ўхшаш товушни эшитдим. Ҳанг-манг бўлиб тевааракка алангладим. Ҳеч ким кўринмади... Ҳолбуки, бу командоримиз Толя Ястребовнинг овози экан. У Степка Разин ва князь қизи ҳақидаги машҳур шеърни баланд руҳда ўқир, оқшом оғушидаги кўл эса унинг овозини кучайтириб акс садо берад эди.

Ана шу ажойиб ҳодисани, том маънода табиатнинг нодир ҳодисасини унутиб бўладими? Ана шу минг йиллик ёввойи ўрмонларни, тезоқар дарёларни, кўпириб тошган шаршараларни унутиб бўладими? Бу шаршараларга яқинлашар экансан, ярим чақирим наридаёқ ўз товушини эшитолмай қолсан, осмонни оғир юк ортган поезднинг гулдирашидай овоз қоплайди. Зим-зиё тун қаърида, кўл ўртасида ёмғир аралаш кўпган бўронни унутиб бўладими?.. Ўрмон ичида кунлар ҳисобини йўқотиб қўйдик. Икки ҳафтадан сўнг аллақайси қишлоққа етиб бориб ҳисобласак, бир кун ортиқ йўл юрибмиз. Ямоқлардан олақуроқ бўлиб кетган брезент байдаркада кўпириб ётган жаҳаннам қаърига, даҳшатли гулдурок қаърига ағдарилаётган лаҳзаларини унутиб бўладими? Бундай кезларда омон қолиш — ўзингни сафарбар этабилиш уқувингда, секунднинг ўндан бир, юздан бир лаҳзасида совуққонлик билан аниқ ҳаракат қила олишинга боғлиқ.

Қўшиқлар-чи? Сухбатлар-чи? Янги одамларни кашф қилиш-чи? Балиқ овлари, навбатчиликлар... Буларнинг бари хотирага чуқур ўрнашиб қолади ва бизнинг борлигимизга айланади.

Шу сафардан кейин қизларимизнинг ҳусни қандай очилиб кетганини кўрсанг эди! Октябрда қорайишган, қувноқ, хотиржам, кўзларида эзгулик ҳам, куч ҳам, ҳаёт қувончи ҳам мужассам! Уларнинг ёнида юзига беармон бўёқ чаплаган шаҳардаги нимжон, сатанг қизлар нақадар ожиз!..

Сафаримиз охирида командоримиз ҳисоблаб берди: шу уч ҳафталик сафар учун ҳар биримиз қирқ беш сўмдан сарфлабмиз. Бу пуллар — клубга аъзолик бадалига, темир йўлга, озиқ-овқатга харжланибди.

Албатта, қирқ беш сўмга анча нарса олса бўлади. Бироқ бу ғаройиб туйғуларни, ажойиб саргузаштлару инсон ҳаётининг баркамоллигидан қаноат ҳиссини, соғлом руҳинг ва соғлом танингдан мамнуният туйғусини қайси пулга сотиб олиш мумкин? Табиат оғушига шундай сингиб кетишни, қудратли ва шафқатсиз рақиб билан ана шундай муросасиз олишувни қайси пулга сотиб олиш мумкин? Дўстлик бахш этадиган қувонч-чи? Чинакам ўртоқлик руҳини-чи?..

Мен сенга фақат бир воқеани ҳикоя қилмоқчиман — у бизнинг муносабатларимиз қандай бўлгани ҳақида жуда яхши тасаввур беради. Бир куни шундай бўлди: биз дарё жуда

торайиб қолган жойга дуч келдик. Бир-бирига ниҳоятда яқин қояли икки соҳил орасидаги торгина дарадан сув ҳаддан ташқари катта куч билан кўпириб-ҳайқириб оқарди. Бешта байдаркада олдинма-кетин саф тортиб сузиб келаётган эдик. Биринчи қайиқ шаршарадан эсон-омон ўтиб олди. Лекин, иккинчиси қутилмаганда кўндаланг бўлиб қолди. Унинг тумшуги ҳам, қуйруғи ҳам қоятошга илиниб қолди. Учинчи қайиқ тўхтаёлмади — у оқим билан жуда тез сузиб келдию кўндаланг бўлиб қолган қайиққа урилиб, унинг ўртасидан ёриб ўтди. Иккига ажралган қайиқнинг бир палласида Танечка, иккинчи палласида капитанимиз Игорь тошларга қапишганча қолаверди. Худди шу пайт бемаза драма асарларида бўладигани каби шаррос ёмғир қуя бошлади. Мен бир амаллаб қайиғимни қирғоққа олиб бориб боғлаб қўйдим-да, тош устида қолган дўстларимга ёрдам бериш учун ўзимни сувга отдим. Бир зумда тўлқин мени пайрахадай оқизиб кетди. Қирғоқдаги йигитлар дарҳол арқон ташлашди, уни ушлаб, фалокатга учраган қайиққа бир амаллаб етиб олдим. Биз тўртовлон залварли тўлқинлар остида қайиқни қоятош исканжасидан қутқаришга ҳаракат қила бошладик. Игорь шаррос ёмғир остида қутурган тўлқин ичига сакраб тушди-да, менга қараб жилмайганча тавозе билан сўради: «Сизга сув сачратиб юбормадимми, Юрий Андреевич?»

Вазиятни бир тасаввур қилиб кўр: аҳволимиз ночор, ҳайқириб оқаётган дарё, тўлқин ютаман дейди, ёмғир эзиб ёғиб турибди. Шундай аҳволда бояги гапни айтиш учун одам чинакам юмор туйғусига эга бўлиши керак. Ушанда бизнинг сафаримизда ҳукм сурган ҳақиқий дўстлик руҳини энди тасаввур қилган-дирсан.

Ниҳоят, биз кўплашиб, иккига бўлинган қайиқни тош устидан тушириб олдик ва қирғоққа олиб чиқиб, брезентга ямоқ солдик. Қирғоқдаги катта қоя остида бир амаллаб гулхан ёқдик, нарсаларимизни қуритдик, овқат тайёрладик ва эртасига яна дарё бўйлаб сафарга — янги шаршаралар ва янги кечинмалар сари отландик...

Куз ўтди, киш ўтди. Баҳор келди. Яна янги сафарларга — аввалгисидан қийинроқ ва олисроқ сафарларга тайёрланиш фурсати етди. Шунда яна йигитлар ҳузуримга келишди: «Кетдик, Андреевич» Мен арзи ҳолимни бошладим: «Августда Варшавада конгресс бор, сентябрда китобимни топширишим керак». Йигитлар маъсум кўзларини пирпиратиб, менга индамай тикилиб туришарди. Арзи ҳолим тугагач, улар яна: «Кетдик, Андреевич...», дейишди. Мен бир томоқ кириб олиб, конгрессга қўл силтадим «Кетдик!», дедим. Яна янги сафар, аввалгиларидан зўрроқ саргузаштлар бошланди. Ҳа, инсон турмушининг мукаммалиги кишига бениҳоя улкан қувонч бахш этади. Бу қувончни латта-путтага, буюмга алмаштиришга қобил кимсалар — нақадар қашшоқ одамлар!

Охири келгуси сонда.



Жамшид Пиримов,  
Шойим Бўтаев

# ИККИ ЎТ ОРАСИДА

Яқинда қўлимизга иккита хат келиб тушди. Уларни ўқиб, беихтиёр ҳаёт, бахт, турмуш муаммолари ҳақида ўйга толасиз.

Бахт нима, у қандай тарози билан ўлчанади? Иккала хатдан ҳам ўша бахтга интилиш сезилиб турибди. Лекин бахтни ҳар ким ҳар хил тушунади. Яхши-си, хатларга бир назар солайлик.

## БИРИНЧИ МАКТУБ

Таржимаи ҳолим қисқа: дадам заводда ишлайдилар, аям уй бекаси. Тўнғич фарзанд — мен. Бир-бирининг изини босиб келаётган тўртта ўкам бор. Ешим йигирма олтида. Икки ярим йил педагогика билим юртида ўқиганман. Ҳозир мактабда бошланғич синфларга дарс бераман...

Урта мактабни битирганимда уй ичидагилар, қариндош-уруғлар, ёру биродарлар мени ўртага олишиб каттакон «мажлис» қуришди.

— Уғлим, мактабни ҳам битирдинг, — дея гапни узоқдан бошладилар дадам. — Еш бола эмассан. Бу ёғи — мустақил ҳаёт. Биз тирикчилигимизда ўзингни ўнглаб олсанг, кўнглимиз хотиржам бўлади — укаларинг ҳам сенинг изингдан кетишади.

— Энди-и, жиян, — деб дадамнинг гапини давом эттирди тоғам. — Ҳали бу хонадонда тўю маърака бўлган эмас. Даданг қанча эшикка, аянг қанча эшикка кириб чиқишган. Эл-юртнинг кўзи ҳозир шу

ерда. Ҳа-а, шу ерда! Юрсанг юраверасан сандироқлаб. Уйланиш керак, жи-ян, уйланиш!

— Топгани бўлса айтсин, — фурсатдан фойдаланиб суҳбатга қўшилдилар аям. — Бўлмаса ўзимиз топайлик!

— Ҳа-а, жиян гапир! — Қистовга олди тоғам.

Рости ҳали бирор қизни кўнглимда армон бўлади-ган даражада севмаган эдим! Тўғри, синфимиздаги кўримсиз, касалмандроқ қиз — Ойшани сал-пал ўйлаб юрардим, аммо у билан турмуш қуришни хаёлимга келтирмасдим! Шундай бўлгач, нимаям дердим! Индамадим.

— Анови Абдурашул омборчининг қизи зап қиз бўптими?! — Кўнглимга гулу солиш учун бўлса керак, аям атрофидагиларга қараб, оҳиста сўзлай бошлади. — Абдурашул Наби тўғилганида (Наби менинг исми): «Янга, шунингиз бир зўр йигит бўлсинки, мени айтди дерсиз... Бизди хотин ҳам ўйлаб тургандек дарров қиз туққанини қаранг-а! Эсон бўлсак, албатта, Набига бераман девди, шу гапни эсимда... Лекин қизмисан-қиз бўпти-да, ҳалиям йўқ демас...

Дарҳақиқат, Абдурашул амакиннинг ажойиб қизи бор эди! Оти — Санам! Узиям гўзал, исмиям гўзал!

Индамадим. «Бундоқ қизни аянг топмаса, етти иқлимни қидириб ҳам ўзинг тополмайсан!» — деган ўйда ризолик аломати — сукут сақлаб туравердим...

Аямнинг лабларига табассум ёйилди, дадам хурсанд, тоғам мамнун ҳолда мўйловини бурарди: «Иш битди!»

Хуллас, тўй бўлди. Дадам элга биринчи ош беришим, деб дабдабани жуда ошириб юбордилар...

Бир йил ўтди. Турмушимиздэн мен мамнун, Санам мамнун! Бир-биримизга муносиб тушганимизни кўрган аям хурсанд, дадам хурсанд! Қизлик бўлдик, исмини Гўзал қўйдик!

Мен педагогика билим юртига ўқишга кирдим. Ҳар ҳафта шанба кунлари қишлоққа — ота-онамнинг, Санамнинг олдига келаман! Кетиш қийин бўлади, кўнғил узиб кетиш жуда оғир!

Икки йил шундай ўтди — ўғилчаллик ҳам бўлдики..

Аmmo техникуминг иккинчи курсида ўқиётганимда, пахтага борганимизда ҳаловатим бузилди. Мен биринчи курсда ўқийдиган Гулчеҳра исмли қиз билан ўзим сезмаган ҳолда яқинлашиб қолдим. Иккаламиз доимо бир эгатга тушардик, кечалари ой ёғдуси остида сайр этардик, тўйгуларимизни бир-биримизга тўкиб солишга кундузу тунлар ҳам етишмас, мен уни тушларимда кўрардим. Санамни эмас, Гулчеҳрани оппоқ пахтазор ичида, оппоқ либосга бурканиб турган ҳолда кўрардим...

Уйга камдан-кам борардим. Уйга борсам, Санамга раҳмларим келиб кетарди. Бир томондан болалар, иккинчи томондан, супур-сидир, мол-ҳол Санамни тўзитиб, оздириб юборганди... У менинг тўйгуларимдан беҳабар эди, албатта, ҳатто, хаёлига келтирмасди...

«Нега шошқалоқлик қилдим экан-а?! — ўйлардим мен. — Уйланиш қочиб кетмасди-ку?! Санам, шўрлик Санам! Вечора Санам! Сени озитдим, тўзитдим, умрингни барбод қилдим! Шундайми, Санам?! Сен нега индамайсан, Санам?! Уртада болаларимиз бор.

Улар билан овуномоқчимисан? Йўқ, йўқ! Улардан мен ҳам кўнгил узолмайман! Аммо, муҳаббат оташи вужудимни куйдириб, мени адо қилаёттир! Санам, эшитяпсанми?! Эшитяпсанми, Гулчеҳра?! Нима, қилай, Санам?! Гулчеҳра, нима қилай?! Қайси томон муқаддас?! Қайси йўлдан борай?!»

Икки оташ ўртасида қолган кишининг ўтириш-туришида ҳаловат бўлмас экан, умри шамдек сўниб бораверар экан. Бунга ким айбдор?! Ота-онамми?! Бевақт муҳаббат савдосини кечираётган менми?! Ким?! Билмайман, билолмайман! Оила — муқаддас. Муҳаббат — муқаддас, дейишади.

Айтинг, мен қайси бирисига талпинай!  
Хурмат билан:

НАБИ

## ИККИНЧИ МАКТУБ

Хатни ёзаётганимдан ва кимларгадир ўз тақдиримдан шикоят қилаётганимдан хижолатдаман. Ешлигимдан шикоят қилиб ўрганмаганман, чунки, дадам: «Шикоят — ожизлик белгиси! Ожиз бўлиш керак эмас!» — дердилар...

Унинг синфни битирганимда мени кўшни қишлоққа узатишди. Турмуш ўртоғим ҳам эндигина ўрта мактабни битирганди...

Уларнинг оилалари анча катта, лекин ҳаммалари ҳам яхши одамлар эди. Қайниларим, қайинсингилларим мени ҳурмат қилишади, мен ҳам бора-бора уларга меҳр қўя бошладим...

Турмушимиз яхши эди, лекин, афсус, фақат бир йилгина яхши бўлди.

Турмуш ўртоғим мактабни битиргандан сўнг институтга ўқишга кирмоқчи экан — оила қурганимиздан кейин унинг бу нияти орқага сурилди.

Келгуси йили қабул имтиҳонларининг биринчисидан қулаб келди-ю, шу билан орамызга совуқчилик тушди-қўйди.

У ҳеч иш қилмай уйга киради-чиқади, «ух» тортади, «Сен, — дейди менга, — ҳаётимни барбод қилдинг. Мен ўқишга кирардим уйланмаганимда, сен менга халақит бердинг, ҳа-а, мени куйдирдинг».

Мен... мен эса кўзларимдан дув-дув ёш оқизиб, унинг гапларига чидайман — нима қилай, «бор-ей!» деб кетиб юборайми? Ахир яқинда ўртамызда бола бўлади...

— Фалончининг ўғлини зап калласи бор экан, — дейди у куйиниб. — Катта ишга ўтириб олиб, мана, йигирма етти ёшида уйланди.

«Наҳотки, оиладан, турмушининг аччиқ-чучугини тоғиб яшайдан катта одам бўлиш устун бўлса?» — баъзан шундай хаёлларга бораман. Айрим одамларни бўғиб ташлагим, уларга бутун ғазабимни тўкиб солгим келади. Ахир улар — мажлисларда, йиғинларда: «Оддий касб эгаларини бошимизга кўтарамиз!» — дея оғиз кўпиртириб, амалда эса мансабдорлар олдида етти бўкиладиган, оддий ишчи қаршисида димоғини осмон қадар кўтарадиган, сўзи билан иши бошқа-бошқа кимсалар...

— Қўй, болам! — қайнонам куйинади. — Уйинг тинч бўлса — катта давлат шу!

— Сиз қилдингиз, сиз, — дейди у онасига ёпишиб. — Уқий дедим, «уйланасан!», — дедингиз! Мана, шохим чиқдимми? Кўчада одамлар: «Ҳа-а энди хотин, бола-чақа билан ўралашиб қайга борардинг, сенинг порлоқ келажинг шу экан», — деб масҳара қилишяпти...



*Аста-секин у менга мушт кўтара бошлади. Мен чидайман, яхши бўлиб кетар, дейман. Мен тенги қизларнинг шаҳар кўчаларида беғам, беташвиш юришларини кўрсам, хўрлигим келади.*

*«Айбим нима эди? Мен бахт истагандим, келин бўлиб тушажак хонадонимга қут, барака олиб борсам, деган ёруғ хайлларга боргандим. Мен, эрим қора иш қиладими, оддий касб билан шуғулланадими — ишқилиб унга ёрдамчи, ҳамдам бўлсам, деган эдим». Гоҳо эса, у битта-яримтани севиб қолдимикан, деган хайлга бориб, қўрқиб кетаман. Йўқ, у ҳеч кимни севган кишига ўхшамайди! Туну кун фақат каттароқ ишни, катта одамлар билан яқинлашишни ўйлайди, холос.*

*Мен одамлардан, турмушнинг аччиқ-чучугини тотганлардан сўраб кўрайчи, қани, нима дейишаркин, улар?*

*Опажонлар! Севгидан, оила лаззатидан бебаҳра одам наҳотки мансаб, дабдабаю ағаса билан бахтли бўлиб қолса?!*

*Азиз тенгдошлар! Ахир биз нега зеру-забарга, ўткинчи нарсаларга ўчмиз? Дунёда боқий нарсалар кўп-ку, ўшаларга сизинсак нима қиларди? Наҳотки, бахт дегани амалдан, мансабдан иборат бўлса?*

*Турмушимиз нураб борапти. Нима қилишга ҳайронман. Айтинг, нима қилай?*

*Эҳтиром билан:*

*Гулалас»*

*Икки хатни ўқиб бўлганингиздан сўнг, табиийки, қалбингизда бир-бирига қарама-қарши икки туйғу жўш уради.*

*Наби эзгу, манфаатпарастликдан ҳоли гўзал ҳиссиётдан изтироб чекса, Гулаласнинг турмуш ўртоғи худбинона, жирканч ҳисларда ўртанади, ўзини-ўзи адо қилади... Гулаласнинг турмуш ўртоғи ўйлармикан: «Хато йўлдан кетяпман!» — деб. Йўқ, ўйламайди! Унинг учун дунёнинг таянчи, устуни, одамларнинг қиблагоҳи мансабдир! Йўқ, йўқ, сен билмас экансан, дунёда бундан ҳам олижаноброқ нарса жуда-жуда кўп! Гулаласнинг қалбига озгина кира олганингизда, дунёда энг катта бойликка эга бўлардинг. Ахир, унинг юрагидаги ҳиссиётлар нақадар гўзал!*

*Наби-чи? Наби инсоннинг, инсон юрагининг қадрига етади. Аммо, у ҳам аро йўлда қолган. У Санам билан ажраша олмайди, виждони ҳам бунга йўл қўймайди, лекин кечикиб келган муҳаббатини бир умр юрагида ардоқлаб ўтса арзирмикан, ё ўткинчмикан?*

*Уларга тўғри йўлни кўрсатиш учун балки сиз кўмаклашарсиз, азиз тенгдошлар.*



Тошкентнинг оқ либоси.

А. ЖУМАЕВ фотоси





Ҳамид Қаҳрамонов,  
Тўра Мирзо

# Телетеатр ташвишлари



Т. МИРЗО. Асримиз иккинчи чорагининг кашфиёти бўлган телевидение, театр ва кино каби оммавий санъат турлари уфқларини бекиёс кенгайтди. Бугун улардан театр ва телетеатр муаммолари, улар орасидаги узвийлик муносабатлари ҳақида гаплашсак.

Ҳ. ҚАҲРАМОНОВ. Телеспектакль неча минг йиллик театр тажрибаларини ўзлаштириб илгариларимокда. Ўз ўрнида телевидение ва радио ҳам театрға янги ифода воситаларини инъом этиш билан уни яшартираётгир.

Аммо оммага таъсир кўрсатиш масаласида телевидениенинг қўли анча узун. Мабодо, икки соат мобайнида театрда, борингики, минг кишига томоша баҳонасида сабоқ берилса, телевидение ана шу вақт ичида миллионлаб кишиларға эзгулик дарсини ўташи мумкин.

Т. МИРЗО. Телевидениенинг кенг имкониятларини тан олган ҳолда, республикамызда телевизор спектаклларнинг умуман театрға нисбатан бадий савияси ҳамон паст даражада эканлигини эътироф этишимиз керак.

Ҳ. ҚАҲРАМОНОВ. Аслида-ку, ҳозир театр санъатимиз ҳам ҳавас қиладиган даражада эмас. Масаланинг битта боғлиқлик жойи шундаки, театр ва телетеатрнинг ҳам ҳаракатланувчи кучлари ўша-ўша — театр актёрларидирлар. Телевидение қошида махсус актёрлар студияси йўқ. Ваҳоланки, локал телефильм ва телетеатр студиялари учун муштарак — битта актёрлар студиясини аллақачон ташкил этиш мумкин эди. Бугунги ҳолида, театр спектакллари баъзан неча ою йиллар ишланиб, қиёмига етказилса, телевидениеда ҳатто ўн беш кунда ҳам бир спектаклни шошилич экранға чиқаришға тўғри келади. Шунда ҳам телевидение режиссёри актёрларнинг театрдан бўш вақтларига қараб иш юртади. Бу жиҳатдан телетеатр ҳамон театрға қарам бўлиб қоляпти.

Т. МИРЗО. Фикримча, режиссёр барибир ҳам ўз имзоси учун курашмоғи, хом-хатала асарларни экранға чиқаришға шошилмаслиги керак. Республикамыз телевидениесигина эмас, баъзан марказий телевидение орқали ҳам бўш спектакллар намойиш этилади. Аммо мен умумий савия даражасини назарда тутяпман. Биз телеспектаклларимизни шошилмасдан бадийиш пишитишимиз, баъзан бу кемтикни фильм-спектакллар билан тўлғазиб туришимиз лозим. Марказий телевидениеда иттифоқимиз катта-кичик театрларининг энг яхши спектаклларини видео лентаға ёзиб олиб кўрсатиш яхши йўлга қўйилган. Мана, яқинда Омек Давлат драма театрининг В. Распутни қиссаси асосида тайёрланган «Сўнгги муҳлат» спектакли кўрсатилди. Худди шу спектакль Москва ва Ленинграднинг етакчи театрларида ҳам сахналаштирилган бўлишиға қарамасдан, телевидение орқали фақат Омек Давлат драма театри спектакли кўрсатилди. Нима учун? Марказий театрлар спектаклларини ҳеч камситмаган ҳолда, В. Распутин асари мазкур театрда гоёт оригинал сахнавий ифодасини топганлиги, ўта замонавий режиссура унсурларига бой эканлигини тан олиш лозим. Демак, область театрлари спектакли ҳам баъзан пойтахт театрлари билан беллашиши мумкин. Марказий телевидение ҳақли равишда ана шундай ўнлаб театрларни тарғиб этмоқда. Бу хайрли иш республикамыз телевидениесида ҳам доимий анъанаға айланса, айни муддао бўлур эди. Жумладан, Ҳамид Олимжон номидаги Самарқанд Давлат драма театрининг «Отелло» (В. Шекспир асари), «Шаддод она ва унинг болалари» (Б. Брехт асари), «Мирзо Улугбек» (М. Шайхзода асари) ёки Йўлдош Охунбоев номидаги Андижон Давлат музыкали драма ва комедия театрининг «Отелло», «Ричард III» (В. Шекспир асари) ва бошқа ўнлаб театрларнинг энг яхши спектаклларини телевидение орқали тарғиб этгуликдир.

Ҳ. ҚАҲРАМОНОВ. Яхши гап. Бундан ташқари, область театр актёрларини телеспектакль ва видеофильмларға таклиф қилиш тажрибасини ҳам тезроқ йўлга қўйишимиз керак. Аввало миллионлаб томо-

шабинлар назаридан четда қолаётган талантили бир ижодкор кашф этилса, телевидение ҳам бир актёрни ҳар куни турли кийимларда томошабин эътиборига «тортиқ» қилавериш хижолатидан қутуларди.

Т. МИРЗО. Юқоридаги фикримни давом эттириб айтмоқчиманки, кейинги пайтда телеспектакллар сони кескин камайиб кетди. Айниқса, жаҳон классикларининг дурдона асарларига кам мурожаат қилин-япти. Дарҳақиқат, бу борада Сиз классик асарларга энг кўп мурожаат қилган режиссёрлардансиз. Ўз тажрибаларингиз билан ўртоқлашсангиз?

Х. ҚАҲРАМОНОВ. Масалан, Байроннинг «Манфред» драмаси, ундаги ҳайратомуз монолоғлар талабалик йилларимдаёқ юрак-юрагимни забт этган. Ҳатто баъзи парчаларни ён дафтаримга кўчириб, уни такрор-такрор ўқирдим. Ўзимча ўзбекчага ҳам ағдардим. Аммо шоир Рауф Парфининг бу асарни таржима қилиши мен учун катта муқофот бўлди...

Т. МИРЗО. Таржима охириги туртки бўлдию телеспектакль туғилди дег.

Х. ҚАҲРАМОНОВ. Айтиш керакки, Байроннинг шеърини драмалари саҳнада жуда кам қўйилган. Ҳаётлигида асарлари саҳна юзини кўрмаётганлиги муаллифни анча изтиробга солган. Мутахассислар унинг драмаларини «саҳнавий» эмас деб топишган. Байрон шундан сўнг «Марино Фолеро» шеърини драмасини саҳнабоп этиб ёзишга ҳаракат қилган. Бироқ у байронона чуқур фалсафа, романтизм, туйғулар арқоғини тарағиб тортиб турган максимализмдан маҳрум бўлиб қолган. Байрон вафотидан сўнг унинг асарлари қисман саҳна юзини кўрди. Жумладан, Москва Бадий театри (МХАТ) асосчиси К. Станиславский 1914 йилдаёқ Байроннинг «Кайн» фожиасини саҳналаштирган.

Т. МИРЗО. Режиссёрини тополмаган асарлар жаҳон театр тажрибасида анчагина. Сергей Есенин ҳам «Пугачёв» шеърини драмасини ёзар экан, бу поэтик асарни фақат Мейерхольддек тинимсиз изланувчан режиссёргина саҳналаштира олишига ишонади. Мейерхольд бу асарни саҳнага яроқсиз деб топгач, шоирнинг умиди пучга чиқади. Мана, орадан қирқ йил ўтиб, Москва Таганкадаги драма ва комедия театри бош режиссёри Юрий Любимов уни саҳналаштирди ва салкам йигирма йилдан буён у театр репертуаридан тушмай келаётир.

Х. ҚАҲРАМОНОВ. Ҳа, драматик асар режиссёр юрагида «оғриқ»қа айланмасдан туриб, саҳнавий талқинини тополмайди. Мен режиссёр сифатида, ана шундай «оғриқ»ларга жуда кўп марталар учраганимдан гоёт бахтиёрман. Гётеининг «Фауст» фожиаси тўлалигича ўзбекчага ағдарилиши билан, мени ўзига бутунлай банди қилиб қўйди. Эртаю кеч унинг пешсаҳналарини ўйлайман, актёр танлайман. Ниҳоят, ишни бошлаб ҳам юбордик. Бироқ телевидение маъмурияти «Фауст»ни ҳатто Москвада ҳам саҳналаштиришга журъат этишмаган деган баҳона билан телеспектакль устидаги ишимизни тўхтатиб қўйишди. Неча кунгача ўзимга келолмай юрдим. Хайриятки, мен роль тақсимлаган актёрлар ҳам бу орада «Фауст» билан «оғриб» улгуришган эди! Театрда-ку, режиссёр плайдан ташқари спектакль қўйиш шароитига эга. Телевидение имкониятлари билан ҳисоблашилса, бу жуда мушкул вазифа. Шунга қарамасдан, биз уни экранга чиқаришга қатъий қарор қилдик. Тинимсиз ўрганиш ҳам изланишлар, машаққатлар эвазига «Фауст»ни тайёрладик. Актёрлар завқ ва ҳаяжон билан ишлаганликлари учун

елкамиздаги оғир юк унчалик сезилмади. Операторларга илтимос қилиб, дам олиш кунлари, баъзан эса ишдан кейин қолиб, спектаклни видеолентга кўчирдик. Кутилмаганда, Бадий совет заҳматларимиз мевасини яхши баҳолади.

Т. МИРЗО. Ҳақиқатан ҳам, ўз вақтида «Фауст» индивидуал режиссёрлик услубингизни намойиш этган программ спектакль бўлган эди. Образлар ечимидан тортиб, рамзий ифодаларгача гоёт санъаткорона топилган бу телеспектаклнинг экранда кўрсатилганига ўн йилча бўлди. Бироқ Фауст ва Мефистофель қиёфалари ҳамон кўз олдимда. Мефистофель ролининг ижрочиси Теша Мўминов менимча кўпчилик учун ана шу спектаклда кашф этилган. Бироқ унинг театр ва телевидениедаги кейинги ўнлаб роллари ўз имконияти ва истеъдоди даражасида эмас. Шунингдек, сиз экранга олиб чиққан «Манфред» телеспектаклидаги бош роль ижрочиси Шухрат Расуллов ҳам фалсафий мушоҳада қилиш, драматик ҳолатларни маромига етказиб ижро этиш қобилияти мавжуд эди. Афсуски, Манфред унинг ҳам бу йўналишдаги биринчи ва ҳозирча ягона роли бўлиб қолди.

Х. ҚАҲРАМОНОВ. Менимча, Теша Мўминовда ҳали ҳам Мефистофель сингари катта ролларни ижро этгудек қобилият бор. Маълумки, актёр ролдан ролга ўсиб бориши, ҳар бир янги ролнинг бадий «вазни» ҳам салмоқли бўлиши лозим. Ана шунда биз кўпчилик актёрларимиз ҳақида сўз кетганда, «ҳа, бир-иккита яхши роль ўйнаган», деб қўя қолмаймиз. Актёр ўзини кўпроқ классик асарларда синаб кўриши керак. Классик асар актёрни тарбиялайди, айти пайтда у маҳорат мактаби ҳамдир.

Т. МИРЗО. Сиз ҳам шунинг учун кўпроқ классик асарларга мурожаат этаркансиз-да? А. Пушкиннинг «Лўлилар», «Евгений Онегин», «Қизганчиқ рицарь», «Мис чавадоз», «Анжело», М. Лермонтовнинг «Демон», В. Богонинг «Қиролнинг дилхуши», Стендалнинг «Ванина Ванини», П. Мерименинг «Осмон ва дўзах», «Матео Фольконе», алқисса, ўнлаб классик асарлар телестановкасини сизнинг режиссурангизда кўрганмиз.

Х. ҚАҲРАМОНОВ. Классик асарни тарих кўзгуси дейдилар. Аммо унда бугунги кун ва эртаю кеч ҳам баъзан кўзгудагидек акс этади. Масалан, Эврипиднинг «Медея»сига XX аср режиссёри граждалик позициясидан ёндашса, ундан давримиз учун зарур, долзарб масалалар инъикосини топади. Бир сўз билан айтганда, классик асар инсоният яратган бадий-эстетик концепциялар синтези, инсонийлик илмидир.

1968 йили улуғ Навоий туғилган куннинг 525 йиллигига бағишланган телеспектакль ва қатор адабий кўрсатувларга режиссёрлик қилдим. Ана шу жараёнда мен классик асар қудратига яна бир қарра ва тўла имон келтирганман. Юбилей кунларида Шарқнинг улкан, заҳматкаш олими Ҳамид Сулаймон билан Самарқанд, Бухоро, Москва ҳамда Ленинградга сафар қилдик. Москвада ҳайкалтарош Герасимов санъати ва унинг тафсилотлари ҳақида батафсил суҳбатлашгач, Ленинградга ўтдик. Алоҳида таъкидлаб айтиш керакки, 1941 йили улуғ Навоийнинг 500 йиллик тўйи фақат қамалдаги шаҳар — Ленинграддагина нишонланган экан! Эрмитаж директори, академик Б. Пиотровский бу ҳақда гоёт ҳаяжон билан ҳикоя қилиб берди. Ленинградлик шоирлар юбилейга атаб, Навоийдан янги таржималар тайёрлаган бўлсалар, рассомлар буюк шоир портрети ва

унинг асарларига суратлар чизишган. Ут ва олов ичидаги Ленинград улуг ўзбек шоири юбилейга жиддий ҳозирлик кўрган. Айни пайтда очлик ва азобдан тинкаси қуриган ленинградликларни ўлмас Навоий руҳи қўллаган. Улуг шоир байтларини эшитар экан, улар бир лаҳза бўлса-да, шаҳарни қуршаган лаънати фашистлар ваҳшийликларини унутиб, шеърятдек мўъжиза сеҳрига дил беришган. Айни юбилей кечаси ўтаётган пайтда, Эрмитаж ҳовлисиغا снарядлар тушиб портлай бошлаган. Ҳатто шеър ўқиладиган залнинг ойна деворлари синган. Даҳшатдан баъзилар ваҳимага тушиб, қоча бошлаган. Шу тўпололда рассом Мок: «Менинг суратларимни ким кўради?!» деб бақирибди. Уша замони чиқиб кетаётганлар ҳайратдан қотиб, қайтиб киришган. Ташқарида бомбалар портлаган, ичкарида бобокалонимиз шеърлари ундан ҳам баландроқ янграган!..

Академик Б. Пиотровский ўша юбилей ҳақидаги фото ва ҳужжатларни кўрсатди. Шундай қилиб, Ленинград телевидениесига, улкан олимлар иштирокида, Навоий ҳақидаги навбатдаги телекўрсатувни тайёрладик.

Т. МИРЗО. Яқинда эса Ўзбекистон телевидениеси Навоий ҳақида тўққиз қисмли видеофильм тайёрлади. Бу фильм ҳақида Сиз қандай фикрдасиз?

Ҳ. ҚАҲРАМОНОВ. Улуг халқ мутафаккири ҳақида фильм яратиш шубҳасиз хайрли иш. Айниқса, бундай фильмларнинг ҳали классик адабиётимизни тўла билмасдан туриб, енгил-елли китобларга ўч бўлиб кетаётган айрим ёшларни тарбиялашдаги хизмати каттадир. Аммо бунинг учун режиссура ва ижро маданияти гоят юксак бўлиши керак!..

Т. МИРЗО. Айни видеофильмда айрим декорация (масалан, сарой саҳнаси) ва айниқса кийим ўша давр маданиятига хос, яхши танланган. Аслида эса ижро ва режиссурани ҳам баланд савияда, деб бўлмайди. Умуман, кейинги пайтларда кўп серияли видеофильмлар тайёрлаш одат тусига кирмоқда. Марказий телевидениеда ҳам ўнлаб ана шундай фильмлар вужудга келди. А. Толстойнинг «Сарсонлик-саргардонликда» романи асосидаги кўп серияли телевизион фильм экранга чиқарилгач, «Литературная газета» саҳифаларида мазкур фильм ҳақида мунозаралар бошланди. Анча аввал шу асар асосида «Мосфильм» киностудиясида суратга олинган икки серияли фильм

билан саккиз серияли телевизион фильм таққосланди. Кўпчилик мутахассислар икки серияли фильмни бадий жihatдан мукамалроқ деб топишди. Бениҳтиёр, биз ҳам хаёлан Алишер Навоий ҳақидаги фильмларни солиштира бошлаймиз ва бизнингча ҳам, ўзбек кинематографиясининг классик намуналаридан бўлган, бир серияли «Алишер Навоий» фильми тўққиз серияли видеофильмдан ҳамон юксакдир. Видеофильмда Ойбекнинг салобатли, фалсафий тили анча бузилган. Кўпгина актёрлар сўзларини бузиб, нотўғри талаффуз этадилар.

Ҳ. ҚАҲРАМОНОВ. Тилдан гап кетса, юрагимнинг чуқур-чуқур еригача огрийди. Мен телевизор театрларимизни оқламайман. Уларда юқорида айтганимдек республика театрларининг турли актёрлари муваққат бир дамга тўпланиб иштирок этадилар.

Аммо бу нарса тилни бузиб талаффуз этишга ҳеч бир ҳуқуқ бермайди-ку.

Маннон Уйғур ва Етим Бобожоннинг ҳар бир сўз, ҳар бир товуш устида жиддий ишлаганликларини эслайлик. Ҳатто рус режиссёри А. Гинзбург ҳам театрда, консультантлар воситасида, ўзбек тилининг софлиги учун курашган-ку?

Т. МИРЗО. Бизга малакали, замонавий дунёқараши кенг режиссёрлар керак. Ҳозирда телестудиянинг қатор редакциялари, жумладан, «Адабий кўрсатувлар», «Ешлик», «Боалар ва ўсмирлар» редакциялари, ҳатто ўқув программалари кўрсатуви орқали ҳам тез-тез спектакллар, драмадан парчалар, инсценировкалар кўрсатиб турилади. Бироқ бу спектакллар ва парчаларнинг ижро савияси, актёр ва режиссёр талқини гирт кўнгилдагидек эмас. Телевидение спектаклларини белгилловчи умумий мезон йўқ. Бизнингча, бу спектакллар савиясини ошириш учун қайсибир редакция умумий раҳбарлиқни қўлга олиши, шундан сўнггина мунтазам ва муттасил равишда иш бошлаши лозим.

Ҳ. ҚАҲРАМОНОВ. Жуда тўғри гап. Партия ва ҳукуматимизнинг театр санъатини ривожлантириш ҳақидаги қарорлари бевосита бизга ҳам тааллуқли. Талабчанлик! Замонавий ҳамда классик телевизион спектакллар савиясини юксак даражага кўтариш учун кураш! Бугунги куннинг шоири биз режиссёрлар учун ана шундай бўлмоғи керак.



## Ян Судрабкалн

Латвия ССР

### Рус халқига

Хотира кўзи билан мозийга боқса башар,  
Илғай олса нелар бор замон-замондан нари, —  
Славянлик эмани абадул-абад яшар,  
Шохлар аро олтиндай товланар мевалари.

Афсонавий қушларнинг нашъу намоси шунда,  
Югурар настда жилга — серишва, асов, учқур.  
Ул эманнинг бир учи бўлса нилий очунда,  
Бир учи — илдизлари заминга ботган чуқур.

О, рус қалби! Ажиб бир сеҳру ва меҳр билан  
Эзгулик, адолатга даъватдирсан сен мудом.  
Ут ташласа дилларга шоир оташ шеър билан,  
Чўпон поклиги билан дилларни айлайди ром.

Мазлумларга дардкашу золимларга бешафқат —  
Фарзандлар туғиб бисёр, курашларга чоғладинг.  
Рус диёри! Еғмасин бошингга қанча офат,  
Довулларнинг сўнггида омон қолди боғларинг.

Исканжасида азоб-уқубатнинг чиниққан,  
Зобитларга неча бор кўтариб чиққансан тиг —  
Уз қўлида ўз эрки, истибдод тахтин йиққан,  
Қўлларнинг вовайлоси янграмас бунда ортиқ.

Данагингда кўкардинг — минг йиллик орзу, армон,  
Чиримади тупроқда, кемирмади ҳашарот.  
Кетмоқдамиз якқадам ёрқин бир манзил томон —  
Улуғ Лениннинг ўзи қилган уни башорат.

Қонсираган фашистнинг йўлларига жонли гов —  
Ҳимояга отланди, мана, бугун қари-ёш.  
Ярадор махлуқ каби уввос тортар тунда ёв,  
Утли найзаларингнинг зарбига беролмай дош.

Кун келади,  
кун келур,

зулмат чоки сўкилур,  
Олам яна мунаввар бўлғай қалбинг тафтидан.  
Қаро бўлар душманнинг юзи, лағнат ўқилур,  
Қадоқлар ҳам кетгуси жангчиларнинг кафтидан.  
Ҳад-ҳисоби йўқ гарчи оқаётган тер, қоннинг,  
То тириксан, ҳа, сени марди майдон кўргайлар.  
Тонг ёғдуси ол рангга бўлганда осмонни  
Эврилади бошингда олқаб сени тўргайлар.

Зафар айёми яқин, обод уйингда у кун  
Шоҳона либосларда қондошларинг бўлғай жам,  
Барча эл-элатларга дастурхон ёзиб тўкин  
Ер-дўстлар даврасида ўлтирасан шод-хуррам.

Рус санъати, тилида жозибора бор, қудрат бор,  
Туйғулар алангаси, тафаккурнинг парвози.  
Янграр унда азалдан эрк муждаси жарангдор,  
Башорат қилган уни Пушкиннинг ўлмас сози.

Уясига ошиққан арилар галасидек  
О, Россия халқлари, сизга талпинур жаҳон.  
Бир тан, бир жон сиз билан кимки истар бахту эрк,  
Таслим бўлар, албатта, бир кун мурдор аждаҳо.

Озодликнинг ям-яшил бутуқлари эгилар  
Улуғ Ғалаба кунини шаҳидларнинг бошига.  
Ва бир умр шовуллаб рус эмани эрксевар,  
Тинчликсевар халқларни чорлайверар қошига.

Ўржуми, 1941 йил

Муҳаммад РАҲМОН таржимаси



## Ғалим Сеитназаров

ҚҚАССР

### Элликқалъа

#### 1. ДАШТ УЛКАСИ

Не кечарди саҳронинг ҳоли,  
Бўлмаганда тинсиз одамзод,  
Бир замонлар шавкату шонли  
Қумтепани унутган авлод.

Эҳтимолки, қадим-қадимда  
Утган бунда кўчманчи аждод;  
Чодир тикиб ҳар бир қадамда,  
Кенгликлардан кутгандир нажот?!

Тепаликлар — шум шамолларнинг  
Қумдан қурган қўргонидир бу.  
Балки, улар — чўнг шаҳарларнинг  
Кулга тўлган тўзонидир бу?

Харобалар — ё меҳмон қисмат  
Езиб кетган мунглиг қиссалар?  
Юрт донғи деб чекканлар заҳмат  
Балки, бунда  
Буюк усталар?

Балки, шундай...  
Саҳролар ўсди  
Аччиқ, чангли ёвшонлар билан.  
Биз — меҳмон-мас, турғунмиз, дўстим,  
Эллиққалға, армонлар билан.

Ганж сақланган сандиқ мисоли  
Сирларингни сақлайсан ҳамон?  
Қулфларингга биз калит солиб,  
Тилсимингни айлаймиз аён.

Даштлар юрғи,  
Чўллар, уйғонинг,  
Энди сизга бермаймиз омон.

Не кечарди одамсиз саҳро,  
Саҳросиз не қиларди Инсон!



## II. БОҒЛАР

Тўрт ёнга боқаман: бу жойдан  
Бир пайт сариқ шамоллар эсиб,  
Майсаларни даштлардан ҳайдаб  
Кетар эди. Кун борар қизиб.

Енаётган чанглар булуғи  
Кўчар эди қумлари билан...  
Биз-чи, яйдоқ даштни қондирдик  
Тяншоннинг сувлари билан.

Боғлар ўсди, ўтди йиллар ҳам,  
Дарахтларда мевалар бўлиқ.  
Марҳаматли бўлди еллар ҳам  
Ариқлардан тинглагач қўшиқ.

Шамол эсар — куй чалади у,  
Кўк дарахтлар — унинг шўх сози.  
Бу даштларда янграйди мангу  
Бутоқларнинг тирик овози.

Мирза КЕНЖАБОВ  
таржимаси



Бедор тош.

А. ЖУМАЕВ фотоси



# ЯНГИ ЙИЛДАН БОШЛАБ...

Янги йил рекламаси



урматли граждандлар, ёдингизда тутинг, янги йилдан бошлаб: Порахўрлар олган пораларини икки хисса қилиб эгаларига қайтариб беришади;

Хушёрхоналар ишламайди. Шу сабабли кўчада тентираб ётиб қолган арақхўрларни олиб кетиш гаранцияланмайди;

Сувфуруш, пивофурушлар зиммасига бир тийин, икки тийин қайтимларни қайтариб бериш вазифаси юклатилиб, «Агар тийиндан уриб қолсам тешиб чиқсин» дея қасамёд қилдирилади;

Чайқовчилар ўртасида магазиннинг орқа эшигидан тез кириб чиқиш бўйича халқаро мусобақа ўтказилади. Голиблар телевизорда кўрсатилади;

Хушомадгўйлар учун қоринга, бўйинга кўядиган махсус тахтакачлар ишлаб чиқарилади. Бундай тахтакачлар қоматни тик тутиб туриш имконини беради;

Институтга кириш имтиҳонлари пайтида абитуриентлар фақат ота-онаси билангина эмас, амма-хола, қариндош-уруғ, маҳалла-кўй билан қатнашади. Мазкур шартларга амал қилмаганларнинг ҳужжати қабул қилинмайди;

Гап ташувчилар диққати! Ходимларнинг сиридан бошлиқларни воқиф қилиб турадиган телепатик аппарат ишлаб чиқарилади. Бу аппарат воситасида сиз бошлиқнинг хонасига кириб ўтирмай, ўз хонангиздан туриб гапни узатиб юбориш имкониятига эга бўласиз;

Ҳасадгўйларга қовурилмаган, хом овқат бериш йўлга қўйилади. Уларнинг организмда ҳасад ўти борлиги сабабли овқатни пишириб ейиш шарт эмас.

Янги йил қулайликларидан фойдаланинг, сизга хизмат қилишдан мамнунмиз!

**Абдугани АБДУВАЛИЕВ,**  
наманганлик рекламашунос

## КЕРАК, КЕРАК...



йрим мамлакат одамлари Янги йил арафасида уйлардаги барча эски-туски лаш-лушларни ташлаб юборишар экан. Мана шу одат менга ёқиб қолди. Тўғри-да, «керак, керак» деб турли нарсаларни кўпайтираверасиз, хоналарнинг деворлари эса темир-бетондан — кенгаймайди. Ҳар Янги йилда буюм, кийим-кечакларнинг сарагини саракка ажратиб олишга нима етсин!

Фикримни хотинимга айтувдим, дарров қувватлади. Енг шимариб ишга шайландик.

— Манови эски туфлилардан бошлаймиз,— дедим мен тиржайиб, қийшайиб ётган туфлиларга қўл чўзиб.

— Йўқ, булар туратурсин,— эътироз билдирди хотиним.— Лойгарчиликда дўконга чиқиб келишга ярайди.

— Шимлар-чи? Бирор нарса олмақчи бўлсам, чувалашиб жонга тегяпти.

— Керак бўлади. Томорқага қараганингизда кияяпсиз-ку,— унамади у.— Манови коляскани ташлаворамиз.

— Кейинроқ. Болт, гайка, трубаларини олиб қўяй... Кастрюлкадан қаҳрамонларча воз кечамиз. Таги тешилган-а?

— Э, унга гул ўтқазамиз. Сизнинг радиоприёмнигингизни чиқариб ташлайлик. Тўрт йилдан бери бекорга жойни олиб ётибди.

— Йў-ўқ, эҳтиёт қисмлари керак бўлади.

— Вентиллятор-чи?

— Унинг ҳам мотори асқотади... Мана бу нима? Шолчанинг бўлагими?

— Тураверсин, эшикнинг тагига солиб қўяман,— шолчани тортти олди хотиним.— Шишаларингизни йўқотинг, шириққлай-вериб жонга тегди.

— Нима деяпсан?! Бунинг турган-битгани пул-ку! Узингнинг банкаларингни йўқот.

— Ҳо, қишда «тузланган бодрингдан опке» дейишга бесуаяксиз-а! Ундан кўра, манови темир-терсақларингизни чиқариб ташланг.

Ҳазабим кўзиди.

— Темир-терсақ эмиш! Ваннанинг суви тортмай қолса, чироқ ёнмаса ёки бошқа нарса бузилса мана шу темир-терсақ асқотади. Шкафни йўқотамиз!

— Олдин янгилисини олиб келиб қўйинг, кейин йўқотасиз. Мана бу занглаган болта нима қилиб ётибди? Худди ўтин ёрадигандай...

— Қўйиб қўй. Гўшт майдалашга керак бўлади.

Каталақдай омборчамиз остин-устун бўлиб кетди. Битта одам зўрға сиғади у ерга. Шунинг учун талашиб, навбатманавбат бош суқиб, буюмларни тортқилардик. Мен катта қоғоз кутини судраб чиқдим.

— Қўйинг,— деди хотиним,— қанча нарсани саранжомлаб турибди.

— Манови латталар-чи?— сўрадим умид билан.

— Пол артаман... Симларни нима қиласиз? Уралашмай ўлсин.

— Керак бўлади... Шляпаларни ташлаб юбориш керак,— куя еб илма-тешиқ қилган учта шляпани суғурдим.

— Бош кийимни ташлаш мумкинмас ахир!

— Болаларнинг ўйинчоқлари ҳам жонга тегди-да! Шуларнинг дастидан оёқ босолмайсан...

— Энди шўрлилар ўйинчоқ ҳам ўйнамасинми... Чирик ром, миҳларни нима қиласиз?

— Балконни иккига Сўламан деяпман-ку! Мана, мана шу пальто уч йилдан бери бекорга осилиб ётибди.

— Узингиз кийган пальтони қанақа қилиб ташлайсиз?

Ахлатхонада ётишини бир кўз олдингизга келтиринг-а!  
— Энг кўп жойни банд қилган — бешик...

— Нима?! Бешикни ҳам ташлайдими, инсон!

— Ҳа майли, ҳаммаси тураверсин,— дея хотинимни юпатдим бўшашиб.

Ҳеч нарсани чиқариб ташлаб бўлмагач, ўзим чиқиб кетдим. Янги йилни кутиб олиш учун ул-бул харид қилиб келишим керак эди.

Ориф ФАРМОН

# ЎРТОҚЛИК ҲАЗИЛЛАРИ



Улуғбек МУСАЕВ  
композитор,  
Ҳамза номидаги Республика  
давлат мукофоти лауреати

Вақтни енгиб,  
Улуғбек — устод  
Мунажжимлик қилганда ҳануз,  
Сени кўргач,  
Бўлур эди шод  
Кашф этдим, деб яна бир юлдуз.



Мавлуда ЖУМАНОВА  
Наманган область Поп районидаги «Тошкент»  
совхозининг сут соғувчиси

Попнинг этагидан ўтар Сирдарё,  
Ёнида туғилди яна бир дарё:  
Сув сўраб борганга сут тутар оппоқ,  
Сут сўраб келганнинг насиби — қаймоқ.  
Шундай қўли ширин қизлари билан  
Бу ўлка ҳурмати ҳамиша баланд!



Баҳодир ЖАЛОЛОВ,  
рассом,  
Ўзбекистон Ленин комсомоли  
мукофоти лауреати

Сиз урганга мўйқалам,  
Қоя балқиб кетади.  
Қоядан ҳам мустақкам  
Диллар қалқиб кетади.  
Ҳаётга ясанг тўсин  
Энг баҳорий ҳислардан.  
Сиздан яратмоқ бўлсин,  
Завққа тўлмоқ — бизлардан.



Тоҳир МАЛИК,  
ёзувчи,  
Ғафур Ғулом мукофоти лауреати

Илҳоми фазода кезиб юради,  
Ғаройиб лавҳалар чизиб юради.  
Шунда ҳам у Ердан узмайди оёқ,  
Ернинг томирини сезиб туради.

Ҳазиллар муаллифи  
Ҳусниддин ШАРИПОВ

Расмларни Ҳ. СОЛИҲОВ чизган

## АВТОРЛАРИМИЗ

**Эргашали АБДУЛЛАЕВ.** 1941 йили туғилган. 1965 йили Муқимий номидаги Қўқон Давлат педагогика институтини тамомлаган. Урта мактабда ўқитувчи, директор бўлиб ишлаган. 1974 йилдан бери Киров районидаги «Октябрь 40 йиллиги» қишлоқ совети раисининг муовини. Шеърлари вақтли матбуотда эълон қилинган.

**Юрий АНДРЕЕВ.** Таниқли рус адабиётшуноси, филология фанлари доктори. Москва шаҳрида яшаб ижод қилади.

**Малика МИРЗАЕВА.** 1940 йили Фарғона районидаги Олтиариқ қишлоғида туғилган. 1963 йили Улугбек номидаги Фарғона Давлат педагогика институтини тугатган. Унинг «Водий кўшиқлари» (1967 й.), «Дилхи-роҳ» (1975 й.), «Саодатим» (1980 й.) шеърый китоблари босилган. Узбе-

кистон ССР Езувчилар союзи Фарғона область бўлимнинг масъул котиби.

**Ҳабибулла САИДҒАНИЕВ.** Қўқонда туғилган. Муқимий номидаги Қўқон Давлат педагогика институтининг рус тили ва адабиёти факультетини тамомлаган. «Менинг оппоқ далам» деган шеърый тўплами чоп этилган.

**Анвар ОБИДЖОН.** 1947 йили Фарғона областининг Олтиариқ районида туғилган. В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетини битирган. «Она ер», «Баҳромнинг ҳикоялари» каби шеърый ҳамда «Оловжон ва унинг дўстлари», «Эй, ёруғ дунё...» каби насрий тўпламларининг муаллифи. «Еш гвардия» нашриётида ишлайди.

## АВТОРЛАРИМИЗ



«Сирли» гап.

Н. ШАРИПОВ фотоэюди

«Ешлик» («Молодость») — ежемесячный литературно-художественный, общественно-политический журнал

На узбекском языке

Орган Союза писателей  
Узбекской ССР

Рассом: Ҳ. СОЛИҲОВ

Техник редактор: В. УРУСОВА

Корректор: Урдабек ҲОШИМОВ

Адресимиз: 700000, Тошкент-П  
Ленин кўчаси, 41

Телефонлар:

Бош редактор ўринбосари —  
32-54-73

Масъул секретарь — 32-56-27

Проза бўлими — 32-57-34

Шеърый, адабий танқид ва санъат  
бўлимлари — 32-56-41

Ижтимоий-сиёсий бўлим —  
32-54-73

Редакция ҳажми 12 босма листдан ортиқ роман ва 8 босма листдан зиёд қиссалар кўлёмасини қабул қилмайди. Бир босма листгача бўлган асарлар авторларига қайтарилмайди. Редакция ўз тавсиясига кўра амалга оширилган таржима асарлар кўлёмаларининг қабул қилади.

Жўрналдан кўчириб босилганда, «Ешлик»дан олинди» деб изоҳланиши шарт.

Босмахонага 29.11.83 й. да туширилди. Босишга 27.12.83 й. да рухсат берилди. Р — 07483. Қоғоз формати 84×108<sup>1</sup>/<sub>16</sub>. Қоғоз ҳажми 5,25 лист. Шартли босма листи 8,82. Нашриёт ҳисоб листи 12,6. Тиражи 148333 нусха. Буюртма № 2243. Баҳоси 50 тийин.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Еш гвардия» нашриёти.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент, 700029. «Правда Востока» кўчаси, 26.

© «ЕШЛИК» № 1, 1984.

«Еш гвардия» нашриёти.